

У.ЖҮРӘЕВ, И. САИДЖОНОВ



ДУНЁ ДИНЛАРИ ТАРИХИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

У.Т. ЖЎРАЕВ, Й.С. САИДЖОНОВ

ДУНЁ
ДИНЛАРИ ТАРИХИ

*Умумтаълим ва янги турдаги мактаблар
ўқувчилари учун ўқув қўлланма*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1998 ЙИЛ

Масъул мұҳаррир:
тарих фанлари доктори, профессор К.НОРМАТОВ

Тақризчиляр:

тарих фанлари номзоди, доцент А.САЙФУДДИНОВ,

Тошкент вилояти

педагогик ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти

ижтимоий фанлар кафедрасининг катта үқитувчиси Ф.ФИЕСОВ.

халқ маорифи аълочиси Й.НУРХҮЖАЕВ

Жўраев У.Т., Сайджонов Й.С.

Дунё динлари тарихи: Уқув кўллашма // Масъул мұҳаррир: К.Норматов /. — Ташкент: «Шарқ», 1998. — 176 б.

Сарл олдида: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази.

1. Автордош.

ББК 86.3я721

© «Шарқ» нашриёт-матбаа
концернининг
Бош таҳририяти,
1998.

СҮЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Конгаши 1991 йилда «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисида»ғи Қонунни қабул қылған эди. Мазкур Қонун фуқароларнинг муайян динга ски бошқа бир зытика үз муносабатини белгилаш ва ифодалаш ҳамда ҳеч қандай монеликсиз динга зытика қилиш ва диний расм-русумларни адо этиш ҳуқуқларини таъминлайди, ижтимоий адолат ва тенгликни, фуқароларнинг динга муносабатидан қатыназар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиншини кафолатлайди, диний ташкилотларнинг фаолияти билан бөглиқ муносабатларни тартибга солиб туради.

Қонун қабул қылинганидан кейин Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 1992/1993 үкүв йилидан бошлаб умумтаълим мактабларыда ва янги турдаги мактабларда «Дунё динлари тарихи» курсини ўқитишни жорий этди.

«Дунё динлари тарихи» ўқитилаёттан бўлса-да, бу курсда фойдаланиладиган дарслик ёки қулланма ҳозирча яратилгани йўқ. Биз мавжуд аҳволни ҳисобга олган ҳолда зытиборингизга ҳавола қилинаёттан қулланмани тайёрлашга журъат этдик.

Дастлабки уринишлардан бири сифатида мазкур қулланманинг ҳамкасларимизга ва ўқувчиларга жиндай бўлса-да нафи тегса, савобли ишни бажардик, дея мамнун бўлардик. Дарвоҷе, унинг тузилиши ва мундарижаси хусусида узларининг қимматли мулоҳазалари ва таклифларини билдирадиган ҳамкасларимизга олдиндан миннатдорчиллик изҳор этамиз.

МУАЛЛИФЛАР

I боб.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИН

Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йулга бошламайди. Дин бу дунёнинг уткинчи эканини, охиратни зедатиб туради, одам боласини хушёр булишга, харом йуллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундан туради.

И.А. КАРИМОВ.

1. «ДУНЁ ДИНЛАРИ ТАРИХИ» КУРСИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ҳар қандай уқув курсининг мақсад ва вазифалари бўлганидек, «Дунё динлари тарихи» курсининг ҳам мақсад ва вазифалари мавжуд.

Маълумки, Узбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида дин эмас, динлар тарихи ўрганилади.

«Дунё динлари тарихи» курсининг асосий мақсади қўйидагилардир:

— Дин нима ва у қандай пайдо бўлган, нега у яшайди, деган саволга жавоб бериш.

— Диннинг ижтимоий-иктисодий, гносологик ва психологик илдизлари ҳақида билим бериш.

— Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий, рухий вазифалари ҳақида билим бериш.

— Ибтидоий, ҳалқ-миллий ва жаҳон динлари тарихи ҳақида маълумот бериш.

— Ҳалқ-миллий ва жаҳон динлари асослари ҳақида маълумотлар бериш.

— Диннинг моҳияти ва унинг кишилик жамияти тараққиёти турли босқичларида тутган мавқеи ҳақида маълумотлар бериш.

— Жамиятни маънавий камол топтиришда диний қадриятларнинг аҳамиятини ёритиш.

— Исломда Қуръони каримдан кейинги иккинчи манба ҳисобланган Ҳадис илмини ривожлантириш ишига улкан ҳисса қўшган ва бутун ислом олами тан олган улуғ бобокалонларимиз ҳаёти ва ижоди билан таништириш, ҳадисларнинг тарбиявий аҳамиятини кенг талқин этиш.

— Улуғ ҳамюртларимизнинг тасаввуф такомилида буюк хизматлари ҳақида билим бериш.

— Ислом динининг Марказий Осиё ҳалқлари маданиятига таъсири ҳақида маълумот бериш.

— Мустакил мамлакатимизда динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарғанлыги, диний, хусусан, исломий қадриятларни тиклаш йулида қилинаётган саъй-харакатлар ҳақида тушунчалар бериш.

— Дунёвий давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари ҳақида, Узбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисида»¹ ги Қонуниң мазмуни ҳамда шу сингари бошқа масалалар ҳақида тушунчалар бериш.

«Дунё динлари тарихи» курсининг юқорида бағн этилган мақсадлари бевосита унинг вазифаларини белгилаб беради.

Вазифалар эса «Дунё динлари тарихи» курси ёрдамда дин ҳақида ёш авлод онгидай Истиқлолта қадар шакллантирган биреклема ва маҳдуд қараашларни бартараф этишдан, инсоний хислатларни тарбиялашда диннинг катта аҳамиятга эга эканлигини күрсатышдан, Ислом ва бошқа динлар қадриятларига ҳурмат билан қарааш, уларни қадрлаш, бошқа динларга ва уларнинг вакилларига ҳурмат билан муносабатда булиш, Исломда тафсир, ҳадис илми ва суфийликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қушган улуғ ҳамюрларимиз билан фахрланиш каби юксак фазилатларни тарбиялашдан иборатдир.

2. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ТУШУНЧАСИННИҢ МАЗМУНИ, УНИНГ МОҲИЯТИ, ЎТМИШДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР

Виждон эркинлиги нима? Виждон эркинлиги — бу, фуқароларнинг уёки бу динга эътиқод қилиш ёхуд ҳеч қандай динга эътиқод қиласлик ҳуқуқидир. Узбекистон Конституциясининг 31-моддасида зикр этилганидек, «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлик ҳуқуқига эга. Диний қараашларни мажбуран синглиришга йўл қўйилмайди»¹. Демак, бирон-бир киши бошқа одамларга сен у динга, сен бу динга эътиқод қиласан ёки сенинг бирор динга эътиқод қилишига ҳаққинг йўк, сен бединсан деб айтольмайди ва у ёки бу

¹ Узбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Узбекистон». 1992. 15 бет.

ақидага бүйсунишга мажбур этолмайди. Ҳеч ким диндор кишини «Диний эътиқодингиздан қайтинг», деб ҳам мажбуrlай олмайди. Динга ишониш ёки ишонмаслик, диндор ёки даҳрий бўлиш ҳар кимнинг шахсий иши. Бу қонуний ҳуқуқ Узбекистон Конституцияси ҳамда Узбекистоннинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни билан кафолатланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1948 йилда ёқ қабул қиласан «Инсон ҳуқуқлари Декларацияси»да виждон эркинлиги ҳуқуқи инсоннинг энг нуфузли ҳуқуқларидан бири эканлиги қонунлаштирилган эди¹.

Бинобарин, виждон эркинлиги демократиянинг ажралмас таркибий қисмидир. Виждон эркинлиги дейилганда, айни пайтда фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги, барча динларнинг Қонун олдига тенглиги, динга эътиқод қилиш ёки қилмасликка нисбатан ҳеч қандай мажбурият йўқлиги, масжид, черков фойдасига мажбурий йигимлар тўплашнинг тақиқланганлиги, давлатнинг масжид, черков ички ишларига аралашмаслиги, диний эътиқодлар туфайли ўзаро адоват ва нафрат қўзғатишининг тақиқланиши ҳам тушунилади.

Виждон эркинлигининг кафолатлари нималардан иборат? Кафолатлар кўпқирралидир. Бу — аввало динларнинг ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилганлиги; барча фуқаролар учун маориф ва маданият эшикларининг очиқлиги; мактабнинг диндан ва диний ташкилотлардан ажратилганлиги; диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган муайян шароитларнинг яратиб берилганлигидан иборатdir.

Октябрь тўнтаришидан кейин сабиқ СССР давлати, шунингдек, иттифоқдош республикалар конституцияларида виждон эркинлиги масаласига ҳам муайян эътибор берилган эди, албатта. Масалан, Узбекистоннинг 1978 йилда қабул қилинган Конституциясининг виждон эркинлигига бағищланган 50-моддасида шундай деб ёзилган эди: «Ўзбекистон ССР гражданларининг виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки биронта динга ҳам эътиқод қилмаслик, диний маросимларни бажариш ҳуқуқи кафо-

¹ Каран: Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. «Адолат», Т., 1992 йил.

латланади. Диний эътиқодлар туфайли адоват ва нафрат қўзғатиш тақиқланади. Ўзбекистон ССРда дин давлатдан ва мактаб диндан ажратилган».

Асосий Қонуннинг ушбу талаблари амалда қандай бажарилган эди? Амалда Конституция талабларига риоя этилмади, аксинча, бу талаблар қўпол равища бузилди. Бу, уз навбатида, иккиюзламачиликни вужудга келтирди, яъни бир томондан виждан эркинлиги эълон қилинди, иккинчи томондан эса амалда виждан эркинлиги таъминланмади. Натижада одамлар уртасида муқаддас ҳисобланган меҳр-оқибат, иймон йўқолди. Ҳалқимизнинг мингийилликлар давомида таркиб топган урф-одатлари унутила бошланди.

3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ «ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЯНГИ ҚОНУНИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

Миллий мустақилликка эришиш ва давлат, жамият ҳаётини демократиялаш жараёни динга, диний ташкилотларга муносабатни ўзгартириш масаласини кун тартибига қўйган эди.

Динга муносабат амалда хайриҳоҳлик томонга ўзгарди ҳам. Айни замонда, диндан ўз мақсади йулида фойдаланишга уриниш, уни ягона ҳукмрон мафкурага айлантириш, ислом давлатини вужудга келтириш йулида ҳаракат қилувчилар ҳам пайдо бўлганлигини биламиз. Шундай бир қонунга эҳтиёж сезилдики, бу қонун янгича шароитда диннинг, диний ташкилотларнинг жамиятдаги ўрнини конкрет белгилаб бермоғи лозим эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йилда қабул қилган қонун «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» деб аталади.

Бу қонунда мамлакатимизда яшовчи барча ҳалқларнинг виждан эркинлиги, хоҳишистаклари, дунёқарашлари, динларнинг ўзига хос томонлари инобатга олинган. Қонуннинг 3-моддаси «Виждан эркинлиги ҳуқуқи» деб аталганким, бу тушунчанинг мазмуни хусусида биз юқорида тұхтаб үтдик.

Қонуннинг 4-моддаси «Фуқароларнинг динга муносабатидан қатыи назар тенг ҳуқуқлилиги» деб номланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон фуқаролари, динга

муносабатидан қатыи назар, қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилиши мумкин эмас, фуқаронинг ўзи шуни истаган ҳол эса бундан мустаснодир. Фукароларнинг динга муносабатига қараб, уларнинг ҳуқуқларини чеклаш ва уларга имтиёз белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш, уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди муносабати билан боғлиқ ҳис-туйгуларини ҳақорат қилиш, шунингдек, муқаддас қадамжо ҳисобланган диний иншоотларни (масжид, мадраса, мақбара) оёқости қилиш қонунга мувофиқ жазоланиши, ҳеч кимнинг ўз диний эътиқодига кура, қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан буйин товлаши мумкин эмаслиги каби масалалар мазкур моддада ўз ифодаси ни топган.

Қонуннинг 5-моддаси эса «Динларнинг ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилиши» деб номланган.

Хўш, бу ибора қандай маънони англатади? Бу дегани — мамлакатимизда динлар ва диний ташкилотлар давлат ишига аралашмайди, айни пайтда эса давлат диний ташкилотларнинг қонунларга зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди, демакдир. Шунингдек, бу ибора давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг қандайдир вазифаларини бажаришни юкламайди, диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди, давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийликни тарғиб қилишга оид фаолиятни маблағ билан таъминламайди, деган маънони ҳам англатади. Айни чорда қонуннинг мазкур моддаси давлат маблағи ҳисобига илмий тадқиқотлар олиб боришини чеклаб қўймайди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, улар жамиятдан ажратилмаган. Бинобарин, диний ташкилотлар ижтимоий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Диний ташкилотларнинг ходимлари ҳам барча фуқаролар билан баб-баравар сиёсий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Диний ташкилотлар ва диндорларнинг Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонунларига зид хатти-ҳаракат қилишлари мумкин эмас.

Қонунга кура, диний ташкилотлар сиёсий партиялар фаолиятида қатнашиш, сиёсий партияларга молиявий мадад кўрсатиш ҳуқуқига эга эмаслар. Шунингдек,

диний ташкилотлар, диндорлар ва бошқа фуқаролар диндан давлатга, Конституцияга қарши тарғибот олиб боришига, үзаро нифоқ, нафрат құзғатишига, миллаттаро адоват үйғотишига, қонуний равищда ва демократик йүл билан тузилган хокимият ва бошқарув идораларига ҳамда давлат вакилларига нисбатан ғайриқонуний усуллар билан тазийиқ үтказиш учун фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар ўртасида, турли эътиқоддаги диний ташкилотлар ўртасида үзаро муро-са ва ҳурмат ўрнатилишига құмаклашади. Шунингдек, давлат диний мугаассиблик ва виждон әрқинлигига хилоф экстремизмга, муносабатларни карама-қарши қуиши ва кескинлаштиришига каратилган хатти-ҳара-катларга йўл қуймайди.

Мазкур тартибларни бузганлар эса қонунга бино-ан жавобгарликка тортилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида Жиноят кодексининг 147-моддасида диний эътиқод масаласига душманлик билан муносабат оқибатида жамоат тартибининг бузилиши содир этилса, диний иншоотлар ноқонуний йўл билан эгал-лаб олинса, диний муросасизлик тарғиб этилса, З йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этиш белгиланган. Агар диний муросасизлик зўравонлик, қирғин билан содир этилса, шунингдек, бундай қонунга хилоф хатти-ҳара-катга балоғатга етмаганлар жалб этилса ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келса, З йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланади.

Диндорларни қандай диний адабиётлар, үқув адабиётлари билан таъминлашни диний ташкилотларнинг үzlари ҳал этадилар. Диний ташкилотлар ўз Низомларига асосан мустақил иш олиб борадилар. Диний ташкилотлар раҳбарларини ўз Низомлари асо-сида сайлайдилар ёки тайинлайдилар.

Конуннинг 6-моддаси ҳам жуда муҳимдир. Бу мод-да «Мактабни диндан ва диний ташкилотлардан ажра-тиш» деб аталган.

Буни қандай тушунмоқ керак? Буни қўйидагича тушунмоқ керак: бизда давлат үқув юртларида диний таълим берилмайди, яъни умумий таълим, урта маҳ-сус, олий билим юртлари үқув режаларига дин дарс сифатида киритилмайди. Чунки давлат билим юртла-ри дунёвий билимлар берувчи билим юртларилир.

Бироқ, бу фуқаролар диний таълим олиш ҳуқуқига эга эмаслар, деган гап эмас.

Хуш, диний таълим қай тариқа амалга оширилади? Конунга кўра, фуқаролар ўзлари истаган тилда диний таълим олишлари мумкин. Бундан ташқари, белгиланган тартибда рўйхатга олинган низомларга эга диний ташкилотлар уларга мувофиқ катта ёшдаги кишиларга ва болаларга диний таълим бериш учун ўқув юртлари ёки гурӯҳлари ташкил этиш, шунингдек, таълимни бошқа шаклларда олиб бориш ҳуқуқига эгадирлар. Бунинг учун улар ўзларига қарашли ёки ўзларига фойдаланиш учун бериб қўйилган бинолардан фойдаланишлари мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, болалар мактаб ёшига стгандагина диний таълимга жалб этилиши мумкин. Бунда ҳам ўқувчилар мактабдаги машгулотлардан кейингина, ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ёзма розилиги билангина, балоғат ёшига етганлар эса ўз хоҳишлирига кўра ташкилий равишда диний таълим олишлари мумкин. Умумтаълим мактабини ташлаб диний мактабга кетиб қолишга йўл қўйилмайди.

Диний мактаблар фақатгина расмий диний ташкилотлар қошидагина очилишига рухсат этилади, улардаги машгулотлар умумтаълим мактабларидағи машгулотлар тугагандан сўнг бошланади.

Конунда белгиланганидек, катта ёшдаги кишиларга ва болаларга диний таълим беришга фақат маҳсус диний маълумотга эга шахслар хақлидиirlар. Бунда улар ўз фаолиятини диний бошқарма ижозати билангина амалга оширишлари шарт.

Ўзича уқиб сабоқ олган ва ҳужжати бўлмаган, синовдан утмаган кишиларга хусусий тартибда диний сабоқ беришга рухсат этилмайди. Қайси туманда, шаҳарда ёки маҳаллада қандай диний мактаб очилганидан диний бошқарма ёки марказ хабардор булиши ва бу диний мактаблар назорат остида бўлмоғи лозим.

Юқорида айтилган тартибларнинг бузилиши қонунга мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади. Хусусан, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 222-моддаси «Диний таълим бериш тартибини бузиш» деб аталади. Мазкур моддага кўра, маҳсус диний маълумотга эга бўлмай туриб ҳамда диний бошқарма, марказнинг ижозатини олмай диний таълим бериш, шунингдек, хусусий тар-

тибда диний таълим бериш — энг кам ойлик иш ҳақининг 5 ҳиссасигача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Дунёвий умумий таълим мактабларида динлар тарихи, жумладан Ислом дини тарихи ўрганилади.

Қонундаги яна бир энг муҳим талаб — бу диний партиялар тузилишига йўл қуйилмаслиги ҳақидаги қоидадир (7-модда). Кейинчалик бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топди. Бинобарин, Конституциянинг 57-моддасида шундай қайд этилган: «Диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолият кўрсатиши тақиқланади»¹. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бу масала хусусида тұхталар экан: «...Биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтироқчимиз: дин ўз йули билан, давлат ўз йули билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият талашиб юришлар Худога ҳам сўмайди. Ислом дини инсонларни камтарликка, камсуқумликка ундейди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни коғир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, Худонинг узи ҳукм чиқаради», дейди.

4. ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНГА ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ЎЗГАРИШИ

Шуролар ҳукмронлиги йилларида биз Москва ва Россиянинг бошқа шаҳарларида яратилган, рус мактабларига мўлжалланган дарслик ва қўлланмалар асосида таълим олдик. Россия ва Европа тарихини кўпроқ ургандик, рус маданиятини кўпроқ таргиги этдик. Ўзбекистон тарихини эса қисман, рисолалар воситасида ўргандик.

Инсониятга Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Мирзо Улугбек, Али Қушчи, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби машҳури жаҳон даҳо олимлар ва шоирларимизни, Абу Абдул-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992. 19-бет.

² Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.. 1994. 15-бет.

лоҳ Муҳаммад ибн Исоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ас-Самарқандий ал-Дорамий каби улуғ муҳаддисларни тарбиялаб берган ислом маданияти эса реакцион маданият деб қораланди.

Совет давлати иккинчи жаҳон уруши йилларида гина динга ва диний ташкилотларга муносабатини ўзгартиришга мажбур булди. Чунки уруш даврида динга ишонувчилар ва даҳрийларни, давлат билан диний ташкилотларни бир-бирига қарама-қарши қуиши ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Чунончи, диндорлар ҳам урушнинг дастлабки кунлариданоқ, ўз ватанпарварлигини намоён этган эдилар. Буни шайқаслик ва инобатга олмаслик мумкин эмас эди. Натижада 1943 йилда православие черкови патриархлиги қайтадан тикланди. Ўша кезларда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкил этилди. Бухорода Мир Араб мадрасаси иш бошлади. Аммо булар совет давлатининг динга нисбатан муносабати туб моҳиятини ўзгартира олмади.

60-йиллардан бошлаб виждон эркинлигини амалга ошириш яна қийинлаша бошлади. 1961—1986 йилларда (25 йил давомида) сабиқ СССРдаги мусулмон диний уюшмаларининг сони 1546 тага камайиб кетди¹.

1984—1987 йилларда атиги 18 тагина масжид очилиди, холос². Хўш, бундай сиёsat юритиш билан жамиятда диндорлик камайишига эришилдими? Йўқ, амалда бунинг акси рўй берди.

Дин ва диний ташкилотлар яшамоқда. Бинобарин, Ислом дини 14 асрдан бери буюк ва ҳаётий таълимот сифатида инсонлар қалбидан жой олганини XX асрда ҳам исботлади.

Хўш, нега шундай? Авваламбор, Ислом дини (бошқа динлар ҳам) инсонлар уртасида маърифат тарқатади, инсонлар уртасида хуш ахлоқ-одоб, ақл-инсоф, меҳр-оқибат foяларини тарғиб қиласи. Одамларни ростгўй, диёнатли бўлишга даъват этади.

Президент И.А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлати ва ҳукумати дин ва диний ташкилотларга, диндорларга бўлган эски сиёsatни бутунлай инкор этдилар.

¹ «Наука и религии», 1987 йил, 11-сон, 23-бет.

² «Наука и религия», 1990 йил, 1-сон, 2-бет.

Эндиликда бу соҳага тамоман янгича қараш асосида, яъни умуминсоний қадриятлар, умумхалқ манфаатлари, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мамлакатда янгича, демократик ва инсонпарварлик муҳити барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро муносабатларни уйғулаштириш, кишиларнинг тинч, осоёишта яшашига пухта замин яратиш манфаатлари нуқтаи назаридан изчил ёндошилмоқда.

Ўзбекистонда виждон эркинлиги, дин, диний ташкилотлар ва диндорларга нисбатан давлат сиёсатида туб ўзгаришлар бўлганлиги нималарда намоён бўлмоқда?

Биринчидан, виждон эркинлиги масаласининг, давлат билан диний ташкилотлар ўртасида муносабат масаласининг мустаҳкам ҳуқуқий негизи яратилди. Бу ҳуқуқий негиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонундир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда фуқаролар ва диний ташкилотлар учун кафолатланган ҳуқуқий имкониятлар тула руёбга чиқарилмоқда. Диннинг мавқеи тикланаяпти, барча диний ўюшмаларга, мазҳаб ва жамоаларга қонун доирасида очик ва даҳлсиз фаолият курсатиш имконияти яратилмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон ҳукумати мусулмонларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб ислом дунёсининг муқаддас ёдгорликларини, тарихий обидаларни диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказди.

Туртинчидан, янги масжидлар очилмоқда, эскилари таъмирланмоқда

Бешинчидан, дин арбоблари ва руҳонийлар учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Диний ташкилотларга ўз даврий нашрларини чоп этиш йулидаги тўсиқлар олиб ташланди. Диний адабиётларнинг чоп этилиши сезиларли кўпайди. Хусусан, Қуръони карим ва ҳадислар узбек тилига таржима қилиниб чоп этилди.

Олтинчидан, ҳамюртларимиз Ҳажга ва Умрага, Макка ва Мадинани зиёрат, диний фарзни адо қилишга бориб келмоқдалар. Биргина мисол: мабодо, 80-йилларда бутун собиқ Иттифоқ бўйича 25-30 киши ҳажга борган бўлса, 1991 йилда Ўзбекистондан 1500 киши, 1992 йилда 4500 киши ҳаж сафарига борди. Йил сайин уларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Еттинчидан, республикамида мұқаддас Рамазон ва Қурбон ҳайтлари байрам күнлари деб эълон қилинди.

Саккизинчидан, диний ташкилотлар халқаро алоқаларни көнгайтириш имконига эга бўлдилар.

Тўққизинчидан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Диний ишлар қўмитаси ташкил этилди. Шунинг баробарида Халқаро Ислом тадқиқот Маркази фаолият курсатмоқда.

Ўнинчидан, машҳур диний арбобларнинг таваллудига багишланган юбилейлар ва анжуманлар катта тайёргарлик билан кенг кўламда нишонланмоқда.

Президент И.А. Каримов буюк аждодларимизни улуғлаш масаласи хусусида шундай деган эди: «Халқимизning тарихий хотираси ажойиб номларга бой. Кунгина алломаларимиз маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халқقا бағишиладилар. Буюк аждодларимизning улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдирни муносаб давом этишга лойиқдир»¹.

Номи, хотираси халқ хотирасида абадий яшашга ҳақли ва лойиқ бўлган буюк алломаларимиздан бири Абу Исо Мұхаммад ибн Исо ат-Термизийдир (Абу Абдуллоҳ Исмоил ал-Бухорийнинг шогирди). Очиги, бунингдек буюк аждодимиз борлигини Ўзбекистон ахолисининг асосий қисми билмас эди. Ваҳоланки, бундан 1200 йил олдин Ат-Термизий тўплаган ҳадислар кўп асрлардан буён авлоддан-авлодга утиб келганди. «Улар ўз долзарблигини сира йўқотган эмас», — дейди Ҳиндистондаги Ислом марказининг раҳбари Аҳмад Закарие.

1993 йилнинг 16-18 сентябрь кунлари тасаввуф илмининг султони, Ислом дини соғлиги йўлида хизмат қилувчи таълимотни яратган буюк аллома, бизни бутун оламга танитган улуғ олим, асрлар оша мусулмон оламида инсонларга «Шайх Баҳоуддин», «Хожаи Бузург», «Шоҳ Нақшбанд» ва бошқа мўътабар номлари билан машҳур бўлган улуғ бобокалонимиз Сайид Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллик юбилейи нишонланди.

Маълумки, 1389 йилда 73 ёшида вафот этган Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро шахри яқинидаги

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 1993 йил 18 сентябрь.

Қасри Орифонда дағн этилган. Турли даврларда Бұхорода ҳұмроңлық қилған мусулмон ҳұмдорлар Баҳоуддин Нақшбанд мозорини обод қилишни үз бурчи деб ҳисоблаганлар. Авлиәнинг мозори нажот-бахш муқаддас қадамжолардан бирига айланған әди.

Совет тузуми даврида бу мәймөрий мажмua ташландиқ ахволға тушиб қолди. Эл азиз тутган Баҳоуддин Нақшбанд халқ хотирасидан ўчирилишга маҳкум этилди. Бирок, одил вақт ҳеч қандай күч халқнинг тарихини ва тарихий хотирасини йўқота олмаслигини яна бир карра исботлади. 1991 йилнинг декабрь ойида Президентимиз И.А. Каримов илк бор Қасри Орифонга келиб, Нақшбанд ҳазратларининг хоки пойини зиёрат қилдилар. 1992 йилнинг 2 октябрида Юргашимиз авлие мақбарасига иккинчи маротаба зиёратга келди. Айни шу сана улуг авлие ва донишманд муборак номининг абадий тикланиши, хотирасининг халқимизга қайтарилиши санаси ҳисобланади. Чунки уша йилнинг 4 ноябрьида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш ҳақида» қарор қабул қилди.

Қарорда жумладан шундай дейилган әди: «Күплаб фуқаролар, уламолар ва Мовароуннаұр мусулмонлари идорасининг 1993 йилда Шарқ халқлари тафаккури тараққиётiga катта ҳисса құшған аллома Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидағи таклифлари қабул қилинсін».

Республика юбилей комиссияси тузилди. Бухордаги Баҳоуддин Нақшбанд мәймөрий мажмуаси тұла таъмирланды ва ободонлаштириш ишлари ҳали ҳам давом этмоқда.

1993 йилнинг 16-18 сентябрь кунлари улуг бобоказимизнинг 675 йиллиги түйи нишонланды. Мовароуннаұр мусулмонлари идорасининг нашри бұлмиш «Ислом нури» газетасида әйлон қилинган мақолада жумладан қыйидагиларни үқиймиз «...Тасаввүф — бу, содда қилиб айтганда, Ислом динимизнинг асосий манбалари бұлмиш Құръони карим ва Суннати Набавийяды келған улуг инсоний фазилатларни, одоб ва ахлоқни юқсак даражаларға күтаришга срдам берадиган, Аллоҳнинг муҳаббатини дунё ва барча борлық муҳаббатидан устун қўйишга ўргатадиган, барча разил сифатлардан покланишга олиб келалитан бир

таълимот дсмакдир... Нақшбандия тариқати эгаллашга чақирадиган сифатлар қуидагилардир:

1. Қуръони карим ва Ҳадис талабларига тұла риоя қилиш.

2. Ахли суннат ва жамоат ақидасига мувофиқ әзти-қодда бўлиш.

3. Қуръони карим ҳофизлари, уламолар, фуқаролар ва фуқароларни иззат-ҳурмат қилиш.

4. Дилни турли гина-адоват, ғиллу ғашлардан пок тутиш.

5. Нафсни түқ қилиб, очкүзлик балосидан қутулиш.

6. Құли очиқ, сахий бўлиш.

7. Очик чеҳра, хушмуомалали бўлиш.

8. Одамларга тили ва қули билан бирор озор ва азият етказмаслик.

9. Узига нисбатан қилинган ёмонлик, бесодоблик ва камчиликларни кечириб юбориш.

10. Каттаю кичикдан ўзининг фойдали насиҳат ва маслаҳатларини дариг тутмаслик.

11. Ҳеч ким билан адоват, хусумат ёки низо қилмаслик, балки муросасоз бўлиш.

12. Ўзидаги борига қаноат қилиб, ўзгаларнинг бойлигига кўз олайтирасмаслик, яъни таъмагир бўлмаслик.

13. Ўзининг барча ҳожатларини ёлғиз Аллоҳнинг ўзидан сўрашлиқ.

14. Халоскорлик ва нажот фақат ростгўйликда деб билиш.

15. Аллоҳга етишнинг ягона йўли Унинг пайғамбари Мұҳаммад алайҳиссаломга эргашиш билан эканлигига тұла ишонч ҳосил қилиш.

16. Ўзини ҳеч кимдан улуг ёки афзал деб билмаслик, балки ўзини бу оламда йўқ деган тасаввурга эга бўлиш.

17. Үнга ҳасад қилган ёки фитна қилган кишилардан уч олиш ўрнига уларни Аллоҳнинг ўзига ҳавола қилиш.

Бу тариқатнинг шундай машойихлари борким, улар ҳимматларининг олийлигидан тоғлар ҳам кичиклик қилиб қолади, деб рисолаларини тугатади аксарият тазкиранавислар.

Қаранг, муҳтарам жамоат! Агар шу фазилатларни ўзлаштирадиган олийҳиммат кишилар халқимиз ичидекүпайса, ахир, бу кимнинг фойдаси?!

1993 йилнинг 23-24 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг қарори билан дунё

¹ «Ислом нури» газетаси. 1993 йил, 30-сон.

муҳаддисларининг имоми, улуг юртдошимиз Имом ал-Бухорий таваллудининг 1220 йиллигига ва унинг ҳаёти, илмий меросини кенг тарғиб этишга багишланган «Имом Бухорий ҳаёти ва даври» мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов анжуман қатнашчилари га табрик мактуби йўллади. Унда жумладан бундай дейилган эди: «Ўзбекистонда туғилиб вояга етган алломамиз ҳадис илми ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан жаҳонга танилган, Ислом динининг бешиги — Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаvvара аҳлининг, дин пешволари ва олимларининг таҳсинига сазовор бўлган. Шу кунларда улуг бобомиз руҳини шод этиш, ҳаёти ва илмий меросини тарғиб қилиш борасида ўтказилаётган тадбирлар Имом Исмоил ал-Бухорий номи ва асарлари асрлар оша барҳаётлигидан далолатдир»¹.


Тошкент Ислом олий мактабининг Имом ал-Бухорий номи билан аталиши, 4 жилдли «Ҳадис», яъни «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) тўпламлари, шунингдек «Ал-адаб ал-муфрад» (Адаб дурданлари) китобининг ўзбек тилида нашр этилиши ҳам буюк алломага бўлган бекиёс ҳурмат-эътибор рамзи-дир.

1992 йил апрель ойида Президент И.А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Саудия Арабистонига расмий ташриф билан борди. Саудия Арабистони подшоси Фаҳд ибн Абдул Азиз ҳазрат олийлари эҳтиром ифодаси сифатида Юртбошимизга Каъбатуллоҳнинг устига ёпиладиган Кисва — каъба-пўшнинг бир парчасини ҳадя қилган эди. Президент И.А. Каримов ушбу Кисвани Имом ал-Бухорий масжидига тортиқ қилганларким, буюк алломанинг ёрқин хотираси ҳурматига курсатилган бу ҳурмат барча мусулмонларни кувонтириб юборди.

1993 йил эса Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилинди. Билганингиздек, Хожа Аҳмад Яссавий тасаввуф илмининг йирик намояндадаридан бири. 30 октябрда Тошкентда «Абадий қадриятлар ва Аҳмад Яссавий» мавзусида халқаро илмий-маърифий анжуман ўтказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 15 та диний конфессия фаолият курсатмоқда. Қонун доирасида уларга

¹ «Халқ сузи» газетаси. 1993 йил 23 октябрь.



тeng шароит яратиб берилган. Уларнинг қонунга мос истаклари руебга чиқарилмоқда. Масалан, 1997 йилда Республика Вазирлар Маҳкамаси Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимирнинг Муқаддас Успенский кафедриал собори ҳузурида диний-маъмурий марказ очиш, 1998 йилда эса Епархиянинг 125 йиллигини нишонлаш түгрисидаги таклифларини қўллаб-кувватлаб, бу борада тегишли қарорлар қабул қилганини фикримизнинг далилидир

Юқорида келтирилган мисолларнинг барчаси мустақил Ўзбекистон давлатида виждан эркинлиги тұла амалга оширилаётганлигининг исботидир.

Президент И.А. Каримов дин, давлат ва дин муносабатлари масалаларига доимо катта эътибор билан қараб келмоқда. «Биз, — деган эди Юртбошимиз, — бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо эътибор берилади. Айни замонда биз дин пешволарига, үзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтироқчимиз: дин уз йўли билан, давлат уз йули билан.

... Дин давлатдан ажратилгани билан жамиятдан ажратилган эмас. Бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний муносабатларни уйғунаштириш тақозо этилади. Назаримда, улуғ аждодимиз Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти бу борада бизга бениҳоя қўл келади. Ул зотнинг «Аллоҳ дилингда, қулинг ишда бўлсин» деган ҳикматли шиорини биз бу соҳада дастуриламал қилиб олсак янгишмаган бўламиз, деб уйлайман. Давлатнинг иши давлатники, диннинг иши динники бўлиши лозим. Бу нозик ва мураккаб масалада муносабатларнинг ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида қурилиши ягона мақбул йўлдир.

Давлат диндор фуқароларнинг диний эътиқод ва ҳақ-хуқуқларини қанчалик ҳурмат қилса, диндорлар ҳам давлат қонунлари ва сиёсатини шунчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари шарт. Шундагина ҳеч кимнинг ҳеч кимдан кўнгли қолмайди»¹.

¹ Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т. , 1994. 15; 73—75-бетлар.

П б о 6.

ИЛК ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАРНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ

1. ДИН НИМА? ✓

«Дин» арабча суз бўлиб, узбек тилида «ишонч», «ишонмоқ» деган маъноларни англатади.

Диний нуқтаи назарга кўра дин — илоҳий кучларга, худога, пайғамбарларга, фаришталарга, муқаддас китобларга, охиратга, бутун яхши-ёмонлик Яратганинг иродаси билан бўлишига ишонмоқлик, шайтон ва иблислардан сақланишидир.

Дин — бу, табиат, жамият, инсон ва унинг онги, яшащдан мақсади ҳамда тақдири инсониятни бевосита қуршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни яратган, айни замонда инсонларга бирдан-бир «тугри», «ҳақиқий», «одил» ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қарац, таълимотдир.

Динлар Аллоҳ таоло томонидан уз пайғамбарлари орқали башарият оламига жорий этилажаги зарур бўлган Илоҳий Қонунлардир. Дин — азалдан инсоннинг Тангри билан алоқа қилишга эҳтиёжидир¹.

Дунёвий илм нуқтаи назари бўйича эса дин — ижтимоий-тарихий ходиса.

Дин — кишилик жамияти тарихий тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларидан бири.

Дин — муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўладиган олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тариқаси, уни идрок этиш усули; оламда инсоният пайдо бўлгандан то бизгача ўтган даврларни илоҳий тасаввурда акс этишидир. Комил инсонни тарбиялашда салмоқли тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий-ахлоқий кучдир.

Диннинг нима эканлиги турлича изоҳланса-да, умумий нуқтаи назар шуки, дин — ишонмоқ туйғусидир. Йишонмоқ туйғуси инсониятнинг энг теран ва энг гўзал руҳий-маънавий эҳтиёжларидаидир. Дунеда дини, ишончи бўлмаган халқ йўқ. Чунки

¹ Қаранг: А. Шошлий. Ислом арконлари. Т., 1993. 14-бет.

муайян ҳалқ динсиз, эътиқодсиз, бирор-бир нарсага ишончсиз ҳолда яшай олмайди.

Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий, руҳий вазифалари қўйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, ҳар қандай дин ўз муҳиблари учун тўлдирувчи, овутувчи (компенсаторлик) вазифасини бажаради. Масалан, инсонда доимий эҳтиёж ҳосил булиши ҳодисасини олайлик. Инсон ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида ҳаётий эҳтиёжи, мақсадларига етишиши иложсиз бўлиб кўринганида, унда қандайдир маънавий-руҳий эҳтиёжга зарурият сезган. Ана шундай эҳтиёж диний эҳтиёж эди. Дин бу уринда маънавий-руҳий эҳтиёжни қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажарган ва ҳали ҳам бажармоқда.

Йккинчидан, муайян дин ўз таълимот тизимини вужудга келтиргач, ўзига эътиқод қилувчиларни, жамоани шу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қилган ва ҳозирда ҳам шундай. Бу ижтимоий ҳодиса диннинг бирлаштирувчилик вазифаси деб аталади. Дин ҳамиша муайян ижтимоий, этник ва маънавий ҳаётнинг ўз таъсирида булишига интилади. Бу таъсири нинг мунтазамлигини таъминлаш мақсадида дин ҳалқларнинг ижтимоий ҳастига, ахлоқий муносабатларига, шунингдек, ҳатто адабиёти ва санъатига ҳам таъсири үтказади.

Учинчидан, ҳар бир дин ўз қавмлари турмушини тартибга солиш, назорат қилиш вазифасини бажаради. Динлар ўз урф-одатларининг, маросим ва байрамларининг қавмлари томонидан ўз вақтида қатъий тартибга амал қилган ҳолда бажарилишини шарт қилиб қўяди.

Тўртинчидан, дин алоқа боғлашлик вазифасини ҳам бажаради, яъни ҳар бир дин ўз қавмларининг бирлигини, жамият билан шахснинг узаро алоқадорликда булишини таъминлашга интилади. Бунда ўёки бу динга эътиқод қилувчи кишиларнинг ўз динидаги бошқа кишилар билан боғлиқликда булиши, урф-одат ва ибодатларни жамоа бўлиб бажариши назарда тутилади.

Бешинчидан, дин вазифаларининг фалсафий, назарий жиҳатлари ҳам мавжуд. Бу вазифа — инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмунини, дорулфандо ва дорулбақо дунё масалаларига ўз муносабатини билдириб туришидан иборатдир.

2. ДИННИНГ ИЖТИМОЙ, ГНОСОЛОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ИЛДИЗЛАРИ

Диннинг илдизи дейилганда нима тушунилади?

Диннинг илдизи — диннинг вужудга келиши, унинг қайта тикланиши зарурияти ва имкониятини, умуман, унинг салоҳиятини яратувчи омиллар йигиндисидир.

Бу илдизлар уч қисмдан иборат. Уларнинг биронтасисиз диннинг вужудга келиши мумкин эмас эди. Қуйида ана шу илдизлар ҳақида сўз юритамиз.

а) Диннинг ижтимоий-иқтисодий илдизи

Дин мавжуд бўлган барча асрлар ва ҳамма даврларда диннинг бирламчи илдизи ҳамиша унинг ижтимоий-иқтисодий илдизи бўлиб келган. Хуш, ижтимоий-иқтисодий илдиз дейилганда нимани тушунмомиз керак? Ижтимоий-иқтисодий илдиз дейилганда, — динни вужудга келтирган кундалик ҳаётй шарт-шароитлар йигиндиси тушунилади. Хуш, улар нималарни ўз ичига олади? Булар:

биринчидан, ибтидоий одамзот меҳнат қуролларининг заиф бўлганлиги;

иккинчидан, ибтидоий одамларнинг бутун ҳаёти табиат инжиқликларига боғлиқлиги;

учинчидан, ибтидоий жамият ишлаб чиқаришининг аянчли аҳволи;

тўртинчидан, ибтидоий одамнинг табиатдаги кучларга қарши курашдаги заифлиги, ожизлиги ва бунинг оқибатида ўзларини эзib келган табиатнинг стихияли ҳодисаларидан, кучларидан пайдо бўлган қўркув.

Кўриниб турибдики, диннинг келиб чиқишига пировардида жамият иқтисодий тараққиётининг паст даражаси сабаб бўлган.

б) Диннинг гносологик илдизи

Диннинг пайдо булишида ижтимоий-иқтисодий илдиз катта роль ўйнаса-да, бироқ, фақат биргина ижтимоий-иқтисодий илдизнинг ўзиёқ диннинг пайдо булиши учун старли асос эмас эди. Диннинг пайдо булиши учун гносологик илдиз ҳам зарур. Бунинг учун инсонда дунёни билиш қобилияти, тафаккури ҳам шаклланган, нафақат шаклланган, айни найтда улар

маълум даражада камол топган бўлиши ҳам керак эди. Масаланинг бу томони диннинг гносологик илдизи дейилади («гноология» грекча сўз бўлиб, «гносис» — билиш, «логос» — таълимот деган маънони англатади). Бинобарин, диннинг гносологик илдизи — ташқи оламнинг ибтидоий кишилар («ақл-идрокли одамлар») миясида, тасаввурнида, онгида акс этишидир. Бироқ, бу инъикос ўша замонларда нотўғри, мавхум, бузилган, тасаввурний ва асотирий тарздагина булиши мумкин эди, холос. Чунки ибтидоий одамлар ташқи олам, табиат ҳодисалари сабабларини билмас, билишга ожиз эдилар.

Шундай қилиб, дин жамиятнинг муайян босқичида (юқори палеолит даврида, бундан 20-40 минг йил аввал), кишиларда маълум даражада тарақкий топган тафаккур қилиш қобилиятининг пайдо бўлиши натижасидагина юзага келган ижтимоий онг шаклидир. Габиат ва жамиятдаги турли-туман ва доимо ўзгариб турадиган, баъзан озиқ-овқат, кийим-кечак манбаи бўлиб, баъзан эса уларга оғат ва талофат келтириб турадиган ҳодисалар кишиларнинг эътиборини, ўй-фикрини ўзига қаратмаслиги мумкин эмас эди.

в) Диннинг психологик илдизи

Инсон борлигида психологик хусусиятлар мавжуд бўлган жонзоротdir. Бу психологик хусусиятлар — хаёл суриси, фантазия қила олиш, хотира, диққат, ички кечинмалар (қайгу, ғам, хурсандчилик ва бошқалар), тушибуриш кабилардан иборатdir.

Инсон психологик кечинмаларсиз яшай олмайди. Кунгилсиз, оғир кечинмалар ва биринчи навбатда кўрқув, даҳшатга тушибуриш ҳамда қайгу муқаррар салбий ҳис-туйғу ва тасаввур яратади. Инсон эса доимий кўрқув ва узлуксиз ташвишли кечинмалар остида яшай олмайди. Бинобарин, у доимо таскин берувчи, салбий ҳис-туйғуларни вактинча бўлса ҳам енгиллашибуривчи қандайдир кучга эҳтиёж сезган. Дин ана шундай куч сифатида майдонга чиқсан.

3. ИЛК ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Кишилик жамияти тарихида дин бўлмаган даврлар ҳам учрайди. Ибтидоий жамоа тузуми даврида,

аникроги, бундан 30 минг йил аввал ҳозирги киёфадаги одамлар шаклланган. Фанда бу одамлар «ақл-идрокли одамлар» деб номланади. Бу одамлар мәхнат қилиш асносида күп нарсаларни билиб, урганиб олғанлар. Улар қуёшга ва юлдузларга қараб ерда мүлжал олишни урганғандар, йил фаслларини алмашиниб туришини билғанлар. Аеллар қоғалып үсімліктерни, уларнинг фойдалы өки заарарли хоссаларини ажратады олғанлар. Эркаклар эса ҳайвонларни, уларнинг излари ва феъл-атворини яхши билғанлар. Ибтидоий одамлар жароҳатларни ҳамда айрим касаллікларни даволашни үрганиб олғанлар. Улар бармоқ, қарич, қадам билан санашни ҳам билғанлар.

Шундай бұлса-да, «ақл-идрокли одамлар» табиатнинг күргина ҳодисалари қаршисида ожиз булғанлар ва улардан құрққанлар. Момақалдироқ гүмбірлігін, яшин чақнаб уй-жойға урилған ва одамлар бундан үзларини ҳимоя қила олмаган. Еки тұстадан бошланған довул қайықтарни ағдариб юборған ва балиқ овловчилар сувға чүкиб кетишгандар. Ехуд ёвойи ҳайвонлар подаси бошқа жойларға кетіб қолған ва овчилар орасида очлик бошланған. Күргина касаллікларни умуман даволай олмаганлар, натижада бутун бир уруглар қирилиб кеттеган.

Зилзила, сув тошқини, бурон, сел, үрмөнлардаги өнгін ва бошқа шу каби табиатнинг даҳшатли ҳодисалари уларни вахимага солиб қўйғандар.

Албатта, бу табиат ҳодисаларининг үз табиий сабаблари бор, лекин қадимги одамлар бу сабабларни билмаганлар. Шунинг учун ҳам улар ушбу ҳодисалар олдіда ожиз қолғанлар.

Одамлар ҳодисаларнинг ҳақиқий сабабларини билмагач, уларни гайритабиий күчлар вужудға келтираётір, демек, осмонда қандайдыр құдратли күч бор, у ҳамма нарсани бошқарып туради, осмондаги бу құдратли күч бутун осмонни кесиб утывчи олов — ўқейни отади, у эсіб довул ҳосил қиласы, у овга ёхалақит беради өки ёрдам беради, деб уйлаганлар.

Шу тариқа, одамларда дүнёни бошқарып турувчи гайритабиий күчларга ишонч пайдо булған. Одамлар бу күчларни рухлар деб, улардан энг құдратларини илоҳлар деб атаганлар.

Одамларнинг нималарга эътиқод қилиши уларнинг машгулотларига боғлиқ булған. Масалан, деҳқон наздидагы үзининг ҳаёти боғлиқ булған табиат ҳодисалар-

ри илоҳлари — экинларига нур сочадиган қуёш худоси, далаларга намлиқ ёғдирадиган булут худоси асосий ҳисобланган. Чорвадор учун эса унинг подаси ҳомийлари асосий худо ҳисобланган ва ҳоказо.

Ибтидоий одам худоларни одам қиёфасида, баъзан эса жониворлар шакл-шамойилида тасаввур қилган. Ёғочдан ёки тощдан худонинг тасвирини қирқиб ясанган. Бундай тасвиirlар бут деб аталади. Бутлар энг фахрли жойларга урнатилган.

Одамлар илоҳларга илтимослар, масалан, овнинг муваффақиятли чиқиши тўғрисидаги, ёмғир ҳақидаги, соглиқ ҳақидаги дуолар билан мурожаат қилганлар. Улар илоҳлар марҳаматига сазовор булиш учун ергача эгилиб, бутларга сажда қилганлар, турлитуман қурбонликлар қилишган. Совгалар олиб келишган. Худонинг қурбонликни қабул қилганлиги белгиси сифатида бутнинг лабларига қон суртишган.

Ибтидоий жамиятдаги «ақл-идрокли одамлар» уйқу ва ўлим каби табиий ҳодисаларнинг сирини билмаганлар. Бу ҳодисаларни ҳам улар гайритабиий кучнинг, яъни инсон танасидаги жоннинг ҳаракати, деб тушунганлар. Уйқу вақтида жон танадан учебчиқиб кетади, бутунлай чиқиб кетиб қайтиб келмагандан ўлим содир бўлади, деб тасаввур қилганлар.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, дин пайдо бўлишидаги асосий сабаб — табиат кучлари ва ҳодисаларининг одамлар устидан ҳукмронлиги, уларнинг бу кучлар табиатини ва ҳодисалар сабабларини билмасликлари, бунинг оқибатида уларнинг бу кучлар, ҳодисалардан қўрқувга, даҳшатга тушиб қолганликларидир.

Табиат ҳодисаларининг сабабларини билмаслик эса у даврда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ниҳоятда паст даражаси билан изоҳланади.

Синфий жамиятда табиат кучлари олдидаги қўрқув, даҳшат, ожизликка ҳукмрон синф олдидаги ожизлик ҳам қўшилган.

Фан ибтидоий одамларда диний эътиқод пайдо бўлганлигини қандай аниқлайди? Бу ўринда археология фанининг хизмати жуда катта. Биргина мисол келтирамиз. Археологлар бундан бир неча минг йиллар аввал яшаган кишиларнинг қабрларини топишганида ва қазилма ёдгорликларни ўрганишганида, қабрларга марҳум билан бирга озиқ-овқат, меҳнат қуроллари, зеб-зийнатлар қўйилганини аниқлашди. Бу ҳол

Одамларда руҳга ишониш вужудга келганилигидан гувоҳлик беради, яъни руҳ (жон) танага қайтади. Ўшандада одамга бу дунёда керак ҳамма нарса унга тагин зарур бўлади, деб уйлаганлар.

Бу фикрни бундан 4000 йил олдинги Сурхондарёдаги Сополлитепа ёдгорликлари ҳам тасдиқлайди. Сополлитепа қабрлари очилганда, мурдалар ёнида ҳар хил буюмлар, хум, товоқ, хурма, коса каби идишлар топилган. Марҳумнинг охиратда танаввул қилиши учун шу идишларга овқат солиб қўйганлар. Вафот этганлар шарафига қўй, эчки ва бошқа ҳайвонлар сўйишган ва унинг бир қисмини марҳумга инъом қилишган. Вафот этган одам у дунёда ўз ҳастини яна давом эттиради, деб устидаги кийимлари билан кўмишган.

III бөб.

ИБТИДОЙ ДАВРДА ПАЙДО БҮЛГАН ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАРИ

1. ТОТЕМИЗМ

Диний тасаввурларнинг шакллари жамият ҳаёти-нинг шароитига боғлиқ булиб, унинг ўзгариши диний қараашларда ҳам муқаррар ўзгаришларга олиб келади. Диний тасаввурлар шаклларига уругчилик тузуми шакланаётган даврда пайдо бўлган тотемизм, анимизм, фетишизм, шомонизм, магия (сехргарлик) кабилар киради.

Тотемизм (индесцлар тилида «о тотем», яъни «унинг уруғи» деган маънони англатади) — диний тасаввурларнинг энг қадимги шаклларидан бири. Унинг моҳияти — ишонувчиларнинг ўзлари билан айрим ҳайвонлар, ўсимликлар орасида гайритабиий алоқа, яқинлик, қон-қариндошлиқ бор, деб фараз қилишларидан иборатdir. Тотемизмда — уруг-кабила, хусусан, шу уруг ҳар бир аъзосининг ҳаёти ва фаровонлигий айни шу урганинг ҳақиқий аждоди ҳисобланган «тотем» — ўсимлик ёки ҳайвонга боғлиқ деб ишонилади. Муқаддас жойларда сақланадиган бирор уруг руҳини ифодаловчи ҳайвон ёки ўсимлик сурати солинган тош, тахтачалар тотем руҳларининг макони саналади. Ҳайвон ёки ўсимлик шу уруг ёки қабила учун тотем, бинобарин, муқаддас ва ҳомий ҳисобланган. Шунинг учун ҳам кишилар тотемнинг ёрдамига муҳтоҷ бўлганлар, унга сеҳр ёрдамида таъсир қилишга уринганлар.

Тотемизм билан боғлиқ тасаввурларнинг анъанавий комплекси — урганинг янги туғилган аъзоларига, яъни тирик авлодларга «пок йўл» билан тотемнинг ўтиб қолишига ишониш, сеҳр-жоду йўли билан тотемга таъсир қилиб, муайян уруг ёки қабила ҳудудида уша хилдаги ҳайвон ски ўсимликларни кўпайтириш ва уларнинг моддий фаровонлигини таъминлаш, тотем тимсоли бўлган нарсанинг ҳалокати унинг авлодини ҳалокатга олиб боришига ишонишдан иборат бўлган.

Авваллари тотемлар сифатида фақат ҳайвонлар, шунда ҳам ов ҳайвонлари эъзозланган. Бироқ, кейинчалик қариндошлиқ муносабатлари бошқа ҳайвонларга ҳам, баъзи ҳолларда эса ўсимликлар, табиат ҳодиса-

дариға (ёмғир, қуёш, шамол ва ҳоказо) ҳам тарқалған. Қашш, нега шундай бұлған? Маълумки, тотемизм қенг тарқалған Австралияның географик жойлашуидаги үзига хослик уни узоқ вақт таңқи оламдан узіб құйған эди. Натижада қитъанинг туб ақолиси тарақ-қиетдан орқада қолиб кеттган. Иккінчидан, Австралияның табиий шароити унинг барча ҳудудида дісярли бир хиллиги билан ажралиб туради. Австралияда инсон кураш олиб бориши зарур бўлған йиртқич ҳайвонлар булмаган. Улар фақат овчилик ва термачилик орқасида кун курганки, бу ҳол уларниң тарақ-қиетини сескинлатган, албатта. Натижада XIX асрда Австралияга европаликлар кириб кела бошлаган даврда ҳам Австралия ақолиси сайёр қабилалардан иборат булиб, улар ҳали ерга ишлов беришни, чорвачилик билан шугулланишни, бичин-тикишни, идишилар ясашни, металлга ишлов беришни, ов қуроллари ясашни (масалан, уқ-әй) билмас әдилар. Буларниң барчаси улар ҳаётида, динида үзига хосликни келтириб чиқармай иложи йўқ эди.

Австралия халқлари қабилаларидағи уруғлар (тотем) 10 дан 30 тагачани ташкил этар эди. Бу халқ шундай қолоқ бўлса-да, уларда бир яхши одат ҳам бор эдики, уни айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Бир тотем уруғи аъзоларининг ўзаро никоҳга киришлари мумкин эмас эди.

Австралияликларда жинсий ва индивидуал тотем ҳам мавжуд эди.

Жинсий тотемнинг маъноси щуки, бир қабиладағи барча эркакларнинг тотеми алоҳида, аёлларнинг тотеми алоҳида бўлған. Масалан, эркакларнинг тотеми кўршапалак бўлған бўлса, аёлларники бирор қуш булиши мумкин эди.

Индивидуал (якка) тотем дейилганды, бир уруғ барча аъзоларининг умумий тотем билан бир қаторда, яна унинг ҳар бир аъзосининг алоҳида-алоҳида шахсий тотемга эга бўлғанлиги ҳам тушунилади. Бундай тотемлар асосан эркакларда, шунда ҳам афсунгарларда, қабила бошлиқларида, дуохонларда бўлған. Улар узларининг шахсий тотемларини фарзандларига месрос қилиб қолдирганлар. Тотемнинг бу икки тури бир вақтда пайдо бўлмаган, албатта.

Тотемлар ҳақида ривоятлар түқилған. Булар тотемнинг авлодлари тўғрисидаги афсонавий тимсоллардан иборат эди. Бу афсоналарда авлодлар ҳайвон

куринишида, баъзан ҳайвон номи қўйилган одам қисфасида гавдаланган. Бу афсонавий авлодлар гуё ов қилганлар, ҳар хил маросимларни бажаргандар, кўчманчилик қилганлар. Охирида авлодлар ер тагига кириб кетишган. Ёки улар қояларга, дараҳтга, тошга айланиб қолганлар.

Австралия қабилалари уруғлари айни вақтда тотемларга ажралган гурухларга бўлинган. Бу уруғ — тотемлар бирорта ҳайвон, баъзан ўсимлик номи билан аталган. Бу билан австралияликлар ўзларининг мазкур ҳайвон тури, масалан, кенгуру билан қариндошликларини таъкидлаганлар.

Австралияга келган европаликлар ерли халқ вакилларига: «Сиз кимсизлар?» — деб савол беришганида, «Мен кенгуруман» ёки «Мен фалон ҳашаротман» деган жавобни олиб ажабланишган.

Айни пайтда, мучал йиллари ҳам тарихан тотемизм билан боғлиқдир. Маълумки, Туркистон халқлари қадимги замонлардан буён вақт ҳисобини, хусусаи, одамларнинг тугилган йилини, ёшини мучал билан, яъни у ёки бу ҳайвон номлари билан атагандар: муш (сичқон), бақар (сигир), паланг (йулбарс), харгўш (куен), наҳанг (балиқ), мор (илон), асп (от), гусфанд (қўй), ҳамдуна (маймун), мурғ (товуқ), сак (ит), ҳук (тўнгиз, чўчқа). Олимлар мучал йиллари тош даврлардан буён маълумлигини қайд этадилар¹.

Тотемлар эъзозланган, уларни улдириш ва отиш тақиқланган.

Тотемизм ҳозирги динларда муайян унсурлар сифатида мавжуддир. Масалан, ҳиндларда сигир, илон, маймун, фил ва бошқалар ҳамон муқаддас ҳайвон сифатида эъзозланади.

2. АНИМИЗМ

Анимизм (лотинча «анима» сўзидан олинган бўлиб, «жон», «руҳ» деган маъноларни англатади) — киши руҳининг, жоннинг борлигига ишониш. У ибтидоий диний тасаввурнинг энг юксак шаклидир. Анимизмда реал моддий обьектлар дунёси руҳий мавжудотлар дунёси билан тўлдирилган бўлади.

¹ Қаранг: Жоғлиев Т. Табиат, инсон ва дин, Т., 1986. 69-бет.

Анимизм ҳар қандай диннинг зарурий унсуридир.

Аждодларнинг руҳлари, тирик кишиларнинг жонлари, табиий кучларнинг жонлантирилиши — анимистик тимсоллардир. Анимизмда руҳлар табиий ҳодисаларни бошқарувчилар ҳисобланади. Бу руҳлар ё саҳий, ёки кишилар баҳтига таҳдид солувчи булиши мумкин.

Ибтидоий анимистлар вафот этган қариндошуругларининг руҳларини абадий, улмас деб ҳисоблаганлар ва эъзозлаганлар. «Инсон вафотидан сўнг қаерда яшайди» деган саволга турли халқлар турлича жавоб беришган. Баъзилари аждодларнинг руҳлари тириклар яшайдиган жойда яшашади, бироқ, уларни фақат тушда куриш ва гаплашиш мумкин, деб уйлаганлар. Бошқалар марҳумларнинг руҳлари чақалоқ тасасига ўтади, деб фараз қилганлар. Учинчилари эса, аждодларнинг руҳлари маҳсус жойлар — «ўликлар мамлакати»да яшайди, бу мамлакат ер остида жойлашган деб ҳисоблаганлар.

Одамлар жуда қадим замонлардан буён үз таналарининг тузилиши тўғрисида аниқ бир тушунчага эга бўлмай, уйқу ва туш куришнинг сабабини билмай, тафаккуrimiz ва сезгиларимиз танамизнинг фаолияти эмас, балки қандайdir алоҳида бир кучнинг, айнан танада булиб, одам ўлгандан сўнг танадан чиқиб кетадиган жоннинг фаолиятидир, деган тасаввур ҳосил қилган вақтлардан бери шу жоннинг ташки дунёга муносабатлари ҳақида ўйлай бошлаганлар.

Юкорида айтилганидек, анимизмга эътиқод қилганлар одам ўлгандан кейин жон танадан чиқиб кетади ва ўлмайди, балким абадий яшайди, деб ҳисоблаганлар. Абадий руҳ тўғрисидаги тасаввур ана шу тариқа пайдо бўлган.

Жон — конкрет, уни ушлаб сезса бўлади, у куриш ва ҳатто сезиш мумкин бўлган муайян нарса деб ҳисобланган. Чунончи, қутбни текширган йирик олим Ф. Нансенning айтишига қараганда, эскимослар жонни нафас олиш билан боғлиқ, деб ишонганлар. Шунинг учун ҳам одам касал бўлганда шомонлар касалга дам солиб, унинг жонини даволашга ёки унга янги жон солишга уринганлар. Анимистик эътиқодга кўра, жон бир қадар мустақил, бир қанча ҳолларда эса танага боғлиқ эмас. Уни йўқотиб қўйиш мумкин, баъзан уни шомонлар ўғирлаб кетишади. Одам узоқ жойга саёҳатга кетганида унинг жони уйда қолади.

Одамзот ўз ватанини құмсашининг сабаби ҳам ана шунда.

Ибтидоий одамларнинг фикрича, табиатдаги ҳар бир муҳимроқ ҳодисаның ўз руҳи бор. Масалан, айрим дараҳтларнинг руҳи үрнига аввал айрим үрмонлар ва бутазорларнинг руҳлари мавжуд, кейинчалик эса умуман үрмон руҳи бор, деб ҳисоблаганлар.

Жон ва руҳлар, уларнинг үлмаслигига ишониш кишиларни қўйидаги хулосага олиб келган: агар руҳлар кишиларга үхшаб ов қилса, ўйнаса, кулса, уларнинг овқатланиши ҳам тайин. Демак, вафот этган кишининг тирик арвоҳи хусусида гамхўрлик қилиш керак. Уларга озиқ-овқат ва бошқа ҳадялар атаб туриш лозим. Руҳлар, пайғамбарлар ҳамда худо йўлига қурбонлик қилиш, худойи каби урф-одатлар заминида ана шу мақсад ётади. Кишиларнинг табиатга бутундай қарамлиги руҳлар осмонда яшайди, деган тасаввурни келтириб чиқарган. «Ўликлар мамлакати»ни ҳам худди шунга үхшатиб ердан осмонга кўчириб, ўлганларнинг руҳи «Арши аъло»да яшайди деган тасаввур ўша кезларда келиб чиққан.

Марказий Осиёда марҳумнинг жонини арвоҳ деб аташади. Арвоҳнинг бир хусусияти шундаки, у ўликни ташлаб ундан узоққа кетмайди, лекин у қабрдан ташқарига чиқади, деб уйлашган. Шунинг учун ҳам қадимги замонларда арвоҳ учун гўрни тешиб қўйганлар ёки мозор олдида арвоҳ уйи қурганлар. Арвоҳ ҳамма жойда — дараҳтларда, ариқ ва дарёларда, ҳовуз ва харобаларда юради. Шунга кўра, кишилар ўз бошларига бирон-бир мушқул иш тушса, ўша ерларга бориб сигинганлар, пул ташлаганлар, арвоҳлардан мадад сўраганлар.

3. ФЕТИШИЗМ

Фетишизм (португалча — «фетиши», французча «фетиши» сўзларидан олинган бўлиб, «сехрли нарса» деган маънени англаради) — жонсиз нарсаларни гайритабиий хусусиятга эга деб ишониш ва уларга сигинищдир. Сигиниш обьектлари, яъни фетишлир (нарсалар) — тош, таёқ, дараҳт, умуман ҳар қандай буюм булиши мумкин. Хуллас, ишонувчилар гайритабиий хусусияти бор деб фараз қилинган моддий буюмлар фетиши деб аталади.

Бошқача айтганда, фетишизм — тирик бўлмаган, жонсиз предметларга сигиниш демакдир.

Маълумки, табиатдаги турли нарсалар, ҳодисалар ва уларнинг мураккаб томонлари ибтидоий давр кишиларига сирли булиб туюлган, натижада кишилар уларни гайритабиий, илоҳий деб тушунгандар ва уларга синганлар. Бошқача булиши мумкин ҳам эмас эди. Чунки оддийгина меҳнат қуроллари билан қуролланган ибтидоий одамни табиатнинг стихияли кучлари эзид қўйган эди. У буюмлар оламини ўзгартиришга уринган, ўзини қуршаб олган оламнинг даҳшатли кучларига қарши курашда кўпинча мағлубиятга учраган. Ижтимоий амалиёт даражасининг пастлиги, меҳнат қуролларининг ожизлиги, тажриба камлиги — қадимги одамнинг уни қуршаб турган дунё тўғрисидаги тасаввурнида кўпгина нотўри, хато фикрлар вужудга келишига замин ҳозирламасдан қолмасди. Ибтидоий одам кўпинча одатдаги буюм ва ҳодисаларга хос бўлмаган хусусиятларни уларда шу хусусиятлар бор деб ўйлар эди. Масалан, инсонни қуршаб турган дунё тўғрисида унинг илк нотўри тасаввурларидан бири жонсиз предметларни жонли деб билишдан иборат бўлган. Масалан, «шамол келмоқда», «табиат ухламоқда» қабилида ва ҳоказо.

Шундай қилиб, қадимги одам реал предметларда бўлмаган сифатларни ўз онгидаги аста-секин уларда бор деб ҳисоблай бошлаган, кейинчалик бу сифатлар гайритабиий хусусиятларга эгалигига ишонилган. Бунга буюмларда, нарсаларда аслида ҳақиқатда бўлган хусусият асос бўлган. Масалан, шундай ўсимликлар борки, уларнинг заҳри тирик жонни ўлдириш хусусиятига эга. Ўсимликларнинг бу хусусияти гайритабиий хусусият деб ҳисобланган. Кейинчалик ўсимликлардаги бундай гайритабиий деб ҳисобланган хусусиятлар бошқа нарсаларга, масалан, тошга кўчирилган. Ов қилаётган ибтидоий одамлар айрим тошларнинг ҳайвонларга ухшашлигини пайқаганлар. Шунинг учун улар овга борганларида ана шу тошни олиб кетганлар. Ов ўнгидан келиб қолганда, бунга ҳам шу тош сабабчидир, деб ҳисоблаганлар. Шу тариқа, оддий предметларга гайритабиий хусусиятлар хос деган фикр барқарорлашган.

Фетишизм сеҳргарликдан кўра диний тасаввурнинг анча мураккаброқ шаклидир. Бу мураккаблик — диний тасаввур щакланган маконлардаги одамларнинг дастлаб ҳар хил буюмлардан, тоғ-тошлардан, дарахтлардан, кейинчалик эса тумор, санам (бут) ва

ҳоказолардан күмак олишга умид боғлаганликлари билан белгиланади.

Фарбий Африкадаги халқларда (аслида фетишизм тарқалған жой ҳам Африкадир) тошлар, дараҳтлар ва бошқа предметларга сиғиниш көнг тарқалған эди. Бу халқларда фетишиларни, яъни илоҳийлаштирилған предметларни ҳатто савалаш, уриш одати ҳам тарқалған. Улар үzlари хоҳлаган нарсаларни юзага келтиришларини талаб қилиб фетишиларга мих қоққанлар.

Марказий Осиёда ўсимликлардан сунбула, тудона, седана, тасбек, қалампирмунчоқ, күзтикан, күктикан, гулҳамишбаҳор, пиёз, саримсоқ, аччиқ қалампир, исириқ, дўланга, мурч, писта, чилонжийда кабилар; дараҳтлардан эса ёнғоқ, чинор, анжир, жийда, арча ва бошқалар илоҳийлаштирилған, тимсоллаштирилған.

Тарихчи олим, академик А.Асқаровнинг текширишларига кўра, арча бронза даврида ёқ тимсоллаштирилған¹. Ўша давр одамларининг оиласвий-турмуш буюмларида арча расми тасвирланган. Бу — абадий ҳаёт, боқий умр, доимий фаровонлик рамзи сифатида талқин қилинган. Бундан ташқари, арча тутуни билан ёмон руҳларни ҳайдаш одатлари бўлган.

Фетишизмнинг яна бир хусусияти шундаки, унинг кўринишлари ҳар қандай диннинг муштарак унсурига айланшиб кетган. Шунинг учун ҳам унинг қолдиқлари ҳар қандай динда яшаб келмоқда.

4. ШОМОНИЗМ

«Шомон» тунгусча сўз бўлиб, — у «ута ҳаяжонланган», «жазавали киши» деган маънони англатади. Кейинчалик бу сўз руслар орқали бутун Сибирга, XVIII асрда эса Фарбий европаликлар тилига кириб келган ва шу билан у халқаро илмий терминга айланган. Бироқ, бу дегани барча Сибирь халқларида шомон бир хил ном билан аталган дегани эмас. Шомон, масалан, Сибирнинг туркий тилларда сўзлашувчи халқларида «кам» деб аталган.

Хўш, шомон ким? Шомон — у ёки бу қабиланинг «руҳонийси».

Диний тасаввурнинг бир шакли сифатида шомонизмга хос бўлган умумийлик — бу, шомонларнинг

¹ Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Т., 1977. Стр. 142.

(яни ўша давр руҳонийларининг) алоҳида илоҳий қудратларига ишонишdir.

Одамлар, руҳлар шомонларга хизмат қилади, унинг турли топшириқларини бажаради, шомонлар одамлар билан руҳлар ўртасида воситачилик қила олиш қудратига эга, деб ишонганлар. Шомонизмга эътиқод қилганларнинг фикрича, шомонлар келажакни олдиндан айтиб бериш, узоқ жойлардаги воқеаларни билиш, қасалликларни даф этиш, табиат ҳодисаларини ўзгартириш, марҳумларни нариги дунёга кузатиб бориш ва ҳоказоларга қодирдирлар. Шомонлар ҳатто ёвуз руҳлар билан жанг ҳам қилади, деб ишонганлар.

Тугри, ҳамма шомон бўла олмас эди. Шомонликка даъвогар бўлган одам «шомонлик қасали»га йулиқиши, яни руҳий қасалга учраши керак эди. Уларнинг фикрича, руҳлар бундай одамни ўлдириб, сўнг бошқа қиёфада тирилтириб, қайтадан яратар эди. Бундан ташқари, шомонлик иқтидори насабий деб ҳисобланган.

Шомонизмнинг диний маросимлари қандай ижро этилган?

Шомонлар диний маросимни бажаришни ўзига хос томошага айлантирганлар. Шомон гўё сехрли кучга эга деб ҳисобланадиган доира, ногора ёки бошқа чолгу асбоби журлигига куйлаб рақсга, жазавага тушган. Муайян ирим-сиirimларни бажариб, руҳлар билан «гаплашган». Шомоннинг ўйинлари одатда кечқурун ёки тунда бошланар эди. У бир неча соатлаб давом этарди. Бу вақт ичида шомон обдон ҳолдан тояр, беҳол бўлиб йиқиларди.

Ана шу пайтда одамлар шомоннинг жони руҳлар шоҳлигига кетди, улар билан мулоқотга киришди, улар ўртасида музокара бормоқда ёки улар билан жанг қилмоқда, деб ишонар эдилар.

Баъзан эса шомоннинг чақириги билан руҳларнинг ўзи шомоннинг олдига келади, унинг танасига кирадилар, шомон билан пицирлаб гаплашадилар, деб ҳам ўйлардилар.

Шомон қоқириқ-суқуриқларининг мақсади асосан bemорларни даволашдан иборат бўлади. Шунинг билан бир қаторда, шомонлар олдиндан башорат қилувчи, йўқолган нарсалар ҳақида фол ҳам очувчи, овга омад тиловчи ҳам ҳисобланарди. Қисқаси, шомон уруг-қабиланинг ҳомийси, қуриқчиси, руҳи эди. Буларнинг бари уруг, қабила ўртасида шомонларнинг обрусини кутариб юборган.

Тажрибали шомонлар одатда истеъдодли гипнозчилар, фолбин, күзбүямачи, шунингдек, қўшикчи, шоир, баҳшилар бўлишган, албатта. Турли халқларнинг шомонлари ҳар хил расм-руsumларга риоя килишган, турлича кийинишган, муқаддас буюмлар ва руҳлар тўғрисидаги тасаввурлари ҳам турлича бўлган.

Гап шомонлар (руҳонийлар) ҳақида кетар экан, биз бир нарсани алоҳида таъкидламоқчимизки, шомонизм даврида гарчи руҳонийлар пайдо бўлган бўлса-да (патриархат даврида), ҳали у даврда диний ташкилот, масжид, мадраса, черков йўқ эди. Шомонларнинг ҳам ташкилоти бўлмаган. Шундай экан, шомонни руҳоний деб эътироф этганда, ҳозирги давр руҳонийси тушунилмаслиги лозим. Шомонлар у даврларда уруг ва қабилалар доирасида оқсоқол ва уруг бошлиқларига бўйсуниб, уларнинг курсатмаларини бажариб юрганлар.

Шомонизм учун хос бўлган хусусият — руҳга ишониш эди. Бусиз шомонизмнинг бўлиши мумкин эмас. Бу руҳлар одамзот ва ҳайвонларнинг руҳлари эди. Руҳларга ишониш шомонизмда анимизмнинг ҳам таъсири борлигини яққол исботлайди.

Шомонлар руҳи қанчалик қучли ҳисобланмасин, улар ҳар доим ҳам касалларни тузатиб юбора олмаганлар. Ана шу пайтда улар беморлардан руҳларга атаб қурбонлик қилишларини талаб этганлар.

Шомонизм ўз тараққиётида қатор босқичлардан ўтган. Шомонликнинг энг дастлабки шакли Камчаткада яшовчи ительман қабиласида шаклланган. Ительманларда ҳақиқий, профессионал шомон бўлмаган. Бу қабиланинг ҳар бир аъзоси шомонлик қилиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам уларда дастлаб хотинлар томонидан, унда ҳам қария хотинлар томонидан амалга оширилган.

Шомонизмдаги иккинчи босқич — уруг шомонизми эди. Бу даврда ҳам шомон ҳали профессионал бўлмаса-да, у уруг маросимларини бажаришни амалга оширувчи ҳисобланарди. Энди ҳар бир ургунинг ўз шомони бўлган.

Шомонизмдаги юқори босқич — профессионал шомонларнинг пайдо бўлиши ҳисобланади. Эндиликда шомонлик касбга айланган. Шомон шу касби орқали даромад топган, ҳаёт кечирган. Энди у ўзига мурожаат этган ҳар қандай одамнинг илтимосини бажаарди.

Шомонизмда кейинчалик шундай даврлар ҳам бўлганки, шомонлар соатлаб рақсга тушмас, қуйламас,

қоқириқ-суқуриқ қилмас әдилар. Энди шомонлар иштирокида фактада ибодат, қурбонлик қилинадиган бүлинган, холос.

Хўш, шомонизмнинг тотемизм, анимизм ва фетишизмдан фарки борми? Бор бўлса, бу фарқ нимадан иборат?

Ҳа, шомонизмнинг тотемизм, анимизм ва фетишизмдан фарқи бор эди. Агар тотемизм, анимизм, фетишизмда одамлар ҳайвонларга, ўсимликларга, руҳларга, буюмларга сигинган бўлсалар, шомонизмда одамлар одамга — шомонга, яъни ўша даврнинг руҳнийсига сигинганлар. Бу диний тасаввур тараққиётида жуда катта янгилик эди. Бу ҳол кейинчалик худога, пайғамбарларга, авлиёларга сигинишининг келиб чиқишида дастлабки асос бўлган.

Ҳозирги динларнинг ҳаммасида шомонизм қолдиқлари мавжуд.

5. СЕҲРГАРЛИК (МАГИЯ)

Сеҳргарлик — одам, ҳайвон ва табиатта гайритабиий йўл билан таъсир ўтказиш мақсадида бажариладиган хатти-ҳаракатлар ва бидъатлар. Сеҳргарлик барча динларнинг асосий таркибий қисмларидан бири эканлиги билан ажralиб туради.

Ҳатто христианлик, буддавийлик ва исломда бугунги кунда ҳам сеҳргарлик урф-одатлари жуда катта роль ўйнайди. Нима учун шундай? Нега сеҳргарлик одамларни ўзларига бу қадар жалб этарди? Бунинг сабаби — сеҳргарлик урф-одатларини бажаришнинг осонлиги ҳамда сеҳргарлик одамларнинг кундалик турмуши билан энг яқин даражада боғланганлигига эди. Маълумки, инсон соглом бўлишни, омадли бўлишни, яхши аёл билан турмуш кечиришни, бироннинг ўзига ёмонлик хатти-ҳаракатларини қила олмаслигини, қорни тўқ, усти бутун бўлишини доимо орзу қилган, ҳозир ҳам шундай. Сеҳргарлик инсон ҳаётидаги ана шу идеалларни чулғаб олган. Шунинг учун ҳатто энг динга ишонмайдиган, ўзини даҳрий деб ҳисоблайдиган одам ҳам беихтиёр ўтмишда сеҳргарлик билан боғлиқ бўлган у ёки бу одатга сузсиз амал қиласди. Масалан, остоноада туриб сўрашмаслик, тушларнинг таъбири билан қизиқиш, ёмон туш кўргани учун хайр-садақа қилиш ва ҳоказолар шулар жумласига киради.

Сәхргарликнинг қуидаги турлари мавжуддир:

- а) бирорга зиён-заҳмат етказиш (албатта, душманига);
- б) ҳарбий сәхргарлик;
- в) муҳаббат (иссик-совук қилиш, бу — жинс сәхргарлиги ҳам дейилади);
- г) даволаш сәхргарлиги;
- д) об-ҳаво сәхргарлиги;
- е) хўжалик сәхргарлиги.

Биз қуида уларнинг айримлари ҳақида тұхтalamиз.

а) Душманга зиён-заҳмат етказиш сәхргарлиги

Бу сәхргарликнинг моҳияти турли хатти-харакаттар орқали ғайритабиий йўл билан ўз душманига зиён етказишдан иборатdir.

Бу ниятни амалга оширишда турли усуллар қўлланилган. Австралияликлар сәхргарликнинг бу тури маросимини бажараётганда, бу маросимни бажараётган одам ўз қуролини, масалан, уни ўткирланган сүякни ёки ёғочни душман бор деб ҳисобланган томонга қаратган. Бу пайтда у бир неча дақиқа давомида дуолар ўқиган. Бу дуо натижасида унинг уни ўткирланган сүяк қуроли «сәхрли» бўлганлиги учун ҳам душманга шикаст етказди, деб ҳисобланган (гарчанд, қурол душман томонга отилган бўлмаса-да). Кўрамизки, душманга шикаст етказиш учун душман бор деб ҳисобланган томоннинг мўлжалга олиниши — ҳаётий, бироқ отилмаган қуролнинг дуо натижасида душман танасига санчилиши эса ғайритабиийdir. Сәхргарликнинг моҳияти ҳам ана шунда.

Меланезияликлар бу маросимни бошқача кўринишида бажарганлар: душманни ўлдирмоқчи бўлган сәхргар душмани еган овқатнинг қолдиқларини, сочининг толасини, буюмининг бир парчасини, ташлаган тирногини, оёғининг изини топиб келган. Сунгра уларни узи сәхрли деб ҳисоблаган моддаларга аралаштириб, уни ёқиб юборган ёки сувга чўқтирган, ёхуд чиритиб юбориш учун бир жойга яшириб қўйган. Бир неча кундан кейин чириётган нарсанинг ҳид чиқариши «душманнинг ўлганлигини билдирган».

Баъзи халқларда бундай маросимни бажариш ярим йиллаб давом этган. Бунда топиб келинган душманнинг нарсасига сәхр билан шикаст етказиш ярим йил

давом этсагина, душман касалга йўлиқади ва улади деб ҳисобланган.

Яна бир бошқа халқларда эса душманни йўқ қилиш учун уларнинг қадам изларига ўт қўйиб юборишининг ўзи етарли бўлган. Юқорида айтилган фикрлар ўтмишда жуда кўп халқлар ҳаётида бор бўлганлиги учун одамлар энди булар-бўлмас жойларга тирноқларини, сочларини ташлаб кетмайдиган бўлганлар. Болаларнинг тушган тишини, кесилган киндигини яшириб қўядиган бўлганлар.

Австралияликларда қўйидаги яна бир қизиқ одат бўлган. Агар хотин эрини ташлаб қочиб кетса, эри ўзининг уртоқлари билан биргаликда ерга хотинининг тасвирини чизган-да, дуо ўқиб туриб тасвирнинг бирор жойига найза санчган. Бу билан қочиб кетган хотинига «зиён етказган».

Биз юқорида қўриб утган сеҳргарликка оид мисолларда сеҳргар бевосита одамнинг ўзига шикаст етказаётгани йўқ, унга шикаст нимадир орқали (тирноқ, соч, суяқ, қурол, одамнинг тасвири) етказилаёттири. Сеҳргарликнинг кучи — моҳияти ҳам шунда. Агар душманнинг ўзи топиб келиниб жазолангандা эди, у сеҳргарлик бўлмай қоларди.

Одамлар бировга зиён-заҳмат етказишда одам нигоҳининг «сеҳри»га ҳам қаттиқ ишонганлар. Айниқса, бу «сеҳр» одамларнинг жинсий аъзоларига қаттиқ зарап етказади, деб ишонганлар. Шунинг учун ҳам жинсий аъзоларни бекитиб юриш одатга айланган.

б) Ҳарбий сеҳргарлик

Ҳарбий сеҳргарликнинг зиён-заҳмат етказиш сеҳргарлигидан фарқи шундаки, бу сеҳргарликнинг маросимлари очиқ равища үтказилган. Душманга зиён-заҳмат етказиш сеҳргарлигига эса унинг маросимлари яширин равища үтказилган, шунда ҳам унинг тиги якка-якка олинган душманга қаратилган эди.

Ҳарбий сеҳргарликнинг асосий мақсади — ҳарбий ғалабани таъминлашдан иборат бўлган. Ҳарбий ҳаракат ёки мудофаа бошланишидан аввал ҳарбий рақслар ижроси бошланган. Рақс ҳарбий жангни эслатар эди, гуёки у булажак жангнинг инсценировкаси эди. Жангчилар душман тасвирларига найза санчардилар. Бу хатти-ҳаракатлар сеҳрнинг кучи билан душманга таъсир этмай қолмаслигига ишонилар эди.

Уруш бор жойда одам ўзини доимо хавф-хатарда сөзар эди. Шунинг учун ҳам улар ўзини хавф-хатардан сақтайдиган туморлар тақиб олишарди. Бу одат ҳозир ҳам сақланиб қолган. Гүёки бу ҳарбий туморлар кишиларни ўқдан сақлар эмиш.

Кейинчалик тараққиётнинг юқорироқ босқичида ибтидоий одамлар ҳарбий сеҳргарлик билан боғлиқ бўлган маросимларни бажариш орқали «руҳларга таъсир этганлар». Руҳлар уларга жангларда мададкор бўлиши керак эди. Бунда сеҳргарлик анимизм билан биргаликда намоён бўлади.

в) Муҳаббат сеҳргарлиги

Сеҳргарликнинг бу тури ҳам зиён-заҳмат етказиш сеҳргарлиги каби жуда кенг тарқалгандир. У деярли ҳамма ҳалқларда мавжуд бўлган.

Бу сеҳргарликнинг мазмунини — икки жинсда бир-бирига интилиш ёки уларни бир-биридан қайта-риш (иссиқ-совуқ) ҳиссиётини вужудга келтириш ташкил этади.

Бу сеҳргарликнинг маросимларини бажариш жуда оддийдир. Шундай бўлса-да, маросимлар турли ҳалқларда турлича бажарилган.

Масалан, Малакка яриморолида яшовчи семангларда бирор аёлни ўзига ром қилиб олишни истаб қолган эркак, аёл ухлаб ётган пайтида унинг ҳузурига бир ўғил болани юборган. У бола ухлаб ётган аёлнинг кўкрагига, пешонасига ўсимликдан тайёрланган алоҳида малҳамни суртиб қайтган. Бирор эркакни ўзига ром қилиб олмоқчи бўлган аёл эса эркакнинг ҳузурига қиз болани юборган.

Меланезия оролларида яшовчиларнинг муҳаббат сеҳргарлиги билан боғлиқ маросимлари ундан ҳам жун бўлган. Масалан, рақсга тушилаётган пайтда эркак ёки аёл киши ўзига ром қилиб олмоқчи бўлган аёлнинг ёки эркакнинг танасига «сеҳрланган» тупроқ, буёқни сепса ёки майда-майда тошни отса, кифоя қилган.

Янги Каледония оролларида яшовчи сулка қабиласидаги эркак бирор аёлни ўзига ром қилмоқчи бўлса, рақс пайтида сеҳрли деб ҳисобланган нарса чизилган елкасини у аёлга теккизган. Шундан сўнг, гүё у аёл ҳушсизланиб йиқилган ва касал бўлиб қолган. Ўзига келгач, ким бундай қилганини аниқлаган, у эркак бу

аёлни даволаган, аёл эса у эркакка турмушга чиққан. Мұхаббат сәхрәрлиги бир-бирини севган икки жинсни душманлар томонидан ажратиб юбориш ҳамда бир-бирини ёқтирмай қолған эркак билан аёлни қандай қилиб бир-биридан узоқлаштириб юбориш масаласини ҳам ўз ичига олади.

г) Даволаш сәхрәрлиги

Одамзод касалликни, үлимни душманлық сәхри оқибатида юборилған оғат деб билар эди. Бинобарин, энди одамлар касалликни даволаш, уни танага киритмаслик йұлларини қидирғанлар. Шу туфайли даволаш сәхрәрлиги пайдо бўлган.

Даволаш сәхрәрлигига қўлланилган воситалаф жуда хилма-хил бўлган. Даволаш мақсадида энг кўп ишлатилған нарса — сариқ ёки қизил тусли минерал буеқ эди. У узоқ қайнатилған сув билан аралаштирилиб, ҳар хил касалликларни даволаш учун ичилган. Ёки ёғ билан аралаштирилиб, ундан малҳам тайёрланган ва оғриқ бор жойларга (аввал дуо ўқилиб, албатта) суртилган.

Ғайритабиий кучга эга бўлган дори-дармонлар ўша даврнинг табиблари томонидан тайёрланган.

Табиб ҳар хил моддаларнинг хусусиятини билади, бу билимларни у руҳлардан олади, деб ишонишган.

Дастлаб, одамда пайдо бўлган касалликка унинг танасига кириб қолған тош ёки бошқа бирор нарса сабабчидир, шунинг учун уни танадан чиқариб ташлаш зарур деб ҳисобланган. Бу вазифа албатта профессионал табиб томонидан дуо ўқишилар орқали «амалга оширилган».

Табиблар ўз фаолиятларида бугли ҳаммом, қонни чиқариб ташлаш, одамни қайт қилдириш каби усуллардан жуда кенг фойдаланғанлар. Касалланган қонни чиқариш, қайт қилдириш орқали танадаги касалликни чиқариш билан одам бало-қазодан қутулди, деб ҳисобланган. Одамга турли аччиқ моддалар ичказилиб, ҳақиқатда улар қайт қилдирилган, бироқ, қонни тозалаш, ундан касал келтирувчи инс-жинсларни чиқариб юбориш дуонинг кучи билан содир этилди, деб одамлар ишонтирилган.

Одам танасини касал тарқатувчи кучлардан тозалашда олов ва сувдан ҳам кенг фойдаланилган. Уйни тутунга тўлдириб қўйиб касал тарқатувчи инс-жинс-

ларнинг одам танасига кирмаслиги, касалликларни ҳайдаш маросимлари бажарилган. Одам танасидаги иситмалар ҳам шу йўл билан «ҳайдалган».

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, даволаш сеҳргарлигига табиблар ҳар қандай сувдан эмас, «муқаддас» сувдан, яъни дам солинган сувдан фойдаланаётирмиз, деб одамларни ишонтирганлар.

Даволаш сеҳргарлигига бир одам танасидаги касалликни турли хил бошқа предметларга ўтказиш мумкинлиги ҳақидаги ақида чуқур илдиз оғган.

Бу маросим қандай бажарилган? Масалан, қорақутирдан қутулиш учун тиконли таёқча тайёрланган, унинг тиконларига касал одамнинг қони суртилиб кўринарли жойга ташлаб қўйилган. Кимда ким шу таёқчани жойидан қўзғатса, ушлаб олса, касаллик дуонинг кучи билан унга ўтиб кетади, деб ишонилган.

Кўпгина халқларда, хусусан, Шарқ халқларида (узбекларда ҳам) дуонинг кучи билан касалликни дарахтларга ҳам ўтказиб юбориш мумкин деб ишонилган ва бу билан боғлиқ маросимлар бажариб келинган.

Биз юқорида айтганлардан хуроса қилиб, шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, даволаш сеҳргарлиги қўйидаги икки кўринишда олиб борилган:

- а) касални даволаш;
- б) уни одам танасига киритмаслик.

Касал бўлишга йўл қўймасликда турли-туман туморларни тақиб юриш хосиятли деб ҳисобланган.

Даволаш сеҳргарлигига эпидемия кенг тарқалиб кетган жойни ташлаб чиқиб кетиш ёки касалликнинг олдини олиш учун ўзлари яшаётган жойга четдан ҳеч кимни киритмаслик амалиёти ҳам қўлланилган. Бунда албатта дуолар, руҳлар қучига катта умид боғланган.

Сеҳргарликнинг ҳозирги кўринишлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга ҳожат бўлмаса керак. Унга ҳозирги ҳаётимиздан истаганча мисол келтириш мумкин.

IV бөб. ХАЛҚ-МИЛЛИЙ ДИНЛАРИ

1. ҲИНДУИЙЛИК

Ҳиндистонда браҳманлик дини билан буддавийлик дини ўртасида кураш браҳманликнинг Ҳиндистондаги каставий тузумни сақлаб қолишга интилиши билан бошланган. Бу вазифанинг уддасидан чиқилса, браҳманликнинг бутун аҳоли устидан хукмронлиги сақланган бўларди. Бироқ, бу вазифани эски браҳманлик динини сақлаб қолиш билан бажариб бўлмаслигини браҳманлар яхши биларди. Олдинга қўйилган вазифанинг уддасидан чиқмоқ учун омма орасида таъсири камайиб бораётган браҳманлик динини ислоҳ қилиш, унинг маросим, урф-одатларини бажариш тартибини демократлаштириш зарур эди. Шундай қилиб, браҳманлик динини ислоҳ қилиш бошланди. Ислоҳ бошланиши билан браҳманлар дини тарихида янги давр — ҳиндуййлик даври бошланди. Эндиликда бу диннинг маросимлари халқа яқин бўлиб қолди.

Ислоҳотлар кишиларнинг эътиборини ўзига тортадиган, буддавийлик динининг ибодатхоналаридан ҳам улкан ибодатхоналарни қуришдан бошланди. Энди одамлар ибодатхоналарга келиб, бевосита ўзлари диний маросимларни бажо келтирадар эдилар.

Авваллари худолар самовий тарзда акс эттирилганлиги учун улар бир қадар одамлардан узоқроқ эди. Энди худолар одамларга ўхшатиб тасвиirlана бошланди. Уларнинг тасвиirlари ибодатхоналарга осиб қўйиладиган бўлди.

Шундай қилиб, аввал самовий бўлган худолар Эндиликда халқ худолари бўлиб, улар ерда ҳам ўз таъсиrlарига эга бўлдилар. Одамлар энди bemalol бевосита худолар билан мулоқотда бўла олар эди.

Айни пайтда ҳиндуййликда бутпарастлик, қадимги диний тасаввурлар, масалан, сувни (айниқса, Ганг дарёсини), ҳайвонларни муқаддас билувчи хилма-хил маросимлар, урф-одатлар сақланиб қолди. Бу айтилганлар қуруқ бўлмаслиги учун биргина мисол келтирамиз. Ҳиндлар сувга шундай эътиқод қўйган эдиларки, уларнинг фикрича, Ганг дарёсининг суви ҳар қан-

дай гуноҳ иш қилган одамнинг ҳам гуноҳини ювишга қодир эди.

Ҳиндуйликка эътиқод қилувчи ҳинд Ганг қирғоғида ўлишини ўзи учун энг улуг бахт деб ҳисоблаган.

Шундай қилиб, милоднинг I мингийлиги ўрталарида ҳиндуйлик дини вужудга келди.

VIII асрдан бошлаб Ҳиндистонда Ислом дини тарқала бошлагандан, бу динни қабул қилмаганлар шартли равищда «Ҳиндлар» деб атала бошлаган. Ислоҳ қилинган браҳманлик эса «Ҳиндуйлик» номи билан кейинчалик илмий адабиётга кирган. Ҳиндуйликда аввалги динларнинг кўп унсурлари сақланиб қолган. Масалан, муқаддас ҳайвонлар, табиат ҳодисаларига, аждодлар руҳига сифиниш ва ҳоказо.

Ҳиндуйлик ягона черков ташкилотига эга эмас. Унинг пайдо бўлишини бирор конкрет асосчининг номи билан бограмайдилар. У динда турли секталар тузиш ва диний қоидаларни турлича талқин этиш ҳам мумкин. Буларнинг бари ҳиндуйликнинг аслида ягона дин бўлмай қолишига олиб келган. Бу дин амалда турли динлар йигиндисидан иборат динdir.

Барча ҳиндуйлар бажариши мажбурий бўлган таблар жуда камдир. Булар бор-йўги: Веданинг муқаддаслигини тан олиш (Муқаддас китоб), руҳнинг абадийлиги, жоннинг кўчиб юриши, касталарнинг худо томонидан яратилганлиги.

Ҳиндуйлиқдаги хилма-хиллик ва ~~тарқоқлик~~ асрлар давомида Ҳиндистоннинг тарихий тараққиётiga салбий таъсир кўрсатиб келди, яъни бу ҳол ҳиндларнинг Умумҳиндистон миқёсида жипслашувини таъминламади. Охир-оқибатда бу омил чет эл босқинчиларига қарши курашда ҳиндларни бирдамликка олиб келмади. Бу эса Ҳиндистоннинг осонгина мустамлакага айлануб қолишини олдиндан белгилаб берган омилларнинг бири бўлди.

Ҳиндуйлик айни пайтда диний-фалсафий қарашларнинг мураккаб комплекси ҳамда қонун-қоидалар йигиндисидан ташкил топган бўлиб, улар одамнинг туғилганидан то ўлгунига қадар бўлган барча ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради.

Унинг ақидавий таълимоти ва маросимлари «Муқаддас китоб» — «Веда»да ўз аксини топган.

Бу дин буддавийликка қарама-қарши ўлароқ, Қадимги Ҳиндистоннинг ижтимоий ҳаётига хос

бүлган табақаланиш тизимини (каста) мустаҳкам лайди.

Улар асосан 4 қастага бўлинган эдилар:

1. Браҳманлар (руҳонийлар); 2. Кшатрийлар (ҳарбийлар); 3. Вайшийлар (савдогарлар, ҳунармандлар);
4. Шудрийлар (паст табақалар).

Одамларнинг ҳаётда тўртта мақсади бўлади, деб таълим беради ҳиндуййлик. Булар: а) драхма (диний, оиласвий ва ижтимоий ишларни адо этиш); артха (моддий бойликлар топиш ва ундан тўғри фойдаланиш); в) кама (ҳаётий интилишлар, биринчи галда севги ҳиссини қондириш); г) мокша (қайта туғилиш занжиридан халос бўлиш).

Ҳиндуййлик купхудолик динидир. Жумладан, браҳманликнинг Браҳма, Шива, Вишну, Индра каби худолари унда ҳам сақланиб қолған.

Ҳиндуййлик таълимотига қўра, олам, ҳаётнинг ҳамма шаклларини Браҳма яратган. Бироқ, Браҳма бу динда уч худонинг номигагина бошлиги. Ҳозир Браҳмага сифиниш деярли йўқ. Ҳиндуййлар асосий иккита бошқа Худога — Вишну ва Шивага сифинадилар.

Ҳиндуййлик таълимотига қўра, олам маълум давр ичida яшайди. Оламнинг ҳар бир яшаш даври 4 миллиард 320 миллион йилга teng. Бу давр ичida юксак тараққиёт сўниб емирилиш содир бўлади, деб тарғиб қилинади.

Ҳиндуййликда жаннат ва дўзах тушунчалари ҳам бор. Бу диннинг ақидаларига қўра одамзот яратилишидаёқ ижтимоий жиҳатдан тенгсиз яратилган, шунинг учун бу тенгсизликни реал ҳаётда тутатишнинг иложи йўқ, унга таъсир этишга ҳеч қандай куч қодир эмас. Инсон руҳи абадийлиги учун у ўлган жасаддан янги туғилган инсон танасига кучиб юради, дейилади.

Ниҳоят, инсон ўз ҳаётида нимаики ёмонлик, шаккоклик қилса, оқибатсиз қолмайди, унинг жазосини нариги дунёда тортади.

Ҳиндуййликда асосий худолар ҳисобланган Вишну ва Шивага сифиниш учун қурилган ибодатхоналар Ҳинди斯顿нинг деярли барча вилоятларида мавжуд. Қурбонликлар ва назру ниёзлар шу ибодатхоналарга олиб келинади.

Диндорлар худолардан нажот сўрайдилар. Ибодатхона тўрида хушбўй ҳид тарқатадиган гисҳ тутатиб қўйилади, идишларда гуллар туради.

Ҳиндуйликка кўра мурда кўмилмайди, куйдирилади. Муқаддас ҳисобланган Ганг соҳилларига тумонат халқ йигилади. Агар вафот этган ҳинд Ганг дарёси ёқасида куйдирилса, у шубҳасиз жаннатга кетади. Кишилар дафн маросимидан қайтишларида Ганг сувидан идишларга олиб келадилар ва мархумнинг маросимга ўз вақтида етиб кела олмаган яқинларига сувдан улашадилар.

Ҳиндуйлик ҳамма вақт бошқа динларга муросали динлиги билан ажралиб турган. Бу дин айни пайтда бошқа халқлар, қабилалар, миллатларнинг динларидағи зарур деб ҳисобланган томонларни ўз таълимотига сингдира олиш хусусиятига ҳам эга диндир. Бунинг учун ўзларига қўшилишни истаган қабиланинг асосий сажда қилувчи нарсаларини Вишну ёки Шиванинг тасвири деб эълон қилиб қўя қолиш кифоядир.

Бирок, ҳиндуйликда якка шахсларнинг бошқа диндан ўтишларига йўл қўйилмас эди. Бунга кастачилик (тоифачилик) тўгрисидаги таълимот тўсқинлик қиласарди. Ҳиндуйлик динига ўтишнинг шарти — бу динга ўтишни истаган одамнинг Ҳиндистонда мавжуд бўлган 4 кастанинг муқаррар бирортасига мансуб бўлиши эди. Ана шу шартнинг таълимотига айлантирилганлиги туфайли ҳиндуйлик жаҳон динига айланна олмади.

Бугунги Ҳиндистон аҳолисининг 83 фоизи шу динга эътиқод қиласади. Ҳиндуйлик жаҳон динига айланмаган бўлса-да, нима сабабдан унга эътиқод қилувчилар Ҳиндистонда кўп? Бунинг сабаби шуки, бу дин таълимотига кўра ибодат қилишда ҳинд миллатидаги барча одамлар, шу жумладан аҳолининг энг мазлум қатламлари ҳам иштирок эта олади. Охират ҳаёти ҳақидаги таълимотда эса имтиёзсизларга диний таскин берувчи жиҳатлар кучайтирилган. Бу дин жамиятдаги барча табақаларнинг исталган вакили, шу жумладан энг қашшоқ чорикори ҳам яхши сифат билан қайта тугилиш истиқболига эга, деб таълим беради.

Ҳиндуйлик, шунингдек, Непал, Шри-Ланка, Бангладеш ва бошқа мамлакатларда ҳам қисман тарқалган.

2. ЖАЙНИЗМ ВА СИҚҲИЗМ

Жайнизм милоддан аввалги VI асрда Ҳиндистонда вужудга келган. Бу диннинг асосчиси кшатрия кастасидан чиққан афсонавий Вардхамана Махавира (у Жинна

ҳам дейилади, жайнизм ана шу номдан келиб чиққан)

эди.

Жайнизм Ҳиндистондаги кастачилик тузумига қарши эди.

Ривоятларга күра, жайнизм таълимоти асрлар оша **24** устоз-пайгамбар орқали етиб келган, уларнинг энг сунгиси Жинна тахаллусини олган Вардхамана Махавира эди.

Жинна «Қасос» қонунини («карма» деб юритида-ди) енгган голиб ҳамда диний нажот йўлидаги тусиқларни бартараф этган шахс сифатида танилган.

Жайнизм тарафдорлари ўзларининг ярим афсона-вий пайгамбарларига худоларга сиғингандек сиғина-дилар.

Бу дин таълимотига кўра, воқеий моддий дунё өвузликлардан иборат, шунинг учун одам улардан ха-лос бўлмоқ учун курашмоғи керак. Халос бўлиш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқдир.

Халос бўлишга, нажотга ҳамда абадий роҳат-фарогатта фақат тақводорлик билан ҳаёт кечириш орқалигина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам жай-низмнинг энг ашаддий тарафдорлари ҳатто оддий кийим кийиб юришдан ҳам воз кечганлар.

Бу динда марказий ўринни турли моддий жисм-ларга мунтазам жойлаша оладиган абадий жон тұгрисидаги таълимот әгаллайди. Инсон жони унинг барча қилмишлари учун жавобгар, чунки бу қилмишлар қасос қонуни асосида рўй беради. Қасос қонуни танни жон билан бөглайди, инсонни Ердаги юмуш-ларга занжирбанд этади ва унинг кейинги қайта тугилишларини белгилаб беради. Нажотга ҳамда аба-дий роҳат-фарогатта фақат тақводорлик билан ҳаёт кечирган одамгина эриша олади. Ҳар бир кишидан таълимотнинг ҳаққонийлигига ишониш, шу эъти-қодга асосланган мукаммал билимга эга бўлиш, шу-нингдек, дин ақидаларига оғишимай амал қилиб яшаш талаб этилади.

Жайнизмда – икки асосий йұналиш мавжуд. Улар-нинг бириңчиси – дигамбарлар дейилади. Бу йұналиш тарафдорлари ҳаётнинг барча лаззатларидан (ҳатто никоҳга киришдан ҳам) воз кечганлар. Улар ҳеч нимани, ҳатто оддий ҳашаротни ҳам үлдирмаслик тұгрисидаги таълимотга амал қиласидилар.

Кичкинагина бўлса ҳамки, жониворни үлдириб қўймайлик деб ҳатто сув ичганларида оғизларини лат-

та билан беркитадилар. Латтанинг устидан сув ичадилар. Зигиртак бўлса ҳам, ҳашарот тирик жонивор тушиб қолган бўлса, оғиздаги латта уни ушлаб қолиши керак.

Иккинчи йўналиш — бу шветамбарлар деб аталади. Улар бу дин ақидалари ёзилган эски матнларни тиклаш, уларга қонун тусини бериш керак деб ҳисоблайдилар. Ҳаётга унчалик эътибор бермасликни тарғиб этсалар-да, бу дунё лаззатларининг ҳаммасидан ҳам воз кечмайдилар.

Куриниб турибдики, бу диннинг талаблари ниҳоятда қаттиқдир. Шунинг учун ҳам бу дин Ҳиндистонда кенг тарқалмай қолган.

Сикҳизм (санскрит тилида «шогирд» деган маънени англатади) дини XVI асрда Ҳиндистонда вужудга келди. Унинг пайдо бўлишидаги диний сабаблар, бир томондан, ҳиндуийлик дини ҳимоя қилган каастачиликка қарши кураш бўлса, иккincinnisi мусулмонлар босқинчилигига қарши миллий кураш ҳаракати эди. Айни пайтда бу дин майда савдогар ва ҳунармандларнинг каастачилик тузуми ва феодал зулмига қарши норозилигини ҳам ифодалаган.

Бу диннинг асосчиси — гуру (яъни устоз) — кшатрия каастасидан чиққан Нанак (1469—1539)дир. XVII асрда сикҳлар жамоасига куплаб дехқонлар қўшила бошлади, натижада жамоа ҳарбий-демократик ташкилот тусини олди. Бу каастачилик ва қабиладошлиқдан юз ўтирган тент ҳуқуқли инсонлар жамоасига айланди. Айни пайтда, сикҳизм ошкора феодалликка қарши мафкурага ва Бобурийлар империясига, инглизлар зулмига қарши кураш байрогига ҳам айланди.

Бу дин таълимотидаги асосий гоя диний бўлинишни тутатиш, ҳаммани, шу жумладан ҳиндуийлик динига ва Ислом динига эътиқод қилувчиларни ягона динга бирлаштириш гояси эди.

Сикҳизм ҳаракати XVII асрда сикҳларнинг кучли давлатини тузиш билан яқунланди. XVIII асрда эса улар Панҷобни ҳам эгалладилар. Сикҳлар давлати кейинчалик типик феодал давлатига айланди. Бу давлат 1849 йилгача, яъни инглизлар томонидан истило қилингунча яшади.

Сикҳизм таълимоти унинг муқаддас китоби «Грантҳ Соҳиб» (Жаноб Китоб)да баён этилгандир. Бу китоб асосан гурунинг (устоз) панд-насиҳатларидан, ҳаёти ҳақидаги лавҳалардан иборатдир. Бу ки-

тоб сикҳизм таълимотининг манбай ва ибодатнинг объекти ҳамдир. Сикҳлар жамоаси ҳозир ҳам Ҳиндистонда жуда кучли таъсирга эга. Улар бутунги кунда ўзлари кучли таъсирга эга булган Панжобни Ҳиндистондан ажратиб олиш ва мустақил Ҳолистон давлатини тузиш учун курашмоқдалар.

3. ДАОСИЗМ

Даосизм — аслида фалсафий таълимот бўлиб, у милоддан аввалги IV—III асрларда Хитойда пайдо бўлган. Унинг асосида милоддан аввалги II асрда даосизм дини шаклланди.

Даосизмнинг фалсафий принциплари «Дао Ҷэцзин» китобида баён этилган. Бу асар ўтмишдаги ярим афсонавий Хитой донишманди Лао-Цзи қаламига мансубдир. Бу китоб галати ва жумбоқли афоризмлар, ҳикматли сўзлар тўпламидан иборат.

Асарнинг асосий тушунчаси «дао» (йўл) булиб, у оламнинг моҳияти ва бош сабаби, дунёнинг турлитуманлиги манбай, барча нарсаларнинг онаси деб тушунилган. Бу, гўё қандайдир йўл булиб, атрофни ўраб олган олам ва барча кишилар шу йўл билан бориши лозим. «Дао» диний мазмун қасб этган йўлгина булиб қолмай, айни пайтда, у ҳаёт тарзи, усули, принциплари ҳам эди.

Даосизм фалсафасида материализм ҳамда стихияли диалектика унсурлари ҳам бўлган. Масалан, «дао» сўзини материалистик нуқтаи назардан талқин этганда, у табиат, объектив олам деб ҳам тушунилади. Лао-Цзининг айрим издошлари «дао»ни худди ана шу мазмунда тушунгандар.

Лао-Цзи фалсафасида ўзига хос стихияли диалектик унсурлари қуйидаги фикрларда кўзга ташланади:

- борлик ва йўқликдан ҳамма нарса келиб чиқсан;
- мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган нарсалардан — ҳаракат;
- узун ва қисқадан — шакл;
- юқорилар ўзларига қуйиларни буйсундирадилар;
- баланд овоз паст овоз билан биргаликда уйғунликни вужудга келтиради;

- аввал вужудга келган нарса кейингисини ўзига бўйсундиради;
- мукаммал бўлмаган нарсалардан бир бутунлик ҳосил бўлади;
- қийшиқдан — тўғрилик; паст-баландликдан — тскислик; эскидан янги келиб чиқади;
- бирор нарса сиқилар экан — у, албатта, кейинчалик кенгаяди;
- нимадир кучсизланар экан — у кейинчалик кучаяди;
- нимадир йўқ қилиб юборилар экан — кейин у қайта тикланади ва ҳоказо.

Лао-Цзи ўз диалектикасини қарама-қаршиликларнинг кураши маъносида эмас, балки уларни муросага келтириш маъносида тушунган.

Даосизм таълимотидаги ажабтоворлик шундан иборатки, у кишиларни ҳаракатсизликка, фаолиятсизликка даъват этади. Шунинг учун ҳам даосизмда табиатдаги, ҳаётдаги бирор нарсани ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат, уриниш, фаолият қораланганди.

Лао-Цзи ҳар қандай билимни ёвузлик билан тенг ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам даосизм таълимотида қуйидаги галати сўзлар бор эди:

— Кимда-ким ҳар қандай билимдан озод бўлса, у ҳеч қачон касал бўлмайди.

— Кимда-ким ўзининг борлигини теран билса, у нодон бўлиб қолади.

— Билим йўқ, мана, нима учун мен ҳеч нарса билмайман.

Биз юқорида Лао-Цзи таълимотида одамларни фаолиятсизликка ундовчи ғоялар ҳам борлигини таъкидлаган эдик. Бу унинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган эди:

— ҳамма фаолиятсиз бўлса, ҳеч нарса билан шугулланмаса, Ер юзида тўла хотиржамлик ҳукм суради;

— мен ҳеч нарса билан шугулланмас эканман, бу халқ учун яхшидир; қачонки мен хотиржам эканман, демак, мен халқни адолатли қилган бўламан; қачонки мен бирор-бир янги нарсага ҳаракат қилмас эканман, демак, халқ бойийди.

Лао-Цзи халқ орасида подшо ҳокимиятини жуда юқори қўйган.

Унинг фикрича, дао улуг, осмон улуг, ер улуг, подшо улуг. Демак, Ер юзида 4 улуглик борким,

улардан бири подшодир. Лао-Цзи фикрича, бундай подшо муқаддас ва фаолиятсиз доҳий эди. Лао-Цзи уз давридаги давлат ҳокимиятини тан олмаган, уни инкор этган. Шунинг учун ҳам у: «Бу давлат ҳокимияти мавжудлиги туфайли халқ оч-ялангочdir, давлат солиқлари жуда улкан ва оғирdir. Бу нарса халқ кулфатининг сабабидир», деб ёзган эди.

У уз фикрини давом эттириб: «Асосий фазилат, ҳиммат — қаноат қилмоқdir. Осмонга хизмат қилмоқ ва одамларни бошқармоқ учун, яхшиси, қаноат қилмоқлик зарур. Қаноат қилмоқлик — ахлоқий мукаммаликка эришишнинг биринчи погонасиdir», деб ҳам ёзган.

Лао-Цзи бу фикрларни бекорга айтмаган эди. Бу таълимот маълум бир ижтимоий қатламнинг — мавжуд тартибларни сақлаб қолишга уринаётган патриархал коҳинларнинг манфаатини ифодалар эди.

Лао-Цзининг ўзи у даврда давлат хизматида эди (архив ишларини бошқаарди), лекин кейинчалик у мамлакатда содир бўлаётган тартибсизликлардан норози булиб давлат хизматидан кетган. Демак, Лао-Цзи давлат ишларига таъсир кўрсата олмаган. Бунинг сабаби, унинг таълимотида давлат ишларига аралашмаслик гоясининг мавжудлигига эди. Унинг таълимоти эса, юқорида айтганимиздек, милоддан аввалги II асрда вужудга келган даосизм динининг асоси булиб хизмат қилган.

Даосизм динида уч худо — Шан-Ди, Лао-Цзи ҳамда дунёning яратувчиси Пант-Гу бошчилигига худолар пантеони шаклланган.

Шан-Ди осмон худоси, олий руҳ, қудрат ва осмон ўғиллари бўлган императорларнинг отаси ҳисобланарди.

Даосизм дини ўз ибодатхоналарига, муқаддас китобларига, диний хизматни бажарувчи руҳонийларига эга.

Бу диннинг диний ташкилоти иерархия принципига асосланган. Иерархиянинг бошида олий руҳоний (патриарх) — Тянь-Ши (самовий устоз) турлади. Унинг сулоласи милоднинг II асирида вужудга кела бошлаган. Олий руҳоний оиласи турмуш қура олар эди. У ўз диндорлари орасида жуда катта обрўга эга бўлган. Бу диннинг бошқа руҳонийлари ҳам оиласи турмуш қура олган. Айни пайтда бу динда роҳиблар ҳам мавжуддир.

V аср бошига келиб, даосизм диний таълимоти ва маросимлари расмийлашган, у давлат динига айланган. Бироқ, унинг замирида жуда күп секталар вужудга келганки, улар илоҳиёт масалалари, ақидалар, маросимларни мустақил талқин этишлари, диндорлар бурчларига турлича қарашлари билан бир-биридан фарқ қиласди.

Даосизм муҳлислари орасида дунёдан мутлақо юз ўтирган зоҳидлар ҳам, олий ҳузур-ҳаловатга эришиш учун бу дунё неъматларидан воз кечиш шарт эмас деб биладиган диндорлар ҳам бор.

Даосизм руҳонийлари шахснинг ахлоқий ўз-ўзини такомиллаштириш гоясини тарғиб қилиб, диндорларга узоқ умр қуришга эришишнинг муайян усулини ҳам тақлиф этадилар. Бу усуллар — парҳезни, жисмоний машқлар тизимини ва бошқаларни ўз ичига олади. Айни вақтда улар «ёвуз руҳлар»ни ҳайдаш, фол очиш билан шугулланадилар.

Даосизм таълимоти шаклланган пайтда ижобий характерга эга эди. Кейинчалик у ўзининг бу хусусиятини йўқотган. Нега? Бу динда дунеда 4 улуғликдан бири подшодир деб ҳисобланишини биз юқорида айтиб ўтган эдик. Шунинг учун ҳам бу диннинг V асрда давлат динига айлангани бежиз эмас. У Хитой императорлари манфаатига мос эди.

Лао-Цзи, яъни инсон ҳам бу динда худо даражасига кўтарилиган. Императорларга худди шу нарса керак эди. Бундан ташқари, бош худо — Шан-Ди, юқорида айтганимиздек, «Осмон ўғиллари» бўлмиш императорларнинг отаси эди. Шундай қилиб, бу дин ҳукмдор синфнинг манфаатига мослаштирилди, уларга хизмат қила бошлади. Бу билан ўзининг прогрессивлик характеристини йўқотди. Қолаверса, бу дин эскиликни қаттиқ ҳимоя қиладиган, баъзи ҳолларда таркидунччиликни тарғиб этадиган дин бўлганлиги учун ҳам унинг тарафдорлари бора-бора камайган.

4. КОНФУЦИЙЧИЛИК

Қадимги Хитойда Лао-Цзи фалсафий таълимоти билан деярли бир даврда Кун-Цзи (Конфуций — миљоддан аввалги 551—479)нинг фалсафий таълимоти ҳам пайдо бўлди. Конфуций — Қадимги Хитой файласуфи ва педагоги, конфуцийчиликнинг асосчиси. Конфуций, гарчи, самони олий руҳий құдрат, аждод-

ларга қурбонлик келтиришни уларни эъзозлашнинг асосий ифодаси деб билса ҳам, ўз таълимотида осмон сирлари муаммоларини деярли тилга олмаган ҳамда руҳлар ва нариги дунё каби тушунчаларга кам эътибор берган. Конфуцийнинг фалсафий ва ахлоқий гоялари марказида инсон, унинг ақлий ва маънавий қиёфаси, оламдаги ҳамда жамиятдаги ўрни, вазифаси муаммолари туради.

Конфуций фикрича, оламдаги барча мавжудот сингари инсоннинг тақдири ҳам самовий құдратга болғық, шунинг учун одамларнинг олижаноблиги ёки тубанлығи, олий ёки паст табақага мансублигини ўзгартириб бўлмайди.

Бинобарин, подшо — подшолигича, фуқаро — фуқаролигича, ота — оталигича, фарзанд — фарзандлигича қолиши керак. Бундай гоя, кўрамизки, мавжуд тузумни сақлаб қолишини назарда тутар эди. Шу билан бирга, Конфуций идеал, олий инсон, асл, мард киши концепциясини ишлаб чиққан. Бу концепцияга кўра, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатгўйлик, ҳақгўйлик, самимият, фарзандлик иззат-хурмати каби юксак маънавий фазилатларга эришиш туфайли юксак қамолотга етишуви мумкин.

Конфуцийнинг фалсафий таълимоти кейинчалик Хитойда ҳукмрон динларнинг бирига айланган ва конфуцийчилик деб ном олган диннинг асоси бўлди (милоднинг бошларида). Конфуцийчилик манбаи — Конфуций издошлари ёзган «Лунг-Юй» (Суҳбатлар ва мулоҳазалар, милоддан аввалги VI аср) китобидир. Конфуцийчилик Лао-Цзи таълимотидан тубдан фарқ қиласди. У жамиятни ижтимоий ларзалардан асраб қолишга интилган феодал амалдорларнинг қарашлари ва манфаатларини ҳимоя қилган.

Конфуцийчиликнинг мақсади — халқни мавжуд тартиб-қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдир.

Бу дин ақидасига кўра, жамиятда осмондан юборилган «Женг» (Инсонпарварлик) қонуни амал қиласди. Бу қонунни ўрганиб олиш учун инсон «Ли»га, яъни ижтимоий ахлоқ нормаларига, қоидаларига, анъанавий маросимларга амал қилиши, ўзининг жамиятдаги даражасига қараб иш тутиши зарур.

Конфуцийчилик белгиланган диний тартибларга қаттиқ амал қилишни талаб этади. Конфуцийнинг

үзи ҳаётлигіда диний тартибларни сидқидилдан ба-
жарган.

Эндиликда, ҳар бир оиланиң үз ибодат хонаси булиши зарур бўлди. Ҳар бир оила үз ибодатхонасига аждодларнинг тимсоли бўлган «Чжу» тасвирини жойлаштиради, унинг ёнига қурбонликларини қўяди ва диний маросимларни ижро этади.

Конфуцийчиликда ижтимоий-ахлоқий масала алоҳида үрин эгаллайди. Шу маънода Конфуций таълимотини инсон хатти-ҳаракати, ҳаёти меъёрлари ҳақидаги таълимот дейиш ҳам мумкин эди. Инсонлар ўртасидаги ҳаёт тарзи анъанавий 5 муносабатдан иборатлиги қайд этилган:

- давлат бошлиғи билан амалдорлар ўртасидаги муносабат;
- ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабат;
- эр билан хотин ўртасидаги муносабат;
- катта ва кичик ака-укалар ўртасидаги муносабат;
- дўст-биродарлар ўртасидаги муносабат.

Бу таълимотда шундай қадриятлар ҳам борки, унга қойил қолмай илож йўқ. Биргина мисол келтирамиз:

Ўғил ота-онаси олдида қўйидаги 5 вазифани бажариши шарт эди:

- 1) ҳар доим ота-онани тұла ҳурмат қилиш;
- 2) уларга энг суюкли таомларни келтириш;
- 3) улар бетоб бўлиб қолганларида чуқур қайгуриш;
- 4) улар вафот этганларида юрак-юракдан ачиниш;
- 5) улар хотирасига тантанали равища қурбонликлар қилиш.

Конфуцийчиликда диний маросимларнинг асосий мазмуни — конфуцийчиликка қадар мавжуд бўлган анъаналарни, уруг-қабилавий маросимларни мустаҳкамлаш, қонунлаштиришни ташкил этарди. Чунки Конфуций ўзининг ҳеч қандай янги таълимот яратмаганлигини, фақат эски маросимларга, тартиб-қоидаларга, кўрсатмаларга қаттиқ риоя этишини талаб қилишини қайта-қайта такрорлар эди. Бу үринда унинг қўйидаги сўзларини келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик: «Қадимдан жорий этилган маросимлар сақланмас, ёки улар бекор қилинар экан, унда ҳамма нарса аралашиб кетади, издан чиқади. Никоҳ маросимини йўқ қилинг-чи — унда эр-хотинлик бўлмайди, бу билан боғлиқ катта-катта жиноятларга йўл очилади ёки дафн этиш ва қурбонлик қилиш маросимини йўқ қилинг-чи —

унда болалар вафот этган ота-оналари хотираси тұғрисида үйламай, тирикларига эса хизмат құлмай құядылар; Пин-Цзинь маросимини йүк қилинг-чи — унда подшо билан амалдорлар үртасидаги фарқ йүк булиб кетади, кичик-кичик князчалар үзбошимчалик қила бошлайдылар, натижада таъқиб этиш ва зұравонлик бошланади».

Хитой халқи тарихида қадимги маросимлар катта үрин тутганлигини Конфуций яхши билар эди. Шунинг учун ҳам у халқ үтмиш аньаналарини, маросимларини үзининг таълимотида асосий мазмунга айлантирган.

Хитойликлар учун энг ёмон фожеа — эркак томонидан авлоднинг қолмаслигидир. Улар авлодлари қолмаса — биз үлганимиздан сұнг ким бизларни ёд эта-ди, деб қаттиқ қайғуга тушадылар.

Конфуцийчиликнинг бош худоси — осмон худоси эди. Кейинчалик Конфуцийнинг үзи ҳам илохийлаштирилған. Унинг шарафига ҳатто императорнинг үзи ҳам диний маросимларни бажо келтирарди. Бу бежиз әмас эди, албатта. Чунки конфуцийчилик оддий халқ устидан «аслзодалар»нинг ҳукмронлигини оқлады. Бундан ташқари, бу диннинг мавжуд тартиблар агадийлиги, одамлар олий ва қуий табақага булинниши ҳақидаги таълимоти айнан императорлық манфаатларини, салтанатни ҳимоя қиларди.

Бу динга күра, айни пайтда императорнинг үзи олий худонинг ердаги вакилю жаңынан қарата өзилған қуйидаги маслаҳат ҳам бор эди: «Агар император бирор катта мақсадни амалга ошироқчи бұлса, у албатта аждодлари ибодатхонасига бориши лозим. Қилмоқчи бұлған ишидан, үзининг мақсадидан авлодларини хабардор этмоғи керак. Шу пайтда у осмонда юлдузларнинг ҳолатига қарамағы, улар қулай жойлашғанлигига ишонч ҳосил қылганидан сұнг, үзининг мақсадини амалга ошириш-га киришмоги мүмкін».

Шундай экан, конфуцийчиликда аждодлар рухига сигиниш олий даражага күтарылған.

Конфуцийчилик динининг «Си-Шу» (Түрт китоб) ва «У-Цзин» (Беш китоб) деган муқаддас китоблари бор. Бироқ, бу китобларнинг барини ҳам диний деб бұлмайды. Уларнинг ичида динга алоқаси бұлмаган китоблар ҳам мавжуд.

Беш китоб қуйидаги китоблардан иборат:

- 1) «И-Цзин» (үзгаришлар китоби, сеҳргарлик, дуолар тўплами);
- 2) «Шу-Цзин» (қадимги тарих, афсонавий императорлар тарихи);
- 3) «Ши-Цзин» (қўшиқ айтиш китоби, қадимги поэзия тўплами);
- 4) «Ли-Цзи» (маросимлар китоби);
- 5) «Чун-Цю» (баҳор ва куз китоби).

Турт китоб эса:

- a) «Да-Сюе» (буюк таълимот, инсоннинг ўзини-ўзи такомиллаштируви ҳақидаги китоб);
- б) «Чжун-Юн» (оралиқ, ўрталиқ ҳақидаги китоб);
- в) «Лун-Юй» (ҳикматли сўзлар китоби);
- г) «Мэн-Цзи» (Конфуцийнинг энг қадимги шогирдларидан бири Мэн-Цзининг таълимоти).

Конфуцийчилик динининг ўзига хос, уни бошқа динлардан ажратиб турадиган энг муҳим белгиси — бу динда рухонийлар қатламининг йўқлигидир.

Бу диннинг маросимларини ота ўз ўғлига ўргатиши керак бўлган.

Диний маросимлар давлат томонидан тайинланадиган амалдорлар, мансабдор шахслар томонидан ижро этилган. Улар «маросим профессорлари» деб аталарди.

Яқин-яқингача Хитойда фуқароларни давлат амалдорлиги мансабига қабул қилишда қўйиладиган бир талаб — улардан конфуцийчилик дини маросимларини қанчалиқ билиши ва бажара олиши ҳақида имтиҳон топширишлари бўлганлиги бежиз эмас. Шундай қилиб, император конфуцийчилик асосларини яхши билган амалдор орқали давлат ишларини бошқарган. Бу эса ҳукмрон доираларни мутлақо қаноатлантирган эди.

5. СИНТОИЗМ

Синтоизм (шинтоизм ҳам дейилади) японларнинг анъанавий миллий дини. У милодий VI—VII асрларда шаклланган. Японларнинг эски анъанавий дини, буддавийлик пайдо бўлгунга қадар ва у Японияга ҳам ейила бошлаганида, аниқ бир ном билан номланмаган эди. Эндиликда у буддавийликка қарама-қарши улароқ, ками-но-мити (сўзма-сўз таржима қилинганда «худо йўли»; япончада синто, хитойчада шинто — «йўл»; деган маънони англатади) деб атала бошлади.

Шундай қилиб, синтоизм — «худо йўли» деган маънени англатади.

Синтоизмда буддавийликнинг таъсири жуда кучли. Буддавийлар ибодатхонасига тақлид қилинган ҳолда синтоизм динининг ибодатхоналари ҳам қурила бошланган. Синтоистлар худоларнинг тасвирини ясай бошладилар. Буддавийлар жасадни ёкиш маросимини киритдилар (Японияда мурда кўмилар эди).

Шундай қилиб, икки диннинг яқинлашуви рўй бера бошлади. Буддавийлар ибодатхоналари ичкарисида синтоистлар худолари учун бурчак ташкил этилди. Бу худолар ками деб аталар эди. Баъзан бу камилар ҳатто буддавийлар худолари билан тенглаштириларди. Айни пайтда, синтоистлар худолари пантеонлари сафи буддавийлар худолари билан тўлдирildi.

IX асрда иккала дин руҳонийлари биргаликда яшаш — рёбу-синто (икки бирлик) модулини ишлаб чиқдилар. Унга кўра, бу икки дин ягона дин сифатида қўшилиб кетиши кузда тутилди. Шундай қилиб, Японияда соф буддавий ёки соф синтоист жудаям кам қолди.

Шундай бўлса-да, улар ўртасидаги рақобатга тўла барҳам беришга муваффақ булинмади. Масалан, синтоизм ибодатхоналарида Буддага оид сўзларини айтиш ман этилган эди.

XII асрнинг охирида Японияда ҳарбий-феодал аристократия мамлакатда давлат ҳокимиятини тўла ўз қўлларига олдилар. Императорга эса фақат диний вазифаларнигина қолдирдилар. Гарчанд, император (микадо) ҳамон муқаддас зот, худо Аматерасунинг авлоди деб ҳисобланса-да, у энди аслида ҳар қандай реал ҳокимиятдан маҳрум бўлди, барча дунёвий ишлардан четлатиб қўйилди. Шундай қилиб, мамлакатда бир неча аср давомида феодал анархияси хукм сурди.

Аристократик уруг-жамоалар ўртасида ўзаро урушлар бошланди.

XVI асрда айрим йирик феодал хонадонлар ҳатто христианликдан мадад олишга умид боғлаб католик миссионерлари билан яқинлаша бошладилар. Ўз тарафдорлари орасида христиан динини қабул қилиш зарурлигини тарғиб эта бошладилар ҳам.

Бироқ, XVI аср охирида Японияни яна ягона давлатта бирлаштирган Хидаёси хонадони, кейинчалик

Токугава хонадони христианларни таъқиб этдилар, миссионерларни Япониядан ҳайдадилар.

Токугава жамоасидан чиққан Сёгунлар японларнинг чет элликлар билан яқинлашувини ман эта бошлидилар. Айни пайтда улар хитой-корейс таъсиридан қутулмоқ учун ўз ҳаракатларида японларнинг эски анъаналарига сунндилаар.

Сёгунларнинг бу ҳаракати муваффақиятли чиқишига буддавий руҳонийларининг феодал хонадонлари нинг ўзаро ички урушларига аралашишлари оқибатида ҳалқ орасида обруларини маълум даражада тўкиб қўйганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

1867—1868 йиллардаги Мейдзи ислоҳоти натижасида Японияда императорнинг дунёвий ҳокимияти тикланиши ва эски феодал аслзодаларнинг ҳукмронлиги тутатилиши оқибатида синтоизмнинг тўла расмий дин эканлиги тан олинди. Бу табиий ҳол эди, чунки синтоизм император ҳокимиятининг илоҳийлигини тарғиб этадиган дин эди.

Император ҳатто буддавийликни бутунлай ман этиб, синтоизмни ягона дин деб эълон қилишга уринди. Бироқ, император бу ниятни амалга ошира олмади. Чунки бу пайтга келганда, буддавийлик дини ҳам японлар ҳаётига чуқур сингишга улгурган эди.

Синтоизмни ягона динга айлантириш мумкин бўлмаганидан сўнг, ҳукмрон доиралар бу икки динни бир-биридан ажратиб юбориш мақсадида синтоистлар ибодатхонасидан буддавийлар динига оид тасвиirlар, буюмларнинг чиқариб ташланишига эришдилар. Бироқ, бу икки динни тўла равишда бир-биридан ажратишнинг уддасидан чиқа олмадилар. Шундан сўнг, 1869 йилда Японияда диний эътиқод эркинлиги эълон қилинди.

Энди ҳаётий маросимлар (масалан, чақалоқقا дуо ўқиши, никоҳ)ни синтоистлар ибодатхонасида, дафн этиши, хотирлаш маросимларини эса буддавийлар ибодатхонасида ўтказиш расмга айланди. Барibir синтоизм иккинчи жаҳон уруши охиригача расмий давлат дини саналиб келинди.

Синтоизм буддавийликка нисбатан ўз ақидаларининг соддалиги билан фарқ қиласиди.

Синтоизм таълимотининг асосини — император ҳокимиятининг илоҳийлиги тўғрисидаги ақида ташкил этади. Император (микадо) худо Аматерасунинг авлоди. Шунинг учун ҳам, ҳар бир япон императори-

нинг муқаддас хоҳиши олдида бош эгишга мажбур. Император саройи — муқаддас жойдир. Вафот этган императорларнинг қабри ҳам муқаддас жойдир.

Энг муҳим умумдавлат ва диний байрамлар императорларни хотирлаш кунлари билан bogлиқ эди.

Синтоизмда конфуцийчиликдагига ухшаш аждодларнинг оила-уруг культи катта роль уйнайди. Вафот этган ҳар бир одам камига (барча руҳ ва худоларнинг умумий номи) айланади, деб таълим беради синтоизм.

Оиланинг, ургунинг бошлиғи ҳар куни ибодат қиласи ва қурбонлик қелтиради. Ҳар бир японнинг уйида оиласвий меҳроб борки, ундаги кичкина шкафчага вафот этган оила аъзоларининг номлари ёзилган тахтacha қўйиб борилади.

Синтоизмдаги асосий худолар Аматерасу (қуёш худоси), Сусано-во (бўрон худоси), Инари (гуручли одам, дехқончилик ҳомийси)лардир.

Синтоизм худолари пантеонлари қаторидан Япония императорлари ҳам жой олганлар. Шунингдек, бу динда муқаддас жойлар, айниқса тоғлар, Фудзияма вулқони алоҳида эъзозланади.

Синтоизм ибодатхоналари буддавийлик ибодатхоналаридан узининг соддалиги билан ажралиб туради.

Синтоист руҳонийлари — каннушлар — ўз мансабларини мерос қолдирадилар, айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, синтоист руҳонийлари бир вақтнинг ўзида бирор мансабни ҳам эгаллайдилар.

Синтоизм маросимини бажариш жуда осон. Бу дуо сўзларини уқиши ва гуруч, сабзавот, балиқ кабиларни қурбонлик қилишдан иборатдир, холос.

Синтоизмда озодалик масаласи ниҳоятда катта роль уйнайди. Бирор-бир тоза бўлмаган нарса асло муқаддас жойларга ташланмаслиги қаттиқ талаб этилади.

Тоза бўлмаган ишга қул урган одам албаттага покланиш маросимларини бажармоғи лозим. Ҳар йили 2 маротаба — 30 июнда ва 31 декабрда Японияда умумхалқ покланиш тадбирлари утказилади. Синтоизмда энг нопок нарса — қондир.

Бу диннинг этикаси ҳам жуда оддий. Ундаги энг муҳим ахлоқий бурч — императорга сўзсиз итоат этмоқлик. Японлар ўз динларидағи бундай оддийликни, ўзларининг табиатан ахлоқли эканликлари билан изоҳлайдилар. Шунинг учун ҳам, улар бизга алоҳида диний-ахлоқий қоидаларнинг, ман этилган нарсаларнинг кераги йўқ, деб биладилар.

Синтоизм дини үзининг бутун борлиғи билан Ер юзидағи ҳаётта қаратылған дин. Бу динда нариги дунё масалаларига қизиқиши ҳам жуда кам. Шунинг учун ҳам бу диннинг моҳияти — Японияда тарихан вужудга келган ижтимоий-сиессий тузумни диний ёритиб беришдан иборат бўлган.

1945 йилгача ана шундай эди. Япониянинг иккичи жаҳон урушида енгилиши бу расмий диннинг асосларига путур етказди. 1945 йилнинг декабрида синтоизм дини давлатдан ажратилди. 1946 йилнинг 1 январида император ўз ҳокимиютининг илоҳийлиги тўгрисидаги ва япон халқининг бошқа халқлардан устунлиги тўгрисидаги аввалги давлат доктринасини қораловчи хатини эълон қилди.

Бугунги Японияда диндорлик анъанавий маросимларни асосан уй шароитида ижро этишда намоён бўлади. Оммавий диний тадбирлар эса кўпчиликни ўзига жалб этса-да, у қизиқарли томоша ва вақтни чог этиш воситаси сифатида нишонланади, холос. Японияда диний фанатизм, шунингдек, диний қарама-қаршиликлар йўқ. Булар минг йиллаб давом этган ижтимоий-иқтисодий ҳаёт асосларининг тубдан янгиланганлиги натижасидир.

6. ИУДАИЗМ

Яхудийлар дини бўлган иудаизмни (Иуда қабиласи номидан олинган) бошқа динлардан ажратиб турадиган муҳим хусусият шундаки, бу дин, биринчидан, жуда қадим замонларда (милоддан аввалги XIII асрда) вужудга келган бўлса-да, у бизга қадар жiddий ўзгаришсиз етиб кела олган динdir.

Иккинчидан, бу дин дунёда бошқа динларнинг вужудга келишига ўз таъсирини кучли даражада ўтказа олган дин ҳамdir.

Бу дин яхудий пайғамбари ва қонуншуноси Мусо шарафига, баъзан Мусо дини ҳам деб аталади.

Хўш, нима учун шундай қадимий тарихга эга бўлган, шунингдек, дунёнинг энг йирик динлари — ҳам христианлик, ҳам Ислом динининг вужудга келишида ақидавий манба бўлган бу дин жаҳон динига айлана олмаган, деган саволнинг туғилиши табиийdir. Иудаизм шунинг учун ҳам жаҳон динига айлана олмаганки:

биринчидан, бу диннинг маросимлари ниҳоятда кўп, уларни бажариш қаттиқ назоратга олинган;

иккинчидан, бу динда яхудийлар мумтозлиги гояси зўр бериб тарғиб этилади, яхудийларнинг бошқа миллат вакиллари билан никоҳга кириши манқилинган.

Иудаизм динининг тараққиети, унинг бугунги куринишда шу кунгача етиб келиш тарихи яхудий халқининг ўз бошидан кечирган оғир тарихий синовлари билан бевосита боғланиб кетган.

Бу дин милоддан аввалги II мингйиллиқда Шимолий Арабистонда яшаган кўчманчи яхудий қабилаларининг политеистик (кўпхудолик) эътиқодлари ва маросимлари асосида вужудга келган, кейинчалик эса улар милоддан аввалги XIII асрда Фаластинни босиб олгандан сўнг деҳқончилик билан шуғулланувчи маҳаллий халқларнинг диний тасаввурларини ўзлаштириб олгандир.

Иудаизм шаклланган давр, яхудийлар Фаластинни босиб олганларидан сўнг бу срдаги маҳаллий халқлар диний тасаввурларининг таъсири, уларнинг ўзлаштириб олиниши даври иудаизмнинг илк ва Фаластин даври деб аталади. Фаластин босиб олгандан сўнг кўчманчи яхудийлар энди утроқлик ҳаётига ўта бошладилар, улар ҳам деҳқончилик билан шуғулланганлар. Яхудий тарихидаги Фаластин даври бу халқ ҳаётида йирик тарихий ҳодиса — Яхудий давлатининг вужудга келиши билан характерлидир. Бу воқеа милоддан аввалги X асрда рўй берди. Яхудий давлатининг вужудга келишида асосий роль ўйнаган ва дастлабки подшолар сулоласига асос солган Иуда қабиласининг худоси Яхвега сигиниш жорий этилган.

Яхве — бутун оламни бошқарувчи ягона худо деб эълон қилинди. Аввал у тоғлар, чақмоқ, момақалдироқ, олов, сув худоси эди. Шу тариқа, милоддан аввалги X асрдан бошлаб иудаизм дини умумдавлат динига айланган.

Милоддан аввалги X асрда Яхудий давлати подшоси Соломон ҳашаматли Яхве ибодатхонасини курдирди. Бу даврларда иудаизм динидаги яна бир ўзига ҳослик шундан иборат бўлганки, у асосан бу дунё ҳодисаларини талқин этувчи дин эди. Шунинг учун ҳам бу диннинг худоси Яхвенинг ҳаёти ҳам инсонлар ҳаёти сингари тасвирланган. Яхудийларнинг тасаввуву

рича, Яхвенинг бир неча хотини ва болалари бўлган. Унинг фарзандлари ерга тушиб, гўзал қизларга уйланганлар.

Подшо эндиликда худонинг ўғли ёки унинг ердаги вакили деб эълон қилинди. Подшо ҳокимияти, мамлакатдаги тартиб — худо томонидан ўрнатилган, деб курсалтилди. Худди ана шу ҳолат монотеистик худоларнинг жамият ҳаётига аралашишини кучайтирган. Ягона худога эътиқод қилиш, ундан қўрқиш, ерда ягона подшога итоат этиш ва ундан ҳам қўрқиш гоявий жиҳатдан қўллаб-қувватланган.

Подшо ҳомийлигида янги дин руҳонийларининг мавқеи анча мустаҳкамланди. Улар ўз навбатида подшонинг гоявий ҳимоячиларига айландилар. Диний ақидаларда подшо манфаатини ҳимоя қилиш ҳоллари тобора кўпроқ урин ола бошлади. Яхудий руҳонийларининг сони кўпайди.

Иудаизм динининг тарихидаги учинчи давр — асирикдан кейинги ёки иккинчи ибодатхона даври деб аталади. Бу давр 3 та йирик воқеа билан белгиланади.

1. Милоддан аввалги 621 йилда яхудий подшоси Иосий утказган диний ислоҳот (бу ислоҳот туфайли дин ишлари кескин марказлаштирилди).

2. Милоддан аввалги 586 йилда Вавилон подшолиги Иерусалим шаҳрини босиб олди ҳамда яхудийларнинг маълум қисми Вавилонга асири сифатида ҳайдаб кетилди (бу асирик 50 йил давом этди).

3. Милоддан аввалги 538 йилда Вавилондаги асирилар Эрон подшоси Кир томонидан Фаластинга қайтарилди ва Иерусалим ибодатхонаси қайта тикланди.

Худди мана шу даврда иудаизмнинг тўла шакланиши, қатъий монотеизм, дин ишларининг қаттиқ марказлашуви, муқаддас китобларнинг қонунлаштирилиши буй берди.

Яхудийлар Вавилондан қайтиб келгач, мустақил давлатга эга бўла олмадилар, яхудийларни Эрон подшоси асирикдан озод этган бўлса-да, Фаластин энди Эрон ҳокимлиги остида эди. Мустақил давлатнинг йўқлиги Иерусалим ибодатхонасининг, бинобарин, руҳонийларнинг яхудийлар ҳаётидаги ролини кучайтириб юборди. Бу ибодатхона ягона диний марказ эди.

Иудаизм тарихидаги худди шу учинчи даврда

рухонийлар: «Яҳудийлар бугунги кунда қаттиқ азоб-укубат чекаётган эканлар, бунга уларнинг ўзлари айбдордирлар, улар гуноҳ иш қилғанликлари, худонинг ваъзларини бузғанлиги учун худо уларни жазолади. Шундай бўлса-да, яҳудийлар мумтоз халқ булиб қолаберадилар. Вақти-соати келади, худо Яхве уларни кечиради, афв этади, гуноҳларидан ўтади ва яҳудийларни дунёдаги барча халқлардан устун турувчи халқقا айлантиради», деган ғояни зўр бериб тарғиб эта бошладилар.

Худди шу даврдан бошлаб яҳудийлар (иудалар) бошқа халқлардан ажратила бошланди.

Милоддан аввалги 446 йилда Иерусалим деворини куришга киришилди. Шу даврдан бошлаб яҳудийларнинг бошқа халқлар билан никоҳга кириши ман этилди. Яҳудий бўлмаганларга, хатна қилинмаганларга маъжусийлар деб қарала бошланди.

Бу миллий ўз-ўзини ажратиб қўйишликка халқни итоатда тутишнинг воситаси деб қаралди.

Милоднинг бошларида яҳудий дини тарихида 4-давр — диаспора даври бошланди (яҳудийларнинг турли юртларга тарқалиб кетиши).

Милоднинг 66—70 йилларида, 132—135 йилларида Рим империяси яҳудийларнинг ўз зулмига қарши кутарган иккала қўзғолонини ҳам шафқатсизларча бостирди.

70 йилда Иерусалим ибодатхонаси бузиб ташланди. 133 йилда эса Иерусалимнинг ўзи ҳам вайрон этилди. Оқибатда яҳудийлар анъанавий диний марказдан маҳрум бўлдилар. Яҳудийларнинг ўзлари эса Фаластинданд ҳайдаб чиқарилди, улар турли мамлакатларга тарқалиб кетдилар.

Яҳудийлар қайси давлатга бориб яшаган бўлсалар, у ерда ўзларининг жамоаларини туздилар. Айни пайтда, иложи борича динларини сақлаш мақсадида, ўзлари тўпланиб турадиган жой — синагог (ибодат уйи)ларни вужудга келтирдилар. Синагоглар айни пайтда жамоанинг ўз-ўзини бошқарувчи органи ҳам ҳисобланарди. Синагогларга жамоанинг иқтисодий жиҳатдан бақувват аъзолари раҳбарлик қиласарди.

Синагоглар ўз мулки, даромадларига эга эди. Улар хайр-эҳсон ишлари билан ҳам шугулланарди. Бу ҳол ўз навбатида яҳудийлар жамоаси аъзолари орасида синагоглар мавқеини мустаҳкамлар, обрусини ошипарди. Шундай қилиб, Иерусалим ибодатхонаси вай-

рон этилгандан сўнг, синагоглар яҳудийлар диний ҳаёти марказига айланди. Бу — биринчидан. Иккинчидан эса, диаспора туфайли иудаизм динига у ердаги динларнинг ҳам таъсири кучайди.

Иудаизм динининг биз фикр юритаётган 4-даврида, бу дин таълимотида энди илоҳий бир куч ҳақидаги, миллий қаҳрамон ҳақидаги ақидалар пайдо бўлди. Бу илоҳий куч, миллий қаҳрамон бир кун бўлмаса бир кун келиб чет элликлар асорати остида яшаётган яҳудийларни озод этиши керак эди. Бу ақида иудаизм динидаги янгилик эди. Бу ақида кеъинчалик христианликнинг вужудга келишида жуда катта роль ўйнаган.

Айни пайтда бу динда яна бир янги таълимот — келгуси аср ҳақидаги таълимот пайдо бўлди. Унинг асосида мустақил яҳудий подшолигини тиклаш гояси ётар эди. Эндиликда нариги дунё ҳақидаги таълимот ҳам пайдо бўлди.

Рим империяси тушкунликка юз тутгач, иқтисодий-маданий ҳаёт издан чиқа бошлади. Кўчиб борган юртларининг иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнаётган яҳудийларнинг эндиликда иқтисодий таъсирлари камая бошлади. Христианлик зўр куч билан ёйила борди. Бу ҳол қандай бўлмасин иудаизмни сақлаб қолиш масаласини кун тартибига қўйди.

Худди шу даврда «Талмуд»нинг яратилиши бу эҳтиёжнинг акс-садоси бўлди. «Талмуд» (яҳудийча сўз, «урганиш» деб таржима қилинади) — диаспора давридаги иудаизмнинг гоявий, диний, ҳуқуқий тасаввурларини ўзида мужассамлаштирган диний китоб.

«Талмуд» диаспора шароитига мос келмай қолган «Таврот»га тафсир (шарҳ) ёзиш натижасида вужудга келди. Бинобарин, у «Таврот»нинг янги даврдаги — диаспора шароитидаги — талқинидир.

Исройл давлати ташкил топғач (1948), иудаизм давлат дини деб эълон қилинган. Иудаизмнинг қисқача тарихи шулардан иборат.

Иудаизм динида Мусо, Навин, Иброҳим, Исҳоқ каби пайгамбарлар мавжуд.

Масалан, диний таълимотларга кўра, худо Яхве иудаизмнинг барча қонун-қоидаларини Мусо орқали одамларга тарқатган. Библиядаги ривоятларга кўра, Яхве Мусога Миср фирмъавнларига қул булиб юрган яҳудийларни олиб чиқиб кетишга ёрдам беради, унга Сино тоғида 10 васият битигини тақдим этади.

Васиятномада ибодатга доир йўл-йўриқлар — ажнабий худоларга сигинмаслик, уларнинг бутхоналарини вайрон этиш, қўйма худолар (бутлар) ясамаслик ва бошқалар ифодаланган. Шахсий ахлоқ нормаларидан — ота-оналарни эъзозлаш улуғланади. Айни пайтда қотиллик, аралаш никоҳлар, ўғирлик, фоҳишалик, ёлғон гувоҳлик бериш, бироннинг мулкига кўз олайтириш тақиқланади.

Иудаизм динининг ҳам ўз муқаддас китоблари мавжуд. Булар Библия (юононча сўз — таржимаси «Китоблар») — «Қадимги Аҳд» ва «Талмуд»дир.

Библия — «Қадимги Аҳд»нинг 5 китоби булиб, у бошқачасига «Мусонинг беш китоби» деб ҳам аталади. Бу 5 китоб қўйидагича номланади:

1) «Борлик», 2) «Чиқиши», 3) «Ловий», 4) «Сонлар», 5) «Иккинчи қонун».

а) «Борлик» китоби — бу оламнинг ва инсонларнинг худо томонидан яратилганлиги, жаннатдаги дастлабки одамларнинг ҳаёти, уларнинг гуноҳ ишлар қилганлиги ва шу туфайли жаннатдан ҳайдалгани, инсониятнинг кўпайиши, қадимги тарихи, бутун дунё сув тошқини, ундан Нуҳ оиласининг қутулиб қолиши, яҳудий халқи уруг бошлиқлари Иброҳим, Исҳоқ, Яқуб, Юсуф ҳаёти, яҳудийларнинг Мисрга кўчиб бориши ҳақидаги китобдир.

б) «Чиқиши» китоби эса — яҳудий қонуншуноси Мусонинг ҳаёти, фаолияти, унинг яҳудийларни мисрликлар асириянидан озод этиши, шунингдек, худонинг машҳур 10 васияти ҳақидаги ривоятлардан иборат.

в) «Сонлар» эса — қонунчилик ва яҳудийларнинг Мисрдан олиб чиқиб кетилган давридан то Фаластин босиб олингунуга қадар тарихига оид китоб.

г) «Ловий» — оиласавий ҳаёт ҳақидаги китоб.

д) «Иккинчи қонун» китоби эса — бу диний қонунлар китобидир.

Булардан ташқари, «Беш китоб»га Исо Навиннинг «Канъон ери»ни босиб олингандигини ҳикоя қиливчи китоби ҳам киради. Бу китоблар милоддан аввалги 444 йилда эълон қилинган.

Маълумки, Библия христиан динининг ҳам муқаддас китобидир.

Бу икки динининг китоби бир ном билан аталса-да, улар мазмунан иккига булинадилар. Шунинг учун ҳам иудаизм динининг китоби — «Библия» «Қадимги

Аҳд» деб, христиан динининг китоби «Библия» эса — «Янги Аҳд» деб аталади. Библияга кирувчи китоблар З та катта гурухга булинади. Ана шу уч гурухнинг 1-гурухига кирувчи «Беш китоб» (Мусо китоби) иудаизм дини китоблари саналиб, у бошқача яна бир ном — «Таврот» (қонун) номи билан ҳам аталарди.

«Таврот» иудаизм диний таълимотининг асоси ва илоҳийлаштирилган манбаидир. Диаспора даврида Тавротни асрлар давомида талқин ва қайта талқин этиши натижасида иудаизмнинг яна бир муқаддас китоби — «Талмуд» (урганиш) шаклланди, унда иудаизмнинг ақида ва маросимлари батафсил ёритилган.

Энди икки оғиз сўз иудаизмнинг маросимлари ва урф-одатлари тўғрисида.

Иудаизм сон-саноқсиз маросимларга, тақиқларга ва буйруқларга, байрамларга эга бўлган дин. Масалан, бу диннинг талабига кўра, ҳар бир диндор 365 та тақиқни ва 248 та буйруқни ёддан билиши шартdir.

Бу диннинг ўз эътиқодчиларининг киядиган кийими, ейдиган овқати, ҳожати, кун тартиби, ибодат қилиши, байрамларга амал қилиши каби масалаларни қаттиқ тартибга солиб қўйган дин эканлигини шу рақамлар ҳам кўрсатиб турибди.

Янги туғилган чақалоқ 8 кунлигидаёқ суннат қилиниши шарт. Яхудийнинг бирор-бир қадами дуосиз босилмайди.

Иудаизмга эътиқод қилувчилар тuya, чўчқа, қуён гўштини емайдилар. Улар ейдиган ҳайвон гўштларида қон доғи бўлиши мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун ҳам яхудийларда моллар ўз ишига уста бўлган қассоблар томонидангина сўйилади.

Яхудийлар эркакларининг кийимлари узун, бир хил матодан тикилган бўлиши, боши ҳатто уйқу пайтида ҳам бирор нарса билан бекитилган бўлмоги лозим, диний маросим бажарилаётганда кийимнинг устидан албатта ёпингич ташланиши шарт.

Шанба байрамини ўтказиш қаттиқ талабга бўйсундирилган. Бу куни ҳеч қандай юмуш билан шугулланилмайди, овқат пиширилмайди, олов ёқилмайди, қўлда бирор нарса кўтариб юрилмайди, пулга қўл теккизилмайди.

Пасха, ўрим-йигим байрами, янги йил, гуноҳларини кечириб юборишни сўраш куни, алоҳида чайлашларда яшаш керак бўлган 7 кунлик куз байрами, «Биб-

лия» тарихи хотирасига багишланган баҳор байрами каби байрамлар нишонланади.

Иудаизмда диний таълим ва тарбия бериш катта ўрин эгаллайди. Болаларга 5-6 ёшлариданоқ диний таълим ва тарбия берилади. Болалар таълим ва тарбия давомида «Таврот» ва «Талмуд»нинг асосий ақидаларини ёд олишлари шарт.

«Талмуд»да хотин-қизларнинг жамиятидаги роли ўзига хос руҳда талқин этилган. Аёл киши — эрнинг итоаткори. Ҳар бир иудаист эркак ҳар қуни худога худо уни аёл қилиб яратмаганлигига шукур айлаб дуо қиласди.

Аёл киши эса ўз дусосида ўзини эрига итоат этувчи қилиб яратганлиги учун худога миннатдорчилик билдиради.

7. ЗАРДУШТИЙЛИК

7.1. ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Бундан қарийб 2600 йил муқаддам ҳозирги Марказий Осиё худудида улуғ тарихий шахс — илоҳиётчи, файласуф, шоир ва табиатшунос олим, жаҳон халқларига яккахудоликка асосланган биринчи китобий динлардан бирини берган улуғ ватандошимиз — Зардушт Сепитома дунёга келган эди (милоддан аввалиги 589—512 йиллар).

Диний ривоятларча, Зардушт Наврӯз кунларининг бирида коҳинлар бошчилигига муқаддас ичимлик бўлган «Хаома» тайёрлашга киришган. Эрта тонг палласида у дарёдан сув олиш учун қиргоқча тушган. Сув олиб бўлгач, бир йўла таҳоратини янгилаётган Зардуштнинг кўзига қиргоқда турган порлоқ хилқат — «Воҳумана» кўринади ва унинг сеҳрли нурига эргашади. Ниҳоят, у эзгу ва улуг худо Ахурамазда ҳузурига боради.

Ахурамазда ўзининг бутун борлиқни яратган худо экани ҳақидаги хабарни билдириш учун одамлар орасидан Зардуштни танлаганини айтади. (Бу вақтда Зардушт 40 ёшга тўлган эди). Шу кундан бошлаб Зардушт Ахурамазда динининг пайғамбарига айланади. Энди у ўз қавмлари орасида Ахурамазда динини тарғиб эта бошлайди. Бунинг учун у «Гатлар» (Хатлар) деб аталади.

ган, құшиқ қилиб айтишга мүлжалланган шеърлар яратади.¹

40 ёшида Зардұшт аввалғи күпхудочилик диний тасаввурларыға ҳамда табиат ҳодисаларыға сигиниң әзтиқодларыға қарши чиқиб, яккахудочиликка асосланған китобий дин — Зардұштийлик динини яратған. Зардұшт дастлаб маҳаллий қабилавий динларнинг роҳибларидан бири әди.

Айни пайтда, Зардұшт яшаган замон ибтидои мұносабатлар үринини синфий жамият, қадимий давлатчилик асослари әгаллаётган, бирок, маҳаллий-қабилавий динлар жамият тараққиетининг бу янги босқичига тұсқынлик құлувчи кучга айланиб қолған давр әди. Жамият тараққиетининг янги босқичи үзининг тұла шаклланиши учун кучли мағкурага муҳтож әди. Бундан ташқари, бу мураккаб даврда үлканинг түрли қабилаларини бирлаштириш ва уларни илк марказлашған давлатчилик гояси атрофида уюштириш зарурияты ҳам туғилған әди. Зардұшт яшаган давр Жануби-Ғарбий ва Марказий Осиёда күчманчиликка асосланған турмуш тарзи инқирозға учраётгани, үтроклик турмуш тарзи қарор топаётгани, сугориладиган деңқончилик ҳамда чорвачилик, ҳунармандчилик кенг тараққий этаётгани, янги шаҳарлар, қишлоқтар бунёд бұлаётгандылық, үтроклик турмуш тарзи ҳар жиҳатдан афзал күриниши билан ҳам харakterли әди. Шундай турмуш тарзини барқарор қилиш, одамларға, халқларға гоятда кулфат келтираётған ҳамда аксарият босқинчилик тусини олған күчманчиликка қарши кураш ҳаётій әхтиёжға айланған әди. Бу әхтиёжни ҳаммадан күп англаб етған донишманд Зардұшт бұлды. У инқироздан қутулиш, халқлар, қабилаларни бирлаштириб, ягона давлатчиликка әришишнинг бирдан-бир йўли — бу яккахудочиликка үтищдан иборат деб билди ва бутун онгли фаолиятини, ҳаётини ана шу муқаддас ишға бағишлиди, шу муқаддас мақсад йўлидаги курашда ҳалок бұлды.

Ягона худога ишонишина жамиятни янги тараққиет босқичига күтара олади, деб ҳисобларди Зардұшт.

Зардұштийликнинг ватани Марказий Осиёдир. Бу фактнинг тұғрилигини бу диннинг муқаддас китоби

¹ Қаранг: Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. Т., 1995. 104-бет.

— «Авесто» ҳам исботлайди. Чунончи, бу диннинг муқаддас китоби — «Авесто»да яккаю-ягона худо Ахурамазда яратган 16 мамлакатдан 9 тасининг номи Жануби-Фарбий ва Марказий Осиёдаги вилоят ва шаҳарлардир. 2 таси афсонавий бўлса, қолган 5 таси Ҳиндистон, Озарбайжон ва Арманистон худудларига тўғри келади.

7.2. «АВЕСТО» – ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ

Ахурамазданинг расмий тус олишига қадар унинг Зардушт орқали ваҳий қилинган илоҳий хабарлари Турон ва Эрон замини халқлари орасида асрлар давомида турли диний маросимлар, дуолар, мадҳлар, сура ва ояtlар сифатида йигила бошлаган. Булар Зардуштнинг ўлимидан кейин муқаддас китобга тўплланган ва бу китоб «Авесто» деб аталган (ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар)¹.

«Авесто» ҳақида буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида ёзил қолдирилган. Жумладан, бу асардаги қуйидаги фикрлар диққатга сазовордир: «Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида 12 минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар (А.Македонский) оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни улдирган вақтда уни күйдириб юборди. Шунинг учун Абистонинг бешдан уни йўқолиб кетди». Бинобарин, «Авесто» А.Македонскийнинг Осиёга қилган ҳарбий юришларига қадар мавжуд эди. «Авесто» А.Македонский ҳукмронлиги тугагач, милоддан аввалги 250-йилда аршоҳийлар даврида яна тиклана бошланган ва янги матнлар билан тўлдирилган. Милоднинг III асрида эса сосонийлар подшоси Шопур I даврида китоб ҳолатига келтирилган. «Авесто»нинг тикланган китобларидан 3 таси асл тилида, биттаси эса пахлавий тилида тикланган.

Ўлканинг араб босқинчилари томонидан истило этилиши ва Ислом динининг тарқалиши натижасида зардуштийлик дини, унинг муқаддас китоби «Авесто» қаттиқ таъқибга олинган. Натижада Эрон зардуштийларидан бир қисми шарқий ўлкаларга, хусусан, Ҳиндистонга кўчиб кетиб жон сақлаганлар. Уларнинг

¹ Асқаров А. Узбекистон тарихи. Т., 1995. 105-бет.

авлодлари ҳозирги кунда Ҳиндистоннинг Бомбай ва Гужарот вилоятларида зардустийликни сақлаб келаётирлар. Улар форслар (баъзи адабиётларда парслар) деб аталади. Улар нафақат зардустийликни, айни пайтда унинг муқаддас китоби «Авесто»ни ҳам сақлаб келмоқдалар. Бироқ, «Авесто» тўла сақланмаган. Унинг 21 китобидан диний маросимлар учун энг зарур деб ҳисобланган, одатда, асосан, диний жамоаларда ёд олинадиган қисмларигина сақланган, холос.

Биз юқорида «Авесто»нинг тикланган китоблари ҳақида қайд этиб ўтган эдик. Бу тикланган (4 та китоб) китобларнинг биринчиси «Вадовдот» (Девларга қарши қонун) деб аталади. У 22 боб булиб, асосан Зардуст билан Ахурамазданинг савол-жавоблари ва мулоқотларидан иборат. Иккинчи китоб «Есин» деб аталади ва унинг мазмунини асосан Зардустнинг хатлари (номалари) ёки гатлари ташкил этади. У 72 «Ха», яъни башоратдан иборатдир. Биринчи башоратда табиат ва ҳалолликлар ҳукмдори, ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсага қодир Ахурамазданинг ваҳийлари ҳақлигига иймон келтиришга доир дуолар мавжуддир.

«Авесто»нинг учинчи китоби «Виспорат» деб номланган. У 24 бобдан иборат булиб, оламни билишга доир панд-насиҳатлардан иборатдир. Уни ибодат ноғозлари йифиндиси ҳам дейишади. У айни пайтда «Есин»га қўшимча ҳисобланади.

Тұртинчи китоб «Бундахаш» деб аталиб, у қадимий эрон тилида — паҳлавий тилида — ёзилган. У худони золим кучларга қарши курашда улуғловчи ўзига хос қадимий қўшиқлардан иборат, қўшиқлари 22 тадир.

«Авесто» ҳақида энг муҳим манба IX асрға оид «Денкард (Дин амаллари)» асаридир. Унда «Авесто»нинг 21 китоби тўла таърифлаб берилган. Бу таърифлар: савобли ишлар йўриқномаси; диний маросимлар ва расм-русумлар қоидаси; зардустийлик таълимоти асослари; дунёнинг Ахурамазда томонидан яратилиши; охират куни ва ундаги ҳисоб-китоб; фалақиёт; ижтимоий-ҳуқуқий қонун-қоидалар; Зардустнинг туғилиши ва болалиги; ҳақ йўлини тутиш; жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари; девлар, жинлар каби ёвуз кучларга қарши ўқиладиган дуолар, амаллар ва бошқалардан иборатдир.

Зардуштийлик дини ҳақида инглиз олими Дж. Бугер, француз олими А.Дюпперон жуда қимматли маълумотлар қолдирган. Масалан, А.Дюпперон 1755 йилда Ҳиндистонга илмий сафар қилиб, у ердаги зардуштийлар орасида З йил яшаган, уларнинг ибодатлари, урф-одатларини яхши ўрганган ва «Авесто»ни француз тилига таржима қилган. З жилдлик таржима 1771 йилда нашр этилган. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, олимларимизнинг фикрича, «Авесто» Фарбий Европа, Эрон ва Ҳиндистон тиллари орқали бизга етиб келгани учун ундаги номлар, терминлар аксарият ҳолларда аслига тўғри келмайди. «Авесто»даги туркона жиҳатлар кам қолган.

7.3. ЗАРДУШТИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ

3 Бу диннинг таълимотига кўра, худо Ахурамазда «Олий ибтидо»дир. У ҳамма мавжудотни яратувчи ва бошқарувчи Олий руҳ. Унинг на хотини, на фарзандлари бор. Ахурамазданинг б нафар энг яқин ёрдамчиси бўлган. Булар — Воҳу Манаҳ (эзгу фикр) пода ва чорвани бошқарган; Аша Ваҳишта (юксак ҳақиқат) оловни бошқарган; Ҳшатра Варъя (муносиб қудрат, ҳокимият) маъданларни бошқарган; Сиэнта Армати (муқаддас итоат) ерни бошқарган; Ҳарватат (саломатлик) сувларни бошқарган; Амэрэтат (мангулик) ўсимликлар дунёсини бошқарган.

Ахурамазда бутун мавжудликнинг икки олий ибтидоси — эзгулик ва ёвузлик ҳақида ваҳий қиласиди. Бирбирига қарама-қарши бўлган бу кучлар ҳар доим биргаликда мавжуд бўлиб, улар ҳаёт ва ўлим, осмон ва жаҳаннам маъноларини англатади. Жаҳаннам ҳаётнинг энг ёмон онларидир. Осмон эса руҳнинг энг юксак ҳолати сифатида гавдаланади. Борлиқдаги ёвузлик ва номукаммаллик нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Уларни бартараф этиш эса, истиқболдаги иш бўлиб, имонли кишилар бу жараёнда фаоллик кўрсатишга даъват этилади. Улар Ахурамазда юборган қонунлар, тартиботлар, ўтигнасиҳатларга амал қилсалар, эзгулик ёвузлик устидан тантана қилиб бораверади.

Оlam қарама-қаршилик кураши асосида қурилган. Бу ҳол жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат; тирик табиатда ҳаёт ва ўлим; маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик; ижтимоий ҳаётда эса адолатли қонунлар

билин қонунсизликлар ўртасидаги курашларда ўз ифодасини топган.

Дин эзгуликтен қарор топтириш рухи билан ёвузылк ўртасидаги курашга асосланади. Ахурамазда эзгуликтен вужудга келтириверади, ёвузылк рухи бўлган Ахриман эса унга қарши курашиб одамларни ёмон ишларга бошлайверади.

Эзгулик ва ёвузылк ўртасидаги доимий курашда оралиқ йўл йўқ, шунинг учун ҳар бир одам бу курашнинг у ёки бу томонида иштирок этишга мажбур. Шунинг учун диндорликда иймон-эътиқод баркамоллик нишонаси сифатида муҳим ўрин тутади, у одамларга эзгуликтен ёвузылкдан фарқлаш имконини беради. Иймон-эътиқодли одам албатта эзгулик тарафида туради.

Зардуштийлик иймони З таянчга — фикрлар соғлигига; сўзнинг сабитлигига; амалдорларнинг инсонийлигига — асосланади.

Одамлар ўз истакларида холис бўлишлари; бир-бирлари билан муроса қилиб яшашлари; қонунсиз ишлардан ўзларини тийишлари лозим.

Берган сўзнинг устидан чиқиши, унга содик қолиш, савдо-сотиқда шартномаларига қатъий риоя қилиши, қарзни вақтида тুлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи булиш кабилар иймонлилик аломатлариdir.

Зардуштийлик таълимотида тупроқ, сув, ҳаво ва олов муқаддаслаштирилган. Тупроқ, сув, ҳавони булгаш, ифлослантириш энг оғир гуноҳдир. Шунинг учун ҳам марҳумлар ерни, сувни, ҳавони заҳарлаб қўймасин деб, уларнинг жасадлари маҳсус идишларда кўмилганди.

Ерга яхши, соғлом уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ. Экин экиш ердаги ёвузылкларга барҳам бериш, демакдир.

Зардуштийлик таълимотича, бу борлик, дунё одам учун синов майдонидир.

Зардуштийлик таълимотида Одам Ато ҳақидаги фикрлар ўзига хослиги билан ажralиб туради. У Ийим номи билан аталган бу динда. Инсоният Ийим подшо бўлган даврларда баҳт-саодат маконида касаллик ва ўлим курмай яшаган. Ийим одамларни, ҳайвон ва қушларни парваришлаган, Ер юзида қизил шуъали оловни кўпайтирган ва 900 йил умр курган. Ахурамазда Ийимга олтин найза билан олтин қамчи совға қилган. Ер одамлар яшаши учун торлик қилиб қолганида, Ийим найзани ерга суқиб, худодан уни

кенгайтиришни сұраган ва бунга эришган. Ахурамазда Ийимга музлик даври келаётганининг хабарини берган ва бу оғатнинг олдини олишни айтган. Ийим маҳсус уй қуриб, ҳамма ҳайвон ва ўсимликларнинг энг яхши зоти ҳамда навидан бир жуфтдан сақлаб қолган.

Ийим қанчалик жасорат күрсатмасин, у үз ишларига ортиқча баҳо беради, мағрурланиб кетади ва худо ман этган неъмат — қорамол гүштини еб қуяди. Оқибатда у худонинг қаргишига учрайди, энди одамзот абадийликдан маҳрум бўлади. Энди одамзот тириклик тавшишларига, яъни еб-ичиш заруриятига, қасаллик ва ўлимга юзма-юз бўлади. Ахриман Ахурамазда танидан ажралиб чиқиб ёвузликлар яратишга тутилади. Энди одамзот ҳаётининг биринчи даври тугаб, иккинчи даври бошланади. Бу даврда дунё азалий эзгулик бағрига қайтарилиши учун кураш бошланади. Дунёни азалий эзгулик бағрига қайтаришнинг бирдан-бир йўли эса пок ҳаёт; ҳалол меҳнат; яратувчилик; ёвузликни қалбдан чиқариб ташлаш; иймонли-эътиқодли бўлиш; мискинларга ёрдам бериш; яхши ният ва яхши сўздир.

Иккинчи давр Зардушт фаолияти ва унинг диний ислоҳоти билан бөғлиқ бўлиб, у дин ва иймон учун беомон курашдан иборатдир. 3000 йиллик курашдан сўнг Зардушт фарзанди бошчилигига дунёда осойишлиқ ва фаровонлик даври юзага келади, ёвузлик тимсоли бўлган дев — Ахриман енгилади.

Учинчи даврда қиёмат-қойим бошланади ва ўликлар тирилиб, худо ҳузурига үз қиммишлари ҳақида ҳисоб бергани боришади. Ҳамма ишлардан хабардор бўлган ва ҳисоб-китоб қилган худони алдаб бўлмайди.

Зардустийлик таълимотига кура, одам ўлганидан сўнг, унинг жони 3 кун давомида танада туради, 4-куни үз маҳрами — гўзал қиз қиёфасидаги фаришта йўлбошчилигига нариги дунёдаги «Чинвот» (қил кўприк) деган кўпприқдан ўтиши керак. Эзгу ишлар қилган одамлар учун бу кўприк кенгайган ҳолда туради, улар ундан бемалол ўтиб, жонлари абадий роҳат-фароғатда кетади ва охиратда, уликлар тириладиган кунда үз таналарига киришни кутиб ётадилар. Ёвуз ишлар билан шугулланганларга эса «Чинвот» кўприги қилдай тораяди ва улар жаҳаннам азобларига маҳкум бўладилар.

Яхшилар яна үз таналарида яшашни давом эттиради-
лар. Одамлар дунёга ҳар 3 минг йилда қайтиб турадилар.

Бугунги кунда Зардустийликка эътиқод қилувчи
аҳоли Ҳиндистоннинг Бомбай, Гужарот штатларида,
шунингдек, кам сонли бўлса-да Эронда яшайди.

ЖАҲОН ДИНЛАРИ: БУДДАВИЙЛИК ДИНИ ТАРИХИДАН

1. ЖАҲОН ДИНЛАРИ ҲАҚИДА

Жаҳон динлари (буддавиийлик, христианлик, ислом) диннинг шундай бир кўринишики, бу динлар ўзлари пайдо бўлган ҳудуддагина амал қилиб қолмай, Ер юзининг бошқа ҳудудларида ҳам ўзларига эътиқод қилувчиларни вужудга келтира олган динлардир. Бу динлар — ўз эътиқодчиларининг миллий, этник, тил, ирқ, туғилган жойи, фуқаролик каби хусусиятларини ҳисобга олмайдиган динлардир. Бинобарин, кишилар миллати, ирқи, тили, туғилган жойи, қайси давлат фуқароси эканлигидан қатъи назар, бу динларни қабул қилишлари мумкин.

Миллий динлар (иудаизм, ҳиндуиийлик, синтоизм, конфуцийийлик ва бошқалар) элатларнинг, кейин эса миллатларнинг шаклланиш жараёнини акс эттирган. Бу динлар ўзлари пайдо бўлган ҳудуддаги одамларнинг (элат, миллатларнинг) ўз миллатларига, давлатларига сифинишини ифодаловчи динлар эди.

Миллий динлар намояндалари мазкур этноснинг вакилидир. Бу динларга одамларнинг одатдаги хатти-ҳаракатларини диний маросимга айлантириш, ўзига хос иримчилик, бошқа диндаги кишилар билан муомала қилишни қийинлаштирадиган диний тақиқларнинг қатъий тизими хосдир.

Жаҳон динларига эса прозелитизм (юонча — келгинди), яъни бошқа диний эътиқоддаги одамни ўз динига киритишга уриниш учун фаол тарғиботчилик хусусияти хосдир. Шунинг учун ҳам бугун бошқа динга эътиқод қилаётган шахс эртага (агар хоҳласа, албатта) истаган жаҳон динини қабул қилиши мумкин.

Жаҳон динларининг пайдо бўлиши билан эндиликада халқлар ҳаётида муҳим ҳодиса — бир диндаги турли халқларнинг яқинлашуви жараёни ҳам рўй бера бошлади.

Биз юқорида санаб утган З та жаҳон дини ҳам жамият тараққиётидаги буюк тарихий бурилишлар даврида, бир ижтимоий-иқтисодий формациядан иккинчисига ўтиш, ягона марказлашган давлатга бирлашиш, жаҳон империялари таркиб топаётган пайтла-

рида, яъни жаҳон империяси учун жаҳон дини яратиш эҳтиёжи туғилган пайтда пайдо бўлган.

Уч жаҳон дини ичида биринчи пайдо бўлган дин—Буддавийлик дини эди. У милоддан аввалги VI асрда Ҳиндистонда вужудга келди.

Милоднинг бошларида Христианлик дини, милоднинг VII асрида эса Йслом дини пайдо бўлди.

2. БУДДАВИЙЛИКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Буддавийлик дунёда биринчи пайдо бўлган жаҳон динидир. 1956 йилда дунё буддавийлари бу дин пайдо бўлганлигининг 2500 йиллигини нишонладилар.

Буддавийлик милоддан аввалги I мингйиллик ўрталарида Ҳиндистонда пайдо бўлди. Бу дин тарафдорлари унинг пайдо бўлишини Шакъя Муни — Будда тарғиботининг натижаси деб ҳисоблайдилар. Аслида эса унинг пайдо бўлиши ҳинд жамиятида рўй берган муҳим ўзгаришлар — уруғ-қабилачилик алоқа ва тартибларининг емирилиши, синфий зулмнинг кучайиши ҳамда йирик қулдорлик давлатининг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Бинобарин, буддавийлик Ҳиндистонда қулдорлик муносабатлари ривожланаётган даврда қулдорлар мафкураси сифатида вужудга келган. Чунки олдинги дин — браҳманлик йирик қулдорлик давлатининг ташкил топиши, синфий зулмнинг кучайиши талабларига жавоб бермай қўйган эди. Гарчанд буддавийлик браҳманликнинг табақаланиш ҳақидаги таълимотига қарши ўлароқ, кишиларнинг тенглиги масаласини ўртага ташлаган бўлса-да, у қулдорлик жамиятининг асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Жумладан, буддавийликнинг «ёмонликка қарши бош кўтармаслик» тўгрисидаги гояси қулларнинг қулдорларга қарши бош кўтармасликларига хизмат қилган. Шунинг учун ҳам ҳукмрон синфлар буддавийликнинг шу гоясини кенг тарзиб этганилар. Шунинг учун ҳам милоддан аввалги III асрда (император Ашока даврида) ҳокимиятнинг фаол қўллаб-қувватлаши натижасида будда ташкилоти (роҳиблиқ жамоаси) ва диний ақидачилик вужудга келган эди.

Буддавийликнинг асосчиси шаҳзода Сиддхартха эканлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Сиддхартха вафот этганидан сўнг Будда, яъни «Ҳақиқат нажоткори» деб аталган. Буддавийлик ана

шу номдан келиб чиққан (Сиддхартха Гаутама деб ҳам аталади).

Диний ривоятларга күра, қадим замонларда Ҳиндистонда яшовчи шакъя қабиласининг ҳукмдори бе-фарзанд бўлган. Бу шакийлар ҳукмдорининг хотини 45 ёшга етганда ўғил түкқан. У туғишидан аввал тусида ёнига оқ филнинг кириб ётганини кўради. Унинг туғиши ҳам бошқа аёллардек бўлмаган. У қултиғидан (биқинидан) түкқан. Бола туғилганида ерлар қимиirlаб, чақмоқлар чақиб, момақалдироқ гумбурлаб турган. Унинг овозини коинотдаги ҳамма худолар эшигтан. Улар борлиқдаги уқубатларнинг олдини оладиган одам келди, деб хурсанд бўлганлар. Чақалоққа Сиддхартха (топшириқни бажарувчи) деб ном қўйганлар. Сиддхартха 7 қундан кейин юриб кетган ва гапира бошлаган.

Сиддхартханинг отаси ўғлининг диний руҳда тарбия топишини истамади. У ҳаётнинг салбий томонларини ўғлидан яшириб, ўғлига дабдабали ҳаётни яратиб берди. Сиддхартхага дуневий тарбия берди, бир гўзалга уйлантириб қўйди. У соҳибжамол эса ўғил туғиб берди. Бироқ, бундай фарогатли ҳаёт узоқ давом этмади.

Бир куни Сиддхартха сайд этгани кўчага чиққанида, бир қари чолни (унинг бутун танасига яра тошган эди), тағин бир касал ётган одамни, яна бир кишининг ўлимини кўради. Шу тариқа, у жонли мавжудотларнинг муқаррар азоб чекишини билди. Энди Сиддхартха ҳаётнинг моҳияти, мазмуни, мащаққатлари, турли касалликлар ва ўлим ҳақида кўп ўйлайдиган булиб қолади.

Ҳаётнинг бехудалигини англаган Сиддхартха бир куни кечаси ҳеч кимга билдиrmай саройни тарқ этади ҳамда таркидунччиликда ҳаёт кечиради ва бундай ҳаёти давомида одамларни азоб-уқубатлардан қутқариш йўлларини излай бошлайди.

7 йил давомида у азоб-уқубат билан тер тўкиб, коҳин браҳманларнинг муқаддас китобларини ўқиади. Очликни бас қилиб ва ёлғон доноликдан воз кечиб, узоқ мушоҳадалардан кейин қутқаришга йўл очади. Кунларнинг бирида унинг қаршиисида ҳаёт ҳақиқати очилади. У бу «ҳақиқат»ни Ҳиндистоннинг шаҳар ва қишлоқлари буйлаб тарғиб қила бошлайди. Сиддхартха ўз таълимотининг асосий қоидаларини Банорасдаги тарғиботида «тўрт олий ҳақиқат» шаклида баён этган. Унинг шогирдлари Ер юзида биринчи монахлик жамоасини ташкил этганлар. Сиддхартха 80

ёшида вафот этган. Шогирдлари қадимги ҳинд анъналарига кўра, унинг жасадини ўтда куйдирғанлар. Буддавийлик динининг муқаддас китоб — «Трипитака» (Уч сават донолик) деб аталади. Ривоятларга кўра, Сиддхартха уч сават таълимот қолдирган. Булар:

- а) Винояпитака (ахлоқий нормалар);
- б) Суттапитака (дуолар);
- в) Абхидхаммапитака (диний-фалсафий масалалар баёни)лардир.

3. БУДДАВИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Илк буддавийлик таълимотининг асосини Будда яратган «тўрт олий ҳақиқат» ташкил этади:

а) Азоб-уқубат ҳақидаги таълимот. Унга кўра, азоб-уқубатнинг мутлақ эканлиги тан олинади, яъни яшамоқ, туғилмоқ, касаллик, ўлим, яқин одамидан ажралиш ва ҳоказо азоб-уқубатлар чекмоқликдир.

б) Азоб-уқубатнинг сабаблари ҳақидаги таълимот. Унга кўра, мавжудотлик ёвузиликка тенгдир. Азобларнинг сабаби — кишиларнинг истак, нафс-хирсга (яъни яшаётга, бахтга) интилишларидан, ҳаётта ташналиkdir. «Ташналиктан, — дейди Будда, — меҳрибонлик келиб чиқади, меҳрибонликдан борлиқ юзага келади, борликдан туғилиш юзага келади, туғилишдан қарилик ва ўлиш, бахтсизлик, гам-гусса, азоб-уқубат, хўрлик, умидсизлик пайдо бўлади. Ҳамма азоб-уқубатлар йигиндисининг келиб чиқиши шундайдир».

Азоб-уқубатлар учун жавобгарлик мавжудотларнинг ўзига тушади. Айни пайтда, одамнинг иродаси ана шу азоб-уқубатлардан қутқаришга йўналтирилган.

в) Азоб-уқубатлардан озод бўлиш ҳақидаги таълимот. Унга кўра, ҳар қандай борлиқ, барча кўриниш ва шакллардаги ҳар қандай ҳаёт — бу, барча мавжудотга азоб берувчи ёмонликдир. Ёмонлик ва азоб-уқубатларнинг сабаби — инсоннинг ва барча тирик мавжудотларнинг бу дунёга — қайта туғилиш дунёсига боғланғанлиги, кўнгил қўйғанлигидир. Ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, эҳтирос ва истак азоб-уқубатни чуқурлаштиради, яна даҳшатлироқ тарзда қайта туғилишга олиб келади. Борлиқ гирдобидан чиқиб олиш учун гафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш, ҳаётта чанқоқликдан, турмуш кўнгилхушликларидан, лаззатларидан, ҳокимиятта, бойликка интилишлардан батамом воз кечиш, ердаги

барча ҳодисаларнинг бекарор ва ўткинчи эканлигини фаҳмламоқ даркор. Шунинг учун ҳам буддавийлик тарафдорлари «юрмоқдан кўра ўтирмоқ», «уйгоқ бўлгандан кўра ухламоқ афзал», «яшамоқдан кўра ўлмоқ яхши», деган нақлга амал қиласидар.

Г) Азоб-уқубатлардан куткаришнинг нажот йўлларини топиш ҳақидаги таълимот. Бу таълимот ечими «нажотнинг олижаноб саккизлик йўли»да ўзининг ифодасини топган. Саккизлик йўли қўйидагилардир:

- тақводорлик эътиқоди;
- тақводорлик қатъияти;
- тақводорлик сўзи;
- тақводорлик иши;
- тақводорлик турмуш тарзи;
- тақводорликка интилиш;
- тақводорликни орзу қилмоқ;
- тақводорлик фикри-хаёли билан яшаш.

Кўриниб турибдик, нажотнинг «олижаноб йўли» — тақводорлик ҳаёти булиб, унинг моҳияти шундан иборатки, одам ўзидаги ҳар қандай ҳаётий интилишни, ҳар нарсага кўнгил қўйишни сўндириш, батамом тақводорлик (таркидунечилик, зоҳидлик) йулига утиши, ҳатто яқинлашиб қолган нажотдан ҳам қувонмаслиги лозим. Нажотнинг бу «олижаноб саккизлик йўли»га амал қилган одам охир-оқибатда юксак камолотга эришади, яъни у архатга (яъни чин ҳақиқатни англаб етган тақводор авлиёга) айланади ва нирванага утади. Шундай қилиб, буддавийликда нажот (азоб-уқубатлардан қтулиш) бу — бу дунёдан (буддавийликда бу дунё қайта тугилиш дунёси деб юритилади), яъни сансарадан нирванага утишдан иборатдир.

Хўш, нирвана нима?

Буддавийликда олам уч босқичли деб таърифланади. Унинг биринчиси, энг юқориси нирванадир. Унда мутлақ осойишталик ҳукм суради. Бинобарин, нирвана — бу мутлақ осойишталик ҳукм сурадиган олам. У ерда инсон барча турмуш ташвишларидан халос бўлади, унинг ҳаётий истаклари ҳам, туйгулари ҳам, эҳтирослари ҳам бўлмайди. Шунингдек, нирвана — бу қайта тугилишлар силсиласининг олис қисми, инсоннинг бошқа қиёфаларга киришининг тўхташи (яъни жоннинг кўчиб юриши), мутлақ осойишталикдир. Демак, бошқа жаҳон динларидан фарқли ўлароқ, буддавийлик талқинича жон абадий эмас.

Иккинчи олам — бу бодисатвадир, яъни рухий мавжудотлар билан тұлған жаңнатдир. Үнда Амитабба (бесш олий будданинг бири, жаңнатнинг яратувчиси) ҳукмронлик қиласы. Бу оламда рух гунохидан халос бұлған, лекин энг олий оламга күтариlmаган авлиелар яшайдилар. Оламнинг шу қисмидан кишиларга үрганилиши, уларга тұғри йұлни күрсатиши учун Будда таълимоти юборилади, деб ҳисобланади.

Учинчи олам — бу энг қуи оламдир. Үнда одамлар ва ҳайвонлар яшащади. Оламнинг бу қисмida рух қафасда яшайди. У чангалдан қутулиш ва юқори оламга күтарилишта ҳаракат қиласы. Рух юқори оламга үзүзидан эмас, балки одамларнинг савобли ишлари орқалигина күтарилиши мумкин. Агар одамлар буддавийликка эътиқод қылсалар, уларнинг жони бир неча қайта туғилишлардан сұнг жаңнатта ва ундан нирванага күтарилади. Емон кишиларнинг рухлари эса қуи дунёда азобланиб қафас ичида юраберади, юқори оламга күтарила олмайди. Агар инсон ҳирсий алданишларга берилиб кетса, ундан қутула олмаса, унинг рухи бир неча қайта туғилишлардан сұнг ер остидаги дұзахга тушади.

Буддавийлик таълимотига күра, үлим инсонни ҳаёт азоб-уқубатларидан халос эта олмайди, чунки үлимдан кейин ҳам инсонни қайта туғилиш кутади. Сансаранинг бундай ярамас, оғир азоб-уқубатлари сиртмогидан фақатгина узоқ қайта туғилишлар азоб-уқубатларини енгіб үтиб, архат ҳолатига эришган кишиларгина халос булишлари мумкин. Тирик мавжудот қайта туғилиши натижасыда нафақат инсоний, айни пайтда бошқача қиёфада (ҳайвон, үсимлик, ёмон рух, худо) ҳам намоен булиши мумкин. Бирок, қайта туғилишнинг олий шакли — бу, албатта, инсон булиб қайта туғилишдир. Чунки, фақат инсонгина нирванага күтарилиши мумкин. Буддавийлар Гаутама — Шакья Муна булиб дунёга қелған Будданинг үзи ҳам узоқ қайта туғилишларни бошидан кечирғанligига ишона-дилар, яъни у турли қаста вакили ва турли касб эгаси сифатида Ер юзида ҳам, турли худолар шаклида осмонда ҳам ящаган. Одамлар ичида у энг бириңчи булиб ҳақиқий билимга эришган, шунинг учун ҳам унга қайта туғилиш хавф солмайди. Будданинг үлеми — бу тұғридан-тұғри нирванага үтмоқлиkdir. Шунинг учун ҳам буддавийлар одатда үз динлари асосчиларининг

ұлыми ҳақида әмас, унинг нирванага үтгандығы ҳақида гапирадилар.

Архат ҳолатига әришиш ва ундан нирванага үтишнинг ягона йўли — бу «нажотнинг олижаноб саккизлик йўли»дан инсоннинг ўз кучига таянган ҳолдагина онгли ҳаракат қўймоқлигидир.

Агар инсоннинг ўзи ҳаракат қўймаса, уни ҳеч ким ва ҳеч нарса бу дунё азоб-уқубатларидан ҳалос бўлиб нирванага үтишига ёрдам бера олмайди. Инсон ҳатто худоларга ҳам умид қўймаслиги лозим. Бироқ бу, Будда худони инкор этган деган гап әмас. Будда худони инкор этмаган, лекин унинг таълимотига кўра, худолар инсонларни ҳаёт азоб-уқубатларидан ҳалос этолмайдилар, зеро, уларнинг ўzlари ҳам бундай азоб-уқубатлардан ҳоли әмаслар. Чунки худоларнинг ўzlари ҳам сансара қонунларига бўйсундирилгандирлар. Фақатгина Будда ҳақиқий йўлни топганлиги учун (бунга нурланган ҳам дейилади), худолардан юқори туради. Бироқ, у ҳам одамларни сансара азоб-уқубатларидан ҳалос эта олмайди, нирванага үтказа олмайди, у фақатгина инсонларни ҳақиқатдан хабардор қилган, азоб-уқубатлардан ҳалос бўлишнинг түгри йўлини кўрсатган, бу йўлдан ҳар бир инсон мутлақо мустақил бормоги лозим.

Илк буддавийликда нажотга, қайта тугилиш занжири азоб-уқубатларидан ҳалос бўлишга тақводор ёки роҳибгина умид қилиши мумкин эди. Бошқа одамлар эса фақат яхшироқ бўлиб қайта тугилишни умид қилиши, бунинг учун роҳибларга хайр-садақа бериши ҳамда қўйидаги 5 ахлоқий талабга (бу талаблар панчашина деб аталади) риоя қилишлари керак бўлган:

1. Биронта ҳам тирик мавжудотни ўлдирмаслик.
2. Бирорнинг мулкини олмаслик.
3. Бирорнинг хотинига кўз олайтирумаслик.
4. Ёлғон гапирмаслик.
5. Ичкилик ичмаслик.

Янги дин бўлган буддавийлик Ҳиндистонда кенг тарқала бошлаган. У жамият турли табақаларининг манфаатига жавоб берар эди. Масалан, кшатрийлар учун буддавийлик браҳманлар аристократиясига, уларнинг имтиёзларига, шунингдек, каставий камситишларига қарши курашда үtkир қурол бўлиб хизмат қиларди.

Оддий меҳнаткаш ҳалқ оммаси учун эса бу дин ўzlарининг оғир аҳволларидан қутулиш (гарчанд, ал-

даниш, иллюзия бўлса-да) йўлларини курсатгандек булди. Браҳманлик эса ҳатто ана шундай йўлни ҳам курсата олмаган эди. Қолаверса, энг паст, ҳуқуқсиз каста аъзолари буддавийларнинг роҳиблик жамоасига киришлари билан маълум инсонийлик ҳуқуқларига ҳам эга бўлганлар. Ҳеч бўлмаганда, уларга жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида муносабатда бўлинган. Бу ҳол оддий меҳнаткаш ҳалқни бу дин тарафдорларига айлантирмай қолмас эди. Бундан ташқари, бу дин оғир қурбонликлар қилишни, мураккаб, бир қолипга солиб қўйилган маросимларни бажаришни талаб этмас ҳам эди. Айни пайтда Гаутама — Будда ва унинг шогирдлари ўз таълимотларини ҳалқ оммасига тушунарли тилда тарғиб этганлар. Қолаверса, бу дин таълимотидаги «Ёмонликка қарши бош кўтармаслик керак», деган қоида ҳукмрон сулола учун ҳалқ оммасини итоатда тутишда уткир восита ҳам ҳисобланади.

Буларнинг бари подшо — Ашока даврида бу диннинг давлат дини деб эълон қилинишига олиб келди. Кейинчалик бу дин Шри-Ланка, Индонезия, Ҳинди-Хитой яримороли давлатларига тарқалди. Кущонийлар даврида бу дин Туркистонда ҳам давлат дини мақомига эга бўлган. Буддавийлик кейинчалик икки оқимга — хинаяна (қичкина аравача ёки нажот топишнинг тор йули) ва махаяна (катта аравача ёки нажот топишнинг кенг йули) бўлиниб кетди.

Хинаяна тарафдорлари буддавийликнинг илк таълимоти талабларига қатъий амал қилишни ёқлаб чиққанлар. Махаяна тарафдорлари Будда таълимотидан анча узоқлашиб кетганлар. Уни замон руҳига мослаганлар. Агар Хинаяна бу дунё азобларидан фақат монахгина қутулади, деб ҳисобласа, Махаяна руҳий камолот аҳдига риоя этувчи, худога илтижо қилувчи, роҳибларга инъомлар бериб ёрдам берувчи ҳар қандай оддий диндор ҳам нажот топиши мумкин, деган қоидага асосланади.

Бундан ташқари, Махаяна асосчилари буддавийликка жаннат тўғрисидаги таълимотни қўщдилар. Бунгача жаннат тўғрисидаги таълимот буддавийликда йўқ эди.

Жаннат тўғрисидаги таълимот оддий диндорлар учун нирванага қараганда анча тушунарли ва жозибадор эди.

Махаяна тарафдорлари худосиз ёки худоларсиз дин ҳалқ оммасига тушунарсиз булишини аниқ ҳисобга ола билганлар. Буддавийлик даставвал худо-

сиз дин эди. Шунинг учун ҳам улар буддавийлик асосчиси — Гаутама — Буддани худо деб эълон қилгандар. Шундай қилиб, махаяначилар учун Гаутама — Будда донишманд устоздан худога айланган. Аста-секин Буддага сигиниши қарор топган. Будданинг улкан тасвири туширилган ибодатхоналар қурилган. Аммо Гаутама ягона Будда эмас. Бундай Буддалар Махаянада 1000 тадир. Уларнинг тасвири монастирларда сақланади. Булардан энг машхурлари Гаутама Сиддхартха, яъни буддавийликнинг асосчиси; Майтрея — келажак Буддаси, у келгусида дунёни бошқараётган ҳозирги Будданинг вориси; Манжушри — Будда — донолик тимсоли; Арибудда — дунёнинг яратувчиси; Амитабха (Амитаба) — жаннатнинг яратувчиси ва хукмдори.

Махаянанинг ҳозирги даврдаги энг муҳим қуриниши — бу ламаизмдир. У Тибет, Монголия, Хитой, Непал, Ҳиндистоннинг айрим жойларида, шунингдек, Бурятия, Қалмик, Тува республикаларида ҳам кенг тарқалган.

Ламаизм XIV асрнинг охири XV асрнинг бошларида Тибетда вужудга келган (тибетча «лама» — энг улуг, олий будда роҳиби, роҳиб).

Буддавийликнинг барча қабуларини қабул қилган ламаизмда инсон фақат ламалар ёрдамида нажот топади, гуноҳлардан покланади, ламаларсиз оддий бандалар жаннатга тушиб нирванага етишиш у ёқда турсин, шунчаки бу дунёга қайта келишда ҳам ҳеч нарсага эриша олмайдилар.

ХРИСТИАНЛИК ДИНИ ТАРИХИДАН

1. ХРИСТИАНЛИКНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ, УНИНГ РИМ ИМПЕРИЯСИДА ҲУКМРОН ДИНГА АЙЛАНИШИ

Христианлик милоднинг I асрида Фаластинда пайдо бўлган. Унинг пайдо бўлиши бундан таҳминан 2000 йил аввал Фаластиндаги кичкинагина Иудей қишлоғида (Вифлеем деб аталади бу қишлоқ) яшовчи дурадгор Иосиф ва унинг хотини Марямдан дунега келган ўғли Иисус номи билан боғлиқдир. Милодий йил ҳисоби шу санадан бошланади.

Христианлик ҳам бошқа динлар сингари кишилик жамияти тараққиётининг маълум босқичида, ижтимоий ҳаёт соҳасида рўй берган ўзгаришларнинг диний қарашлар соҳасида ифодаланиши сифатида пайдо бўлган. Тарихий далиллар шуни исботлайдики, Рим қулдорлик империяси емирила бошлаган, феодал муносабатлар эндиғина шакланаётган бир вақтда христианликнинг дастлабки куртаклари пайдо бўлган. Милоднинг дастлабки йилларида улкан Рим салтанатида узоқ йиллар ҳукм суриб келаётган қулдорлик муносабатларининг инқирози қучайди. Ҳукмроњлик қуроли бўлган қулдорлик муносабатларининг инқирози мамлакатнинг нафақат иқтисодий, айни пайтда сиёсий ҳаётида ҳам ўзининг яққол ифодасини топди.

Милоднинг I-III асрларида Рим жамиятида ёйилган умумий тушкунлик, инқироз шунга мос турли кайфият ва ўй-хаёлларни келтириб чиқарган. Бу норозилик қулларда умумий нафрат, қулдорларда эса кўнгилгашиблик шаклида намоён бўлган.

Бироқ, Рим империяси ҳар қандай ошкора чиқишини бостириш учун ҳали етарли кучга эга эди. Азоб-уқубатлар чекаётган ва эзилаётганларнинг ожизлиги уларни диний тасалли ахтаришга олиб келади. Кишилар бошидан кечираётган мислсиз азоб-уқубатлар, зулм олами «багритош дунёning қалби»га айлана оладиган янги дин учун қулай вазиятни вужудга келтиради.

Шу тариқа, христиан дини ва унинг илоҳий қучлари томонидан инсонларни зулмдан озод қилиш ҳақидаги «халоскорлик» гоялари пайдо бўлди. Шу тариқа, умидсизлик кайфиятидаги, тушкунлик ҳола-

тидаги миллионлаб қуллар христиан динининг халоскорлик гояларига маҳлиғ бўлдилар. Шу маънода христиан дини (халоскорлик дини) даставвал қулларнинг дини сифатида пайдо бўлганлигини таъкидламоқ керак.

Француз тарихчиси Шарль Эншлен бундай деган эди: «Спартак мағлубиятга учраганлиги туфайли Исо ғалаба қилди».

Исо ҳақидаги ривоятларнинг Рим империясидаги тушкунликка учраган қуллар орасида кенг тарқалганлигининг маълум сабаблари бор, албатта. Эронда кенг тарқалган қуёш худоси Митра, Яхудий (иудаизм) динидаги Мусо ҳам халоскор эдилар. Бироқ, улардаги урушқоқлик кайфияти, жангларга даъват этувчи гоялар қуроли курашдан қаттиқ азият чеккан қул ва бошқа мазлумлар манфаатига мос келмаган.

Вақтлар ўтиши билан бу дин ҳукмрон табақалар динига ҳам айланади борган. Бунинг албатта сабаблари бор эди: биринчидан, империя заифлаша борган сари ҳукмрон доиралар (императорлар) ҳам империя халқларини бўлиб, ажратиб юборадиган эмас, уларни бирлаштирадиган, бир-бирига яқинлаштирадиган динга муҳтожлик сеза бошладилар. Император Константин — бу динни қабул қилиш билан Рим дунёсининг мутлақ ҳокими даражасига кўтарилиш учун ҳам у 324 йилда христианликни давлат дини деб эълон қилди. 325 йилда Константиннинг кўрсатмаси билан жаҳон христианларининг биринчи йигини — Никей собори чақирилган. Бу соборда епископлар ва илоҳиётчилар христианликнинг асосий ақидаларини тасдиқлаганлар, черков қонун-қоидалари ёзилган китобларни қабул қилганлар ҳамда черков ташкилоти тугал ҳолга келтирилган. Христиан черкови давлатнинг расмий черкови деб эътироф этилган. Черков Рим императорини худо ярлақаган деб эълон қилган. Шу тариқа, дунёвий подшо черков ёрдамида худонинг ноибига айланган.

2. ХРИСТИАНЛИК ТАЪЛИМОТИ

Христианликнинг диний таълимоти мазмунини асосан қўйидагилар ташкил этади:

— Худо муқаддас учликда (троица) намоён бўлади. Яъни, худо уч қиёфали, лекин ягонадир. Бу дегани, худо худо — Ота, худо — Ўғил, худо — Муқаддас

Рұхдан иборатдир. Бироқ, бу уч қиёфали худолар айни пайтда шахсларига күра фарқ қиласылар. Масалан, худо — Ота туғилиш йүли билан пайдо бұлган худо әмас, уни ҳеч ким яратған әмас. Худо — үгил эса туғилған. Худо — Мұқаддас рух эса худо — Отадан пайдо бұлған. Асосий ақидалар қуйидагилардир:

— Худо — үгил (Исо) халоскор мессия, яъни худо ярлақаган вакил. У илохий халоскор. Исо — христианликнинг асосчиси.

— Исо ўлдирилғандан кейин осмонга күтарилиб кетған, у келажакда тириклар ва үликлар устидан ҳукм чиқариш учун охират куни ерга қайтиб келади.

— Исо ҳам илохий, ҳам инсоний табиатта эга.

— Биби Маряム худонинг онаси, у қиззик иффати сақланған ҳолда илохий ҳомиладор бұлған ва Исони туққан.

— Иконаларга сифиниши.

— Худо ҳамма нарсадан устун туради ва абадийдир. Уни ҳеч ким яратған әмас. Худо дунёning яратувчиcidir. У дунёни 6 кунда яратған.

— Одамзот туғилған пайтидан бошлабоқ гунохқордир: Худо яратған барча мавжудотларнинг гултожиси инсон әди. Чунки худо инсонни үзиге үхаш қилиб яратған әди. Бу үхашликнинг асосий қирралари — бу инсонга берилған ақл-идрок, иродада, абадий үлмасликларыда әди.

Худо бутун космик тартибни инсонга болғық қилиб қўйди, бироқ инсон үзининг иродасини, эркини худо иродасига, эркига қарама-қарши қилиб қўйғанлиги учун уни абадий гунохқорликка маҳкум этган. Унинг мазмуни шундай:

— Дастрлабки одамлар, яъни Одам Ато (Адам) ва Момо Ҳаво (Ева) томонидан худо амри бузилған: улар жаннатда яшаётган әдилар. Улар худо ман этган «донишманд»лик дараҳтининг мевасини еб қўйғанлар ва үзларининг бири эркак, бири аёл эканлигини тушуниб қолғанлар ҳамда қовушғанлар. Бу ишлари учун худо уларни жазолаган, жаннатдан қувиб юборган, абадий үлмасликдан маҳрум қилинган ва оғир дунёвий ҳаётта маҳкум этилған. Худо Одам Атога — энди сен ўз ризқ-рӯзингни қора терга ботиб меҳнат қилиб топиб ейсан; Момо Ҳавога эса — энди сен азоб-уқубат билан бола туғишига маҳкумсан, деган. Ер ва унда яшовчилар лаънатланған, қасаллик ва үлим ҳамманинг пешонасига ёзилған.

— Чўқинтириш йўли билан худо одамларга нажот йулини очиб берган.

— Одам Ато ва Момо Ҳаволар қилган иш шундай гуноҳи азим эдики, одамлар қиласиган ҳар қандай қурбонлик худони қаноатлантира олмайди. Шунинг учун худо одамларга раҳм қилиб уз ўғли Исони ўлимга маҳкум этади. Бу қурбонлик худони Исога эътиқод қилганлар билан яраштирган ва уларга чўқинтириш маросими орқали нажот йулини очиб берган.

— Фақат христиан черкови бағридагина одамлар худонинг марҳаматига, унинг ҳимоясида булишга умид боғлашлари мумкин.

— Исо ўгитларига, васиятларига амал қилиш, ҳаёт мashaққатларига Исо каби бардош бериш, бунинг эвазига нариги дунёда ажрға (мукофотга) эришажаклик муқаррарлиги.

— Жаннат ва дўзахнинг мавжудлиги.

— Жоннинг ўлмаслиги.

3. «БИБЛИЯ» — ХРИСТИАНЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ

Ҳар бир жаҳон динининг муқаддас китоби бўлганидек, христианликнинг ҳам шундай китоби мавжуд булиб, у «Библия» деб аталади. «Библия» сузи грекча булиб, «Китоб» деган маънони билдиради. «Библия»нинг христианлик пайдо бўлмасдан олдин яратилган биринчи ва катта қисми «Эски Аҳд» (Эски васият) деб номланган ва у Иудаизм динининг Муқаддас китоби («Таврот») ҳисобланади. «Библия»нинг христианлик билан боғлиқ бўлган иккинчи қисми «Янги Аҳд» (Янги васият) деб аталади.

Китоблар номига «Аҳд» сўзининг қўшиб ишлатилиши «худо билан кишилар ўртасидаги муносабатлар аҳднома (васият) билан тартибга солиб турилади», деган тушунчанинг асос қилиб олинганлиги билан изоҳланади. Шу маънода олганда, «Янги Аҳд» — худонинг Исо воситачилигига одамлар билан янги аҳдлашуви демакдир.

«Янги Аҳд» 27 китобдан, яъни 4 та «Инжил» (Евангелия, яъни хушхабар), Ҳаворийларнинг (Исо шогирдлари, христианликнинг дастлабки тарғиботчилари) амаллари, 21 рисола ва Иоанн «Ваҳийномаси»дан иборатdir (Иоанн — илоҳиётчи олим).

4. ХРИСТИАНЛИКНИНГ АСОСЧИСИ ИСО ПАЙГАМБАР (ИИСУС ХРИСТОС) ҲАҚИДА

Христиан черковининг христиан дини пайгамбари Исо ҳақидаги ривоятининг мазмуни қўйидагичадир: Истроил фарзандларига (қадимги яхудийлар ўзларини шундай деб атаганлар) худо томонидан юборилган муқаддас пайгамбарлар илоҳий халоскор — мессия (худо ярлақаган илоҳий халоскор, худонинг вакили) тез орада келиши башорат қилинган. У инсониятни барча гуноҳлардан халос этиши ва ўз жонини қурбон қилиб бошқаларнинг гуноҳини ювиши керак эди. Шунингдек, у ёвузларни ва адолатсизларни жазолайди. инсонларга янги қонунлар беради, Ер юзида роҳат-фароғат, адолат урнатади. Қурдатли мессия Истроил халқига бош бўлиб, уни ташқаридан келган золимлардан абадий озод қиласди.

Ниҳоят, пайгамбарлар башорат қилган мўъжиза содир бўлади. Фаришта Жаброил камбағал қиз Марямининг олдига келиб, худо унга кутилаётган мессиянинг онаси бўлишини ато этганлигини хабар қиласди. Биби Марям ҳузурига муқаддас рух тушиб келади ва у иффати сақланган ҳолда муқаддас болага ҳомиладор бўлади. Унинг тақводор эри қария Юсуф (Иосиф) ҳам ўз хотинининг муқаддас руҳдан илоҳий болага ана шундай ҳомиладор бўлишидан Жаброил томонидан огоҳлантирилганлиги учун бу ҳодисани табиий бир ҳол деб билади. Кўп утмай, Биби Марям одамзотнинг халоскорини туғади. У Исо деган ном олади.

Яхудиянинг золим ҳокими Ирод пайгамбарлар башорат қилган Истроил подшоси туғилганлигидан ҳабардор бўлиб қолади ва ўз қўшиналарига Вифлеемда (Исо туғилган жой) уша вақтда туғилган чақалоқларнинг ҳаммасини үлдиришни буюради. Лекин худо томонидан юборилган фаришта муқаддас оилани қутқариб қолади ва унинг Мисрга қочиб кетишига ёрдам беради. Шундан кейинги йилларда Исо ўзини ҳеч кўрсатмайди, фақат 30 ёшга етганидан кейингина худонинг фарзанди ва шу билан бирга, худонинг ўзи бўлмиш Иисус Христос номи билан ўзининг тарғиботчилик фаолиятини бошлайди. У бир неча содик шогирдларини — апостоллар (ҳаворийлар деб ҳам юритилади)ни ўз ёнига олиб, улар билан бирга янги динни тарғиб қилиш учун бутун мамлакат бўйлаб сафарга чиқади. Худди шу вақтда Иоанин ха-

лоскор пайғамбарнинг тез орада қелиши тұғрисида жар сола бошлайды. Исо ва унинг шогирдлари Иордан дареси яқинида Иоанн билан учрашиб қоладилар. Иоанн уларни сувда ювинтириб чұқинтиради. Чұқинтирувчи Иоанн бу маросимни бажо келтираётган пайтда осмон гумбази очилиб, ундан кабутар қиёфасидаги муқаддас рух тушади ва осмондан мана бундай нидо келади: «Бу менинг севикли үғлим, менинг илтифотим ана шунда». Исо янги таълимотни тарғиб қила бошлайды. У мамлакат буйлаб сағат қилиб, жуда күп мислсиз мұъжизалар күрсатған (ұлукларни тирилтирган, күрларни, майиб-мажрухларни даволаган, ақлдан озған кишилардаги инс-жинсларни ҳайдаган ва ҳоказо).

Черков ривоятларига күра, Исо З йил давомида тарғиботчилик ишларини олиб борган. Исонинг муваффақиятларидан дарғазаб бұлған Құддус коҳинлари ва рұхонийлари уни судга беришга қарор қила-дилар. Үз шогирдларидан бири — ҳаворий Йуданинг хоинлиги натижасида душманлари томонидан ушлаб олинған Исо үлім жазосига ҳукм этилади. Құддус ақолиси Исони худонинг үғли ва одамзотнинг халоскори деб эътироф этмай, уни тощбурон қиладилар. Исо Галгофа тогида қийнаб үлдирилади. Уни жуда катта ёғоч санамга тирикрайин михлаб ташлайдилар. Бирок, тезда жуда буюк бир мұъжиза содир бұлади.

Ұлнимининг учинчи куни Исо тирилиб, бирмунча вақт давомида үз шогирдлари билан бирга бұлади. Шундан кейин у уларнинг күз үнгіда осмонга чиқиб кетади.

Христианликка илоҳий асос солувчининг бу дунёдаги ҳаётининг илоҳий талқини қисқача ана шундай.

5. ХРИСТИАНЛИКНИНГ БҰЛИНИБ КЕТИШИ

Христианликнинг бұлиниб кетиши, биrinчи навбатда, Рим салтанатидаги сиёсий ақвол, дунёвий тартиблар билан тавсифланади. Тұгри, христианлик бұлиниб кетишининг диний сабаблари ҳам бор, бирок, бу үринде дунёвий сабаблар биrinчи үринде туради.

Тарихдан яхши маълумки, милоднинг 395 йилида бенихоя қийин ички зиддиятлар ва тинкани қуритадиган узлуксиз ташқи ҳужумлар натижасида Рим сал-

танати икки қисмга — Фарбий (Рим) ва Шарқий (Византия) қисмларга бўлиниб кетган эди. 476 йилда эса Фарбий Рим салтанати бутунлай қулади.

Рим салтанатининг қулаши, табиийки, христианликнинг кейинги тақдирига таъсир этмай қолмади.

Фарбий Рим салтанати парчаланиши оқибатида марказлашган ҳокимият барҳам топди. Вужудга келган давлатлар ҳали мустаҳкам эмас эди. Натижада бу ҳол Рим черкови бошлигининг обруси мислсиз даражада ошишига олиб келди. Кейинчалик у Рим папаси деб атала бошланди.

Шарқий Рим салтанатида аҳвол ўзгача эди. Бу ерда кучли император ҳокимиятининг сақланиб қолганлиги Шарқий империя (Византия) черковининг (Константинопол черкови) чекланмаган ҳуқуқقا эга бўлиб ошишига имкон бермади. Византия империясида черков императорга бўйсундирилганди. Натижада Рим черкови Константинопол черковини ўзига бўйсундира олмаган.

Бундан ташқари, диний таълимотларини талқин этишда ҳам, янги вужудга келган черковларни назорат этиш масаласида ҳам, шунингдек, даромадларни тақсимлашда ҳам бу икки черков ўртасида низолар келиб чиққан. Оқибатда, 1054 йилда Рим папаси Лев IX ва Константинопол черкови бошлиги Кирударий бир-бирини лаънатладилар. Христианлик ана шу санадан бошлаб иккига бўлиниб кетди. Улардан бири Рим папасига бўйсинувчи католик (бутун дунё) черкови, иккинчиси эса Константинопол патриархига бўйсинувчи парвославие (чин эътиқод) черкови деган ном олди.

6. КАТОЛИЦИЗМ: УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, ДИНИЙ ТАЪЛИМОТИ ВА МАРОСИМЛАРИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, католицизм 1054 йилда христианликнинг бўлиниши оқибатида пайдо бўлди.

«Муқаддас рух фақат Ота — худодан келиб чиққанми ёки Ота — худо ва Ўғил — худодан келиб чиққанми?», Рим папаси «Исонинг бу дунёдаги ноибими?», «Папа гуноҳдан холими?» деган ва бошқа шунга ўхшаш масалалар бўйича ҳамон христиан илоҳиётчилари ўртасида мунозара давом этиб келмоқда. Бу мунозара ўрта асрларда, христианлик

икки черковга— гарбий (католик) ва шарқий (православие) черковлариға бўлиниб кетган даврда бошланган эди. Бу каби мунозарали ва бошқа масалалар бу икки черков таълимотларида ўз ечимини топган.

Хўш, диний таълимот дейилганда нима тушунилади?

Диний таълимот — диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, муҳокама юритмасдан ишониш лозим бўлган диний эътиқод талабларидир.

Католицизм ҳам, православие ҳам христиан диний таълимотининг асосий қоидаларини эътироф этадилар. Айни пайтда, улар таълимоти ўртасида фарқлар ҳам бор.

Католиклар ҳам православлар сингари «Илоҳий троица»га, яъни Ота — худо, Ўгил — худо, Муқаддас Рұхга эътиқод қиласидилар. Бу масаладаги тафовут шундан иборатки, католиклар «Муқаддас Рұх — худо» ҳам Ота — худодан ҳам Ўгил — худодан келиб чиққан деб ҳисоблайдилар, православлар эса Муқаддас Рұх — худони фақат Ота — худодан келиб чиққан деган таълимотни тан оладилар.

Католицизм муқаддас китобни, яъни Инжилни (фақат лотин тилида битилган) ва муқаддас ривоятларни (традицияни) ёки ҳаворийлар ривоятини (диний қоидалар ва йўл-йўриқлар йигиндисини) диний таълимот манбалари деб ҳисоблайди. Шунингдек, католик черкови Инжилни руҳонийларгина шарҳлаши мумкин деб ҳисоблайди. Муқаддас ривоятлар (традиция) масаласига келганда эса, унга черков соборларининг қарорлари, черков оталари деб аталган кишиларнинг ривоятлари, Рим папасининг қарорлари, қадимий ибодат тажрибалари киритилади.

Христианликнинг бошқа йўналишларидан католицизмнинг яна бир асосий фарқи — Рим папасининг бирламчилиги тўғрисидаги қададир. Унга кўра, папа католик черковининг бошлиги, Исонинг ноibi ва апостол Пётрнинг ўринbosари ҳисобланади. Папанинг ҳокимияти авлиёлар ва фаришталарнинг ҳокимиятидан юқори туради, деб даъво қилинади.

Католицизм, шунингдек, жаннат ва дўзах оралигига аъроф бор деб ҳам ҳисоблайди. Аърофда гуноҳкорларнинг руҳлари тириклик вақтида ювилмай қолган гуноҳлардан тозаланиб жаннатга кириш имконига эга бўладилар, деб даъво қилинади.

Католицизмда хайрли ва савобли ишлар захираси,

хизматлар хазинаси ҳақидаги таълимотлар ҳам мавжуд. Бу таълимотга кўра, Исонинг ва христиан авлиёларининг эзгуликларининг катта захираси таркиб топганки, улар билан барча гуноҳларни ювиш мумкин. «Хизматлар хазинаси» католик черкови ва унинг бошлиги Рим папаси ихтиёрида туради. Папа гуноҳкорларга ўз гуноҳларини ювиш учун ана шу «хайрли ва савоб ишлар»нинг бир қисмини бериши ҳам мумкин.

Католик илохиётчилари томонидан XIII асрда ишлаб чиқилган «савоб ишлар» захираси ҳақидаги таълимот ҳар қандай гуноҳлар учун черковдан кечирим сотиб олишга имкон берар эди. Папалар ана шу таълимотга асосланиб ўрта асрларда гуноҳларни кечириш ҳақидаги ёрлиқлар (индульгенция) билан савдо қилишни ташкил этганлар.

Шунингдек, католицизмда Марямнинг илохий құдрат натижасида фойибона ҳомиладор бұлғанлиги, Биби Марямнинг ўзи ҳам онасидан илохий ҳомила-дорлик билан туғилғанлиги, Биби Марям вафотидан сүнг унинг жасади осмонга күтарилиб кетғанлиги ҳақидаги таълимот ҳам мавжуд. 1064 йилда папа Павел VI Биби Марямни (италянча Мадонна ҳам дейила-ди) черков онаси деб ҳам эълон қылган. Бир сүз билан айтганда, католицизмда Биби Марям православиега нисбатан кенг эъзозланади. Шунингдек, черков Биби Марямни худодан гуноҳларни сұраб берувчи, одамларнинг, айниқса хотин-қызларнинг эхтиёжларини яхши тушунувчи сифатида кенг тарғиб қиласы. Чунки бундай таълимот кенг омма учун мавхумроқ булған «Мұқадdas учлик» (Троица) түгрисидаги тасаввурға қараганда анча тушунарларық буларди.

Бундан ташқари, католицизм таълимотида руҳонийлар масаласи алоҳида ўрин әгаллайди. Католицизмдаги таълимотга кўра, фақат руҳонийларгина худо билан алоқа қилиш имконига эга бўлган маҳсус имтиёзга әгадирлар. Руҳонийлар одамлар билан худо ўртасидаги воситачи. Черковнинг, руҳонийларнинг ёрдамисиз дунёвий кишиларнинг ҳеч қайсиси ўз жонини халос қилиши мумкин эмас.

Энди икки оғиз сүз католицизм маросимларидағи фарқлар ҳақида.

Аввало, «Диний маросимлар нима?» деган саволга жавоб берсак.

Диний маросимлар — диний тасаввурлар ва ғояларни ифода этувчи ҳамда илохий объектларга

қаратилган жамоа бўлиб бажариладиган рамзий хатти-ҳаракатлардир. Католиклар:

— Болани чуқинтираётгандаридан сувга ботириб олмайдилар, балки унинг устидан сув қуядилар.

— Чуқинтирилгандан кейин суртиладиган хушбуй мой гўдакликда эмас, балки балофатга етгандан кейин суртилади.

— Кишилар нон ва вино билан эмас, балки фақатгина нон билан причашение қиласидар (причашение дейилганда гўё Исонинг вужуди ва қони қўшилган нон ва винони тотиш тушунилади).

— Черков таълимотига кўра, қавмлар бу маросими бажо келтириш билан Исога ҳамвужуд ва қондош бўлиб қоладилар.

— Салб ишораси уч бармоқ билан эмас, балки беш бармоқ билан бажарилади. (Салб христианликда муқаддас тимсол, диний сигиниш предмети. Исо крестга михлаб ўлдирилганилиги туфайли, бу қатл қуроли тасвири христианликни қабул қилиш белгиси сифатида диний тимсолга айланган). Католикларнинг маросимлари жуда дабдабали ва тантанали ўтиши билан ажралиб туради. Маросим вақтида орган чалинади, якка ащулачилар ва хор муножотлар айтади.

— Диний ибодатнинг асосан лотин тилида бажарилиши (тўғри, Ватикан 1965 йилдагина ибодатларни миллий тилда ҳам уtkазишга рухсат этган).

Католицизмнинг канонлаштирилган (қонунлаштирилган) қоидалари жиҳатидан фарқлари қўйидагилардир:

— барча руҳонийларнинг уйланмаслиги (православиеда фақат роҳиблар);

— диний мартабадан чиқишининг мумкин эмаслиги;

— кардиналлар институтининг мавжудлиги (кардинал католик черковида Рим папасидан кейинги олий руҳоний. У папа томони тайинланади ва унинг яқин маслаҳатчиси ҳисоблади. Айни пайтда кардиналлар ҳайъати папани сайдайди. Бугунги кунда 140 дан ортиқ кардинал бор);

— Папанинг бирламчи ги;

— 21 жаҳон соборининг тан олиниши (православларда 7 та);

— дунёвий кишилар Инжилни шарҳлашининг мумкин эмаслиги;

— никоҳни бекор қилишининг мумкин эмаслиги.

7. ВАТИКАН – ДУНЁ КАТОЛИЦИЗМ ЧЕРКОВЛАРИНИНГ МАРКАЗИ

Ватикан ўз номини Рим шаҳри жойлашган етти тепаликнинг бири номидан олган. У авлие Пётр ибодатхонасининг ва XV асрдан бошлаб папалар сайланадиган Сикстин капелласи жойлашган ҳаворийлар саройини ўз ичига олган бинолар мажмуаси эди. 1870 йилдан бошлаб у папанинг расмий қароргоҳи ҳисобланади.

1929 йилда папа Пий XI билан Италия ҳукуматининг бошлиғи Муссолини ўртасида имзоланган шартномага кура, Ватикан шаҳар-давлат мақомига эга булди. Бу шаҳар-давлат (Ватикан давлати) 1929 йилдаги чегарасида ҳозир ҳам мавжуд. Унинг ҳудуди 44 гектарни ташкил этади. Ватикан ҳудудида турли саройлар ва ибодатхоналар, шу жумладан, машхур муқаддас Пётр собори, яъни католиклар оламининг Бос черкови жойлашган. Ватикан жами католик черковларининг маркази булиб, Рим папаси ана шу ердан туриб уларга раҳбарлик қиласди.

Ватикан бошлиғи бўлган Рим папаси — мутлақ монархия ҳокимиятига эга. Папа кардиналлар, яъни руҳонийларнинг олий вакиллари ҳайъати томонидан умрбод муддатга сайланади. Папалик мансабига номзод бўлган руҳоний овозларнинг камида 2/3 қисмини ва яна ошиқча бир овоз олиши керак. Сайдовдан ўтган номзод ўзининг илгариги номидан воз кечади ва ўзига янги ном олади. Бугунги кунда Рим папаси поляк руҳонийси Павел Иоанн II дир.

Ватиканнинг маъмурий ишларини папа тайинладиган кардиналлар комиссияси ва губернатор бошқаради. Черков ва сиёсий ишлар билан Рим қурияси (ҳукумати) шугулланади.

Кардинал — статс-секретарь курия бошлиғи (бош вазир) ҳисобланади, у айни пайтда ташқи ишлар вазири ҳамдир. Папа ҳузурида маслаҳат овозига эга бўлган ва вақти-вақти билан чақирилиб турадиган черков синоди иш олиб боради. Унинг таркибига католик черковларининг патриархлари ва митрополитлари, миллий епископ конференциялари, роҳиблик орденлари вакиллари ва шахсан папанинг ўзи тайинладиган шахслар киради. Ватикан бир қанча давлатлар билан дипломатик алоқа урнатган. У БМТ аъзоси. Ватиканнинг ўз байроғи, гимни, пули, маркаси,

қамоқхонаси, жандармерияси, трибуналлари, разведка хизматлари бор. Ватиканда 3 мингта яқин хизматчи ишлайди, үз фуқаролигига эга.

Католицизм бугунги кунда ҳам христианликнинг энг қўп тарқалган оқимилигича қолмоқда. Католикларнинг асосий кўпчилиги Фарбий Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларидаидир. Шунингдек, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Куба, Болтиқбўйи давлатларида, Белоруссия ва Фарбий Украинада ҳам католицизмга эътиқод қилувчилар мавжуд.

8. ПРАВОСЛАВИЕ: УНИНГ ТАЪЛИМОТИ, БАЙРАМЛАРИ ВА МАРОСИМЛАРИ

Православие (чин эътиқод) — христианликдаги уч асосий йўналишдан бири. Рим империяси 395 йилда бўлиниб кетгандан кейин, христианликнинг шарқий тармоғи булиб қолган ва 1054 йилда черков бўлиниб кетгач расмийлашган. У асосан Шарқий Европада ва Яқин Шарқда кенг тарқалган. Православие дастлаб Византия империясининг давлат дини бўлганлиги учун унинг тарихий тараққиёти хусусиятлари таъсирида бўлган. Бу ҳақда аввалги қисмларда тухталганимиз.

Православие таълимотининг асослари христиан черковининг Никей (325 йилда) ва Константинопол (381 йилда) жаҳон Соборларида қабул қилинган эътиқод тимсолида таърифлаб берилган.

Ягона диний марказга эга бўлган католицизмдан фарқли ўлароқ, православиеда ягона диний марказ, черковларнинг ягона бошлиғи йўқ. Бу ҳол дунёвий сабаблардан ташқари, православиенинг илк христианликнинг полицентристик анъаналарига амал қилганлиги билан ҳам изоҳланади.

Хозирги вақтда православиеда 15 та автокафель (мустақил) черков мавжудdir. Булар — Константинопол, Александрия, Антиохия, Куддус, Рус, Грузия, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албан, Поляк, Чехия ва Америка черковлариdir. Бу черковлар турли ижтимоий шароитларда иш кўрганлиги учун турли сиёсий йўналишга эга булиб, замоннинг долзарб муаммоларига турлича муносабат билдирадилар. Диний таълимот ва маросимларнинг янгиланиш жараёни ва замонга мослашуви даражаси ҳам уларда турлича кечади. Тартиботларидағи тафовутларга қарамай, барча

православие черковлари замоннинг долзарб муаммоларини баҳолашда, Экумен (дунёдаги барча христиан черковларини бирлаштириш) ҳаракатларида ўзаро ҳамкорлик қиласидилар. Улар 1961 йилдан бери ўтказилиб туриладиган умумправослав кенгашларида қатнашмоқдалар.

Православие таълимотининг асосини Муқаддас битик (Библия) ва Муқаддас ривоят ташкил этади. Православие таълимотига кўра ҳар ишга қодир ажралмас учта худо бор («Илоҳий Троица»). Бу худо, биринчидан, одам яшаб турган шу дунёни яратган Ота — худодир. Ота — худо кўзга кўринадиган дунёни ва «нариги дунё» деб аталмиш кўзга кўринмайдиган дунёни яратган.

Иккинчидан, Биби Марямдан мӯъжиза билан туғилган Ўғил — худо бор, у ўз тарғиботи учун Рим ноиби Понтий Пилат даврида қўл-оғифидан салбга михланган, ўлгандан кейин яна тирилиб, осмонга чиқиб кетган. Ўғил — худо барча ўлик ва тирикларни суроқ қилиш учун вақти келганда иккинчи бор ерга тушади.

Илоҳий Троицанинг (бир-биридан ажралмас ва бир-биридан мустақил) учингчиси — Ота — худодан бўлган Муқаддас руҳdir.

Православие таълимотига кўра, худо — абадий, ҳаммага яхшилик қилувчи, ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма жойда ҳозир, ўзгармас, ҳаммани хурсанд қилувчи, ҳаммани баҳтиёр этувчи руҳdir. Худо бутун дунёни идора қилиб туради. Одам сочининг бир толаси ҳам худонинг иродасисиз тўкилмайди. Худодан табиат ва жамият қоидаларини бузишни, баъзиларга раҳмдил ота, бошқаларга эса бераҳм жазоловчи бўлишни сураш мумкин.

Шунингдек, православиеда жаннат ва дўзах, қиёмат ва охиратдаги ҳаёт, ажр тўғрисидаги, дастлабки гуноҳ туфайли азоб-уқубатларга дучор қилинган инсониятни нажот топишига имкон берувчи Исо Масиҳнинг халоскорлик миссияси, черковнинг худо ва одамлар уртасидаги воситачилик роли ҳақидаги таълимотлар ҳам мавжуд.

Қиёмат ва охиратдаги ҳаёт ҳақидаги таълимотда жумладан бундай дейилади: «Тана улгандан кейин жонлар Исо олдида суроқ беришдан аввал 40 кун давомида муайян синовдан утиши керак. Фаришта тақводорларнинг жонларини «Иброҳимнинг маскани»га олиб келади ва улар ана шу ерда «Тангри нур

сочиб турадиган», ором ва ҳузур багишлайдиган жойда пировард фароғатни — худонинг доимий назарини кутадилар, улар умумий тирилиш вақтида жонлар барча таналар билан қўшилгандан кейин шундай назарда мушарраф буладилар. Гуноҳкорларнинг жонлари эса дўзахда ётади, улар бу ерда мусибат ва зулмат ичра энг сўнгги кунларда Исо томонидан чиқариладиган охирги ҳукмни кутадилар».

Православие троица билан бир қаторда, илоҳий мавжудотлар, руҳлар, фаришталар, авлиёлар ва ёвзлик қилувчи руҳлар ва шайтонларга ишонишни ҳам илгари суради.

Православиенинг ҳаёт маъноси ҳақидаги таълимоти мазмуни қисқача қўйидаги фикрларда ўз ифодасини топган: «Диндорлар — дунёвий ҳаётнинг барча меҳнатлари орасида, барча қўнгилхушликлар ва хурсандчиликлар орасида христианлик қалби билан ҳеч қачон шуни унутмасликлари керакки, дунёвий ҳаёт абадий ҳаёт йўлидаги бир босқичдир ва бу тўгрисидаги ташвишимиз бизнинг барча ташвиш ва меҳнатларимиз орасида биринчи турмоги керак».

Православие илоҳиётчилари православие эътиқодидаги ҳар бир кишининг 3 та туғилган куни бўлади, деган таълимотни илгари сурадилар. Биринчи туғилиш куни — бизнинг дунёга келган кунимиздир, лекин у кишининг ҳаётидаги муҳим кун эмас. Чунки бу одам яхши одам бўлиб чиқадими ёки ёмон одам бўлиб чиқадими — ҳали номаълум.

Инсон учун иккинчи туғилиш куни — у чўқинтирилган кундир. Бу кун биринчи кунга нисбатан муҳимроқдир. Чунки иккинчи туғилиш кунида инсон беҳиштда абадий ҳаёт кечириш учун ҳуқуқ олади. Бироқ, ўша одам яхши христиан бўлиб чиқадими ёки аксими — бу ҳам ҳали номаълум. Шунинг учун ҳам энг муҳим туғилиш куни — бу одамнинг ўлган куни. Чунки бу кунда ўлган инсоннинг тақдири, яъни унинг абадий машаққат чекиш учун дўзахга тушиши ёки абадий фароғатда яшashi учун жаннатга тушиши масаласи ҳал бўлади.

Православиеда христианларнинг 7 сирли маросими алоҳида ўрин эгаллайди (таинства). Булар — чўқинтириш, нон ва вино тортиш, руҳонийлик узвонини бериш, тавба-тазарру, миро суртиш, Муқаддас зайдун мойи суртиш, никоҳ маросимлари дир. Бу маросимлар 1279 йилда Лионда бўлган католик собори-

да христианликнинг узил-кесил маросими деб белгиланган. Кейинчалик православие черкови ҳам бу маросимларни қабул қилган. Қуйида қисқача бу маросимларнинг мазмуни хусусида тұхталамиз.

а) Чүқинтириш маросими. Бу маросим христиан динининг энг асосий маросимларидан биридир, чунки бу маросим бажарилғач, инсон черков даргохига қабул қилинган ҳисобланади. Шу вақтдан бошлаб «чүқинтирилған» сүзи «христиан» сүзи билан тенг маъно касб этади.

Православие черковида бу маросим қуйидагича ижро этилади: янги туғилған болани черковга олиб келишади, бу ерда руҳоний унинг юзига қарата 3 марта күф-суфлайди, инс-жинсларга қарши афсун үқийди, шайтондан юз үтиришга, уни пуллашга ва туфлашга чақиради. Бу ишларнинг ҳаммасини бола номидан чүқинтираётган эркак ёки аәл бажо келтиради. Шундан кейин руҳоний болани уч марта сувга ботириб олади, унга зайдун мойи суркайди, бошидан бир тутам сочини кесиб олиб, унга ном беради. Одамнинг туғилған пайтиданоқ гуноҳкор эканлиги ҳақидағы гоя, «дастлабки гуноҳ» тұгрисидаги ақида бу маросимга асос қилиб олинған. Чүқинтириш маросими натижасида инсон шаҳвоний, гуноҳлы ҳаёт учун ўлиб, диний, муқаддас ҳаёт учун туғилади, деб таъкидлайдилар руҳонийлар.

Христианлик таълимотига күра, одамлар дастлабки гуноҳга ботған одамзот аждодидан гуноҳкор бўлиб туғиладилар. Чүқинтириш маросими эса ана шу гуноҳни ювиш учун хизмат қилади.

б) Нон ва вино тортиш (причащениe) ҳам асосий маросимлардан бири. Черковнинг таълим беришича, уни Исонинг ўзи шогирдлари билан биргалиқда үтказған махфий кечада белгиланған ва ўзини эслаб туриш учун шундай қилишни буюрган. Причащениенинг моҳияти қуйидагича:

Христианлар нон билан винони тановвул қилар эканлар, бу билан улар Исонинг танаси ва қонини татиб күрдик, энди худога яқинроқ, қондошроқ бўлдик, деб ҳисоблайдилар. Бу маросим литургияда, яъни эрталабки ёки тушки ибодатда асосий ўрин эгалладыйди.

в) Руҳонийлик унвонини бериш маросими (священство) — руҳонийлик мартабасига кутарилиш билан боғлиқ маросимдир. Диний таълимотта кўра,

руҳоний бўладиган шахснинг бошига епископ қул теккизгандан кейин, гўё у «муқаддас руҳ»нинг алоҳида марҳамати билан одамлар ўртасидаги воситачилик хусусиятига эга бўлади. Руҳоний унвони З даражага (дъякон, пресвитер ва епископ) эга.

г) Тавба-тазарру қилиш маросими — христианликда кенг ёйилган тазарру изҳор қилиш маросимидир. Тавба қилувчи шахс олдиндан бунга тайёргарлик кўради, яъни даҳшат ва пушаймонлик туғдириш учун маҳсус жиҳозланган черков ибодатхоналарига боради. Шундан кейин диндор тавба қиласи, яъни руҳонийга ўзининг ҳамма гуноҳларини оқизмай-томизмай сўзлаб беради, «бузуқ ниятлари» ва шубҳаларини айтади. Руҳоний диндорга насиҳат қилиб, уни тўғри йўлга солади ва муқаддас руҳнинг кучи билан уни гуноҳлардан пок қиласи.

д) Миро суртиш маросими (миропомазание) чўқинтириш маросими билан бевосита боғлиқдир. Черковларда чақалоқлар чўқинтирилгандан кейин, уларга хушбуй мой (миро) суртилади. Шундай қилинганда, инсон илоҳий мурувватга эришади, деб таълим берилади христианликда.

е) Муқаддас зайдун мойи суртиш маросими (елеосвящение) — бу, беморнинг пешона, ёноқ, лаб, кўкрак ва қўлларига муқаддаслаштирилган зайдун мойи суртиш билан боғлиқ маросимдир. Бу маросим, черков таълимотига кўра, инсоннинг жисмоний ва руҳий касалликларини даволайди, айни пайтда тавбасига таяниб улгурмаган бандаларини гуноҳларидан халос этади.

ё) Никоҳ маросими — черков никоҳидан ўтиш даврида амалга оширилади. Бу маросим XVI асрда пайдо бўлган. Черков таълимотига кўра, бўлажак эрхотин меҳроб олдида бир-бирларига содиклик ҳақида ваъда берар эканлар, бу маросимни ўтказиш орқали болаларнинг эсон-омон туғилиши ва христиан тарбияси кўришдан иборат соф яқдилона худонинг марҳаматига эришади. Худонинг ўзи одамларнинг никоҳ иттифоқини ҳимоя қиласи. Черковнинг таъкидлашича, никоҳда асосий нарса ҳуқуқий ёки иқтисодий жиҳат эмас, балки ахлоқий жиҳатдир. Айни пайтда, бу ахлоқий жиҳат диний жиҳат билан айнан бир нарса. Шунинг учун ҳам никоҳ маросими ни ўтказмай туриб чинакам ахлоқий, оилавий муносабатларнинг булиши мумкин эмас.

Христианликда булардан ташқари, жуда муреккаб дағы маросими, бутларга, крестга, шаҳидларга ва бошқа авлиёларга сажда қилиш каби маросимлар ҳам мавжуд.

Барча динларда бўлганидек, христианликда, шунингдек, унинг йирик йўналишларидан бири — православиеда диний байрамлар алоҳида ўрин тутади.

Православие байрамлари улуглаш объектларига қараб — Исо, Биби Марям ва авлиёлар шарафига ўтказиладиган байрамларга: тантанаворлиги жиҳатидан — улуг, ўрта ва кичик байрамларга; ўтказиш вақти жиҳатидан — сурilmайдиган, яъни ойнинг бир хил санасига тўғри келадиган, ҳам суриладиган, яъни пасха кунларига қараб календарь кунлари бўйлаб алмашиниб турадиган байрамларга бўлиниди.

Улуғ байрамлар рўйхати Пасхадан бошланади, ундан кейин 12 байрам туради. Черков Исони хатна қилиш, ҳомийлик байрами, Иоанн Крестителнинг туғилиши, Иоанн Креститель бошининг кесилиши, ҳаворийлар Пётр ва Павел куни байрамларини ҳам улуғ байрамлар қаторига киритади. Авлиёларга бағишлиланган православие байрамлари ҳаддан ташқари кўп. Масалан, Николай чудотвореца 2 байрам бағишлиланган. Шунингдек, Илья пайгамбар (Илья куни), Георгий победоносец (Егорь куни) ва бошқаларга бағишлиланган байрамлар мавжуд.

Купгина байрамлар мўъжизакор иконаларга бағишлиланган. Престол байрамлари алоҳида ажралиб туради.

Қуидида юқорида санаб ўтилган байрамларнинг энг муҳимлари ҳақида тўхталамиз.

Пасха байрами — крестга тортилган Исонинг мўъжизавий тирилиши хотирасига бағишлиланган байрамдир. Христиан черковининг 325 йилда Никеяда ўтказилган жаҳон собори қарори билан унинг ўтказилиш вақти белгиланган. Христианлар пасхаси баҳорги кечакундуз тенглиги ва ундан кейинги тўғри келувчи ой тўлган вақтнинг биринчи якшанбасида ўтказиладиган бўлган. Пасха суриладиган байрам ҳисобланади. Пасхани байрам қилиш кунини аниқлаш мақсадида маҳсус жадвал (пасхалия) тузиб чиқилган.

Исонинг туғилиш байрами (Рождество Христово).

Исо туғилған куни (Рождество) черков ҳасти ва диндорларнинг турмушидаги мұхим үрин әгаллайды. Бу байрам асосида худо — ўғил Исонинг бокира Биби Марямдан илоҳий туғилиши ҳақидаги Инжил таълимоти ётади. Католик черкови бу байрамни ҳар йили 25 декабря (Россия эса 7 января) нишонлайды. Исо туғилған кунга багишлиңган бу байрамни черков христианлик пайдо бўлған дастлабки асрларга олиб бориб тақайди. Черков таълимотига қўра, бу байрам ўғил — худо Исо шарафига белгиланған. Дастлабки беш асрда христианлар Исонинг туғилған йилини белгилаган эмаслар, йил ҳисоби эса у вақтларда, масалан, Римда императорларнинг хукмронлик қилған йиллар бўйича олиб борилар эди. Фақат VI асрда монах Дионисий Кичкина Пасха ҳисоби учун жадвал тузиб чиқаётгандага йил ҳисобини Исо туғилған кунидан бошлашни таклиф этган. Унинг тахминига қўра, бу воқеа гуё Римга асос солинганидан бошлаб 753 йилнинг декабрида содир бўлған. У 754 йилни милоднинг биринчи йили деб ҳисоблашни таклиф этган. Шундай қилиб, христиан эраси аста-секин барча дунёвий календарларга ёйила борган ва сингиб кетган. Россияда Исонинг туғилганидан бошланадиган йил ҳисоби Пётр I томонидан фақат 1700 йилдагина жорий этилган.

Исонинг туғилиши байрамида Исонинг инсоният гуноҳини ювиш ва унга халос бўлиш йулини кўрсатиш учун туғилғанлиги ҳақидаги таълимот асосий үрин әгаллайди.

Дин таргиботчиларининг таъкидлашicha, Исонинг туғилиши билан ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, барча одамлар учун најот йўли, абадий ҳаёт ва жаннатда роҳат-фароғатга эришиш имконияти очилган.

Байрам кунлари христиан оламида давлат муассасаларида ва парламентларда рождество таътиллари берилади, тантанали ибодатлар утказилади.

Исони чўқинтириш байрами асосида Инжилдаги Исонинг Йордан дарёсида Иоанн Креститель томонидан чўқинтирилғанлиги ҳақидаги таълимот ётади. Бу байрам 6 января нишонланади. Бу байрам худонинг зуҳур бўлиши байрами деган ном билан ҳам аталади. Бунга — Исо чўқинтирилиши пайтида худо — муқаддас рух кабутар шаклида осмондан тушган деган таълимот асос бўлған. Исо худди шу

чүқинишдан бошлаб вайз ўқиб, уз шогирдлари билан халқ онгини ёритиб маърифатли қила бошлаган.

Учрашув байрами (Сретение) асосида христианликнинг Симеон номли бир қариянинг ота-оналари Исони урф-одатга кўра, Қуддусдаги ибодатхонага олиб келишганида, Исо билан учрашганлиги ҳақидаги Инжил ҳикояти ётади. Ана шу учрашув байрамга асос қилиб олинган (байрамнинг учрашув деб аталиши шундан). Симеон бу бегуноҳ гўдак «одамларни халос этади» деб башорат қилган, дейилади Лука «Инжил»ида. Бу байрам VI асрда жорий этилган ва ҳар йили 2 февралда нишонланади.

Илоҳий хушхабар байрами — асосида фариштадар бошлиғи Гавриилнинг Биби Марямга келажакда илоҳий фарзанд кўриш тўғрисидаги хушхабарни маълум қилганлиги ҳақидаги Инжил нақли ётади. Православие илоҳиётчилари буни инсониятнинг нажотга эришишидаги энг муҳим воқеалардан бири, шу куни худо билан одамларнинг сирли мулоқотда бўлишига асос солинди, деб таъкидлайдилар. Бу байрамнинг диндорлар учун алоҳида аҳамиятли эканлиги сабаби ҳам ана шунда. Бу байрам Исонинг туғилиши байрами мустақил равишда нишонланана бошлангандан кейин IV асрда жорий бўлган. Биби Марям Исога ҳомиладор бўлган кун, яъни Исо туғилишидан 9 ой олдин, яъни 25 марта нишонланади.

Исонинг Қуддусга кириши байрами — Пасха арафасидаги охирги якшанба куни нишонланади. Бу байрам Инжил тарихидаги воқеа — Исонинг Қуддусга кириши, бу шаҳар аҳолисининг худо фарзандини кутлаб, унинг йўлига пальма шохларидан поёндоз ташлагани шарафига бағишланган. Бу байрам IV асрда жорий этилган. Бу байрам черков учун диндорларга ҳамма Исони худди қуддусликлардек очиқ кўнгиллик билан қабул қилишлари лозим, деган фикрини тарғиб этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Исонинг осмонга кўтарилиб кетиши байрами — Пасхадан кейин 40-куни нишонланади. Бу байрамга қатлдан кейин тирилган Исонинг Арши аълога кўтарилиганлиги ҳақидаги таълимот асос қилиб олинган.

Христианлик Исонинг осмонга кўтарилиб кетганлиги тўғрисидаги таълимотдан Исонинг илоҳийлигини таъкидлаш учун фойдаланган. Мазкур байрамнинг мақсади — барча тақводорларга ўлимидан кейин тири-

лиши мумкинлигини тасдиқлашга диндорларни ишонтиришдан иборат бўлган.

Исо қиёфасининг ўзгариши байрами — ҳар йили 6 августанда, Лука «Инжили»да тасвиранган, гуё ҳақиқатда юз берган Исонинг янги қиёфага кириши шарафига байрам қилинади. Инжилда таъкидланишича, бир куни Исо тоғда ўз шогирдлари билан ибодат қилаётганида, унинг қиёфаси бирдан ўзгариб, кийимбоши оппоқ бўлиб кетган ва шу лаҳзада «Бу — менинг суйган фарзандим, унга қулоқ солинглар» деган худонинг овози келади. Православие илоҳиётчиларининг айтишларича, бу билан Исо ўзининг илоҳий моҳиятини намоён этиб, жуда катта мӯъжиза кўрсатган. Албатта, бу фикрлар художўйлар орасида Исо нуфузини кутармай қолмас эди. Мазкур байрам ҳам IV асрда жорий этилган.

Биби Марямнинг туғилиши байрами — ҳар йили 8 сентябрда нишонланади. Байрамнинг аҳамияти черковнинг инсониятга халоскор Исони берган илоҳий онага бўлган эътибори билан белгиланади. Бу байрам V асрнинг иккинчи ярмида расм бўлган.

Ўша пайтда Биби Марямнинг маълум даражада тўлиқ «таржимаи ҳоли» тузиб чиқилган. Бу байрам черковга динга ишонувчиларга улуг тақводорлар йулидан боришга интилиш керак, деган фикрни сингдиришга хизмат қилган. Бу улуг тақводорлар орасида Биби Марям етакчи ўринда бўлган. Айниқса, у аёллар ўртасида оммалашиб кетган. Улар Биби Марямни худо ҳузурида аёлларга ҳомийлик қилувчи деб ҳисоблаганлар. Байрамнинг асосий мазмунини ҳам ана шу гоя ташкил этади.

Исони салбга тиклаш байрами — 14 сентябрда нишонланади. Христианлик таълимотига кура, Рим императори Константиннинг онаси Елена IV асрда Исонинг оёқ-қули михланган хочни топган ва бунинг шарафига байрам жорий этилган. Бу хоч кейинчалик Қуддус яқинидаги Голгофа тогига тикланган. Кейинчалик бу хоч топилган жойга ибодатхона қурилган. 335 йилнинг 13 сентябрида уни муқаддастлаштириш маросими ўtkазилган. Шундай қилиб, бу байрам келиб чиқсан. Байрамнинг асосий гояси — инсон Исо каби ҳаётда салб йўлини босиб ўтади, бу йул уни нажот топишга олиб келади. Бу байрамга оид ваъзларда салб номи, роли, ҳар бир диндор Исо каби ўз хочини олиб юриши зарурлиги, одамлар халоскор-

нинг иродасига бутунлай умид қилишлари лозим, деган фикр сингдирилади.

Биби Марямнинг ибодатхонага кириш байрами — бу байрам православиеда Исо Қуддус ибодатхонасига кириб келишига багишланган. У бу ерга отонаси томонидан олиб келинган. Черковнинг фикрича, Марямнинг ота-онаси диндорлар учун намуна бўлмоги керак, улар ўз фарзандларини жуда ёшлигиданоқ христиан динидан хабардор қилишлари, черков расм-руслами ва анъаналари билан таништиришлари лозим. Бу байрам диний жамоаларни ёшлар ҳисобига тўлдиришда муҳим роль ўйнайди.

Биби Марямни хотирлаш байрами — 15 августда Биби Марямни хотирлаш куни, унинг ҳаёт йўлининг ниҳоясига етиши сифатида нишонланади.

Биби Марямнинг ўлими тўгрисидаги черков фикрлари IV асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. IV аср урталарида христиан ёзувчиси Епифаний Кипрский Биби Марямнинг ўлими тўгрисида ҳеч қандай маълумот йўқ, «у ўлганми ёки ўлмаганми, дафн қилинганми ёки дафн қилинмаганми», маълум эмас, деб ёзган эди. Кейинроқ «Биби Марямнинг ўлими тўгрисида» номли китоб пайдо бўлган. Унда Биби Марям ҳаётининг охирги даври ва ўлими баён қилинган.

9. ПРОТЕСТАНТИЗМ

а) Реформация ҳаракати ва протестантизмнинг вужудга келиши

1517 йилда Германияда бутун аҳоли черковни реформа (ислоҳ) қилишни талаб қилиб чиқсан ҳаракат бошланди. Бу ҳаракат тарихга «Реформация» номи билан кирган.

Реформация ҳаракатининг йулбошчиларидан бири Мартин Лютер Германияда католик черковини реформа (ислоҳ) қилишни талаб қилиб чиқди. Унинг католик черкови кирдикорларини қоралаб чиқиши Реформация ҳаракатини бошлаб берди. У Виттенберг шаҳридаги черков эшигига ўзининг динга ишонувчиларга қарата ёзган хитобномасини — 95 моддадан иборат тезисларини ёпишириб қўйди. Бу хитобномада М.Лютер папанинг гуноҳларни кечиш ёрлиқлари — индульгенциялар сотишини қоралади, Германиядаги

чёрковни Рим папаси қарамогидан озод этишни талаб этди. Лютернинг бу фикрлари бутун Германияда хайрихоҳлик билан кутиб олинди.

Тезда бутун Германияда католик чёрковининг зулмига ва зўравонлигига қарши оммавий ҳаракат авж олиб кетди. 1525 йилда эса бу ҳаракат деҳқонларнинг феодал зулмига қарши урушига айланиб кетди.

Халқ ҳаракатининг авж олиши мулкдор синфларнинг бирлашувига олиб келди. Князлар, феодаллар ва руҳонийлар биргалашиб деҳқонлар урушини қонга ботирдилар. Немис шаҳар буржуазияси эса хойнлик қилди.

Гарчи халқ оммаси енгилган бўлса-да, Германияда католицизмнинг ҳукмронлигига барҳам берилди.

1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютерчи-князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ, 1529 йилда 2-Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қилди. Бунга қарши Германиянинг бир қанча шаҳарлари ва 5 князи «протест» (норозилик) билдиришди (протестантизм ана шу сўздан келиб чиқсан). Улар «Протестация» деб аталган ҳужжатга, яъни руҳоний ва дунёвий феодалларнинг умумгерман съездига лютерчиликнинг тарқалишини чеклаш ҳақида қабул қилган қарорга қарши протесттга имзо қўйдилар. Бу 5 князга протестантлар деб ном берилди. Протестант князлар 1555 йилда Рим билан битим тузишга муваффақ булдилар, унга кўра, энди ҳар бир князъ ўз фуқаролари билан исталган динни (лютерчилик ёки католицизмни) танлаб олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шу вақтдан бошлаб М.Лютер, Реформациянинг барча тарафдорлари протестантлар деб, янги чёрков эса протестант чёркови деб атала бошланди. Шундай қилиб, христианликда учинчи асосий йўналиш — протестантизм вужудга келди.

Реформация фақат Германиятагина эмас, балки бошқа давлатларга ҳам ёйилди. XVI асрнинг ўрталарида келиб Швейцария, Англия, Швеция, Дания ва Норвегия давлатлари ҳам католицизмдан чиқдилар. Протестантизм Бельгия, Голландия ва Францияга ҳам кириб борди. Шарқий Европадаги Чехия, Венгрия ва Польшага ҳам ёйилди. XVII асрдан бошлаб у Шимолий Америкага ва Европа давлатларининг бошқа мустамлакаларига ҳам кира бошлади.

1948 йилда жаҳон 44 мамлакатининг 147 протестант черковини бирлаштирган жаҳон черковлари кенгаши тузилди.

б) Протестантизм таълимоти ва маросимларидағи асосий фарқлар

Протестантизм ҳам худонинг борлигини, унинг учқиёфада намоён бўлиши, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах ҳақидаги, ваҳий ва бошқалар тўғрисидаги умумхристиан таълимотини эътироф этади. Шу билан бир вақтда протестантизм қўйидаги З та янги қоидани жорий этди:

- шахсий эътиқод билан нажот топиш;
- динга ишонувчи барча кишиларнинг руҳоний бўлиши мумкинлиги;
- Инжилнинг олий нуфузи.

Протестантизм таълимотига кўра, дастлабки гуноҳ инсон феъл-авторини бузди, уни яхшилик қилиш қобилиятидан маҳрум этди. Шунинг учун у хайрли ишлар, сирли маросим ва аскетизм (тарқидунёчилик) йўли билан эмас, балки бандалар гуноҳини сўраб олиш учун қурбон бўлган Исога шахсий эътиқод йўли билан охиратда гуноҳлардан фориг бўлиши мумкин.

Чўқинтирилган ҳар бир христиан ўзини худо билан илоҳий мулоқотда бўлишга бағишлийди, черков ёки руҳонийларнинг воситачилигисиз ҳам ибодат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, протестантизм католик черкови гуноҳдан холи, Рим папаси бирламчи, деган таълимотларни рад этади. Руҳоний билан қавмлар ўртасидаги ақидавий фарқни тан олмайди, черков иерархиясини инкор этади. Протестантизмда руҳоний қавмларнинг тавбасини қабул этиш ва уларни гуноҳлардан фориг этиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Айни пайтда руҳоний жамоага ҳисоб беради.

Протестантизм «савоб ишлар» захираси, аъроф, у дунё ҳузур-ҳаловатлари ҳақидаги таълимотларни ҳам рад этади.

Протестантизм христианлик маросимларига ҳам жиддий ўзгартиришлар киритган. Хусусан, у католикларнинг дабдабали маросимларини бекор қилди. «Таинства» маросимларидан фақатгина чўқинтириш ҳамда ноң ва вино тотиши маросимини қолдирган.

Улганларга бағишлиб дуо үқиши, азиз-авлиеларга сиғиниш, улар шарафига турли-туман байрамлар үтказиши, муқаддас иконаларга топиниш бекор қилинди. Ибодат уйлари ортиқча ҳашамлардан холи қилинди, қунгироқлар олиб ташланди.

Протестантизм черковни дунёвийлаштиргач, монастырлардан ва роҳиблиқдан ҳам воз кечди. Ибодатлар ниҳоятда соддалаштирилди, вайз, дуо ва псаломларни (диний қасидалар, диний ашулалар) куйлаш она тилида үтказиладиган бўлди. Библия она тилига таржима этилди, уни үрганиш ва шарҳлаш гуноҳ ҳисобланмайдиган бўлди.

Христианлик ўз тарихида рўй берган барча мураккабликларга қарамай, мана 2000 йилдирки, вақт синовига бардош бериб келмоқда. Бутунги кунда христиан дини ҳам бошқа жаҳон динлари каби Ер юзида мустаҳкам тинчлик, турли миллатга, диний эътиқодга мансуб халқлар ўртасида биродарликни, узаро хурмат, тенглик, тотувлик идеалларини тарғиб этиш ва мазкур идеални рӯёбга чиқариш тарафдори ва бу ишларга дин арбоблари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

VII б о 6.

ИСЛОМ ДИНИ ТАРИХИДАН

1. ИСЛОМ ДИНИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УНИНГ ЖАҲОН ДИНИГА АЙЛANIШИ

Ислом дини жаҳон динлари ичида энг ёш диндир, эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан эса христианликдан кейин иккинчи ўринда туради. Йил сайин бу динга эътиқод қилувчилар сони ортиб бормоқда.

Ислом дини VII асрда Арабистон яриморолида (ҳозирги Саудия Арабистони) пайдо бўлди. Бу орол араб тилида «Жазират ал-Араб», яъни арабларнинг яримороли деган маънони англатади. Туркий халқлар ва эронликлар «Арабистон» деб атайдилар.

«Ислом» сўзи қўйидаги маъноларни англатади:

1. Итоат ва бўйсунниш.
2. Ихлос ва турли оғатлардан саломат бўлиш.
3. Сулҳ ва омонлик.

Ислом — Аллоҳ ягона деган эътиқод билан унга бўйсунмоқлик, итоат этмоқлик ва бутун қалб билан унга ихлос қилмоқлик ва Аллоҳ буюрган диний эътиқодга имон келтирмоқлик демакдир.

Аллоҳга итоат қилган ва Аллоҳ юборган пайгамбарларга эргашган киши мусулмон (муслим — садоқатли) дейилади.

Исломнинг пайдо бўлиши VI аср охири — VII аср бошларида Арабистон яриморолида юз берган ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан бевосита боғлиқдир. Хуш, бу ижтимоий-иқтисодий аҳвол нималарда ўз ифодасини топган эди?

Аввало, арабларнинг катта-кичик қабила ва ургуларга бўлиниб кетганлигида. Бундай бўлиниш — улар уртасидаги доимий ўзаро урушларнинг асосий омилига айланган эди. Ву урушлар фақатгина вайроналик келтирмоқда эди, холос.

Иккинчидан, қўшни давлатлар — Византия империяси, Сосоний Эрони ва Ҳабашистон Арабистон яриморолида сиёсий бирликнинг йўқлигидан фойдаланиб, доимий равишда бу ўлкага ҳужум қиласилар, арабларни асоратга солардилар. Шундай қилиб, VII асрда араблар ягона давлат барпо этишини давр ҳам тақозо этмоқда эди. Сиёсий жиҳатдан бирлашиш,

яъни ягона Араб давлатини вужудга келтириш — халқнинг кучини ташқи босқинчиларга қарши кураш учун бирлаштириш ҳамда ўзаро ички урушларга барҳам бериш вазифасини ҳал этиш лозим эди. Бундай сиёсий бирлашув у даврда фақатгина яккахудолик дини орқалигина, ягона худо шиори остидагина амалга оширилиши мумкин эди, холос. VII асрда эса Арабистонда кўпхудолик динлари мавжуд эди.

Айни пайтда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпхудолик вужудга келаётган ва аста-секин ўзига тараққиёт йўлини очиб бораётган янги тузум — феодал жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий талабларига ҳам мувофиқ келмас эди.

Юқорида санаб ўтилган омиллар Ислом вужудга келишининг объектив шарт-шароитларини ташкил этади.

Исломнинг пайдо бўлишига муайян гоявий муҳит — биринчидан, араблар миллий онгининг уйғонганилиги, иккинчидан, ҳанифлар (чинакам эътиқод қилувчилар, ҳақиқат изловчилар)нинг диний ҳаракати ҳам қулай шароит яратган эди. Ҳанифлар араб қабилаларини бирлаштириш жараёнининг гоявий ифодасиси ҳам эди. Ҳанифийликнинг марказий гоясини — якка худога ишониш, қабила худоларига ва маҳаллий худоларга сифинишдан воз кечиш ташкил этарди. Ҳанифийлар ўз тарғиботларида арабларни «оғир аҳволдан қутқарувчи халоскор»нинг келиши яқинлашиб қолганлигини хабар берар, илоҳий қурдатнинг ҳукмини сабр билан кутиб туриш лозимлигини уқтириар эдилар. Улар ҳар нарсани ягона худонинг құдрати, унинг марҳамати ёки газаби билан боғлар эдилар. Ижтимоий адолатсизликдан, чет эл босқинчилари, кулдорларнинг асоратидан безор бўлган қулларнинг, оғир аҳволда яшаган араб оммасининг қалбida «ягона Аллоҳнинг адолати», «Халоскорнинг келиши», «Дунёнинг охири» ҳақидаги тарғиботлар муайян туйгу, унга ишониш ҳисларини уйғотган.

Хуш, нима учун айнан Макка Исломнинг шакланган, тарғиб этилган жойи бўлди? Арабистон яриморолининг Макка, Мадина, Тоиф, Хайбар сингари бир қанча энг муҳим шаҳарларини ўз ичига олган қисми қадимдан Ҳижоз деб аталган. Ҳижоз асосан төғли ўлка булса-да, ундан қадимги дунёда машҳур бўлган халқаро савдо йўли ўтган эди. Бу карvon йўлининг қачон пайдо бўлганлиги маълум эмас. Баъзи манбалар — бу йул

«саҳро кемаси» деб ном олган түя құлға ўргатылған вактдан пайдо бұлғанлигини таъкидлашади. Деярли 2000 километрлик бу йүлда, табиийки, дам олиш, сув ва озиқ-овқат олиш учун муайян карвоңсаройлар бұлған. Вақтлар утиши билан бу карвоңсаройлар шаҳарларга айланған.

Милоднинг VI асрида Арабистон яриморолида ҳукм сурған давлатлар қулагач, мазкур карвоң йўлиниң марказида жойлашған Макка Арабистон шаҳарларининг энг иириги ва аҳамиятлиси булиб қолған. У деярли ҳамма томони дарали тоғлар билан үралған водийда жойлашған. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳеч қачон шаҳар атрофига девор қуриш зарурати бұлмаган. Шаҳарни ташқи ҳужумдан ҳимоя қилиш учун дарага соқчилар қўйилишининг ўзи кифоя қилған. У ердаги Аллоҳ құдрати билан яратылған деб ҳисобланувчи Замзам қудуги, Каъба бора-бора Маккани арабларнинг муқаддас жойига айлантирган, унинг шуҳратини орттирган. Маккада ҳеч қандай археологик ишлар олиб борилмаганлиги учун унинг ёшини аниқлашнинг имкони бұлмаган. V—VI асрларда Арабистон яриморолидаги давлатлар (Фассонийлар, Лаҳмийлар, Кинда ва Ҳимёр) инқирозга юз туттанлиги, сўнгра умуман тарих саҳифасидан йўқолиб кетганлиги Маккага қўл келған. Арабистонга қўшни буюк давлатлар — Византия ва Эроннинг яриморол жануби ва шимолида ўз ҳукмини үрнаттгани ҳам Макка фойдасига хизмат қилған. Бу даврда Маккада қурайш қабиласи ҳукмронлик қиларди. Бутун қурайш уруғларининг ҳурмат-эътиборини қозонған шахс Ҳошим эди. Бу ҳурмат-эътиборга у оддий халққа, йўқсилларга хайр-эҳсон қилиш, қурбонликка моллар сўйиб уларни боқиши ҳисобига эришган эди.

Ҳошимдан сўнг унинг ўғли Абд ал-Муталлиб ҳам катта нуфузга эришган. У анча вактдан бери яроқсиз ҳолга келиб қолған Замзам қудугини қайта тиклаган. Макка аристократияси савдо йўллари атрофида яшаётган бадавийлар билан янгича муносабат үрнатғанлар. Масалан, илгари қабила бошлиқларига карвоңнинг хавфсизлиги учун ҳақ тўланған бўлса, энди улар билан савдодан олинадиган фойдага шериклик ҳақида битимга келишилған. Бу эса бадавийларни оддий қуриқчилардан шерикларга айлантирган. Савдосотиқ ишлари Макка тараққиётининг ўсишига олиб келди.

Макканинг тинч-осойишта ҳаётида бир воқеа юз бердики, у аҳолининг хотирасида ўчмас из қолдирган. Бу воқеа — Жанубий Арабистонни эгаллаб турган босқинчи ҳабашларнинг 570 йилда Маккага қарши юриши эди. Бу юришнинг сабаблари ҳақида адабиётларда қўйидаги фикрлар илгари суриласди:

- 1) Санъода (Яманда) ҳабашлар қурган черковни араблар «ифлослагани» учун жазо бериш мақсади;
- 2) Каъбани вайрон қилиб, арабларнинг нигоҳини Санъода қурилган христиан черковига қаратиш мақсади;
- 3) Савдо рақобати.

Ҳабаш аскарлари филдан фойдаланганлиги маккаликларга қаттиқ таъсир кўрсатган. Шунинг учун шаҳар аҳолисининг аксарияти шаҳарни ташлаб тоғларга қочиб кетишган. Абд ал-Муталлиб ва бошқа бир қанча нуфузли маккаликлар ҳабашлар билан музыкара олиб боришга ҳаракат қилганлар. Аммо қўйидаги бошқа икки муҳим сабаб Маккани ҳужумдан сақлаб қолган:

- ҳабашлар ёллаган бадавий араб жангчиларининг муқаддас ҳисобланган Макка ҳудудига қурол билан киришдан бош тортганлиги;
- ҳабашлар армиясида чечак касали тарқалганлиги.

Қуръони каримнинг «Фил» сурасида бу воқеа қўйидагича изоҳланган:

- «1. (Эй Мұхаммад), Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми?
2. У зот уларнинг (Каъбатуллоҳни вайрон қилиш учун қўллаган барча) ҳийла-найрангларини барбод қилмадими?

3—4. У зот уларнинг устига сополдан бўлган тошлиарни отадиган тўп-тўп қушларни юбориб,

5. Уларни (курт-қумурсқалар томонидан) чайнаб ташланган сомон каби (илма-тешик) қилиб юборди».¹

Қандай бўлганда ҳам, ўз ҳимояси учун битта ҳам камон отмаган Макка аҳолисининг обруси бу воқеадан сўнг янада ортиб кетди, қурайш қабиласи шарафли «ал-Илоҳи», худо ёрлақаган қабила номини олди. Макка зодагонлари ичидаги Абд ал-Муталлиб (Мұхаммад Пайгамбарнинг бобоси) ҳабаш лашкарбoshиси билан учрашганлиги туфайли энг катта обру

¹ Қуръони карим. Узбекча изоҳли таржима. Т., 1992 йил. 523-бет.

қозонди. Қолаверса, у ҳабашлардан келган үлжанинг талай қисмини ўзига олди, бу эса унга йўқсил қабила дошларига хайр-эҳсон қилиш имконини берди. Қурайш қабиласи орасида Мұхаммад Пайгамбар аждодлари обрусининг юқори бўлганлиги кейинчалик Пайгамбар тақдиррида бекиес катта роль уйнаганлигининг асоси бўлганлиги инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Ҳабашлар Макка юришида муваффақиятсизликка учраган булсалар-да, улар Жанубий Арабистонда карвонларга хужум қиласерганлар. Натижада, савдогарлар Европага борадиган савдо йулларини ташлаб, Макка ҳудудидаги хавфли жойларни айланиб утиб, Ҳиндистонга қатнашга мажбур бўлганлар. Бунинг натижасида савдо тушкунликка юз тута бошлаган. Аҳолининг иқтисодий аҳволи ёмонлашган, савдогарлар синган, хунармандлар қашшоқлашган, чорвачилик хўжалигининг маҳсулотларига талаб камайган. Эндиликда Макка зодагонлари судхўрликни кучайтирганлар (эҳтимол, кейинчалик Қуръонда судхўрлик қораланганинг шу омил сабаб бўлгандир). Бундай оғир аҳволдан қутулишнинг йули — барча араб қабилаларини бирлаштириш асосида ягона, кучли давлат барпо этиш орқали жаҳон майдонига чиқиш эди. Бу вазифани ягона худоликка асосланган мафкурасиз ҳал этиб бўлмас эди. Шундай шароитда Ислом дини вужудга келди. Унинг асосчиси кейинчалик Пайгамбар (Расулуллоҳ) деб ном олган Мұхаммад ибн Абдуллоҳ (570—632) бўлди.

2. ИСЛОМ ДИНИ ТАЪЛИМОТИ, УНИНГ ТАРКИБИ, МАРОСИМЛАРИ ВА БАЙРАМЛАРИ

Ислом дини таълимоти унинг муқаддас китоби — Қуръони каримда баён этилган.

Ислом таълимотича, Қуръон Аллоҳ томонидан фаришта Жаброил орқали Мұхаммадга ваҳий¹ қилинган.

Ислом таълимотининг асосини иймон, ислом ва эҳсон ташкил этади. Иймон (эътиқод, ички ишонч) 7 ақидага асосланади. Булар: 1) Аллоҳга; 2) Фаришталарга; 3) Муқаддас китобларга; 4) Пайгамбарларга; 5) Охиратга; 6) Тақдирга; 7) Ўлгандан кейин тирилишга ишонишидир.

¹ Ваҳий — худо томонидан юборилган ва унинг хоҳиш-иродаси ифодалайдиган ҳақиқатларни одамларга мұжизавий йўл билан билдириш.

АЛЛОХ — дунёдаги барча мавжудотларни яратган. Оламда юз берган ва келажакда юз берадиган барча воқеа ва ҳодисалар, дунёнинг тугаши ва охиратгача Аллоҳ томонидан белгиланган ва унинг иродаси билан содир бўлади. Аллоҳни ҳеч ким бор қилган эмас, у үзидан-үзи бордир. Аллоҳ бирдир, яккадир, ёлгиздир. Унинг шериги, тенгдоши, ухшashi, ўғли, қизи, ота-онаси, қариндоши, эр ёки хотини йўқ. У ўлмайди, ухламайди. У билувчилик, у билмайдиган бирор иш йўқ. У хоҳловчилик, ҳар ишга қодирдир, кўрувчилик, эшитувчилик, сўзлагувчилик, яъни Қуръондаги барча оятлар Аллоҳникидир. Аллоҳ бўлдиргувчилик, тарбия қилувчилик, тўғрилик қилувчилик. Аллоҳда ҳеч қандай нуқсон ва камчилик йўқдир. У ҳамма ерда ҳозир. Аллоҳ емайди, ичмайди, касал бўлмайди.

ФАРИШТАЛАР — Аллоҳ таолонинг ниҳоятда итоатлик, ҳеч бир гуноҳсиз, нурдан яратилган, одамлар кўзига қўринмайдиган бандаларидир. Улар доимо Аллоҳ таолонинг буюрган ишларини бажарадилар, унинг буйргудан асло чиқмайдилар. Уларда эрлик, хотинлик, туғиш, тугдириш, ейиш-ичиш, ухлаш каби хусусиятлар йўқ. Фаришталарнинг машҳурлари — Жаброил, Микоил, Исрофил ва Азроилдир. Улар ўзлари хоҳласаларгина инсонлар кўзига ҳар хил суратда кўринишлари мумкин.

ПАЙГАМБАРЛАР — Аллоҳ таоло тарафидан бандаларига дин ҳукмларини ўргатмоқ учун юборилган элчилардир. Улар ақлли, зийрак, тўғри ва итоатли бандадирлар. Улар Аллоҳ таоло амридан чиқмайдилар, гуноҳ қилмайдилар. Улар одам болаларидан чиқадилар. Пайгамбарлар Аллоҳ таоло тарафидан буюрилган дин ва шариат ҳукмларини бандаларига етказадилар, бандаларни ҳақ динга ва яхши ишларга ваъз, насиҳат билан чақирадилар. Қуръонда 25 пайгамбарнинг исмлари зикр этилган. Пайгамбарлар 2 хилга бўлинадилар: а) Расуллар; б) Набийлар.

Аллоҳ таоло тарафидан ўзларига алоҳида китоб ва шариат берилган пайгамбарлар расул деб аталадилар.

Ўзларига маҳсус китоб ва шариат берилмай, бир расулга берилган китоб ва шариат асосида иш қилишига буюрилган пайгамбарлар эса набий дейилади. Набийлар расул бўлаолмайдилар, расулларнинг ҳар бири, айни пайтда, набий ҳам ҳисобланадилар. Барча пайгамбарлардан 8 нафарига (Одам, Идрис, Шис,

Иброҳим, Мусо, Довуд, Исо ва Муҳаммад) алоҳида китоб ва щариат берилган. Масалан, Аллоҳ таоло Тавротни Мусога, Забурни Довудга, Инжилни Исога, Қуръони каримни эса Муҳаммад алайҳиссаломга юборган.¹ Пайғамбарлар силсиласидаги сўнгтиси ва барчасидан афзали Муҳаммад алайҳиссаломдир, ундан кейин бошқа пайғамбар келмайди.

МУҚАДДАС КИТОБЛАР (Аллоҳ таолонинг китоблари) — ҳар бир замоннинг ўзига яраша дин ва муоммалат ҳукмларини баён этиб, ўша замоннинг пайғамбарларига юборилган ваҳийлар Аллоҳ таолонинг китоблари, яъни муқаддас китоблардир. Аллоҳ таоло пайғамбарларга 100 саҳифа ва 4 китоб юборган. 100 саҳифа Одам, Шис, Идрис, Иброҳимга, 4 китоб эса Мусо, Довуд, Исо ва Муҳаммадга юборилган. Энг охирги китоб Қуръондир. Қуръонда одам болаларининг дунё ва охиратлари учун фойдали бўлган, ҳар замонга тўғри келадиган ва қиёматгача ўзгармайдиган ҳикматли ҳукмлар бор.

ОХИРАТ — бу дунёда Аллоҳ таолонинг ўзидан ва у хоҳлаганидан бошқа ҳеч нарса қолмайдиган бир кундир. Унинг қачон бўлишини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди. Ўлган бандалар гўрга қўйилганларидан сўнг, гўрларига Мункар ва Накир исмли икки фаришта кириб, уларни сўроқ қиласди. Саволларга дуруст жавоб берганлар яхшилардан ҳисобланиб, қиёматгача роҳатда бўладилар. Ўлган бандалар Аллоҳ таолонинг қудрати билан тириладилар, сўнгра Аллоҳ таолонинг тайин қилган ерига йигиладилар. Йигиладиган жойнинг номи «Маҳшар ери», куни эса «Қиёмат куни» деб аталади.

ҚИЁМАТ КУНИ — бандаларнинг бу дунёда қилган яхшилик ва ёмонликлари маълум бўладиган, яхши бандалар учун севинч, ёмонлар учун қўрқинчли кундир. Яхшиликлари маълум бўлган бандалар хурсандлик илиа «сирот» кўпригидан² утиб, жаннатга, ёмонлар эса бу кўприкдан ута олмай дўзахга кирадилар. Сирот кўприги — Маҳшар ери билан жаннат орасида дўзах устига қурилган, қиличдан утқир, қилдан ингичка ва ниҳоятда узун кўприкдир.

ТАҚДИР — Аллоҳ таоло томонидан ҳар бир бўлган ва бўладиган яхши, ёмон ишларнинг қайси

¹ Санджонов Й.С. Дунё динлари тўғрисида баъзи маълумотлар. Т., 1994 й.

² Қаранг: Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Ибодати Исломия. Т., 1995. 25-бет.

замонда, қайси жойда, қай равища бўлмоғини уз илми азалийси билан бўлмасдан туриб олдиндан тайин белгилаб қўйилишидир.

Ислом таълимотидаги асосий 7 ақиданинг Аллоҳ таоло ва Муҳаммадга ишониш қисми Исломда иймон деб ҳам аталади, яъни Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг бандаси ва расули (пайғамбари), деб шоҳидлик бериши тушунилади. Барча 7 ақида тўлалигича иймони муфассал деб аталади.

Шунингдек, Ислом динида «Ислом арконлари» деган тушунча ҳам мавжуд. Бу тушунча 5 та асосий нарсани (ислом устунини) — диний маросим талабларини уз ичига олади. Булар:

1. Калимаи шаҳодат;
2. Намоз ўқиши;
3. Рўза тутиш;
4. Закот бериш;
5. Ҳаж қилиш.

КАЛИМАИ ШАҲОДАТ — Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад унинг бандаси ва пайғамбари (расули) эканлигига шоҳидлик бераман демоқликдир. У араб тилида шундай дейилади: «Ашҳаду ан ла илоҳа иллоллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуху ва расулуҳ».

Ҳар бир мусулмон ва ҳар бир Ислом динини қабул қилаётган кимса «Калимаи шаҳодат»ни ҳамда «Калимаи тайибиба»ни (яъни Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг пайғамбари деб тил билан иқорор бўлмоқлик ва дил билан тасдиқламоқлик) ёддан билиши, уларнинг маъноларидан хабардор бўлиши лозим дейилади, диний таълимотда.

НАМОЗ (ибодат) кунига 5 маҳал ўқилади. Кунда 5 маҳал ўқиладиган намоз — Қуръондан оятлар ўқиш, худонинг шаънига ҳамд-санолар айтиш ва бошқа талаблар қушиб бажо келтириладиган намоз кишида доимий диний кайфиятни сақлашнинг энг муҳим воситаларидан биридир.

Намоз Ислом динига нисбат берадиган ва ўзини мусулмонман деб ҳисоблайдиган ҳар бир баъда (агарда унинг ақли расо, балоғат ёшига етган ва сиҳат-саломатлиги жойида бўлса)га буюрилган. Намозлар фарз, суннат ва вожиб намозларига бўлинади.

РЎЗА — кун чиқишидан то кун ботишига қадар емак ва ичмакдан тийилмоқ ва шунга ният қилмоқлик, демакдир.

Рұза — ҳар бир мусулмоннинг ўзи тутиб бериши шарт бұлған фарз ибодатдир. У Пайғамбар Мұхаммад алайхиссалом Мадина шаҳрига ҳижрат қылғанларининг иккінчи йили фарз қилинган, дейилади диний китобларда.

Рұза — руҳий тарбия ва жисмоний ибодат сифатида қадимдан мавжуд. Қадимги мисрликлар, хитойликлар, юнонлар, римликлар, яхудийларнинг рұза тутгандығы тарихдан маълум. Ислом ҳам Рамазон ойида мусулмонларға рұза тутишни фарз қылған. Рұзанинг 5 тури мавжуд.

1. Фарз рұза, яғни Қуръони карим, Ҳадиси шариф билан фарзлиги исбот қилинган ва Рамазон ойида тутиладиган рұза.

2. Қазо рұза — Рамазон ойида узрлик сабабларға күра тута олмаган күнлар учун бошқа ойда тутиб берилемеш шарт бұлған рұзадир.

3. Назр рұза — Аллоҳға яқынлық пайдо қилиш мақсадида мусулмон томонидан ўзига-ўзи ваяда бериб тутиладиган рұза. У қайси куни ва неча күн рұза тутишга ахд қылған бұлса, унға худди ўша күнлари рұза тутишлик вожиб бўлади.

4. Каффорат рұза — қуйидаги ҳолларда мусулмон киши рұза тутиб бериши шарт бұлған рұзадир:

а) узрсиз Рамазон ойида тутмаган күнлари учун;

б) Рамазон ойида кундуз куни хотини билан яқынлық қилиб қўйган күнлар учун.

5. Ихтиёрий рұза — мусулмон одам Аллоҳға яқынлық пайдо қилиш мақсадида тутадиган, аммо вожиб бўлмаган рұза.

Рұза тутиш тонг отаётгандан бошлаб то Қуещ ботгунга қадар давом этади. Ислом динида бұлған, ақлу ҳуши жойида, ҳайз-нифосдан қутилған, рұза тутишга қодир, соғ-саломат ва уйида муқим яшаётгандар Рамазон ойининг бошидан охиригача рұздор булишликка мажбурдирлар. Рұза тутишга ният қилиш шарт. Ният қилишнинг макони қалбdir. Рамазон бошида, шу ойда тұла рұза тутиб бераман, деб бир марта ният қилинса, ой охиригача этади. Еки ҳар куни саҳарликдан сұнг, әртага рұза тутаман, деб ният қилса ҳам жоиздир. Касалмандлик, мусоғирчилик, ҳайз ва нифос, қариялик рұза тутмасликка узрли сабаб бўла олади.

Маълумки, Рамазон ойи охирида фитр садақаси (фитр рұза) берилади. Фитр садақаси — ўзига тўқ

мусулмонларнинг муҳтож ва ҳожатманлар учун Рамазон ойида берадиган хайр-эҳсонидир.

ЗАКОТ — бадавлат мусулмонларнинг бойликлари ичидаги фақиру мискинларга берилиши шарт бўлган Аллоҳнинг ҳаққидир, деб таъриф берилади диний таълимотда. Қуръони каримнинг айрим сураларида у намоз билан ёнма-ён зикр этилган. Ислом таълимотига кўра, хайру эҳсон 2 хил — ихтиёрий ва мажбурий — бўлади. Закот — берилиши шарт бўлган мажбурий хайру эҳсон (садақа) қаторига киради. Закот садақагина бўлиб қолмасдан, айни пайтда у ибодат ҳамдир. Закот — фақирларга, мискинларга, закот йиғувчиларга, динга жалб қилиш учун хайрли иш қилувчиларга, қулларни, асиirlарни озод қилишга, хайрли иш қиласман деб қарз бўлиб қолган кишиларнинг қарзини узишга, мусофиirlарга, Аллоҳ йўлига (масжид-мадраса солиш, қурилиш ишлари, етимхоналарга) сарфланади.

Закот ўзга диндаги кишиларга, бадавлат одамларга (уларнинг хизматкорларига ҳам), қариндош-уругларга (ота-она, бува-буви, ўғил-қиз, набира), жуфти ҳалоли бўлган хотинига, Мұхаммад Пайғамбарнинг Ҳошим ва Муталибдан тарқалган авлодларига берилмайди. Файридин бўлган фақиру бечораларга закотдан эмас, фитрдан ва ихтиёрий садақадан берилиши мумкин.

ҲАЖ, дейилади диний китобларда, — шундай бир улуғ ибодатки, унинг сир-асрорларини, ҳикмату донишларини қалби пок ва иймони бақувват кимсаларгини ҳис қила оладилар. Ҳаж — бу, ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам моддий бир ибодатdir.

Ҳаж — бу, Каъбатуллоҳни тавоғ қилмоқ, Сафо ва Марва тоғлари орасида югурмоқ, Арофат тоғида бўлмоқ ва зарур маросимларни адо қилмоқ учун умрда бир маротаба Макка шаҳрига зиёратга бормоқ демакдир. Манбаларда ҳам ҳижратнинг ё олтинчи, ёки тўққизинчи йилида фарз бўлган дейилади. Ҳажнинг шартлари қуйидагилардан иборат:

- а) Ислом динида бўлиш;
- б) Балогатта етган бўлиш;
- в) Оқил бўлиш;
- г) Озод бўлиш;

д) Қодир бўлиш (жисмонан соглом бўлиш, қариллик туфайли заиф бўлмаслик, йўлнинг тинч ва осоиышта бўлиши, харажатлари ҳам ўзига, ҳам қайтиб келгунига қадар оила аъзоларига етиши);

е) Аөл кишининг ҳажга ўз эри ёки бирор маҳрам (отаси, ака-укалари, тогалари, амакилари, қайнотаси, қайнағаси) билан бирга бориши.

Ҳаж қилиш, борищ-келишни қүшганда, Қурбон ҳайитидан 40 кун илгари бошланади ва Қурбон ҳайити куни тугайди.

Исломнинг 5 та асосий устуни (рукуни)нинг бошқа фарзлардан ажратилишига сабаб шуки, буларга Мұхаммад фаолиятининг бошланғич даврида ёқ мұхим аҳамият берилған эди.

Бу 5 асосий фарзлардан ташқари, жаноза, суннат, никоҳ ва қурбонлик қилиш каби мұхим маросимлар ҳам мавжуд.

Бошқа динларда булғанидек, Исломда ҳам диний байрамлар мавжуд. Буларнинг асосийлари — Рұза ҳайити (Рамазон), Қурбон ҳайити, Мавлуд (Мұхаммад Пайғамбарнинг түғилған куни) кабилардир.

Рамазон ислом оламида муборак ойлардан саналади. Зикр қилинишича, бу борада Ҳадиси шарифда: «Бу умматим ойи, бунда юз берган гуноҳлар кечирилади» дейилған. Рамазон Қуръонда ҳам эсланған: «Эй иймон келтирғанлар! Сиздан аввалғиларға фарз қилингани каби, Сизге ҳам рұза тутиш фарз қилинди, шунда ёмонликлардан ҳимоя қилинурсиз». «Рұза саноқли қунлардан иборатдир. Орангизда хасталанған ёки сафарда булған кишилар рұза тутмаган қунлари эвазига бошқа қунларда тутсын. Рұза тутишга қийналғанлар бир йүқсил қорнини түйғазар даражада ҳаққини берур. Ҳар ким чин қүнгилдан бирор яхшилик қылса, унинг учун янада хайрли бұлади». Еки Қуръоннинг «Бақара» сурасыда эса мана бундай дейилған: «Рамазон ойи шундай ойки, рост билан әлғонни ажратған, очиқ далилларни үзида намоён этған, одамларға тұғри йүлни берған Қуръон мана шу ойда туширилған».

Рамазон ҳайити ҳижрий ойларнинг ўнинчиси ҳисобланмиш шаввол ойининг бириңчи куни нишонланади. Бунинг боиси, Рамазон ойида 30 кун рұза тутған мусулмонлар зыммаларига юқлатылған фарз амалини соғ-саломат аді этиб тутатғанлари мұносабати билан бир хұрсандчилик изхор этиш демекдир. Бу куни ҳайит намози үқилади. Намозларни аді этиб бұлғандан сұнг кишилар үзаро куришиб, бир-бирларини ҳайит билан муборакбод этадилар.

Қурбон ҳайити ҳижрий зулхижжа ойининг 10-куни нишонланади. Бу кунда қурбонлик қилинади.

Қурбонлик — Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун унинг йўлида қурбон ҳайити кунлари бирор жонлиқ сўйишdir. Қурбонлик Аллоҳнинг йўлига багишланади. «Бу номнинг аталиш сабаби Иброҳим алайҳиссаломнинг Аллоҳ синов амри билан ўз ўғиллари Исмоилни қурбонлик қилишга киришган пайтда, Тангри бир қўчкор юбориб, ўғли ўрнига уни қурбонлик қилишга буюрган», — дейилади манбаларда. Бу ҳақда Қуръонда ҳам аниқ хабарлар берилган. Шу боис, ҳажга боргандар, бой-бадавлат мусулмонлар зиммасига Қурбон ҳайити кунлари жонлиқ сўйиб қурбонлик қилишлари вожиб қилинган. Қурбонлик гўштидан ўзи, оила аъзолари, қариндош ва қўшиларга бериб баҳам кўриш лозимлиги белгиланган. Бу байрамлар хурсандчилик, тинч-тотувлик, шукронай неъмат билан ўтказилишга буюрилган. Бу улуг кунларда қариндошлар, ёру биродарлар бир-бирларини зиёрат қилишиб, табриклишиб ҳол-аҳвол сўрашлари лозим.

3. ҚУРЬОНИ КАРИМ ТАРИХИДАН

Қуръон (арабчадан таржимаси — қироат, ўқиши) — Ислом динининг муқаддас китоби. Мусулмончиликда бу китобнинг бутун мазмуни — Аллоҳнинг осмондан ваҳий қилинган сўзи деб тушунилади.

Исломшунослар Қуръоннинг яратилиши тарихини илмий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилгандар. Уларнинг бу масаладаги фикрларининг мазмуни қисқача қўйидагилардан иборатdir.

Муҳаммад Пайғамбар ўқиши-ёзиши билмаган. Шунинг учун ҳам — исломшуносликда ҳамма томонидан эътироф этиб келинган фикр — Қуръон оғзаки ижод натижаси сифатида яратилган.

Маккада Муҳаммад Расулуллоҳ сифатида майдонга чиққанида сураларни қофиялаштирган тарзда ваҳийдан кейин баён этган. Унинг ҳаётлиги вақтида ҳеч ким Қуръон матнини, сураларни мунтазам йиғиб бормаган, сахобалар уларни ёдлаб олганлар ҳамда турли буюмларга ёзив боргандар.

Тўрт буюк чорёр (халифа) — Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва Али ибн Абу Толиб ва яна сахобалардан Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб, Маоз ибн Жабал, Абу Суфён ибн Муовия ва бошқалар энг маълумотлилар ҳисобланар эдилар.

Мұҳаммад Пайғамбар вафот этганидан сүнг халифа Абу Бакр даврида сураларни ёддан биладиган одамлар ҳаётлиги вақтида бу сураларнинг матнини түплаш зарурати туғилди ва бу иш Пайғамбар ҳаётининг сүнгги беш йили мобайнида унинг котиби булиб хизмат қилган ва күплаб сураларни үзи ҳам ёддан билган Зайд ибн Собитга топширилди. У барча манбалардан йигилган сураларнинг түпламини тузди. Сураларнинг бу түплами «Сұхұф» (саҳифалар) деган ном олган. Бу түплам Қуръоннинг Абу Бакр нусхаси ҳам дейилади. Бу нусха Абу Бакр вафотигача унда сақланған. Бирок, халифа Ұсмон даврида Қуръоннинг янги нусхасини тузиб чиқиши зарурати пайдо бұлған. Чунки бу даврда Араб халифалиги жуда кенг минтақаларни әгаллаган эди. Империя көнгайған сари одамлар орасыда алоқа воситалари заифлиги учун саҳобалар томонидан тарғибот ишларини олиб бориш қийинлашды. Натижада Қуръони карим оятылардың түрли жойларда турлича үқида бошланған, бу эса ихтилоф келтириб чиқарди. Бу ихтилоф үз навбатида ислом жамияти булиниб кетишига олиб келиши мүмкін эди. Бу омилни зийраклик билан ҳисобға олған халифа Ұсмон ибни Аффон тез фурсат ичида Қуръони каримнинг муфассал, бир бутун китоб ҳолидаги нусхасини яратишига амр этди. Бу иш яна Зайд ибн Собитга топширилди. 651 йилда бу вазиға бажарылди. Янги яратылған нусха «Мұсҳаф», күпинчә эса «Ұсмон түплами» деб атала бошланған. Ұсмон Қуръони кийик терисига битилди. Келгусида бу борадаги ҳар қандай тағовутларнинг олдини олиш мақсадида, қолған барча түпламлар, матндар, шу жумладан, «Сұхұф» ҳам йүқ қилиб юборылған. Янги түпламнинг асл нусхаси Мадинада қолдирилған, З нусхаси эса күчиртириліб, Куфа, Басра ва Дамашққа юборылған. Қуръоннинг «Ұсмон түплами» муқаддас китоб сифатида расмий тан олинған. Ұсмон Қуръони катта жомеъ масжидларыда сақланар эди. Ҳатто бирор шакл құшиш ва ичига бирор қоғоздан ёки барғдан хатчұп солиши ҳам мүмкін эмасди. Бу ҳол 50 йил давом этди. Умавий халифа Абдул Малик ибн Марвон даврида ахвол үзгарди. Эндилиқда Қуръоннинг Ұсмон түпламидан нусха күчириш зарурияты туғилади. Чунки халифалик тобора көнтәйіб бормоқда эди. Бу вақтда Ислом Шимолий Африка, Эрон ва Марказий Осиёда тарқалғанды. Ислом билан биргә, бу ерларга, табиийки, араб тили

ҳам кириб кела бошлади. Бу тилдаги Қуръон оятлари қироатига үзгаришлар кирмай қолмас эди. Натижада, Қуръондан нусха күчиришда, уни үқищда тафовутлар бўлмаслиги учун унга араб ёзувига хос белгилар қўйиб чиқилди ҳамда ҳар бир суранинг номи ёзиб чиқилди. Қуръон 114 сурадан иборат бўлди.

Ислом анъанасида Қуръоннинг асл нусхаси деб тан олинган «Усмон тўплами»нинг тўртала нусхаси ҳам мавжуд. Улардан бири Тошкентда сақланмоқда. Бу нусханинг Марказий Осиёга қандай олиб келинганилиги ҳақида турли фикрлар мавжуд.

Айрим манбаларда, Миср подшоси Зоҳир Байбарс мўгуллардан энг биринчи бўлиб Исломни қабул қилиган, кейинчалик дўстона алоқа урнатган Самарқанд ҳукмдори Баракатхонга совға сифатида юборган, дейилади. Бошқа манбаларда эса, Амир Темур Ироқни босиб олгач, Қуръон қулёзмасини Куфадан уз пойтахти Самарқандга олиб келган, дейилади. Охирида келтирилган маълумот ҳақиқатта яқинлигини кўп олимлар уз асарларида қайд этадилар.

Нима бўлгандаям, мазкур нусха Самарқанддаги Хожа Аҳрор масжида бир неча юз йил сақланган. 1869 йилда, Туркистонни истило қилган чоризм амалдорлари уни Петербургта юборганлар. Ва ниҳоят, 1923 йилда бу китоб Тошкентта қайтарилиган. 1989 йилгача бу китоб Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланди. 1989 йил 14 март куни, яъни Тошкентда бўлиб ўтган Ўрга Осиё ва Қозогистон мусулмонлари IV қурулто́йида Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан бу китоб мусулмонлар ихтиёрига қайтариб берилди. Ҳозирда у Темурийлар тарихи давлат музейида сақланмоқда.

«Усмон тўплами»нинг қолган 3 нусхаси Қоҳира, Макка ва Мадина шаҳарларида сақланаётир.

Қуръон, юқорида таъкидланганидек, 114 та сурага, суралар эса кўп ёки оз миқдордаги оятларга¹ бўлинган (сураларни сураларни). Суралар яратилган вақти ва жойига кўра иккига:

- 1) Макка сураларига (610—622 йиллар, 90 сураларига);
- 2) Мадина сураларига (622—632 йиллар, 24 сураларига) ажратилади.

Жузъий истисноларни ҳисобга олмагандан, Қуръонда, қадимий араб анъаналарига кўра, аввал узун суралар, кейин эса қисқа суралар келади.

¹ Оят — айнан «муъжиза», «илоҳий белги» деган маънони англатади.

4. ҚУРЬОНИ КАРИМ ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ ДИНИЙ ТАЛҚИНІ

Ислом уламолари Қуръони карим вужудга келишини қүйидагича изоҳлайдилар.

Қуръон Аллоҳ таоло томонидан үз пайғамбари Мұхаммад алайхиссаломга туширилған ваҳийдир, яни Аллоҳнинг үз пайғамбариға юборған күрсатмалариدير ва самовий китобларнинг охиргисидир. Ваҳий — фаришталар орқали юборилиши ёки бевосита Аллоҳ билан гаплашиш воситасида булиши мумкин. Пайғамбар Мұхаммад алайхиссаломга ваҳий қүйидагича амалга ошган:

- Мұхаммад алайхиссаломга биринчи ваҳий туш орқали намоён бўлган (уша туш ўнгидан келган);
- фаришталар ўзи кўринмай туриб Пайғамбар қалбига керакли нарсани етказган;
- ваҳий қўнғироқ овозидек жаранглаб қулоқларига чалинган;
- Жаброил фаришта Пайғамбаримизга одам шаклида кўринганлар;
- фаришта ўзининг асл қиёфасида кўринган ва ваҳий етказган;
- Аллоҳнинг ўзи Пайғамбар алайхиссаломга Мेъреж кечасида намозни фарз қилиш ва шунга ўхшаш баъзи нарсаларни бевосита ваҳий қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, дейишади илоҳиётчилар, ваҳийнинг ҳақиқат эканлигига ўзида ишонч түғдира олмаган кишилар Қуръоннинг нозил булиши илоҳий бир ҳодиса эканлигига ҳам иймон келтира олмайдилар.

Дастлабки ваҳий Мұхаммад Ҳиро горида ёлгиз ибодат қилаётганида юборилган. Шу куни «Алақ» сурасининг айрим оятлари нозил бўла бошлаган. Қуръоннинг нозил булиши 23 йил давом этган. Гоҳо бир оят, айрим ҳолларда ўнтагача оят кетма-кет ваҳий орқали нозил бўлган. Бунинг сабаби шундаки, Қуръон оятлари кишиларга яхшироқ сингиши ва қалбларга жо булиши назарда тутилган, қолаверса, атрофмуҳит воқеалари, шарт-шароит ҳисобга олинган. Агар Қуръон оятлари тарқоқ ҳолда эмас, биратула тушган тақдирда, кишиларда «биз бунчалик кўп йўл-йўриқларни бажара олмаймиз» деган баҳона туғилиши мумкин эди. Қуръоннинг тушиш тартиби одамларни ана шундай маълоликдан халос этган.

Қуръоннинг тарқоқ тушишида ҳикмат кўп. Чунончи, ҳар қандай халқ ажоддларидан ўтиб келган ва ўзи яшаётган тартиботлар, урф-одатлар ва расм-русумлардан бирданига воз кеча олмайди. Бу аста-секинлик билан содир бўладиган жараёндир.

Оятларнинг тарқоқ тушишидаги яна бир ҳикмат шуки — токи уни ёд оловчиларга мушкуллик туғдирмасин.

Ер юзидағи ҳеч бир халқ ўзида мавжуд бирор китобида ё оғзаки ижодида Қуръон сураларига ухшаш бирорта сура келтиришга қодир эмас. Бу факт Қуръон ҳақиқатан ҳам Аллоҳнинг қаломи эканига яна бир далилдир.

Қуръон тушишидан олдин ва, хусусан, Қуръон тушаётган пайтда арабларда сўз санъати — адабиёт (шеръият), ваъзхонлик бениҳоя олий даражада эди. Улар йил мобайнида бир неча сайл ва маросимлар ташкил этишар эди. Хусусан, Укоз деган жойда шеръхонлик ва ваъзхонлик бобида катта-катта мушоиралар ўтказилар, нуфузли ҳайъат аъзолари уларни бошқарди.

Араблар сўз санъатини бу қадар улуғлашининг, маҳоратлари даражаси улканлигининг икки сабаби бор эди:

1. Одатда саҳро ҳаёти кишиларни хаёлчанликка ундейди, воқеаликни шоирона идрок этиш эса хаёлчанлик мевасидир. Араблар шундай шароитда яшаганлар.

2. Айни чоқда улар қабила-қабила бўлиб яшаганлар. Бу тарзда ҳаёт кечириш ўзаро уруш, зиддият, тортишувларсиз булиши мумкин эмаслиги табиий эди. Бундай шароитда ҳар бир қабила қўшни қабила-га нисбатан ўз қадр-қимматини сақлашга, ўз фахрифтихорини кўз-кўз қилишга интилган. Бундай устунликнинг ягона йўли — сўзга чечанлик, шоирлик эди. Суз санъати соҳиблари ниҳоятда қадрланган.

Қуръоннинг сеҳрли сўzlари ана шундай тарзда яшаётган бир халқ ҳузурига туширилди.

Мана, Қуръон яралгандан буён неча асрлар ортда қолди, бу фоний дунёдан не-не уламою фузалолар, шоири давронлар яшаб ўтмади, лекин биронта инсон фарзанди Қуръон сұzlарининг оҳорини тўқадиган сўз ижод қила олмади.

5. ПАЙГАМБАР МУҲАММАД ИБН АБДУЛЛОҲ ҲАҚИДА

Куръони каримда 25 нафар пайғамбарнинг номи зикр этилганлигини биз юқорида қайд этган эдик. Диний таълимотга кўра ҳеч ким пайғамбарликка уз ҳаракати, билими ва нияти билан эриша олмайди. Пайғамбарлик — Аллоҳнинг ўзи суйған бандасига ҳадя этадиган эҳсонидир. Аллоҳ ўзи лозим топган бандасига бу вазифани иноят этади. Пайғамбарлар ўзларига юқлатилган вазифаларга кўра тенгдирлар.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 570 йилда Маккада қурайш қабиласига мансуб Ҳошимийлар хонадонида туғилган. Отаси Абдуллоҳ Муҳаммад туғилмасидан икки ой олдин 25 ёшида вафот этган эди.

Ўша замонларда арабларда ўзига хос бир одат бор эди. Макка шаҳрининг ҳавоси оғир (дим) бўлганидан ўзига тўқ оиласа ҳавоси яхшироқ жойларга олиб кетишар ва у ерда бирор аёлга эмизиш учун берар эдилар. Чақалоқ Муҳаммад ҳам Саъд уругига берилди. Натижада уни 4 ёшгача Ҳалима исмли аёл тарбиялади. Кейин Муҳаммад ўз онаси Аминага қайтариб берилди. Муҳаммад 6 ёшли бўлганида онаси вафот этди ва у бобоси Абд ал-Муталлиб тарбиясига олинди. Икки йилдан сўнг бобоси ҳам вафот этди. Муҳаммад чўпонлик қила бошлади. Саккиз ёшли Муҳаммадни амакиси Абу Толиб ўз қарамогига олди. Абу Толиб тижорат билан шугулланар эди. Муҳаммадни ҳам бу ишга ўргата бошлади. Муҳаммад 25 ёшгача тижорат билан шугулланди. Савдо карвонлари билан чет давлатларга борди. 25 ёшида эса Яманга иккинчи марта тижорат иши билан бой аёл Хадичага ҳамкор сифатида унинг молларини сотишда кўмаклашиш учун борган эди. Бу ҳамкорлик Муҳаммад билан Хадичанинг оила қуришига сабаб бўлади.

Хадича 40 ёшли, бой, комил одоб эгаси бўлган бева эди. У Макканинг ҳокими, Каъбанинг муҳофизи бўлган Қурайш қабиласининг Бани Асад уруғидан эди. Хадича ўз даврининг ўқимишли аёли бўлган. У Муҳаммаднинг ҳалол, ишончли одам эканлигини кўриб севиб қолади. Улар 6 нафар фарзанд (икки ўғил, тўрт қиз) кўрган эдилар. Афсуски, фарзандлари асосан ёшлик чоғларидаёқ вафот этган эдилар, фақат Фотима униб-улгайди ва отасининг изидан бориб катта ҳурматга сазовор бўлган.

Хадица Мұҳаммадға пайғамбарлигидан олдин ҳам, пайғамбарлық даврида ҳам ҳар томонлама мададкор бұлған. Натижада Мұҳаммад ҳам Макканинг анча бадавлат кишиларидан бирига айланған. Амакиси Абу Төлибға ёрдам бұлсın деб унинг кичик ўғли Алини үз єніга олган (кейинчалик қизи Фотимани унга турмушға берған эди).

Диний адабиётларда таъкидланишича, 610 йилда Мұҳаммад ҳаётида кескин бурилиш палласи юз берди. Энди унинг ҳаётида пайғамбарлық даври бошланды. Яғни илк илохий ваҳий кела бошлаган. Яна шу адабиётларда қайд этилишича, пайғамбарлық илохий ваҳийга сұянади. Чунки, Аллоҳ инсонлардек гапирмайды. Аллоҳ билан тұгридан-тұғри гаплашишға инсон дош беролмайды. Улар бунга қодир әмаслар. Шу сабабли Аллоҳ ҳикматига күра, ваҳий орқали гапира-ди ва у үз иродасини 3 хил шаклда билдиради:

1. Ваҳий орқали (бу пайғамларнинг қалбига туш-ған илҳомдир).

2. Парда орқасидан гапириш орқали (илохий хитобға мұяссар бұлған пайғамбар парда орқасидан бир овоз әшитғандай бұлади. Овоз әшитилади, аммо у овознинг әгаси күринмайды).

3. Фаришталар юбориш орқали¹.

Мұҳаммадға ваҳий кела бошлаганида у 40 ёшда эди. Бинобарин, шу пайтдан бошлаб Мұҳаммад пайғамбарға, Аллоҳнинг расулиға (элчисига) айланды. Бу фаолият 23 йил давом этди. 23 йилдан иборат пайғамбарлық ҳаётининг бир қисми Маккада (610—622), бир қисми Мадинада (622—632) үтгандығы учун Қуръон оятлари ҳам иккиге (Маккий — 90 та) ва Маданий — 24 та) бұлинади. Оятлар тұпланиб, суралар ҳосил бўлған. Қуръони карим 114 сура ва 6666 оятдан иборат².

Келган ваҳий Мұҳаммад Пайғамбарни инсонларни Аллоҳ ійлиға чақиришга даъват этади.

Мұҳаммад Пайғамбар маккаликларни бутға сиғинищдан қутқариш ва ягона Аллоҳ әътиқодига олиб кириш учун 3 йил яширин равищда ҳаракат қилди. Дастлаб фақат үзи ишонған одамларнигина Исломга чақирди.

Мұҳаммад Пайғамбар фақат бутпарастликка қар-

¹ Қаранг: З. Купрапа. Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара. 1-китоб. Т., 1995. 13-бет.

² Уша манба, 25-бет.

ши қурашибина қолмай, балки қурайшийлар ичидаги айнишларга ва хурофтларга ҳам барҳам беришга ҳаракат қилган. Хүш, бу айниш ва хурофтлар нималардан иборат эди?

Исломгача бўлган динларда ички бузилишлар кучайган, ижтимоий ҳаётда эса тубанлик, ичкиликбозлиқ, қимор, бузуклик авж олган эди. Бинобарин, инсонларнинг руҳлари ҳам, эътиқодлари ҳам, хатти-ҳаракатлари ҳам бузилган эди. Одамларда уят туйгуси йўқолган эди. Арабистондаги катта савдо марказлари четдан келган ахлоқий тубанлик ботқогига гарқ бўлганлар билан тўлиб кетган эди. Бир сўз билан айтганда, Арабистон яримороли барча дин ва мазҳабларнинг, урф-одатларнинг, хурофт ва бузукликларнинг катта намойиш жойига айланган, араблар учун энг азиз нарса аёл ва ичкилик булиб қолган, фаҳишлик эса бир касбга айланган эди. Аёлларга ҳайвондек муомала қилинарди. Қиз болаларни тириклайн кўмиб юбориш одати ҳам бор эди. Араблар қиморга шунчалик берилиб кетган эдики, уларнинг айримлари пуллари тугагач ўзларининг эркини ҳам сотиб юборишарди. Бундай ахлоқсизликлардан қутилишнинг нажот йўли керак эди. Муҳаммад Пайғамбар ўзини ана шундай нажот йўлига багишилади.

Уч йиллик яширин фаолият давомида Ислом динига кирганлар 30 нафарни ташкил этди, холос. Ислом пайдо булиши билан энди маккаликлар иккига ажralишидилар: булар — Аллоҳнинг бирлигига ва Муҳаммаднинг пайғамбар эканлигига ишонғанлар (яъни мўмин-мусулмонлар) ва ишонмаганлар (мушриклар) эди. Натижада Маккада аҳвол кескинлашди. Мушриклар 23 йил давомида Муҳаммад Пайғамбар ва унинг тарафдорларига қарши қурашдилар. Бунинг сабаблари қўйидагилар эди.

Биринчидан, Исломга утиш Каъбадаги 360 бутга сифинищдан воз кечишини англатар эди. Буни кўпчилик истамасди. Чунки араблар учун кўз билан кўриб булмайдиган, ятона, шериги йўқ Аллоҳдан кўз кўриб турадиган 360 бутга сифиниши маъқулроқ эди.

Иккинчидан, маккаликларнинг ёмон, ахлоқсиз ишларга, феъл-атворларга берилиб кетганлиги эди. Ислом эса бундай ахлоқсизликни ман этарди. Маккалик зодагонлар, бойлар бутларимизга қурбонлик келтирсан гуноҳимиз ювилади деб ҳисоблар, шунинг

учун ҳам күнгилларига келган ахлоқсизликлардан қайтмас эдилар. Қуръон оятларида эса Аллоҳнинг ҳар бир нарсани куриб, билиб турғанлиги, инсонлар охијатда ҳисоб беришга мажбур эканликлари, бу ҳисоб-китоб эса инсонларнинг иймонларига асосланиши зикр этилган эди. Бундай оятлар эса мушрикларга, табиийки, ёқмас эди.

Учинчидан, Қуръони карим оятлари ҳамманинг Аллоҳ олдидаги тенглигини зътироф этган. Бундан ташқари, инсонлар бир-биридан мол-дунёси билан эмас, балки тақвоси, қалб соғлиги билан ажралиб туриши баён этилган ҳам эди. Бутпастлик эса, Маккада қурайш юқори табақалари учун бойлик ва шоншұхрат манбай эди. Улар бундай бойликтан, мавқедан ажралишни сира истамас, ана шу бойлик ва шоншұхрат манбани керак бұлса қон тұкиш билан булса-да ҳимоя қилишни афзal деб биладилар.

Тұртингчидан, қурайшнинг Ҳошимийлар хонадонига қарши бұлған бошқа хонадонлар Ҳошимийлардан пайғамбар чиқишини истамас эдилар.

Мушриклар кундан-кунга мусулмонларга қарши курашни кучайтиргандар. Улар ҳатто Мұхаммад Пайғамбарни жисмонан йўқ қылмоқ пайига ҳам тушғандар. Ана шундай вазиятда, Мұхаммад Пайғамбар ўз тарафдорларига Маккадан Хабашистонга күчиб кетишларига ижозат берган. Маккада қолған мусулмонлар маҳалласи эса қаттиқ назорат остига олинган. Натижада Абу Толиб маҳалласида яшовчи мусулмонлар 3 йыл тоғларда яшириниб юришга мажбур булғандар. Бу давр ислом тарихига «мусулмонларнинг қамал даври» номи билан кирган. Қамал даври ниҳоятда оғир үттан. Озиқ-овқат етишмаслигидан мусулмонлар ҳатто дарахт барларини еб жон сақлашга мажбур булғандар.

619 йилда Мұхаммад Пайғамбар бошига янада катта мусибатлар тушған. Шу йили аввал амакиси Абу Толиб, кейин хотини Ҳадича вафот этдилар. Бу икки үзүг зотнинг вафотидан сүнг мушриклар Пайғамбарға қарши курашни янада кучайтирдилар. 622 йили Мұхаммад ўз сафдошлари билан Маккадан Мадинага күчади (тарихда бу воқеа ҳижрат деб ном олған). Бу күчиш мусулмонлар ҳижрий йыл ҳисобининг бошланғышына асос қилиб олинган. Күчиб борғандар Ислом тарихида «мұхожирлар» деган ном олғанлар. Бу ерда Мұхаммад аввало тарқоқ арабларни, яхудийларни ва

муҳожирларни бирлаштириди. Мадинадаги бир-бири билан рақобат қилиб келган энг катта қабила — Авс ва Ҳазражни яраштириб, бир жамоа (умма) ташкил этди.

Шундай қилиб, Мадина шаҳрида рақобатлар йўқотилиб, унинг ўрнига келишув асосида яшайдиган, шаҳарни душмандан ҳимоя қила оладиган ва, муҳими, Муҳаммадга ишонадиган умма ташкил топди. Бу жамоа қисқа вақт ичида кичик, лекин кучли давлатга айланди. Диний, маъмурий ва ҳарбий ҳокимият бутунлай Муҳаммад Пайғамбар қулига утди. Мадина атрофидаги барча араб қабилалари бўйсундирилди.

630 йилда Макка ҳам бўйсундирилди. Макка зодағонлари Муҳаммаднинг ёрдамчиларига айландилар, кейинчалик мусулмонлар жамоасида катта лавозимларни эгалладилар.

631 йилда Муҳаммад Сурия томон юриш қилди. 632 йили Пайғамбар Маккага ҳаж қилди. Пайғамбарнинг бу ҳажи тарихда «видолашув ҳажи» деб юритилади. Бу ҳаж сафари 10 кун давом этди. Мазкур ҳаж чогида Муҳаммад Расулуллоҳ ҳажга тўпланган 124 минг мусулмонга қарата тую устида ўтириб қўйидаги муборак нутқни — Видо хутбасини сўзлаган:

«Эй инсонлар! Сузларимни диққат билан эшитингиз. Билмайман, балки бу санадан кейин Сиз билан бу ерда яна бир бор бирга бўлолмасман.

Эй инсонлар! ...Бу кунингиз (қурбон куни) қандай муқаддас бўлса, бу ойингиз қандай муқаддас бўлса, бу шаҳримиз (Макка) қандай муқаддас бир шаҳар бўлса, билингизки, жонларингиз, молларингиз ҳам шу каби муқаддасдир. Буларга қилинган ҳар қандай тажовуз ҳаромдир.

Асҳобим! Ҳушингизни йигиб олинг! Билингизки, зинҳор-базинҳор мендан кейин эски адашувга қайтиб бир-бираингизнинг буйнингизни кесманг!

Асҳобим! Эски жоҳилият давридан қолган ҳамма қон даъволари батамом бекор қилинди.

Асҳобим! Кимнинг ёнида бир омонат бўлса, уни эгасига қайтариб берсин.

Эй инсонлар! Хотинларнинг ҳақларига риоя этингиз. Улар билан шафқат, меҳр ила муомалада булингиз. Уларнинг ҳақлари хусусида Аллоҳдан кўрқингиз! Хотинлар Сизга Тангрининг омонатидир. Уларни Аллоҳ номига сўз бериб олдингиз. Сизнинг

хотинлар устида ҳақларингиз бўлгани каби, уларнинг ҳам Сизда ҳақлари бор. Сизнинг хотинлардаги ҳақларингиз — хотинларнинг оила шарафини Сиз ёқтирмайдиган ҳеч бир кимсага оёқости қилдирмасликларидир. Хотинларингизнинг ҳар турли ейиш ва кийиш эҳтиёжларини таъминлашингиз эса, уларнинг Сизнинг устингиздаги ҳақларидир. Улар Сизнинг ҳақларингизга риоя этмоқлари керак. Сиз ҳам уларга назокат билан муомала этишингиз лозим. Бир хотин эрининг рухсатисиз унинг молидан бирор нарсани бирорга бериши ҳалол эмас.

Эй мўминлар! Сўзларимни яхши эшитингиз: ...Ҳеч кимнинг бошқалардан устунлиги йўқдир. Шараф ва устунлик фақат фазилат иладир. Ҳар бир мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Ҳақсизлик қилманг! Ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг! Одамнинг ҳақларини еманг. Бир-бирингиз билан буғишманг!..

Эй инсонлар! Ҳар бир жиноятчи ўз айбига фақат узи жавобгардир. Ҳеч бир жиноятчининг гуноҳи учун авлоди жазо тортмайди.

Эй мўминлар! Сизга бир омонат қолдирияпман. Унга маҳкам боғланганингиз сари йўлингизда ҳеч адашмагайсиз. Бу омонат Аллоҳнинг китоби — Қуръондир.

Эй инсонлар! Ҳаддан ошишлиқдан сақланинг.

Муҳаммад Пайгамбар очиқ ва ширин ифода билан баён этган бу сўзларни ҳамма эшитиши учун чиройли ва баланд овозли кишилар томонидан такрорланиб турилган. 632 йилнинг 8 марта сўзланган бу нутқ катта тарихий ҳодиса» эди.¹ Чунки, бу нутқ инсоният тарихида энг буюк инқилоб ясаган. Видо хутбаси ўқилаётган куни мусулмонлик бор қудрати-салоҳияти билан бутун дунёга хитоб этар, эски жоҳилият даврининг бутун хурофотларини, бутун ёмонликларини, қон даъволарини, судхўрликни, қимор, фоҳишаликни ўртадан бир-бир йўқотар эди.

...Араблар ўртасида «қон даъвосини сақлаш» одати жуда кенг тус олган эди. Бир оила ёки қабиладан бир одам ўлдирилса, у одамнинг оиласи ёки қабиласи асрлар бўйи қасос олишни муқаддас бир вазифа деб биларди. Бу одат туфайли тўхтовсиз ички урушларга йўл очилар эди. Пайгамбар буни бекор қилди.

Бутун Арабистон судхўрликнинг азобида эди. Бу

¹ З. Кунрапа. Алвидо, дунё! Ассалом, охират! З-китоб. Т., 1996. 15—18-бетлар.

ёмон одат шу қадар кенг ёйилган эдики, бутун фақирлар бойларнинг қулига айланганди. Мұхаммад Пайғамбар бу одатни ҳам бекор эттириди, судхұрлик тақиқланди.

Аёллар Видо хутбаси сўзлангунига қадар эркакларнинг молидек эди. Улар бир эркақдан иккинчисига олиб берилар, ҳатто қимор ўйинида пул ўрнига ҳам тикиларди.

Арабистонда инсоннинг жонига ҳам, молига ҳам заррача аҳамият берилмас эди. Одам үлдириш оддий бир ҳол эди, мол-мулк эса таланаарди. Мұхаммад Расулуллоҳ одамни ва унинг мол-мулкини ҳам муқадлас деб эълон қилди.

Зулмнинг энг ёмон шаклларидан бири — бу оталарнинг жинояти учун болани, боланинг жинояти учун отани жазолаш эди. Мұхаммад Расулуллоҳ Видо ҳажида бу одатни бекор қилди¹.

Мұхаммад Пайғамбар ўта ахлоқли, одобли, хушфөйл одам бўлган. Хотинлари Ойша бу ҳақда «Расулуллоҳнинг ахлоқлари Қуръон эди», деб бежиз айтмаганлар. Қуръон инсонлар қалбини ёритувчи бир ахлоқий қудрат бўлганидек, Мұхаммад Пайғамбарнинг ҳаёт йўли ҳам ана шундай юксак ахлоқнинг амалий бир соҳаси эди.

Мұхаммад Расулуллоҳ Видо ҳажидан Мадинаға қайтгач, 632 йилнинг 27 майида 63 ёшида вафот этади. Бу даврга келиб анчагина мустаҳкам бўлган мусулмон давлати вужудга келган эди. Бу давлат Ямандан Сино яриморолигача, Қизил дengiz соҳилларидан Марказий Қум саҳросигача чўзилган майдонни ўз ичига олган эди. Мұхаммад Расулуллоҳ вафот этгач, унинг ўринbosарлари (арабчада — халифалар) давлатни бошқарганлар ва шу муносабат билан мусулмонлар давлати тарихда «Араб халифалиги» деб ном олган.

632 йилдан — 661 йилгacha бўлган нисбатан қисқа вақт ичидан тўрт нафар халифа ҳукмронлик қиласидилар (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али). Бу даврда Араб халифалиги Ер юзининг катта қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

661—750 йиллар Ислом тарихида Умавийлар сулоласининг ҳукмронлик даври деб аталади. Бу даврдан бошлаб араблар истилосининг иккинчи даври бошланади. Улар Шимолий Африкадан то Испаниягача

¹ З. Кунрапа. Алвидо, дунё! Ассалом, охират! З-китоб, Т., 1996, 20—22-бетлар.

булган ерларни босиб олдилар. Араблар VIII асрда Туркистонни босиб олдилар. Босиб олинган ерларда аҳолини Ислом динига киритиш сиёсати амалга оширилди. Айни пайтда, атоқли олим И.Жабборов тарькидлаганидек, «Ислом дини маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳалқ орасида кенг тарқалган қадимий кўхна диний тасаввурлар, урф-одатлар ва маросимлар, ибодат ва гояларни ўзида мужассамлаштира бошлаган»¹. Бу омил ҳам унинг тарқалишини осонлаштирганилиги сир эмас.

Ислом дини IX—X асрларда Татаристонда, X—XII асрларда Бошқирдистонда тарқалган.

Араб халифалиги 6 асрдан кўпроқ тарихга соҳибdir. Бу давр мобайнида халифаликда қутарилиш ва сиёсий инқизорзга учраш даврлари ҳам бўлди. Агар дастлабки 3 аср мобайнида Араб халифалиги марказлашган кўпмиллатли давлат бўлган бўлса, IX асрнинг урталаридан бошлаб халифа ўз сиёсий ҳокимиятидан ажralиб, халифалик бир неча мустақил давлатга булиниб кетган. Халифалик номигагина 1258 йилгача, яъни Чингизхоннинг невараси Хулагуҳон Багдодни босиб олгунча яшайди.

XVI асрдан бошлаб турк султонлари бошчилигидаги Усмонийлар халифалиги тарихи бошланган. Ҳозирги араб давлатларининг деярли барча ҳудудлари Усмонийлар империяси қули остида бўлган. 1507 йили турклар Мисрни босиб олдилар ва ўзларини фотийлар (яъни бутун мусулмон олами раҳбари) давомчилари деб эълон қилдилар. Бу ҳол Туркия империяси парчалангунча (1918 йил) давом этган.

6. ҲАДИСЛАР: ТЎПЛАНИШИ, ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Ҳадислар нима ва улар қай тариқа дунёга келган?

Ҳадис (арабчада ҳикоя, ҳабар) — Мұхаммад Пайғамбарнинг, саҳобаларнинг айтган сўзлари, қилган ишлари, курсатмалари тўпламидир. Ҳадиснинг Мұхаммад Пайғамбар айтган сўзлари, қилган ишлари, курсатмаларидан иборат қисмига Суннат (йўл) дейилади. Суннат ислом шариатининг иккинчи асосидир (биринчиси Қуръон).

¹ Жабборов И. Узбек ҳалқи этнографияси. Т., 1994. 244-бет.

Ҳадислар Исломда Қуръондан кейинги муқаддас манба ҳисобланади.

Хуш, Қуръондек муқаддас калом турганида Ҳадис яратилишига нима сабаб бұлған?

Маълумки, Қуръон қанчалик мукаммал муқаддас китоб бұлmasин, у мусулмонлар жамоасининг барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалаларига давр нұқтаи назаридан ҳамиша ҳам жавоб берін олмаган. Халифалик кенгая борган сари бу ҳол аниқ сезила берган. Уругқабиличилек шароитларида вужудға келген Қуръон ижтимоий-иктисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаёти анча мураккаб бұлған янги истилолардаги мавжуд жамиятнинг күргина ҳодисаларига жавоб берін олмаслиги табиий ҳам әди.

Шундай қилиб, янги вазият — кун тартибига үзгартувчан, даврға мослашувчан, лекин қонунлаштирилмеган янги манбага әхтиёжни вужудға келтирди.

Натижада, VII—VIII асрларда ҳадислар өзила бошланди. Эндиликда ҳадисшунослик сабоб иш ҳисобланған, ҳадисларни тұплаш мустақил фанга айланған, бу ишда ихтисослашған илоҳиёт олимлари эса муҳадислар деб аталғанлар.

Ҳадисларнинг аксарияти ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларни, маросимлар ва урғыздаттарға оид күрсатмаларни акс эттирган. Шунинг билан бир қаторда, Мұхаммад Пайғамбар таржимаи ҳолини, халифалар, саҳобалар фаолиятини баён этгандар ҳадислар ҳам бұлған. Илк ислом тарихи, Мұхаммад ва бошқа илоҳиётчилар таржимаи ҳолларига оид асосий асарлар ҳадислар негизида яратылған.

Шуни алоҳида таъқидлаш жоизки, ҳадисларда Араб халифалигидаги синфий зиддиятлар, ислом илоҳиёті, шариат талқини ифодаланыб, турли синflар ва ижтимоий гурухлар манфаати үз ифодасини топғанлығы сабабли, унда бир-бирига зид фикрлар юзага келиб қолған. Энди, даврлар үтиши билан ҳадислар тәнланиб, тартибға солина бошланған. Натижада Исломда «Саҳийх», яғни «Ишонарлы тұпладам» ва «Ғайрисаҳийх», яғни «Ишонарсиз тұпладам» ҳадислари вужудға келған.

Исломда таниқли ва нуғузли ҳисобланған кишилар томонидан етказилған ҳадислар «ишонарлы» деб зәтироф этилған. Ҳадисни етказған кишилар ўртасыда қандайдыр узилиш рўй берған бўлса, бу ҳадислар «гўзал» (ҳасан), агар ҳадисни етказғанлар орасида хур-

матга ва ишончга лойик бўлмаган одамлар кириб қолган бўлса, бундай ҳадислар «ишончсиз» деб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳадис икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида ушбу ҳадисни етказган кишиларнинг номлари, бунда Муҳаммад Пайғамбарнинг ҳикматли сўзларини шахсан эшитган одамларнинг номигача санаб кўрсатилган. Иккинчи қисмида эса, ҳадиснинг мазмуни келтирилган.

Ҳадисларнинг 6 та тўплами вужудга келган. Булардан айниқса 2 таси — «Саҳийҳ ал-Бухорий» ва «Саҳийҳ ал-Муслим» кўп эъзозланади.

Юртдошимиз Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810—870) 600.000 дан зиёд ҳадис тўплаган ва унинг 7250 тасини «ишинарли» деб топган ва тўпламга киригтан. 4 жилдик бу тўплам ҳозир ўзбек тилида нашр этилган.

Муслим ан-Нишопурӣ (817—875) 300.000 ҳадисдан 12 мингтасини «ишинарли» деб топган.

Қолган 4 нафар, яъни Имом ибни Можа (887 йилда вафот этган), Имом Абу Довуд (888 йилда вафот этган), Имом ат-Термизий (892 йилда вафот этган), Имом Насаий (915 йилда вафот этган)ларнинг ҳадис тўпламлари ҳам машҳурдир.

Биз бу улуғ инсонларнинг икки нафари — юртдошимиз бўлганлигидан мағрурланамиз.

Шиаларда ҳадисларни тўплаш ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Уларнинг тўпламлари «Ахбор» (Хабарлар) деб аталади. Улар ўзларининг имомларинигина ва аввалбошдан Алини ҳамда унинг авлодларини қуллаб-қувватлаган арбобларни нуфузли ҳисоблайдилар. Алига ва унинг авлодларига қарши курашган шахслардан эшитган ҳадисларни инкор этадилар.

Муҳаммад ал-Қуммий ва Муҳаммад ал-Қулайний томонидан (Ҳ аср) тузилган ҳадислар тўплами шиалар учун энг обрули тўпламлардир.

7. ВАТАНДОШЛАРИМИЗ – БУЮК МУҲАДДИС АЛЛОМАЛАР

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий

Бухородан чиқиб ҳақни топган зот,
Илми-ла Ер юзин айлаганди мот.

Бу улуғ сўзлар буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий ҳақида айтилгандир. Ислом оламида энг етук ва

машхур муҳаддис Имом ал-Бухорий 810 йилнинг 20 июлида Бухоро шаҳрида дунёга келган. Отаси шайх Исмоил ибн Иброҳим ўз даврининг илмли одамларидан эди. Бироқ, унга ўғлиниң қандай инсон булиб етишишини кўриш насиб этмайди. Имом ал-Бухорий гудаклигига ётадан етим қолиб, онаси қулида катта бўлади. Ақл-идрокли, ўткир зеҳни бўлган Имом ал-Бухорий 10 ёшиданоқ араб тили ва ҳадис китобларини астойдил ўқиши ва уларни ёдлашга қунт билан киришади.

825 йилда Имом ал-Бухорий онаси ва акаси билан ҳаж сафарига йўл олади. Ҳаждан кейин онаси ва акаси қайтиб кетгач, 6 йил Ҳижозда яшаб ҳадис илмидан астойдил сабоқ олади. Шундан сўнг ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннынг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшаб машҳур олимлардан ҳадис, фикҳ илмидан таҳсил кўради. Илмий баҳслар ва мунозараларда қатнашади, толибларга дарс беради.

863—868 йилларда Нишопурда яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс беради. Ўша пайтда Нишопур мусулмон Шарқидаги энг йирик илмий марказлардан бири булиб, бу ерда машҳур олимлар тўпланган эди. Ал-Бухорийнинг ат-Термизий билан учрашуви ҳам Нишопурда юз бериб, икки машҳур муҳаддис ўртасида қизғин илмий баҳслар, купдан-кўп ижодий ва дустона мулоқотлар булиб ўтади. Ат-Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўплаб маълумотларни ал-Бухорий билан ўтказган мароқли суҳбатларидан олган. Ўз навбатида ал-Бухорий ҳам шогирди ва сафдоши ат-Термизий салоҳиятини юқори баҳолаб: «Сен мендан баҳра топганингдан кўра, мен сендан кўпроқ баҳра топдим»¹, — дейди. Бу сўзлар ал-Бухорийнинг ат-Термизийга бўлган чексиз ҳурматининг белгиси эди.

Имом ал-Бухорий зеҳни ўткирлиги ва ёдлаш қобилиятининг кучлилиги билан гоятда кенг шуҳрат қозонган инсон эди. Манбаларда ал-Бухорийнинг 300 мингга яқин ҳадисни ёд билгани қайд қилинган.

Имом ал-Бухорий хориждан қайтгач, ўз ватани Бу-

¹ Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Т., 1993. 7-бет.

хорода ҳам кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ берди. Бироқ, Бухорий билан Бухоро амири ўртасида келиб чиққан ихтилоф туфайли унинг ўз ватанидаги ҳаёти оғир кечди. Бухоро амири Ҳолид ибн Аҳмад аз-Зуҳалий ал-Бухорий ҳузурига одам юбориб «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» (Ишонарли тўплам), «Ат-Тарих ал-кабир» (Катта тарих) китобларини саройга келиб болаларига ўқиб бериб туришни тайинлайди. Лекин, ал-Бухорий «Мен илмни хор қилиб, уни ҳокимлар эшигига олиб бормайман. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини уйимга ёки масжидга юборсин», — деб жавоб қайтарган¹.

Натижада ал-Бухорийни куролмаган баъзи ҳасадгўй, фитначи, бўхтонкор кимсаларнинг гапига кирган Бухоро амири унга Бухорони тарк этишни амр этади. Имом ал-Бухорий Самарқандга қўчишга мажбур бўлади ва Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида яшайди. Бу орада касалга чалинган ал-Бухорий 870 йили 62 ёшда вафот этади ва шу ерда дағн қилинади. Ҳозир унинг қабри мусулмонларнинг табаррук зиёратгоҳига айланган.

Имом ал-Бухорийдан бой ва қимматли илмий мерос — 20 дан ортиқ асар қолган.

Уларнинг ичида «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» (Ишонарли тўплам) ва «Ал-Адаб ал-муфрад» (Адаб дурдоналари) энг машҳурлариdir. Имом ал-Бухорийнинг умр бўйи куч сарфлаб юзага келтирган «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» (Ишонарли тўплам) китоблари Ислом оламида Қуръондан кейинги иккинчи муқаддас китоб деб яқдиллик билан эътироф этилган.

Юқорида айтилганидек, Имом ал-Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг «саҳийҳ» ва 200 минг «ғайрисаҳийҳ» ҳадисларни ёд олган. Унинг «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» (Ишонарли тўплам) деб номланган 4 жилдан иборат ҳадислар тўплами китобига 7275 та энг «саҳийҳ» (ишонарли) ҳадислар киритилган².

Бу ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти бекиёсdir. Қўйида улардан намуналар келтирамиз.

Ҳар биримизнинг иймонли бўлмоғимиз лозимлигини ҳаммамиз эшитганмиз. Ҳадисда инсон иймони мукаммал бўлмоғининг уч шарти ҳақида бундай дейилади:

¹ Диншунослик асослари. Т., 1995, 129-бет.

² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1-жилд, 5-бет.

- түгри эътиқодли бўлмоқ;
- кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;
- киши ўз устида ишламоги ва ўзини ибодат ва тоатда чиниктирмоги. Кимки буларни тўла ўзлаштирса, иймони мукаммал бўлгайдир.

Бу фикр кейинги ҳадисларда ривожлантирилиб кишининг иймони мукаммал бўлишининг яна уч шарти келтирилади:

- инсофли ваadolатли бўлиш;
- барчага салом бериш;
- камбағаллигига ҳам садақа бериб туриш.

Шунингдек, ал-Бухорий тўпламида инсонларнинг бир-бирига меҳрибон-дилкаш, ҳаёли бўлишликлари, бир-бирларига кўмакдош бўлишлари, оғир кунларда елкадош бўлишлари, бир-бирига нисбатан фисқу фасод қилмаслик, фитнакор бўлмаслик, гуноҳ қилмаслик, мунофиқ бўлмаслик ҳақидаги ҳадислар тарбия ишида алоҳида урин тутади. Қуйидаги ҳадислар бу фикримизнинг далилидир.

- «Қули билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир»;
- «Очларни тўйгазиш Исломдандир»;
- «Ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмоқлик иймондандир»;
- «Фитнадан ҳазар қилмоқ диндандир»;
- «Ҳаёп иймондандир»;
- «Гуноҳлар жаҳолат қилмишидир»;
- «Закот бериш Исломдандир»;
- «Жанозада қатнашиш иймондандир»;
- «Омонатга хиёнат қилмоқлик, ёлгон сўзлаш, сўзида турмаслик, кек сақлашлик, ноҳақлик қилиш мунофиқликнинг аломатларидир».

Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Адаб ал-муфрад» (Адаб дурдонлари) китобига 4 жилдлик «Ишонарли тўплам»дан 1322 та ҳадис ва хабарлар киритилган. Бу китоб фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи ҳақидаги ҳадислар билан бошланади.

Мана ўша бурчларни ўзида акс эттирган ҳадислар:

- «Биз ҳамма инсонларга ота-оналарига яхшилик қилмоқликларини буюрдик»;
- «Ота-она фарзандга зулм қилса ҳам бола уларни ранжитмаслиги керак»;
- «Аллоҳ таолога ширк келтириш, одам ўлдириш, уруш майдонидан қочиш, покиза аёлни фоҳиша деб тұхмат қилиш, ижараҳүрлик, етимлар молини емок,

одамларни масхара қилиш, камситиш, ота-онани хафа қилиб йиглатиш — мана шулар энг катта гуноҳдир»;

— «Ота-онанг нимани истаса, ўшани ижро қилишдан имтино қилма»;

— «Гуноҳларнинг энг каттаси — Аллоҳ таолога ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлишиликдир»;

— «Ота-онасига лаънат ўқиган кишига Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин;

— «Ота-она кексайган вақтида дуоларини олмаган кишилар хор булади»;

— «Ким ота-онасини рози қилса, Аллоҳ таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади»;

— «Ота-онанг иккаласи ёхуд улардан биттаси кексайиб қолса, уларга «уфф» деган сўзни айтма, гаплари ни қайтарма, уларга ёқадиган гапларни гапир, уларга раҳмдиллик юзасидан қанотингни қоқиб тур»;

— «Кишининг ўз ота-онасини сўкиши катта гуноҳдир»;

— «Ота-онанинг йиглаши боласидан норози бўлганликларидан далолат беради ва бу эса энг катта гуноҳлардандир».

Умуминсоний қадриятга айланган бу фикрларга тан бермай иложимиз йўқ.

Маълумки, бугунги кунда фуқаролик жамияти барпо этилаётган мустақил мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай жамиятнинг негизи маҳалла булиши тушуниб этилди. Шунинг учун ҳам маҳалла қўмиталари ишини ҳар томонлама фаоллашибиришга жиддий эътибор билан қаралмоқда. Маҳалланинг қандай маҳалла булишлиги биринчи навбатда қуни-қўшнилар муносабатига боғлиқлиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Бекорга, «қўшнинг тинч бўлса — сен ҳам тинчсан»; «ён қўшни — жон қўшни»; «узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг афзал», дейилмаган.

Қуни-қўшнилар муносабати қандай булиши кераклиги бундан 1150—1200 йил аввал Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларда баён этилганлигининг бутун гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳадисларда айтилган фикрлар ўзининг долзарблигини заррача йўқотган эмас. Мана ўша ҳадислар:

— «Қўшни ҳаққи — қўлдан келганича унга яхшилик қилиш: ҳадялар бериш, кўрганда очиқ юзлик билан муомала қилиш, саломлашиш, аҳволидан хабар

олиб туриш, мұхтож булган нарсаларини құлдан келса мұхайе қилиш, унга моддий ва маънавий жиҳатдан зарар етказмаслиқдан иборатдир»;

— «Қүшничиликда ҳеч қандай дин ва миллат эъти-
борга олинмаслиги лозим;

— «Қүшниларнинг энг яхшиси қўшнисига муносабатда мумтозидир»;

— «Фоний дунёдаги ёмон қўшнидан кўчибгина қутулишинг мумкин»;

— «Қайси бир қўшни ўз қўшнисига зулм қилиб, уни ўз ҳовлисидан чиқиб кетадиган ҳолатта келтирса, албатта ҳалокатга учрайди».

Ҳадисларда ҳар бир мўмин илм олишга чақирилади.

Мұхаммад Пайғамбар айтадилар:

— «Бешикдан лаҳад оғзига қадар илм талаб қилинг-
лар»;

— «Илмни изланглар, агарчи Чину Мочиндан узоқ
жойда бўлса ҳам».

Абу Исо Мұхаммад ибн Исо ат-Термизий

Тарихий маълумотларга кўра, ат-Термизий 824 йилда Термизда туғилган. Ешлик чоғларидан бошлаб илмга катта қизиқиш ва иштиёқ кўрсатган. Ҳижоз, Ҳурсон ва бошқа жойларда машҳур мұхаддислар, уламолар билан мулоқотда бўлган, улардан сабоқ олган. Имом ал-Бухорийни ўз устози деб билган. Имом ал-Бухорий ат-Термизийнинг ҳадисларни синчилкаб ўрганишдаги нодир қобилияти, тақвадаги устунлигини тан олган.

Хофиз Умар ибн Алак бундай деган: «Имом ал-Бухорий вафот этиб, бутун Ҳурсонда илмда тақвода ва зуҳдда Абу Исо Термизийга тенг келадиган улуғ зотни ўзидан кейин қолдирмади»¹.

Имом ат-Термизийнинг машҳур асари ҳам «Ал-Жомеъ ас-саҳийх» деб аталади. Шунингдек, «Шамоили Набавия» (Пайғамбар алаҳиссаломнинг шакл ва сифатлари), «Китоб уз-зуҳд» (Зоҳидлик китоби), «Асмось ус-саҳоба» (Саҳобаларнинг исмлари), «Ал-Асмось вал куна» (Ислар ва кунялар), «Китобул-илал» (Иллатлар китоби) каби асарлар ҳам битган.

¹ Абу Исо Термизий. Саҳийхи Термизий. Т., 1993, 8-бет.

Имом ат-Термизий ҳадисларни З гуруҳга ажратган. Улар — саҳийҳ, ҳасан, заиф деб аталган. Бу билан Имом ат-Термизий ҳадиснинг саҳийҳлигини (ишонарлилигини) аниқлашда яна бир босқинчта кутарилди.

Ҳар бир ҳадисга «саҳийҳ», «ҳасан» ёки «заиф» белгиларини қўйган эди.

Имом ат-Термизий ҳар доим илм-фани тарғиб этган, айниқса ёшларни илм олишга даъват қилган. Айни пайтда, мулоҳимлик ва хушфеъллик ул кишининг гўзал фазилати эди.

Умр буйи қилинган машаққатли меҳнат, ҳаётий уқубатлар ўз таъсирини курсатмай қолмас эди. Ҳаётининг сўнгти йилларида Имом ат-Термизийнинг кузлари ожиз бўлиб қолади. Ул зот 892 йили 70 ёшида вафот этади.

Имом ат-Термизий тўплаган ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам бекиёсdir. Қўйида улардан намуналар келтирамиз:

- «Кимки ёлгон сўзлашни, бошқа бирорга бўхтон қилишни қўймаса, унинг тутган рўзасига Аллоҳ таоло муҳтоҷ эмас»;
- «Аёл кишига диёнати учун уйлан»;
- «Агар тўйга чақирилсангиз, албатта боринг»;
- «Мўминларнинг иймонлари комилроги яхши хулқилиларидур ва сизларнинг яхшиларингиз ахлоқда хотинларингизга яхши бўлганларингиздур»;
- «Пора берувчи ва уни олувчини лаънатланглар»;
- «Ҳазрат Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи вассалам) жонлини (ҳайвон ва қушларни) нишон қилиб ўқ отмасликка буюрдилар»;
- «Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир»;
- «Ё Расулуллоҳ! Кимга эзгулик қиласай?» Расулуллоҳ: «Онангта», дедилар. «Яна кимга?» дедим. «Онангта», дедилар. «Яна кимга?» деб эдим: «Онангта», дедилар. «Яна кимга?» деб эдим: «Отангта, ундан кейин барча яқинларга», дедилар. Сунг: «Она жаннатнинг ўртадаги эшикларидан биридир, дедилар»;

— «Эзгуликнинг энг яхшиси ўз отасининг севган одамларига яхшилик қилишдур»;

— «Уч хил дуо шаксиз мустажобдур: мазлумнинг дуоси; мусофирилнинг дуоси; отанинг болага қилган дуоси».

Маълумки, совет тузуми давридаги дин масаласига бағишлиланган адабиётларда Ислом дини аёлларни кам-

ситувчи, уларнинг қадр-қимматини, шаънини таҳ-қирловчи дин деб ташвиқот қилинарди. Ҳаёт бу фикрларнинг бирёклама, асоссиз, уйдирма эканлиги ни исботлади. Мана Ҳадиси шарифда аёллар, уларга муносабат ҳақида айтилган фикрлар:

— «Қайсингизнинг учта қизингиз ва ёки учта синглингиз бўлса, уларга яхшилик қилсангиз, жаннатга кирасиз»;

— «Кимгаки Аллоҳ таоло қиз фарзандлар берса, уларни сабр билан тарбиялаб, вояга етказса, улар унга дўзахдан парда бўлади».

Ҳадисларда инсонларнинг бир-бирига меҳроқибатли бўлиши ҳақида ҳам ажойиб фикрлар баён этилган. Мана уша фикрлар:

— «Кимки кичикларга раҳм-шафқат қилмаса ва катталарга иззат-хурмат кўрсатмаса, биздан эмас»;

— «Кичикларингизга раҳм-шафқат қилмаган, катталарга хурмат кўрсатмаган, амр-маъруф ила эзгуликка чақирмаган ва ёмонликдан қайтармаган кишилар биздан эмасдур»;

— «Мусулмон киши мусулмон учун бамисоли бир иморат, улар бир-бирини ушлаб туради»;

— «Бир-бирингизнинг орангизни узманг, бир-бирингизнинг орқангиздан айб қидирманг, бир-бирингизни ёмон кўрманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг»;

— «Ростгўйликни маҳкам ушланг, чунки ростгўйлик эзгуликка олиб боради»;

— «Үлганларни сўкиб, тирикларга озор берманглар»;

— «Бирорга душманчилик кайфиятида юрмоқ гуноҳдир»;

— «Яхши хулқ очиқ юзлилиқдир, эзгуликни ёйиш ва одамлардан азиятли нарсани узоқлаштиришдир»;

— «Қайси бир ёш киши қари кишини хурмат қилса, у кексайганида уша хурматни кўради»;

— «Шарму ҳаёв ва тортичоқлик иймоннинг икки шохобчасидур. Бешармлик ва сурбетлик эса нифоқнинг икки шохобчасидур»;

— «Фитнадан хазар қилмоқ диндандир»;

— «Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан урилади»;

— «Кимни сулҳ битими билан яшаётган гайридинни ўлдирса, у жаннатнинг бўйини ҳам ҳидламайди».

Хулоса қилиб айтганда, Ислом динининг асоси

бўлган Қуръони каримдан кейин ҳар бир мусулмон амал қилиши лозим бўлган дастуриламалнинг — Ҳадиснинг буюк юртдошларимиз томонидан тўпланганини тенги йўқ савоб ишдир.

Бутун мусулмон дунёси бизнинг дин оламида машҳур бўлган улуғ боболаримизсиз Ислом динининг тараққиётини тасаввур этиб бўлмаслигини тан олганлар. Бу буюк алломаларнинг юртдошлари бўлганлигимиз билан ҳақли равишда фахрланмоғимиз лозим.

8. ШАРИАТ – МУСУЛМОН ҚОНУНЛАРИ МАЖМУАСИ

Шариат (арабчадан таржимаси — тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчилик) — ислом диний ҳуқуқи, яъни барча мусулмонлар учун бажарилиши мажбурий бўлган қонунлар, ҳуқуқий-ахлоқий кўрсатмалар мажмуаси. Бошқа динларда шариатга ўхшашибир нарса йўқ. Шариат ҳам дунёвий, ҳам диний талабларни ўз ичига олади. Унинг кўрсатмалари ҳуқуқий, ахлоқий ва диний-маросимчилик муносабатларга бирдай тааллуқлидир.

Шариат жамиятнинг ҳуқуқий, ахлоқий ва диний турмушини тартибга солиш мажмуаси сифатида Исломда анча мустақил соҳа ҳисобланади. Бунга — Исломнинг илоҳиёт тизимида маълум бўлган кўпгина масалаларни жамият ҳаётида амалий жиҳатдан татбиқ этиш нуқтаи назаридан таҳлил этиши сабабдир.

Бундан ташқари, шариат ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ахлоқий-маиший нормаларнинг ислом руҳида талқин қилинишидан келиб чиқадиган жуда кўп ҳуқуқий масалаларни ҳам қамраб олган.

Мусулмон ҳуқуқшунослигига Қуръон, Сунна, Ижмоъ¹ ва Қиёс² шариат манбалари ҳисобланади.

Шариатни яратиш жараённида асосий категориялар белгилаб қўйилганки, у ёки бу амаллар ана шу категорияларга тўғри келади. Бундай категориялар — 5 та. Уларнинг 2 таси мусулмонлар томонидан бажарилиши шарт. Булар — фарз ва мандубдир.

¹ Ижмоъ — Қуръон ва Ҳадисда (Суннада) аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда факих ва мужтаҳидларнинг тўпланиб ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши (фатво бериши).

² Қиёс — Қуръон, Сунна, Ижмоъда бирор ҳуқуқий масалага аниқ жавоб топилмаганда, уни шунга ўхшашибир масалага таққослаш йўли билан ҳукм чиқариш.

Фарз — ниҳоятда мажбурий ҳисобланган амаллардир.

Мандуб — мажбурий эмас, лекин маъқул, лозим деб ҳисобланадиган амаллар.

Яна иккита категория борким, улар тақиқланган соҳаларни ўз ичига олади.

Булар — ҳаром, яъни қатъий равишда тақиқланган амаллар ва макруҳ, яъни тақиқланмаган, лекин маъқул кўрилмайдиган амаллар.

Сўнгги — бешинчи категория муҳаб деб аталади. Муҳаб — тақиқланмаган ҳам, маъқулланмаган ҳам амаллардир.

Шариатда ҳаётнинг барча масалалари, чунончи, мулк, мулкчилик, ворислик, мерос, қарз, жарима, гаров, оила ва никоҳ масалалари, жамият аъзоларининг юриш-туриш меъёрлари, жиноят ва жиноят учун белгиланадиган жазо ва бошқалар ўз ифодасини топган.

Биз шариат мазмуни билан қизиққан китобхонларга 1994 йилда нашр этилган «Мухтасар» (Шариат қонунларига қисқача шарҳ) китоби билан танишиб чиқишини тавсия этамиз.

9. ИСЛОМ ДИНИДАГИ АСОСИЙ ОҚИМЛАР (МАЗҲАБЛАР)

VII асрда Ислом иккита йирик оқимга — шиалик ва суннийликка бўлинниб кетди. Бу бўлинишнинг асосида турли феодал гуруҳларнинг ҳокимиият учун олиб борган курашлари ётади. Мұхаммад Пайғамбарнинг куёви, 4 буюк ҳалифалардан бири Али вақтидаёқ (656—661 йиллар), ҳалифанинг ҳокимииятини тан олмаган Умавийлар¹ билан ҳокимиият тепасига Мұхаммад пайғамбар авлодларигина келиш ҳуқуқига эгадирлар деб ҳисоблаган Алининг тарафдорлари ўртасида кураш авж олиб кетди.

Халифалар² ҳокимиияти тарафдори (яъни ҳалифаларнинг Мұхаммад авлодига мансублиги шарт эмас, деб ҳисобловчилар) бўлган Умавийлар исломдаги ор-

¹ Умавийлар — Курайш қабиласи хонадонларидан бирининг номи. Мұхаммад Пайғамбар Ҳошимийлар хонадонидан эди. 661—750 йилларда ҳалифаликда Умавийлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Унга ҳалифа Муовия асос солган.

² Дастлабки уч ҳалифа — Абу Бакр, Умар, Усмонлар Мұхаммадга қон жиҳатдан яқин кишилар бўлмаган.

тодоксия (анъанавий диний таълимотга амал қи-
лувчилар)ликни даъво қилган суннийликни, Али ва
унинг авлодлари ҳокимиятининг тарафдорлари эса
шиаликни ташкил қилдилар.

Суннийлик («сунна» сўзидан олинган бўлиб, асл
ислом анъаналари тарафдорлари деган маънони бил-
диради) тарафдорлари ўзларини «аҳл ас-сунна», яъни
сунна аҳли деб атайдилар ва Муҳаммад Пайгам-
барнинг шиалар томонидан бузилаётган анъаналарига
фақат бизгина амал қиляпмиз, деб ҳисоблайдилар.
Исломнинг Муҳаммад давридаёқ шаклланган таъли-
мотининг тўғрилигини, Суннани (Ҳадисни) Қуръон-
дан кейинги ислом илоҳиёти ва шариатнинг иккинчи
манбай деб тан олган, исломнинг анъанавий диний
маросимларига, майшӣ, ижтимоий қоидаларига
амал қиласиган ҳар бир мусулмон сунний ҳисобланади.
Бугунги кунда суннийлар бутун жаҳон мусулмон-
ларининг асосий қисмини ташкил этишади.

Шиалик (гуруҳ, партия, тарафдор, яъни Алиниң
партияси, гурухи, тарафдорлари деган маънони англа-
тади) — Али ва унинг авлодини Муҳаммад
Пайгамбарнинг бирдан-бир қонуний ворислари деб
тан оладиган турли йўналиш ва секталарнинг умумий
номидир.

Сафавийлар сулоласининг биринчи шоҳи И smoil
XVI асрнинг бошларида шиаликни Эроннинг расмий
дини деб эълон қилган. Ҳозир ҳам у Эронда ҳукмрон
эътиқод шакли ҳисобланади. Ироқ, Афғонистон,
Ҳиндистон, Покистон, Озарбайжон ва Тожикистон-
да, Ливандаги бошқа давлатларда ҳам ёйилган.

Хуш, шиаларнинг суннийлардан асосий фарқи ни-
малардан иборат?

Шиалар билан суннийлар уртасидаги асосий
фарқ — имомат тушунчасининг талқин қилинишида-
дир. Имомат — шиаликда давлатни бошқариш ҳуқуқи
ҳақидаги таълимот, эътироф этилган 5 ақидадан
бири. Унга кўра, мусулмонлар жамоаси ёки давлатида
фақат Муҳаммад Пайгамбар авлоди (куёви Али билан
қизи Фотимадан тарқалган авлод) ҳукмрон бўлиш
ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

Суннийлар учун имом одамлар томонидан сайла-
надиган ёки тайинланадиган диний ёки дунёвий
раҳбар ҳисобланса, шиаларда имомлик «Аллоҳнинг
инояти» бўлиб, у бир имомдан иккинчисига ўтади.
Шиалар Али ва унинг авлодларидан иборат 12 имом

(энг олий раҳнамо) ҳокимиятини тан олади. Шу муносабат билан дастлабки халифалардан Абу Бакр, Умар ва Усмонни ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олган шахслар деб ҳисоблайдилар ва уларни тан олмайдилар. 874—878 йиллар орасида 7-9 ёшида бедарак йўқолган (тарихий нуқтаи назардан ўлдирилган бўлиши керак) 12-имом Муҳаммад ал-Маҳдийни улар яширинган, замона охир бўлганда, у қайтиб келади ва адолат ўрнатади, деб ҳисоблайдилар.

Бинобарин:

— Суннийликда 7 ақида тан олинса (бу ҳақда аввалги мавзуларда тўхталғанмиз), шиалар қўйидаги 5 ақидани тан оладилар: а) Аллоҳнинг ягоналиги; б) Адолат; в) Охират ва улганларнинг тирилиши; г) Пайгамбарлик; д) Имомат.

— Шиалар калимаи шаҳодатга «Алиян валиулуҳ» сўзларини қўшиб айтадилар.

— Шиалар суннийларнинг ҳадисларини тан олмайдилар. Шунинг учун ҳам улар Муҳаммад, Али ва унинг авлодлари номи билан бөглиқ ҳадислардан «Ахбор» деб номланган тўплам тузганлар. Мазкур тўплам шиаликда Қуръондан кейинги иккинчи муқаддас манба ҳисобланади.

— Шиаликда имомат мутлақо янги ақидадир. Унга кура, имомат Али авлодларига алоқадор «абадий илоҳий нур»нинг эманациясидир, улар илоҳий моҳиятта, беайб ва гайриинсоний билимга эга.

— Баъзи урф-одат, маросимлар ва шариат нормаларида ҳам шиаликда суннийликдан фарқ қилувчи томонлар мавжуд. Масалан, шиалар суннийлар каби Макка билан Мадинани муқаддас ҳисоблаш билан бирга, Карбало, Нажаф шаҳарларида жойлашган шиа имомлари қабрларини ҳам зиёрат қиласидилар. Имомларнинг баъзиларигина ўлдирилган (ёки заҳарланган), лекин шунга қарамай, шиалар уларнинг барчасини халифалар томонидан ўлдирилган деб ҳисоблайдилар, уларни жабрдийда ва дин йўлида шаҳид бўлганлар деб мотам тутадилар.

Шиаларда ашуро маросими алоҳида урин тутади. Бу мотам маросимиидир. Улар муҳаррам ойининг 10-куни Алиниң ўғли имом Ҳусайн Йроқдаги Карбало даштида жангда ҳалок бўлган деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун шиалар бу ойнинг дастлабки 10 кунлигига мотам тутадилар.

Ислом дини юқорида қайд этилган ички зиддият-

лар, бўлиниб кетишларга қарамай, у энг навқирон, дунё бўйлаб ўз эътиқодчилари сонини тобора кўпайтириб бораётган жаҳон динилигича қолмоқдадир.

Марказий Осиё ҳалқлари ҳам, мана 12 асрдирки, Исломга эътиқод қилиб келмоқдалар. Бироқ, Исломга муносабат ҳамма вақт ҳам бирдек кечмади, ҳар қандай таълимот қисматига ёзилганидек, Исломни эътироф этувчилар билан бирга, бир йўла уни рад этувчилар ҳам бўлди.

Лекин шу нарса ҳақиқатки, Ислом энг машаққатли даврлар чигиригидан эсон-омон ўтди. Истаймизми-йўқми, ҳалқимиз онги ва вужудига асрлар давомида сингиган исломий эътиқод ва қарашлар бугунги кунда ўзининг янгидан камол топиш имконига эга бўлди.

«Ислом дини —бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. Демак, дин ҳалқ маънавиятининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз лозим»¹, — дейди мамлакатимиз раҳбари теран эътироф билан.

10. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАСАВВУФ ВА ТАРИҚАТ

Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан кейин араблар Осиё ва Европанинг кўплаб мамлакатларини босиб олдилар. Улар шу мамлакатларнинг бойликлари ни таладилар, минг-минглаб одамларни асир қилиб ўз юртларига олиб кетдилар, маънавий ва маданий ёдгорликларни вайрон қилдилар. Араб лашкарбошиси Ибн Қутайба ҳам Туркистон ҳалқларининг барча бойликларини талаб ўз юртига юбориб турган. «Самарқанд босиб олинганида, биргина шу шаҳарнинг ўзидан ўн минглаб ёш йигит ва қизлар асир олиниб Арабистонга жўнатилди»². Ўз қулида жуда катта бойликларни тўплаган, қулларнинг меҳнатидан фойдаланган араб феодаллари ҳашаматли саройлар қуриб, зебу зийнатда яшашга берилиб кетгандар. Ислом ахлоқига хос бўлган шаръий ҳукмларда

¹ Каримов И.А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоилилари. Т., 1995. 55-бет.

² Шайх Нажмиддин Кубро. Т., 1995. 5-бет.

баён этилган инсонпарварлик ва адолатпарварлик гоялари билан боғлиқ анъаналардан чекиниш бошланди. Бирор фойдали меҳнат қилмай, бошқаларнинг меҳнати ҳисобига яшаш кенг авж олди.

Бундан ташқари, араб мустамлакачилари ва улар билан ҳамкорлик қилған маҳаллий ҳукмрон табақаларнинг меҳнаткашларга утказган жабр-зулмлари мустамлака ўлкаларда ҳам кенг норозиликни вужудга келтирган. Ана шундай вазиятда мустамлака ўлкаларда, хусусан, Марказий Осиёда ҳам тенгсизликка, жабр-зулмга, адолатсизликка қарши норозиликнинг бир шакли сифатида тасаввуф таълимоти (сүфийлик таълимоти) вужудга келди.

Тасаввуф билан дин teng ёки айнан бир нарса эмас. Тасаввуф диндан озиқланган, дин бағрида ривожланган, лекин у ҳеч қачон динни ривожлантирган гояга айланган эмас¹.

Хўш, тасаввуф таълимотининг мазмуни нималардан иборат?

Тасаввуф — одамларни ҳалолликка, покликка, тенгликка, инсон қадр-қимматини ерга урмасликка чорловчи, барча мусулмонларнинг teng булиб, ҳар ким ўзининг ҳалол меҳнати билан кун куришини, бошқаларнинг кучидан фойдаланмасликни, ижтимоий адолат қоидаларига риоя этишларини тарғиб этувчи таълимотдир. Бу таълимот намояндалари бундай мақсадга адолатли жамият қуриш, яхши, одил подшоҳга эга булиш билангина эмас, балки Аллоҳга вужудан берилиш, унинг моҳиятига етишиш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобланганлар.

Тасаввуф таълимотида кўрсатилишича, ҳаётий муаммолар билан боғлиқ бўлган илоҳий ҳақиқаттага етишиш босқичма-босқич амалга ошади. Бу босқичларнинг ҳар бирида инсон ҳақиқаттага аста-секинлик билан яқинлаша боради. Энг юксак ҳақиқат инсон ўз вужуди, ички мулоҳазаси ва кечинмалари орқали етишган билимдир.

Маълумки, Ислом динида Аллоҳнинг моҳияти энг юксак, барча олижаноб маънавий фазилатларнинг йигиндиси сифатида тасвиrlанган. Аллоҳга тааллуқли бўлган ҳар бир номнинг мазмуни ҳам мана шундай фазилатларнинг ифодасидир. Демак, Аллоҳнинг

¹ Комилов Н. «Тасаввуф тараққиётидаги янги йуналиш». Шайх Нажмиддин Кубро. Т., 1995. 31-бет.

моҳиятини англаш — унга хос бўлганadolat, етуклиқ, маънавий камолот чўққиларига етишиш йўлидир. Дилга Аллоҳнинг номини жо қилиш инсоннинг қалбини поклайди, уни иймон, ҳалоллик, ахлоқий поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик йўлига ундаиди. Шу сабабли ҳам тасаввуф (суфийлик) таълимотида дилга Аллоҳнинг номини жо қилиб, ҳалол меҳнат билан кун кўришлик инсон ҳаёти ва фаолиятининг асосий мазмуни сифатида талқин этилади.

Тасаввуфнинг бу йўли ўзининг асосий моҳияти жиҳатидан диний эътиқод ва иймонни дунёвий муаммолар билан боғлаш, уларниadolatli ҳал этишига ҳисса қўшишга кишиларни ундаш билан боғланган эди. Улуг аждодларимиз — Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдухолик Фиждувоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Саййид Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ана шу йўл тарафдорлари эди. Улар инсоннинг моҳиятини тўгри англаш, инсонпарварлик тарғиби билан боғлиқ бўлган фалсафий гояларни тасаввуф тариқати орқали олдинга сурган буюк алломалардир.

Энди икки оғиз сўз «тариқат» тушунчасининг маъноси ҳақида.

Агар «тасаввуф» — инсоннинг комил инсон даражасига етиши натижасида Аллоҳ васлига мушарраф булиши ва руҳан Аллоҳ билан биргалашиб кетиши ҳақидаги таълимот бўлса, «тариқат» — комил инсон даражасига эришишни кўрсатувчи тўгри йўл демакдир, яъни маънавий-ахлоқий покланиш босқичларини босиб ўтиш ва бу мақоматда тараққий этиш йўлйўригидир.

Тариқатнинг белгиси учтадир: 1) дам (нафас), яъни айтилиши лозим бўлмаган нарса ҳақида сўзламаслик; 2) қадам, яъни қилиниши ман этилган ишларга қадам урмаслик; 3) карам, яъни иш билан шуғулланиш, шуғулланганда ҳам керакли иш билан шуғулланиш, айни пайтда иш билан шуғулланаётганда ҳам қалб тоатини канда қилмаслик¹.

Хулоса қилиб айтганда, тариқат — Аллоҳ васлига етишиш, руҳан Аллоҳ билан бирлашиб кетишнинг шарти бўлган комил инсонликка қандай қилиб эришиш мумкинлигини кўрсатувчи йўлдир.

¹ Кошифий X. В. Футувватномаи Султоний. Т., 1994. 13-бет.

Ҳар бир тариқатчи албатта ўз йўлини ишлаб чиқсан ва бу йўлни тарғиб этган, ўзига тарафдорлар тўплаган. Тасаввуф ўз ичига олган барча жиҳатларни ислом руҳида қайта ишлаб, уни шариатга мослаштирган.

Тасаввуф таълимоти соҳасида йирик тадқиқотлар муаллифи Н. Комилов алоҳида таъкидлаганидек, яссавия, нақшбандия сунний мазҳабига мансуб тариқатлар эди. Ҳазрати Сайид Баҳоуддин Нақшбанднинг асосий хизмати тасаввуф ва тариқатни сунний мазҳабига мослаштириш, уни шиаликка хос хоссалардан тозалашдан иборат бўлган. Шу туфайли нақшбандия тариқати сунний мазҳабдаги аҳоли орасида кенг ёйилган¹.

Марказий Осиёда ана шундай ўз тариқатини, яъни йўлини ишлаб чиқсан ва тарғиб этган тасаввуф тариқатчилари бўлмиш Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро ва Сайид Баҳоуддин Нақшбанд тариқатлари ҳақида, шунингдек, нақшбандия тариқатини янги даврда давом эттирган Хожа Аҳрор Валий ҳақида қўйида тўхталамиз.

1. ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ ВА ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ

Ислом дини пайдо бўлганидан сўнг, унинг доирасида, Қуръони карим ва Ҳадис аҳкомига мос равища пайдо бўлган тасаввуф таълимотлари X—XI асрларга келиб Марказий Осиёда ҳам кенг тарқала бошлади.

Тасаввуф мусулмон мамлакатлардаги ҳалқларнинг ижтимоий-фалсафий, маданий-маънавий ҳаётида кенг тарқалган, энг мураккаб ҳамда зиддиятларга тўлағоявий оқимларидан бири саналиб, дастлабки асрларда (IX—X асрлар) еретик (бидъат) таълимотлар қаторига киритилган, унинг тарғиботчилари ва ташқивотчилари аёвсиз қувгин этилган. Ана шулардан бири 922 йилнинг 22 март кунида Багдодда риёкор шайхлар ва мутаассиб уламолар томонидан даҳрийликда айбланиб дорга осилган, сўнгра оёқ-қўллари кесилиб, танаси куйдирилиб, дарёга ташланган машҳур мутасаввуф Мансур Ҳаллож (858—922) эди². Кейинчалик Аҳмад Яссавий қатор шеърларида уни ҳурмат билан тилга

¹ Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. Т., 1996. 13-бет.

² Узбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т., 1995. 106-бет.

олганлиги бежиз эмас. Аҳмад Яссавий бу илфор, мард, довюрак ва жасур донишманц ҳақида бундай деб ёзган эди,

«Билмадилар муллолар «Анал-Ҳақ»нинг маъносин,
Қон аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб.
Ривоятлар битилди, ҳолин ани билмади,
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорга осиб.

Шариатдур, деб олимлар буюрдилар,
Кофири Мансур улмади, деб куйдурдилар.
Ахгар қилиб кулин қўкка совурдилар,
Тоғу тузлар «Анал-Ҳақ», деб тураг эрмиш»¹.

Тасаввуф — Яқин ва Урта Шарқ халқларининг маънавий ҳаётси тарихидаги энг мураккаб, зиддиятларга тўлиб-тошган ва муҳим ҳодисалардан бири бўлиб, унинг учун тарқидунччилик, бу дунё бойликларидан ва нозу неъматларидан воз кечиш, Аллоҳ васлига етмоқ учун пок, ҳалол, ўз меҳнати билан яшаш, ихтиёрий равиша фақирлик характерли хусусиятлардан ҳисобланган.

Марказий Осиёда тасаввуф таълимотининг пайдо булиши Ҳамадонда (Эрон) 1048 йилда таваллуд топган Хожа Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқдир. Йирик мутасаввуф олим Юсуф Ҳамадоний умрининг иккинчи ярмини Ҳирот, Марв, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида утказган. Марв ва Бухорода хонақо ва мадраса қурдириб, кўплаб шогирдлар тайёрлайди. Унинг ана шундай шогирдларидан бири Аҳмад Яссавий эди. Аҳмад Яссавий Юсуф Ҳамадоний мактабини муваффақият билан давом эттирганлардан биридир. Айни пайтда Аҳмад Яссавий XII асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатлардан бирининг асосчиси ҳамдир.

Аҳмад Яссавий 1041 йилда Сайрамда (ҳозирги Чимкент вилояти) Шайх Иброҳим оиласида дунёга келади. Ривоятларга кўра, Яссавий 63 ёшга етгач (Пайғамбар ёши — бу ёш) ер остида ҳужра ясатиб «Чилла»га кирган, қолган умрини тоат-ибодат қилиб, қимматли ҳикматлар ёзиб, риёзатлар чекиб, ер остида утказган. Бир ривоятга кўра унинг 125 йил, бошқасида эса 133 йил умр кўрганлиги қайд этилган².

¹ Буюк сиймолар, алломалар. 1-китоб: Т., 1995. 90-бет.

² Уша жойда, 89-бет.

Хожа Аҳмад Яссавий маданиятимиз тарихида ilk туркийзабон шоирлардан бири сифатида ҳам машҳурдир. Унинг тасаввуфни тарғиб этувчи туркийда ёзилган шеърлари тилининг ҳалққа яқинлиги, оҳангдорлиги билан тезда машҳур бўлиб кетган¹.

Хожа Аҳмад Яссавий тасаввуфда Яссавия тариқатига асос солган. Барча тариқатларда бўлганидек, Яссавия тариқатининг ҳам узига хос муайян қоидалари (одоб қоидалари) бўлган. Яссавия тариқатининг тарафдорлари хусусан қўйидаги 10 қоидага амал қилишлари шарт бўлган:

1. Муриднинг ҳеч кимсани ўз пиридан афзал кўрмаслиги, доимо унга таслимият изҳор қилмоғининг шартлиги;
2. Мурид шунчалик зукко ва идрокли булиши керакки, у ўз пирининг ҳатто ишораларини ҳам муқаммал англай оладиган бўлсин;
3. Муриднинг пирнинг (шайх) барча сўзлари ва ишларига содик булиши ҳамда унга мутлақ мутеъбулиши;
4. Муриднинг ўз пири барча топшириқларини чаққонлик билан сидқидилдан бажариб, пирни ҳамиша рози қилиб юрмоғи;
5. Муриднинг ўз сўзига содик, ваъдасига амал қилувчи, пири кўнглида ҳеч қандай шубҳа туғилишига ўрин қолдирмаслигининг шартлиги;
6. Муриднинг ўз ваъдасига вафодорлиги ва сўзида устивор турмоғининг лозимлиги;
7. Муриднинг ўз ихтиёридағи барча мол-мулкини, бутун бор-йўгини ўз пирига баҳшида этмоқ учун тайёр турмоғи;
8. Муриднинг ўз пири барча сир-асрорларидан огоҳ булиши;
9. Муриднинг ўз пири барча таклифларини назарда тутиб, унинг мушкулотини осон қилмоғининг, панду насиҳатларини бажо келтирмогининг шартлиги;
10. Муриднинг Аллоҳ висоли учун ўз пири йулида бутун молу жонини баҳшида этмоққа тайёр туриши, пирининг дўстига дўст, душманига душман булиб яшамогининг шартлиги.

Яссавия тариқатининг барча ақидалари унинг асосий асари бўлган «Ҳикмат»да муфассал баён этилган.

² Қаранг: Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Т., 1992.

Бу асарда Яссавия таълимотидаги поклик, ҳалоллик, тұғрилик, меҳр-шафқат, үз құл кучи, пешона тери ва ҳалол мәхнати билан күн кечириш, Аллоҳ таоло висолига етишиш йўлида инсонни ҳам ботинан, ҳам зоҳирان ҳар томонлама такомиллаштириш каби умум-инсоний қадриятлар ифода этилган.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳам үзининг пири бузруквори Шайх Юсуф Ҳамадонийга ўхшаб мол-дунё тўплашга мутлақо қизиқмаган, камбағалпарвар ва гарибпарвар бўлган.

Хожа Аҳмад Яссавий замонининг эзилган йўқсил синфини «гариб», «ятим», «фақир», деб атайди, үзини уларнинг ҳомийси деб билади. Бу фикримизни унинг қуидаги фикрлари ҳам исботлайди:

Фарид, фақир, ятимларнинг бошин силаб,
Кўнгли қаттиқ ҳалойиқдан қочтим мано...
Фарид, фақир, ятимларни қылғил шодмон,
Хулқлар қилиб, азиз жонинг қылғил қурбон.

Фарид, фақир, ятимларни ҳар ким сўрар,
Рози бўлур ул бандадан парвардигор.
Ятимни кўрсангиз оғритмангизлар,
Фаридни кўрсангиз доғ этмангизлар.

Ятимлар бу жаҳонда хор экандур,
Фаридларнинг иши душвор экандур.
Фаридларнинг иши доим сулукдур,
Тирик эрмас, ятим мисли улиқдур¹.

Еки:

Фаридлар кўрган ерда оғритмангиз,
Ятимларга аччигланиб сўз қотмангиз,
Заиф кўриб гаридларга тош отмангиз,
Бу дунёда гаридликдек бало бўлмас².

Хожа Аҳмад Яссавий мол-дунёга, бойлика ва давлат ортиришга муккасидан кетган, хасис ва очофат кишиларни беаёв танқид қиласиди:

Бешак билинг, бу дунё барча ҳалқдан утаро,
Ишонмағил молингта, бир күн қўлдан кетаро,

¹ Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Т., 1992. 86-бет.

² Уша жойда, 111-бет.

Ато, ано, қариндош қаён кетди, фикр қил,
Турт оеклик чубин от бир кун санго етаро¹.

Хожа Аҳмад Яссавий таълимотида инсоннинг үзлигини билиб олиши барча масалалардан устун қўйилади. Бунинг боиси ўндақи, Хожа Аҳмад Яссавий таъбирича, ўзини билса одам, Ҳақни билади, худодан қўрқади-ю, инсофга келади. Лекин Ҳақقا етишиш осон эмас, унинг ўзига хос қийинчиликлари, сир-асрорлари мавжуд.

Хожа Аҳмад Яссавий оламга нурсиз, ҳеч қандай моҳиятга эга бўлмаган биронта нарса сифатида қарамайди. Олам Аллоҳнинг чексиз макони деб талқин этилади. Демак, Аллоҳ коинотда, барча мавжудотда, жумладан, ҳар бир инсондадир.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳалқ оммасини синфий курашга, қирғинбаротга чақирмаган. Хожа Аҳмад Яссавий, ҳатто, зулм-адолатсизликларнинг сабаби — гариб, ятим, фақирларнинг гуноҳкорлиги, уларнинг худодан узоқлашганлигидир, деб билади:

Санга жазо, Яратғонга ёлбормадинг,
«Аллоҳ» дебон тунлар туруб инграмадинг,
Ҳақиқатдан сўзлар айттим, эшитмадинг,
Золимларнинг илгин узун қилдим мано².

Хожа Аҳмад Яссавий танлаган йўл ўзига хосдир. Бу ўзига хослик йўли — инсоннинг ўз гуноҳларини, ахлоқий нуқсон ва қусурларини, жумладан шахсият-парастлик, таъмагирлик, борига қаноат қилмаслик каби иллатларни аёвсиз очиб ташлаш ва улардан ҳолос булиш курашидир. Бу йўл Хожа Аҳмад Яссавий фикрича, ягона тўғри йўл бўлиб, у аслида худо йулидир.

Ҳар бир киши ўзининг ҳақиқий ахлоқий камолотида, комили инсон булиб етишиш жараёнида «шайтон васвасаси»дан қутулиш учун ўз жонини ҳам, молмулкини ҳам аямаслиги лозим.

Хожа Аҳмад Яссавий таълимотида дунёдан бутунлай юз утирилмайди. Аксинча, Яссавияда нодонлик, жаҳолат, баднафслик, молу дунёга ҳирс қўйиш иллатлари ва уларни щакллантирадиган омиллар қораланади ҳамда инсонлар улардан узоқлашишга даъват этилади.

³ Уша жойда, 33-бет.

¹ Уша жойда, 35-бет.

2. ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО ВА КУБРОВИЯ ТАРИҚАТИ

Марказий Осиёда тасаввуф таълимотининг ривожланишида хоразмлик буюк илоҳиётчи олим, нозиктабъ шоир ва ватанпарвар мутафаккир Шайх Нажмиддин Кубро (табаррук қуләзмаларда Аҳмад ибн Умар Абулжанноб ал-Хивақий ал-Хоразмий шаклида зикр этилади) алоҳида ўрин эгаллайди.

Шайх Нажмиддин Кубро милодий 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келади. Валийлик мартабасига эришган Аҳмад ибн Умарга замондошлари «Нажмиддин» (дин юлдузи), «Кубро» (буюк), «Абулжанноб» (парҳезкор тақводорнинг отаси), «Валийтарош» (валийлар устози) каби лақаб, унвон ва куняларни муносиб кўришган¹. Кўриниб турибдики, ота-боболаримиз буюк ва муборак зотларни мартаба ва нуфузига муносиб равишда улуг номлар билан шарафлаб тилга олишган. Бинобарин, Аҳмад ибн Умар (Шайх Нажмиддин Кубро)нинг ўз исми қолиб, лақаб, унвон ва кунлари эл орасида машҳур бўлганилиги ана шу қадрият билан изоҳланади.

Аҳмад ибн Умар ислом асослари ва шариат илмларини жуда эрта, тез ва теран ўзлаштиргач, Хоразмнинг манаман деган уламоларидан ўзиб кетади, илмий баҳсларда барчадан голиб чиқади. Шу боис у «Тимматул кубро», яъни уламоларнинг етуги, муҳташами ва илм аждарҳоси деган лақабни олади. Бундай шарафлаш ёнига «Нажмиддин» (дин юлдузи) деган мартаба қўшилгандан кейин у Нажмиддин Кубро номи билан машҳур бўлиб кетади. «Абулжанноб» сўзи эса Шайх Нажмиддин Кубронинг куняси булиб, бу куня дунёдан парҳез қилган тақводор отаси маъносида келади ва унинг тақводорлик ва тавба посбони эканлигига ишора этади². «Валийтарош» — лақаб, валийларни тарбияловчи деган маънони англатади.

Ўз билимларидан қониқмаган Шайх Нажмиддин Кубро Мисрга боради, донишманд авлие Рузбекон ал-Мисрий қўл остида диний билимларини такомиллашибтиришга эришади. Муршид-устоз Рузбекон муриди-шогирдининг билими ва истеъодига тан беради, уни ўзига куёвликка муносиб кўради. Шайх Нажмиддин

¹ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Т., 1995. 7-бет.

² Уша жойда, 8-бет.

Кубро Ҳижоз ва Эроннинг бир неча шаҳарларида ҳам билим олишни давом эттиради.

Нажмиддин Кубро 1185 йилда оиласи билан Хоразмга қайтади ва она юртида ўз тариқатини тарғиб қилади.

Тариқат ва теран билимлар соҳиби Шайх Нажмиддин Кубро буюқ ватанпарвар инсон ҳам эди. Кароматли шайх 1221 йилда Хоразмга ҳужум қилган ваҳший Чингизхон қўшинларига қарши жангда шаҳид булган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Насоимул муҳаббат» асарида келтирилишича, мўгуллар она юрт байрогини шаҳиднинг чангалидан бармоқларини кесиб олишга мажбур булишган экан.

Атоқли олим Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, Шайхнинг теран билими «Олами кабир» (Юксак олам) ва «Олами сафир» (Қўйи олам) муносабатларини талқин этишда айниқса яққол намоён бўлади.

Олами кабир — илоҳий олам. Олами сафир эса инсон оламидир. Ҳақиқатни билишда Олами кабирнинг аҳамияти катта. Инсон ички руҳий кечинмалар, тоат-ибодат йўли билан Олами кабирдаги илоҳий ҳақиқатни излайди, унга қалби ва иймони билан астасекин яқинлашади. Аллоҳни билиш, унинг борлиги ва ягоналигини тан олиш, илоҳий қудратнинг моҳиятини англашга интилиш ҳам Олами кабирни билиш йўлидир. Бу ҳақиқатга асосан зикр, ҳиссий билиш, ички руҳий таҳдил орқали етишилади. Айни пайтда, ҳақиқатни билиш Олами сафирни тўгри, теран англаш, таҳдил қилиш билан ҳам боғлиқдир. Инсон Олами кабирнинг бир булагидир. Шундай экан, Олами сафир тўгрисида билимларсиз Олами кабир ҳақидаги билимларни ҳам тўлиқ деб булмайди.

Кубровия тариқати ўзидан олдинги суфийлик тариқатларидан инсон муаммосига кўпроқ эътибор бериши билан ажralиб туради. Бундан ташқари, Шайх Нажмиддин Кубро тасаввуфда «кенг феъллик» йўлини тутган. Шунинг учун ҳам шайхнинг хонақосида сунний мазҳабидаги шогирдлар билан бирга шиа мазҳабидаги муридлар ҳам таълим олаверганлар. Бу билан Нажмиддин Кубро тасаввуфдаги аҳилликни мазҳаблар айирмакашлигидан устун қўйган. Суфийлар наздида Аллоҳ ишқи ва дийдори ҳамма нарсадан устун. Суфий илоҳиёт оламига руҳан қовушиш учун яшайди ва ўзлигини барбод бериб Ер (Аллоҳ) васлига етишиади.

Кубровия тариқатининг ўзига хослиги шайхнинг дунёқарашида ҳам, амалий ишларида ҳам кўзга ташланаб туради. Боя айтилганидек, Шайх Нажмиддин Кубро ҳақиқат сир-асрорига етишиш мақсадида ўз тасаввуф мактаби, яъни тариқатини яратишга эришган. Тариқат магзи эса инсон аслида Олами сағир булиб, унда Олами кабирнинг барча хусусиятлари мужассамлашган. Шайхнинг фикрича, комиллик йулида тараққий этиб бораётган солик Аллоҳнинг «Раҳмон» ва «Раҳийм» сифатларидан бошқа Қуръон каримда зикр этилган барча сифатларини эгаллашга қодирдир. Лекин ҳақиқат йулидан бунингдек юксакликка кўтарилиб, илоҳий сифатларга эга булиш, унда камолотга эришиш учун муайян риёзатли манзилларни босиб ўтиш зарур. Бу манзиллардан иккитаси хусусда тўхталамиз:

1. Тавба. Тавба барча амалларнинг ибтидоси. Ўз гуноҳларини англаб, Аллоҳ таоло наздида тавба қилган, бундан кейинги ҳаётини фақат илоҳий эзгулик ва хайр-савобга бағишлигар инсонгина тариқатга солик (эрғашувчи) бўла олади.

2. Зуҳди дунё. Зуҳди дунё — тақво, парҳезкорлик демакдир. Бинобарин тавба қилган киши энди ҳаромдан ҳазар қилиб, тамомила ҳалолликка юз тутиши, Аллоҳдан қўрқиши, у ман этган ишларни қилмаслиги лозим.

Шайх Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тарихидаги яна бир буюк хизмати шундан иборатки, у жавонмардлик (умрини дўстлар хизматига бағишлигар, фақат яхшиликни ўйлаб, хайрли ишлардан чарчамайдиган, хуш хулқ-атворга эга бўлган, борини ўзгалар билан баҳам кўрадиган, муҳтоjlарга мадад берадиган, пир-устозлари ва дўст-биродарларининг ор-номуси ва шарафини муҳофаза қиласидиган, ҳам зоҳирان, ҳам ботинан пок юриб, покиза зотлар сұхбатига мушарраф бўлган кишилар Шарқда жавонмардлар деб аталган. Уларни «аҳли футувват» ҳам дейишган) гоясини тариқатига татбиқ этди. Тугри, Нажмиддин Куброгача ҳам бундай саъй-ҳаракатлар бўлган. Аммо у жавонмардликни суфийлар ҳаётига янада изчилроқ ва чуқурроқ сингдириб юборган. Натижада мардлик ва поклик, қаҳрамонлик ва фидоийлик, маърифат ва жисмоний-руҳий қудрат бирлаштирилди, инсон камолотида ахлоқий юксаклик ва ватанпарварлик елкадони тарзда ўз ифодасини топди.

3. САЙИД БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ

Марказий Осиё, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, ўз даврига нисбатан илгор оқим бўлмиш Нақшбандия тариқати Сайид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқдир.

Баҳоуддин Нақшбанд 1318 йилда Бухородаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилади. Сунгра унинг шарофати билан бу қишлоқ «Қасри Орифон» деб аталади¹.

Баҳоуддин дастлаб уни ўзига ўғил қилиб олган Хожа Муҳаммад Бобойи Саммосий қўлида, кейинчалик эса унинг шогирди, ўша даврдаги йирик мутасаввиф олим Сайид Амир Кулол даргоҳида таълим олган.

Манбаларда таъкидланишича, Хожа Баҳоуддиннинг шариф насаблари ота томонидан Ҳазрат Алига, она томонидан эса Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади².

Хожа Абдулхолик Гиждувоний яратган ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд томонидан бойитилган ва давом эттирилган, кейинчалик «Нақшбандия» тариқати деб ном олган тариқатнинг қоидалари (одоби) қўйидаги 11 қоидани ўз ичига олади:

1. **ҲУШ ДАР ДАМ**, яъни тариқат аъзоси (мурид) ҳамиша Аллоҳ номига зикр қилиши, зикрга гарк ҳолатда хушвақт ва хушчақчақ бўлиб юрмоги лозим. Ботиндан чиқаётган ҳар бир нафас ҳушёрлик ва огоҳлик, ҳузур ила чиқмоғи лозим, токи бунда гафлат унга ҳеч йўл топа олмасин.

2. **НАЗАР БАР ҚАДАМ** дегани — тариқат аъзосининг назари доим оёқ панжаларининг устида бўлсин, унинг назари сочилемасин ва кераксиз жойга тушмасин. Шаҳарда, қишлоқда, саҳрова ва бошқа ҳар қандай жойда юрганда ҳар бир қадамига диққат билан разм солсин, огоҳ бўлсин. Лозим бўлмаган жойга бормасин.

3. **САФАР ДАР ВАТАН** одобининг маъноси шуки, тариқат аъзоси башарий табиатда сафар қилсин, яъни башарий сифатлардан малакий сифатларга ва номаъқул сифатлардан маъқул сифатларга ўтсин.

¹ О. Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд. «Мулоқот». 1991. 12-сон, 19-бет.

² Садриддин Салим Бухорий. Табаррук зиёратгоҳлар. Т., 1993, 25-бет.

4. ХИЛВАТ ДАР АНЖУМАН одобининг маъноси тариқат аъзосининг доимо «Дил ба ёру, даст ба кор» шиорига амал қилиши, унинг зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бўлмоғи даркор, демакдир.

Ҳазрати Ҳожа Баҳоуддиндан сўрадилар: «Сизнинг тариқат йўлингизнинг асоси нима?» Жавоб бўлди: «Хилват дар анжуман, яъни ташқи томондан халқ билан, ички томондан Ҳақ билан».

5. ЁДКАРД — тариқат аъзоси Аллоҳ ёди билан яшамоғи ва зикр тушмоғи керак, деганидир.

6. БОЗГАШТ — тариқат аъзоси тили ёки дилида калимаи тайиба (ло илоҳа иллоллоҳ)ни айтганда, бу калима орқасидан «Худовандо, менинг мақсадим сенсан» сўзини айтади. Бу бозгашт калимаси яхши ёки ёмон фикрларни одамдан ҳайдовчиdir, у зикри холис қиласи, зикри ўзга нарсалардан озод этади.

7. НИГОҲДОШТ дейилганда, тариқатдаги тариқат аъзосининг хаёлини бир жойга қўйиб, хотиржам булиб юриш одоби тушунилади. Айни пайтда, ҳар хил фикрлардан халос булиш, ташқи оламдан ажралиш учун интилиш булиб, калимаи тайибани бир нафасда неча марта айтса ҳам, шу давр ичida хаёлни бошқа нарсаларга юбормаслик одобидир.

8. ЕДДОШТ — тариқат аъзоси учун Ҳақ субҳонаҳу ва таолони доимо завқи ила шавқ билан ёдда тутиш, огоҳ булиш одобидир¹.

9. ВУҚУФИ ЗАМОН — тариқат аъзоси учун доимо ўз вақтини ҳисоб-китоб қилиб юриши, вақтининг қанчаси хайрли, қанча шарр (ёмонлик) учун бўлганлигини ўйлаб юрмоғи лозимлиги одобидир.

10. ВУҚУФИ АДАДИЙ — тариқат аъзоси учун ҳамиша ўзининг ягоналигини, танҳолигини, воҳидлигини назарда тутиб юриш одобидир.

11. ВУҚУФИ ҚАЛБ — тариқат аъзоси учун ҳамиша ўз дилида зоти мутлақни (Аллоҳни) сақлаш билан кўнгли тўқ ҳамда хотиржам булиб хуфия зикр ҳолатида булиши одобидир².

Ҳазрат Баҳоуддин ўз тариқати моҳиятини шундай тушунтириб берганлар: «Бизнинг тариқатимиз мустаҳкам тутқич, яъни Ҳазрат Расул салоллоҳу алайҳи вассалам мутобиатлари этагидан тутмоқ ва

¹ Абулмуҳсин Мұҳаммад Бокир ибн Мұҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Т., 1993. 9—14-бетлар.

² О. Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд. «Мулоқот». 1991. 12-сон, 20-бет.

саҳоба киром меросига эргашмоқдир». Яна Ҳазрат деганларки, бизнинг тариқатимиз сұхбатдур. Яъни у киши сұхбат орқали шоғирдлар тарбия қилган. Нақшбандия тариқатидан мақсад, Пайғамбар алахийссалом суннатларини қайта тирилтиришdir¹. Бу тариқатда хилватланиш йўқ, балки зоҳирان ҳалқ билан бирга, ботинан Ҳақ субҳонау таоло билан бирга булиш шиорига амал қилинган.

Нақшбандийликнинг асосий моҳияти қуйидаги шиорда ўз ифодасини топган: «Даст ба кору, дил ба ёр!», яъни «Қўл ишда, Аллоҳ дилда бўлсин». Бу билан Сайид Муҳаммад Баҳоуддин ибн Сайид Жамолиддин ҳаммани меҳнат қилишга чақиради. Ўзлари ҳам умрбод дехқончилик билан кун кечирган, ўз қишлоғида унчалик катта бўлмаган ерига буғдой ва мош эккан.

Ҳазрат ўз уйида ҳеч қандай мол-дунё ва бойлик сақламаган. Қища қамишлар устида, ёзда эса бўйра устида ётиб кун кечирган. Унинг уйида хизматкори ҳам бўлмаган. Шундай қилиб, Нақшбанд бутун умрини ўз хоҳиши билан фақирлик ва йўқсилликда ўтказган. Ўз қўл кучи билан кун кўришни ёқтирган, топган-тутганини етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган, ҳукмдорлардан доимо ўзини йироқ тутган. Бу фактларнинг барчаси Нақшбанд таълимоти асосида ихтиёрий фақирлик ётишининг далилидир.

Баҳоуддин Нақшбанд шахснинг, оиласининг ва жамиятнинг равнақи учун «Кам хўр, кам хоб ва кам гуфтор буд!» (Кам егин, кам ухла ва кам гапир, деб таъкидлаганлар. Давлат раҳбарларига эса, «Зоҳиран ҳалқ билан, ботинан Ҳақ билан!» деб насиҳат қилгандар².

Ҳазрат соҳибқирон Амир Темурдек улуг зот ҳам Нақшбанд тариқатига амал қилгандар. Темурнинг ўзи бу ҳақда мана бундай деб ёзган эди: «Пири комил Шайх Баҳоуддин Нақшбандийнинг «Кам егин, кам ухла, кам гапир» деган панду насиҳатларига амал қилдим. Аркони давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: «Кам енглар — очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар; кам ухланглар — мукаммалликка эришасизлар; кам гапиринглар — доно буласизлар»³.

¹ Садриддин Салим Бухорий. Табаррук зиёратгоҳлар. Т., 1993, 27-бет.

² Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Андижон, 1995. 520-бет.

³ Амир Темур утитлари. Т., 1992. 58-бет.

Баҳоуддин Нақшбандга Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар ҳам жуда катта ихлос билан қараганлар. Улар «Нақшбандия» тариқатида бўлганлар.

Нақшбандсиз Навоий ижодини тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки «Нақшбандия» тариқати Алишер Навоий ижодининг гоявий асосини — мафкурасини ташкил этади.

Саййид Баҳоуддин Нақшбанднинг динни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун қилган хизматлари улуғ бўлганлиги учун уни «Баҳоуддин», яъни диннинг фахри, бебаҳоси деб аташган.

Баҳоуддин Нақшбанд кароматли инсон бўлганлиги учун унга Балогардон деб ном беришган.

«Нақшбанд» тахаллусига келганда шуни айтиш керакки, айримлар уни гул, нақш солувчи (темирларга, ёгочларга) бўлганлиги учун шу тахаллусни олган десалар¹, бошқалар эса, хусусан Ориф Усмон мана бундай деб ёзади: «Нақшбанд» лақаби Ҳазратнинг ўз таълимотидан, «Нақшбандия» тариқатининг ... асосий қоидасидан келиб чиқади. «Зоҳиран ҳалқ билан ва ботинан Ҳудо билан булиш» ёки «Дил худо билан ва қул иш, меҳнат билан бўлсин» деган қоида ва шиордаги «Дилда доимо худо зикри бўлсин, Аллоҳ таолонинг нақши битилган бўлсин, яъни нақшбанд бўлсин, дил Ҳудонинг нақши (суврати) билан банд бўлсин», дейиш ҳақиқатга яқиндир².

4. ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

Хожа Аҳрор Валий милодий 1404 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Унинг болалиги ва ёшлиги она шаҳрида кечади. Ёш Убайдуллоҳнинг тарбияланиши ва таълим олишида тогаси Хожа Иброҳим катта роль уйнаган.

Хожа Убайдуллоҳ 1427 йилда Самарқандга келади. 1428—1433 йилларда Ҳиротда булади. 1433 йилда Хуросон пойтахтидан қайтиб Саййид Баҳоуддиннинг муриди Мавлоно Яъқуб Чархий қўлида таълим олиши давом эттиради, пир тутади.

Хожа Аҳрор Валий хусусида тарихий уйдирмалар, ишончли-ишонарсиз ривоятлар ва нақллар жуда кўп. Мамлакатимиз мустақилликка эришгунига қадар, со-

¹ Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи.¹ Андижон, 1995. 520-бет.

² Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд. «Мулоқот» 1991.¹ 12-сон. 21—22-бетлар.

вет тузуми замонида ёзилган илмий ва бадиий адабиётда бу зот реакцион, мустабид руҳоний, илм-маърифат душмани, ҳатто Мирзо Улугбек қатл этилишининг фатвочиси, аллома томонидан қурдиртирилган машхур расадхонани буздирган, тадқиқот даргоҳидаги илм аҳлини қувғинга дучор қилган шафқатсиз шахс сифатида тасвирланган.

Манбаларнинг далолат беришича, Хожа Аҳрор 1451—52 йилларга қадар Тошкент шаҳри ва унинг теварагидаги манзилларда яшаган. Шу нуқтаи назардан унинг Мирзо Улугбек ўлемида қули бор, деган фикрлар ҳақиқатга тўғри келмайди. Мирзо Улугбек ваҳшиёна ўлдирилган 1449 йилда Хожа Аҳрор пойтахт Самарқандда катта нуфузга эга эмасди. Агар ҳажга кетаётган собиқ ҳукмдорнинг ўлдирилишида хожанинг қули бўлганида, темурий ҳукмдор Султон Абу Саъид уни юксак мартабага кўтармас, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюкларимиз кароматли валийни ўзларига пири муршид деб ҳисобламаган бўлур эдилар. Аслида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор олимақом, илоҳий сирларга етишган ориф, давлат ва дин шарифи деган унвонлар соҳиби бўлган. Қора халқ ҳам, зодагонлар ҳам уни ўзларига пуштипаноҳ деб билардилар.

Бунинг сабаблари қўйидагича: аввало, Хожа Убайдуллоҳ ўша замонда халқ оммаси орасида эътибор қозонган Нақшбандия тариқатининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Бу йўналишлар, унинг фикрича: «Хожагон тариқати дарвешларининг удуми шундан иборатки, улар ўзларининг бор ҳимматларини бирон-бир иш билан машгул бўлмоққа сарф қилинлар. Халойиқнинг Ҳақ субҳонаҳуга етишиш воситаси Уни эслаш даражасига боғлиқ бўлса ҳамки, унинг яхши йўли бир мусулмон кўнглини кутармоқдан иборатдир».

Хожа Аҳрор нақшбандийликнинг кишиларга ижтимоий жиҳатдан роҳат ва хурсандчилик бағишлишдек олижанобликни гўзал ахлоқ деб ҳисобловчи кўрсатмасига қатъий амал қиласр эди. У, шунингдек, мусулмон бўлмоқ — фуқаролар манфаати учун яшаш эканлигини алоҳида таъкидлаган ва ўзи шунга изчил риоя қилган эди. Улуғ суфий жумладан шундай дейди: «Агар биз шайхликни буйнимизга олсак эди, унда бирорта шайх мурид топа олмас эди. Аммо бизга бошқа масъулият, яъни мусулмонларни золимлар зул-

мидан ҳимоя қилиш вазифаси юқланган. Ана шуни амалга ошириш ва мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида подшоҳлар билан мулоқотда булиб туриш, уларнинг ишончини қозониш лозим. Агар шайхлар уз вақтини аяб, бу ишга эътибор қилмаган бўлсалар ҳам, биз фуқаро учун уз вақтимизни аямаймиз¹. Бундан ташқари, Хожа Аҳрор ўз тасарруфидаги ерлар ва мулкдан тушган даромадларни халққа солинган ортиқча солиқларни тұлашга, масжидлар, мадрасалар, хонақолар ва бошқа ишшоотлар қурилишига сарфлар эди.

Айтиб ўтилғанларнинг барчаси меҳнаткаш омма орасида Хожа Аҳрорни сахий, құли очиқ, покиза ва адолатпарвар шахс сифатида намоён этарди. Шу боисдан меҳнаткашлар уни «Хожайи Аҳрор» (хурлар раҳнамоси) деб улуғлашар эдилар.

Хожа Аҳрор фуқаролар осойишталиги, хунармандлар ва тижорат аҳли ишининг равнақи учун ҳар қандай баҳсли сиёсий муаммоларни урушсиз ва қон тұкишсиз келишув, муроса ва тинч-осойишта ҳал этишга интилар эди.

Хожа Аҳрор эътиборли фазилатларидан бири — унинг воқеалар ва ҳодисаларни таҳлил қилиб хulosса чиқариши ва уни баён этишда түш күриш ва таъбирлаш усулидан фойланиши эди. Шу маънода, мудом ўзгалар манфаатлари ва фойдасини күзлаш улуг шайхнинг фазилатлари сирасига киради.

Улуг суфий шоир Абдураҳмон Жомий Хожа Аҳрорни «Қаъбаи мақсуд» деб билган бўлса, Алишер Навоий уни «Тариқат қутби» дея таърифлайди. Заҳириддин Мұхаммад Бобур эса шайхни «Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ» тарзида улуғлаган ва азиз тутган.

Хulosса қилиб айтганда, Хожа Аҳрор Валий Нақшбандия тариқатини ўз даврида ривожлантирган, унинг кенг тарқалиши ва ҳаётта татбиқ этилишига катта ҳисса қўшган буюк инсон эди.

11. ИСЛОМ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ислом дини пайдо булиши, ривожланиши, тарқалиши ва бизнинг кунларимизда ўзининг мазмуми ва моҳияти билан янада кўпроқ инсонлар қалби-

¹ Валихўжаев Б. Хужа Аҳрор: уйдирма ва ҳакиқат. «Мулоқот». 1991. 3—4-сон, 67—69-бетлар.

дан жой олади. Чунки Ислом дини ўзининг қадриятлари, қонунлари ва талаблари билан инсонларга яқин ва маъқулдир. У инсонпарвар диндир.

Мустамлака йилларида маънавият анча унтилганлиги сир эмас. Инсоний камолот, маънавий етуклик, ички олам гўзаллиги, тил ва дил бирлиги хусусида кўп гапириларди-ю, аммо унинг нафи йўқ эди. Ислом эса инсонни қадрлашда маънавий үлчовни ишга солади. Ана шу үлчов билан инсон қадрини баҳолайди.

Тақвадорлик сўзининг мазмуни ҳозирги пайтда ўзгариб кетган. Аслида эса у сақланиш маъносини, яъни ёмонликлардан, гуноҳ ишлардан сақланишни билдиради. Дунёдаги барча ёмон ишлардан қочиб жамики яхши ишларни қилиш инсон олдида турган энг муқаддас бурчлардан биридир. Фақат одобли, ахлоқли, инсоний ва маънавий камолотга етган одамгина буни чукур тушунади.

Инсон қадрини ва шахсини камситиш Ислом динига хос эмас. Унда миллатидан, элатидан, танасининг рангидан қатъи назар, инсон инсонлиги учун улугланади. Миллатчилик, бир-бирини камситиш, талон-торожлик, ирқчилик Исломда бўлмаган. Инсон ҳар қандай миллатчилик кайфиятидан юқори турадиган оламшумул таълимот. Барча миллатларни бирластириб, тенг, дўст, ёру биродар қилиб, тинч-омон яшашларини уқтириб келган.

Тилимизда савоб деган сўз бор. Унинг магзини чаққан ҳар бир киши атрофидагиларга, жамиятга яхшилик қилмоги, бунинг учун таъма қилмаслиги, қўлидан келган барча яхшиликларни одамларга баҳшида этмоғи кераклигини ҳис этади.

Қон тўкиш, бир-бирига жабр-зулм қилиш қонунда қораланади. Исломда эса унга разолат ва жаҳолат сифатида қаралади. Бу ҳақда Қуръони Каримда «Кимки одам ўлдирмаган, ўлдиришга лойиқ ишларни қилмаган шахсни ўлдирса, у Ёр юзидағи жамики одамларни ўлдиргандекдур», дейилади.

Инсон ҳамиша яхшиликка муҳтож. Яхши кунлар орзуси билан она юрти ва фарзандининг истиқболини кутиб яшайди. Унга фақат меҳнат билан, бир-бирига меҳр-шафқат, саховат, қийналгандарга мадад, камбағаллар ва муҳтожларга ёрдам, хайр-эҳсон, меҳрмурувват кўрсатиш билангина етиш мумкин.

Инсон фақат ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб, ўзгаларга нисбатан лоқайд ёки ўзгалар манфаатини

менсимайдиган кишиларни қаттиқ қоралайды. Масалан, Қуръони карим «Нисо» сурасининг 36—37-оятларида бундай дейилади: «...Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруг, етим ва мискинларга, қариндош, құшни ва бегона құшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йүловчи мусофирға ва құлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз»¹.

«Аллоҳ таоло, — дейилади Қуръонда, — фақат үзини билувчи, кибру ҳаволи кишиларни ёмон құради».

Афсуски, бундайлар орамизда йўқ эмас. Шундайлар бўлмаганида эди, кексайиб қолган ота-онасини қариялар уйига ташлаб келадиган, ўзларининг айшишратлари оқибатида мажруҳ түғилган болаларни маҳсус етимхоналарга ташлаб кетадиганлар бўлмас эди.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этишлар учриб кетмас эди. Ҳаром йўллар билан топган пуллари эвазига ҳашаматли кошоналар, ҳаттоқи масжидлар қуриш пойгаси бошланмаган бўлур эди.

Бундайлар шунинг учун борки, улар руҳий бойликлардан маҳрумдирлар, улар руҳий тарбия курмаганлар. Буларнинг барчаси худбинликнинг оғир асорати бўлиб, маънавий қашшоқлик, руҳий нопокликнинг натижасидир.

Қон тўкишнинг, жабр-зулмнинг оғир гуноҳ эканлигини, унинг номи ҳамиша лаънатланишини унутмаслигимиз керак. Ислом ана шунга даъват этади. Зеро, Ислом тинчлик динидир. Бу «салом», яъни «тинчлик» ва «хотиржамлик» деган тушунча моҳиятидаги мақсад муддаода акс этган. Ислом — инсонлар зиммасига Ер юзида эзгулик ила яшаш ва яратиш вазифасини юклайди.

Тинчлик ва осудаликни ўрнатишнинг омилларидан бири сифатида Ислом одамлар ўртасидаги адолатни сақлаш зарурлигини уқтиради.

Эзгулик қилиш, Ислом таълимотига кўра, инсон ҳаётидаги энг олий мартабадир.

Ислом инсонлар меҳр-шафқатини болалардан, хусусан, етим-есирлардан дариф тутмайди.

Қуръони каримда, Ҳадиси шарифда етимларга ғамхўрлик кўрсатиш мусулмонларга хос савоб эканлиги кўп тақрорланади.

Ислом етим-есирларни оталиққа олишни буюра-

¹ Қуръони карим. «Чўлпон». 1992. 59-бет.

ди: — «Кимки уч етимни тарбия қылса, рўза тутган ва туни билан ибодат қилганинг савобини олади»;

— «Қайси хонадонда етимнинг боши силанар экан, у хонадонга Яратганинг раҳматлари тайёрдир».

«Адаб дурдоналари» асарида бундай дейилган: «Кишилар ўз қўшнисини, ака-укаларини ва ҳатто отасини ўлдирадиган вақт келмагунча қиёмат қойим булмайди»¹.

Нафақат диндорлик, балки маърифий, умуминсоний жиҳатдан фикр-мулоҳаза қилинса ҳам, қиёмат худо томонидан эмас, балки одамларнинг ўзлари томонидан содир этилиши маълум бўлади. Тўғри, кундалик ҳаётда ўз қўшнисини, энг яқин қариндошларини, ҳатто ўз ота-онасини ўлдираётганлар онда-сонда бўлса-да бор. Бу ўша қотилликни содир этган кишиларда руҳий тарбиянинг йўқлиги натижасидир. Ҳар бир мўмин ўз кўнглига дин кўрсатмаларини жо этса, шубҳасиз, уларда қотилликка мойиллик ҳиссиеtlари бутунлай йўқ булиб кетади. Ислом инсонларни ана шунга даъват этади. Айни пайтда исломдаги қиёмат қойим ҳақидаги таълимот инсонларни тушкунликка, умидсизликка туширмайди. Аксинча, Ислом инсоннинг келажакка бўлган умидини ҳамиша қаноатлантиради.

Хусусан, Расулуллоҳ бундай деган эканлар: «Бирортангиз экиш учун қулингизда бир кўчатни ушлаб турган вақтингизда қиёмат қойим бўлиб қолса-ю, қиёмат қойим бўлишидан илгарироқ уни экиб олишга кўзингиз етса, албатта экиб қўйинг»².

12. ИСЛОМ – МАЪРИФАТ ДЕМАКДИР

Қуръони каримнинг «Алақ» сурасида бундай дейилади: «Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни — хатни) ўргаттан... У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди»³.

Агар чуқур мулоҳаза юритилса, бу ўринда маърифат ҳақида гап боради. Модомики, Аллоҳ инсонга қалам билан таълим берар экан, демак, кўр кузлар, гаранг қулоқлар, яralанган диллар маърифат орқалигина баҳра топади. Ахир, бутун Ислом эътиқоди ўзининг мазмун-эътибори билан инсон маънавий

¹ Имом ал-Бухорий. Адаб дурдоналари. Т., 1990. 184-бет.

² Ўша жойда, 140-бет.

³ Қуръони карим. «Алақ» сураси. Т., 1992. 513-бет.

камолотига даъват этилган эмасми? Инсоният ўзининг болалик давридан тараққиётигача босиб утган йўлида ҳамиша ва тинимсиз маънавий озуқа излади.

Тұғри, Исломни мутаассиблаштиришга уринганлар бўлган. Бироқ, бу ҳол Исломнинг маърифатпарварлигига соя сола олмайди.

Ҳадиси шарифда бундай дейилади: «Аллоҳ таоло учун динларнинг қайси бири севимлироқ?» Расулуллоҳ: «Яхшилик томонга юзланган ва инсон учун енгил бўлган диндир», дедилар. «Кишиларга дилдаги оғир, мashaққатли амалларни эмас, енгил ва осонларини буюринг, уларни хотиржам қилинг, оғир амалларни буюриб диндан қўрқитиб, чўчтиб юборманг»¹.

Ислом динининг жозибадорлиги ҳам ана шунда бўлса ажаб эмас.

Ислом оналик ва болаликни муҳофаза этувчи, соғлом авлод учун курашувчи диндир.

«Биз инсонни она ва отасига яхшилик қилишга ҳукм қилдик. Онаси уни қорнида қийинчилик билан кутариб юради ва қийинчилик ила тугади. Ва уни кўтармоқ ва сутдан чиқармоқ муддатининг ози 30 ой бўлади».

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг соғлом авлод борасида юритаётган сиёсати Исломнинг оналик ва болаликни муҳофаза этиш ҳақидаги кўрсатмаларига ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги биринчи булиб таъсис этган ордени бу — «Соғлом авлод учун» ордени бўлганлиги фикримизнинг далилидир. «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ташкил этилди. «Соғлом авлод учун» журнали чоп этилмоқда.

Маълумки, бугунги кунда бутун инсониятнинг муаммосига айланган муаммо — бу экология муаммосидир.

Ислом табиат муҳофазасига эътибор берувчи дин ҳам эканлиги бугун ҳаммага аён. Ислом таълимоти вужудга келган дастлабки даврдаёқ айрим ҳайвонларни, қушларни овлаш ман этилган, дараҳтлар ва ўт-ўланларга қарашиб ҳамда парвариш этиш тарғиб қилинган.

Шундай қилиб, Ислом дини ўзининг ҳар бир инсонга яқинлиги, таъсирчанлиги ва тущунарлиги би-

¹ Имом ал-Бухорий. Адаб дурдоналари. Т., 1990, 138-бет.

лан ҳамиша ҳурматда. Үнга оддий инсонлар ва буюк арбоблар, алломалар ишонадилар, эътиқод қиласидилар ва ҳурмат билан қарайдилар.

13. ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ ҲАҚИДА

«...Аниқ-равшанки, жаҳон жамоатчилиги... диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётгани, баъзан эса ҳатто ҳавфсираётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Афсуски, ҳозирги замон тарихида ана шу ута кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва ҳавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсониятни чўчишти¹.

Маълумки, Исломни замонавийлаштириш жараёни узоқ вақтдан бери давом этиб келмоқда. Айни пайтда бу жараёнга қарши Исломни дастлабки кўринишда сақлаб қолиш, яъни уни фундаментал асосига қайтариш жараёни ҳам вужудга келган.

Хўш, Ислом фундаментализми нима? Ислом фундаментализми соф ислом асосларига қайтиш, анъанавий ислом ақидаларига риоя қилиш деганидир. Бир қараганда, бу ижобий ҳодисага уҳшайди. Бирок, ҳаётда бунинг акси юз бермоқда. Бунга кейинги йилларда у ёки бу мусулмон давлатларида ҳаракат қилаётган айрим сиёсий кучларнинг, хусусан, ислом партияларининг Исломга сиёсий тус бериб ислом асосларига, қонун-қоидаларига, ақидаларга суянадиган давлат қуришга ҳамда жамиятнинг бутун ҳаётини соф ислом ақидалари асосида қайта қуришга уринишлари сабаб бўлмоқда. Бу мақсадни амалга ошириш йулидаги кескин ҳаракатлар, куч ишлатишлар эса жиддий қарама-қаршиликларни келтириб чиқармоқда. Улар Исломни тобора сиёсийлаштирумокдалар, сиёсат қуролига айлантирумокдалар.

Шу маънода, тарихга мурожаат этиш фойдадан холи бўлмайди. Маълумки, XX аср миллий-озодлик ҳаракат даври бўлди. Бу ҳаракат натижасида дунё им-

¹ Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бўсагасида. Т., 1997. 34-бет.

периялари емирилди ва миллий давлатлар ташкил топди. Шулардан бири Мисрдир.

Инглиз мустамлакачиларига қарши миллий-озодлик кураши олиб борган барча ижтимоий табақаларга мансуб кучлар кучли мафкурага эҳтиёж сезар эдилар. Шу сабабли ислом фундаментализми асосида Мисрда биринчилардан бўлиб «Ал-ихон ал-муслимийн» (Мусулмонлар биродарлиги) деган ҳаракат вужудга келди. У халқ оммаси, айниқса, ёшлар орасида ислом фундаментализмини кенг ташқивот қилди. 1928 йилда илк маротаба «Мусулмонлар биродарлиги» ўз ташкилотини тузади. «Ислом дини йўлида жонимни ҳам аямайман», — деб қасам ичтандаргина ташкилотга қабул қилинар эди. Ташкилотда темир интизом ўрнатилди. «Аллоҳ — бизнинг улгимиз, Пайгамбар — йулбошчимиз, жиҳод — мақсадга эришиш воситаси, Аллоҳ йўлида ўлиш муқаддас тилагимиз» — ташкилотнинг шиори эди. Икки қиличнинг кесишган жойида Куръони карим тасвири → уларнинг рамзи эди. Шиор ва рамзнинг маъноси «Бизнинг услубимиз насиҳат ва кенгаш, агарда бу ҳам ёрдам бермаса — куч ишлатишдир» дегани эди¹.

«Мусулмонлар биродарлиги» таълимотининг асосий гояси — мусулмонлар бирлиги, тараққиётнинг исломий йўли ва ислом демократияси эди.

1952 йилда Мисрда Жамол Абдул Носир раҳбарлигидаги «Озод офицерлар» ташкилоти ҳокимият тенпасига келади. Носирнинг ўзи ҳам миллий-озодлик курашида асосан динга энг кўп мурожаат қилган арбоблардан бири эди. Унинг тарафдорлари ва «Мусулмонлар биродарлиги» ўртасида дастлаб илиқ муносабатлар ўрнатилди. Лекин, бу нарса узоқча чўзилмади. «Мусулмонлар биродарлиги» ташкилотининг янги раҳбари Ал-Худайбий Жамол Носирдан ислом фундаментализми тезда ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда Мисрда ислом давлати бўлиши кераклиги масаласида референдум ўтказишни талаб қилди. Носир, табиийки, бу талабни бажармайди. Оқибатда, 1954 йилда «Мусулмонлар биродарлиги» мамлакат раҳбарига қарши суиқасд уюштиради. Пировардида ташкилотнинг кўплаб аъзолари ҳисбсга олинди ва суиқасд ташкилотчилари осиб ўлдирилди. Ташкилот фаолияти тақиқланди. Ташкилот обдон яширин ишлашга ўтди ва

¹ Шайхов А. Ислом ва хорижий Шарқ. Т., 1992. 87—88-бетлар.

энди очиқдан-очиқ қурол кучи билан ҳокимиятни әгаллаб олиш йўлини тутди.

Президент Анвар Саодат ҳокимият тепасига келгач (1970), унинг сиёсатида динга, шунинг баробарида «Мусулмонлар биродарлиги» ташкилотига нисбатан ўзгариш юз берди. 1971 йилда Миср конституциясига кўра Ислом давлат дини деб эълон қилинди. Шариат қонунчиликнинг асосий манбаи деб белгиланди. 1978 йилда шариатга зид иш олиб борувчи мансабдор шахсларнинг олий давлат органларида ишлаши ман этилди, 1980 йилда эса ислом қадриятларига тош ота-диганларни жазолаш тўғрисида қонун кучга кирди. Бироқ, бу билан «Мусулмонлар биродарлиги» ташкилотининг ҳаракатини сусайтириб бўлмади. Анвар Саодат мамлакатда «очиқ эшиклар» сиёсатини юритганлиги туфайли зиддиятлар янада кучайди. Хусусан, бу сиёсат оқибатида давлат аппаратининг барча погоналарида пораҳурлик авж олди. Масалан, Мисрнинг ташқи қарзи 1971 йилдаги 1,7 миллиард доллардан 1981 йилда 20 миллиард долларга етди. Ишсизлар сони ишга яроқли аҳолининг 12 фоизини ташкил этди; жамиятда табақаланиш кучайди. Жумладан 5 фоиз энг бадавлат табақага ялпи миллий даромаднинг 22 фоизи тўғри келар эди¹. Истроил билан муносабатларни яхшилашга уринишлар кескин норозиликларга сабаб бўлди.

«Мусулмонлар биродарлиги» ташкилоти ҳақиқий ислом жамиятини тиклаш билангина бундай инқироздан чиқиш мумкин, деб тарғиб қилди. Тарғибот тарафдорлари шитоб билан ортиб борди. Натижада Анвар Саодат «Динда сиёсат, сиёсатда эса дин бўлмайди», дейишга мажбур бўлди².

1981 йил октябрь ойида Президент Анвар Саодат отиб ўлдирилди. Миср Араб Республикасининг ҳозирги Президенти Ҳусни Муборак бошчиллик ҳукумат эса «Мусулмонлар биродарлиги» ташкилотига нисбатан мувозанатли ва босик ўйл тутди. Ҳозир ҳам бу ташкилот мамлакатда катта таъсирга эга.

1960-йилларнинг урталарида Жазоирда «Ислом биродарлари» ҳаракати щакланди ва ташкилоти тузилди. Бу ташкилот ҳукмрон партия — Миллий озодлик фронти сиёсатига очиқдан-очиқ қарши чиқа бошлади.

¹ Азимов А. Ислом ва ҳозирғи замон. Т., 1991. 86-бет.

² Уша жойда, 89-бет.

Ташкилот катта таъсирга эга булиб борди. Бунга эса хукумат сиёсатидаги хатолар оқибатида ижтимоий мұаммоларнинг кескинлашғанлиги сабаб бўлди. Эндиликда улар мамлакатда ҳаётнинг барча жиҳатлари шариат нормалари асосида булишини, илк исломий қарашларни тиклашни талаб эта бошладилар. 1982—83 йилларда улар Жазоир конституциясига қарши баёнот бердилар. «Ислом биродарлари» сайловда ғалаба қозонгач, уларнинг ҳокимиятни эгаллашига йўл қўйилмади. «Ислом биродарлари»нинг фаолияти тақиқланди. Ташкилот гурӯҳлари террорчилик ҳаракатини кенг миқёсда бошлаб юборди. 100 мингта яқин аҳоли бу ҳаракат қурбони бўлди ва ҳозир ҳам бу қонли ҳаракат давом эттирилмоқда.

Совет ҳокимияти йиларида бошқа ҳалқлар қатори Тожикистон ҳалқи ҳам диний маънавиятдан четлашиб қўйилган эди. Қайта қуриш жамиятни диний тақиқлардан ҳолос қилганидан кейин оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, телевидение шуҳрат қозониш учун ўзаро мусобақалашиб ўтмишнинг диний ҳазинасидан шу қадар кўп материаллар чоп этдилар ва кўрсатувлар уюштирилдиларки, бундай ёndoшув ҳатто мусулмон мамлакатларда ҳам учратилмаган эди. Кишилар уларни зўр иштиёқ билан уқиб-ургана бошладилар. Диний адабиётлар чоп этилиши салбий ҳодиса эмас эди, албатта. Бироқ, бу иш шу даражага етган эдик, натижада у дунёвий адабиётни четга суриб чиқарди.

Динга фанатикларча сифиниш бошланди. Устигаустак аҳоли кенг қатлами орасида қайта қуриш сиёсатининг ҳалқ турмуш даражасини кескин пасайтириши одамларда расмий доираларга ишонмаслик кайфиятини кучайтирги. Ҳали 1976 йилда тузилган ва яширин фаолият олиб бораётган Тожикистон Ислом уйғониш партияси бу вазиятдан усталик билан фойдаланди. Партия ислом фундаментализмини зўр бериб ташвиқот қила бошлади. Ёш демократик ҳаракат сиёсий ақидапарастликнинг гаровбанди булиб қолди.

Бинобарин, Тожикистон Ислом уйғониш партияси дастлаб гўе «сояда» тургандек эди. У ўзининг дунёвий филиаллари — Демократик партия ва «Растоҳез» ҳалқ ҳаракатини майдонга чиқарди. Жаҳон ислом ақидапарастлари республиканинг алоҳида геосиёсий мақомини ҳисобга олиб, кейинчалик ўз ақидаларини

Марказий Осиё мамлакатлариға ёйиш учун уни плацдарм тариқасида таңлаган эдилар¹.

Ислом партияси қанчалик уринмасин сайловда ғалаба қозона олмади. Улар 75 йилдан күпроқ давр мобайнида кишилар диний онгидатта катта үзгаришлар бўлганлиги фактини инобатта олмаган эдилар. Ҳам парламент, ҳам президентлик сайловларида мағлубиятга учраган Ислом партияси ва Қозиёт зўравонлик ва ҳокимиятни бевосита қурол ёрдамида қўлга киритишга утдилар.

Улар ислом тартиботини ўрнатиш учун беҳуда истаклари йўлида ўн минглаб одамларни фуқаролар уруши домига тортдилар. Партия аъзолари шу даражада мудҳиш ишларга қўл урдиларки, ҳатто үзларига эргашмаган ватандошларига (мўмин-мусулмонларга) нисбатан «кофир», яъни дин хоинлари деган ҳақоратли сўзни қўллай бошладилар. Бу эса Қуръони карим қоидаларига зид иш эди. Ҳатто ўз йўлларига кирмаган мусулмонларга жаноза ўқимасликдек шаккокона йул тутдилар. Охир-оқибатда Тожикистонда фуқаролар уруши юз берди. Бир неча ўн минглаб бегуноҳ фуқаролар ҳалок бўлди.

Ҳаётний тажриба шуни кўрсатмоқдаки, фундаментализм вужудга келган мусулмон давлатларида асосан сиёсий мақсад, яъни давлатнинг мавжуд тузумини үзгартириш, мавжуд тартиботларга қарши кураш мақсади кўзланмоқда. Бунга дунёнинг қатор давлатларида ижтимоий адолат тамойилларининг бузилаётганлиги, ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши, ҳал этилмаган ҳаётний эҳтиёж муаммоларнинг тобора чукурлашиб бораётганлиги, шунингдек, жамиятда рўй бераётган маънавий инқироз сабаб бўлмоқда.

Ислом фундаменталистларининг фикрича, диний арбоблар давлатни бошқаришлари, сиёсат билан шугулланишлари лозим.

Шу мақсадга эришиш йўлида улар куч ишлатиш, қон тўкиш, ҳатто қуролли курашлар йўлинни таңлаганлар. Ислом фундаментализми бугунги кунда асосан экстремизм, фанатизм ҳамда террорчилик шаклида рўй бермоқдаки, бу ҳол жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмоқда.

«Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўриниш-

¹ Раҳмонов И. «Халқ иродасига суюниб». «Халқ сўзи» газетаси, 1993 йил 18—19 март сонлари.

лари, — деб таъкидлайди И.А. Каримов, — авваламбор ўз динининг ҳақиқатлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда булишдан иборатдир... Айнан фанатизм иялатига йўлиқкан одамлар ёки уларнинг гурухлари жамиятда бекарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир буладилар.

Ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни факт ўзи билишита ишонч ҳисси сўнгти чораларга — зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо булишига замин яратади»¹.

Хуш, ислом фундаментализмининг Ўзбекистон учун таҳди迪 борми? Агар булса, улар нималарда намоён бўлмоқда?

Президент И.А. Каримов номи юқорида қайд этилган китобида бундай таҳдиднинг борлигини ва унинг қуйидаги кўринишиларда намоён бўлаётганлигини қайд этган:

— Ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришга уринищда кўринмоқда; барқарорликни, миллий, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузиш йўлидаги уринишиларда намоён бўлмоқда.

— Фундаменталистларга кўр-кўронга эргашувчиларнинг ўзгалар иродаси қули бўлиб қолаётганлиги кўринишида намоён бўлмоқда.

— «Ҳақиқий» ва «сохта» диндорлик белгилари буйича қарама-қаршилик келтириб чиқаришда кўринмоқда.

— Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидағи қўшни давлатларда фуқаролар уруши давом этаетганида намоён бўлмоқда.

— Мусулмон ва мусулмон бўлмаган мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутадиган фикр тугдиришга уринишиларида намоён бўлмоқда.

— Ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида ялпи қарама-қаршиликни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнларига гоят салбий таъсир кўрсатмоқда.

— Омманинг онгода дин барча иқтисодий, сиёсий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида. Т., 1997. 37—38-бетлар.

ва халқаро муаммоларни ҳамда зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда¹.

Ўзбекистон раҳбарияти ислом фундаментализмнинг давлатимизга солаётган бундай таҳдидига бефарқ қараб тура олмайди, албатта.

Исломдан ўзларининг асл мақсадларини, яъни давлат ҳокимиятини қўлга киритиш мақсадларини руёбга чиқариш йўлидаги ҳар қандай гайриқонуний ҳаракат тинчлик дини бўлган чин ислом тамойилларига зиддир.

Юртбошимизнинг мазкур мақола аввалида келтирилган сўзлари Ўзбекистон давлати ва жамиятига мансуб барча фуқароларни, шу жумладан мусулмонларни ҳам инсоний ва маърифий огоҳликка даъват этади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т., 1997, 45—47-бетлар

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТ

1. Құръони карим. Т. 1992 йил.
2. Инжил. Стокгольм. 1993 йил.
3. Таврот ва Инжил. Алмати. 1993 йил.
4. Инжил. Алмати. 1993 йил.
5. *Абу Иса Термизий*. Саҳиҳи Термизий. Т. 1993 йил.
6. *Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий*. Ҳадис (1-4 жиллар), Т. 1991—97 йиллар.
7. *Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий*. Адаб дурданалари. Т. 1990 йил.
8. *Каримов И.А.* Истиқдол ва маънавият. Т. 1994 йил.
9. *Каримов И.А.* Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т. 1995 йил.
10. *Каримов И.А.* Узбекистон XXI аср бўсағасида. Т. 1997 йил.
11. *Абулмуҳсин ибн Мұхаммад Али*. Баҳоуддин Балогардон. Т. 1993 йил.
12. *Азимов А.* Ислом ва ҳозирги замон. Т. 1991 йил.
13. *Асқаров А.* Узбекистон тарихи. Т. 1995 йил.
14. *Бертельс Е.* Нажмиддин Кубро. «Мулоқот». 1995. 3-4 сонлар.
15. *Бобохонов Ш.* Мусулмонлик асослари. Т. 1993 йил.
16. Буюк сиймолар, алломалар. Т. 1993 йил.
17. *Бухорий С.С.* Дилда ёр. Т. 1993 йил.
18. *Бухорий С.С.* Табаррук зиёратгоҳлар. Т. 1993 йил.
19. *Валихужаев Б.* Ҳожа Аҳрор: уйдирма ва ҳақиқат. «Мулоқот», 1991, 3—4-сонлар.
20. *Валихужаев Б.* Ҳожа Аҳрор тарихи. Т. 1993.
21. Диншунослик асослари. Т. 1995.
22. Диний тақвим. Т. 1992 йил.
23. *Жабборов И.* Узбек халқи этнографияси. Т. 1994 йил.
24. *Жуззоний А. Ш.* Тасаввуф таълимотининг илдизлари. «Мулоқот». 1995. 1-4 сонлар.
25. Ислом ва хорижий Шарқ. Т. 1993 йил.
26. *Каримов Ш., Шамсутдинов Р.* Ватан тарихи. 1-китоб. Андижон. 1995 йил.
27. Католицизм. М. 1991 йил.
28. *Кошифий Ҳ. В.* Футувватномаи Султоний Т. 1994 йил.
29. *Комилов Н.* Нажмиддин Кубро. Т. 1995 йил.
30. *Комилов Н.* Тасаввуф. 1-китоб. Т. 1996 йил.
31. *Кунрапа З.* Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара. 1-китоб. Т. 1995 йил.
32. *Кунрапа З.* Алвидо, дуне! Ассалом, охират! 3-китоб. Т. 1996 йил.
33. *Мансур А., Шокир Б.* Ӯсулмонлиқдан илк сабоклар. Т. 1992 йил.
34. Мұхаммад пайғамбар тарихи. Т. 1993 йил.
35. Мұхтасар. Т. 1994 йил.
36. Мусулмоннома. Т. 1992 йил.
37. *Насафий (Е.В. Березиков)*. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. Т. 1993 йил.
38. *Осипов А.И., Шапов Я.Н.* Православие. ПИП. 1991 год, № 6.
39. Рұза ва ҳайит намозлари. Т. 1991 йил.

40. *Рабгузий Н. Б.* Қисаси Рабгузий. (1-2 китоблар). Т. 1990—1991 йиллар.
41. *Сайджонов Й.С.* Дунё динлари тұғрисида баъзи маълумотлар. Т. 1994 йил.
42. *Сайджонов Й.С.* Инсон зийннати. Т. 1996 йил.
43. *Сидоров А.И.* Христианство. ПИП. 1990 год. № 5.
44. *Токарев С.А.* Религия в истории народов мира. М. 1965 г.
45. *Усмон Ориф.* Баҳоуддин Нақшбанд. «Мулоқот». 1991 йил. № 2.
46. *Хулафой Рошидин.* Ислом тарихидан тұрт лавҳа. Т. 1992 йил.
47. *Шайх Нажмиддин Кубро.* Т., 1995 йил.
48. *Шоший А. Ҳажнома.* Т. 1991 йил.
49. *Шоший А.* Ислом ақидаси. Т. 1992 йил.
50. *Шоший А.* Ислом арқонлари. Т. 1993 йил.
51. *Шайх Абдулҳамид Содиқ ул-Обидий.* Ҳаж ва Умранинг йүл-йүриқлари. Т. 1993 йил.
52. *Шайх Зоҳидов Қодир Отакон угли.* Пайгамбар қиссаси. Т. 1993 йил.
53. *Шокиров Ю.* Ислом шариати асослари. Т. 1992 йил.
54. *Ўзтурк X.* Ислом асослари. Т. 1992 йил.
55. Узбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. Т. 1992 йил.
56. Узбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т. 1996 йил.
57. Узбек тилининг изоҳли лугати. 1-2 жилд.
58. Яссавий ким эди? Т. 1994 йил.
59. *Аҳмад Яссавий.* Девони ҳикмат. Т. 1992 йил.
60. *Ҳасанов А.* Макка ва Мадина тарихи. Т. 1992 йил.
61. Ҳавойижи диния. Т. 1993 йил.

МУНДАРИЖА

Суз боши	3
I б о б. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИН	
1. «Дунё динлари тарихи» курсининг асосий мақсад ва вазифалари	4
2. Виждон эркинлиги тушунчасининг мазмуни, унинг моҳияти, ўтмишда виждон эркинлигини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар	5
3. Узбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ти янги Қонунининг қабул қилиниши	7
4. Узбекистонда динга ва диний ташкилотларга муносабатнинг узгариши	11
II б о б. ИЛК ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ	
1. Дин нима?	19
2. Диннинг ижтимоий, гносологоик ва психологик илдизлари	21
3. Илк диний тасаввурларнинг пайдо булиши	22
III б о б. ИБТИДОИЙ ДАВРДА ПАЙДО БЎЛГАН ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛАРИ	
1. Тотемизм	26
2. Анимизм	28
3. Фетишизм	30
4. Шомонизм	32
5. Сеҳргарлик (магия)	35
IV б о б. ХАЛҚ-МИЛЛИЙ ДИНЛАРИ	
1. Хиндуийлик	41
2. Жайнизм ва сикхизм	44
3. Даосизм	47
4. Конфуцийчилик	50
5. Синтоизм	54
6. Иудаизм	58
7. Зардустийлик	65
7.1. Зардустийлик динининг пайдо булиши	65
7.2. «Авесто» — Зардустийлик динининг муқаддас китоби	67
7.3. Зардустийлик таълимоти	69
V б о б. ЖАҲОН ДИНЛАРИ: БУДДАВИЙЛИК ДИНИ ТАРИХИДАН	
1. Жаҳон динлари ҳақида	73
2. Буддавийликнинг пайдо булиши	75
3. Буддавийлик таълимоти ва унинг тарқалиши	76

VI б о б. ХРИСТИАНЛИК ДИНИ ТАРИХИДАН

1. Христианликнинг пайдо булиши, унинг Рим империясида ҳукмрон динга айланиши	82
2. Христианлик таълимоти	83
3. «Библия» — христианликнинг муқаддас китоби	85
4. Христианликнинг асосчиси Исо пайгамбар (Иисус Христос) ҳақида	86
5. Христианликнинг булинниб кетиши	87
6. Католицизм: унинг пайдо булиши, диний таълимоти ва маросимлари	88
7. Ватикан — дунё католицизм черковларининг маркази	92
8. Православие: унинг таълимоти, байрамлари ва маросимлари	93
9. Протестантизм	102
a) Реформация ҳаракати ва протестантизмнинг вужудга келиши	102
б) Протестанизм таълимоти ва маросимларидағи асосий фарқлар	104

VII б о б. ИСЛОМ ДИНИ ТАРИХИДАН

1. Ислом динининг пайдо булиши ва унинг жаҳон динига айланиши	106
2. Ислом дини таълимоти, унинг таркиби, маросим ва байрамлари	110
3. Қуръони карим тарихидан	117
4. Қуръони карим вужудга келишининг диний талқини	120
5. Пайгамбар Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ҳақида	122
6. Ҳадислар: тулланиши ва тартибга солиниши	129
7. Ватандошларимиз — мұхаддис алломалар	131
Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий	131
Абу Исо Мұхаммад ибн Исо ат-Термизий	136
8. Шариат — мусулмон қонунлари мажмусаси	139
9. Ислом динидаги асосий оқимлар (мазҳаблар)	140
10. Марказий Осиёда тасаввуф ва тариқат	143
1. Ҳожа Аҳмад Яссавий ва Яссавия тариқати	146
2. Шайх Нажмиддин Кубро ва Кубровия тариқати	151
3. Сайыйид Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандия тариқати	154
4. Ҳожа Аҳрор Валий	157
11. Ислом ва умуминсоний қадриятлар	159
12. Ислом — маърифат демактир	162
13. Ислом фундаментализми ҳақида	164
Фойдаланилган адабиёт	171

КУТУБХОНА ФОНДИ

ЖУРАЕВ УСМОН ТОШПУЛАТОВИЧ,
САИДЖОНОВ ЙУЛДОШ САЪДУЛЛАЕВИЧ

ДУНЁ ДИНЛАРИ ТАРИХИ

Ўқув қўлланма

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент — 1998 йил

Муҳаррир: *Б. А. Эшпулатов*

Мусаввир: *Н. Ҳакимов*

Бадиий муҳаррир: *Ф. Башарова*

Техникавий муҳаррир: *Л. Хижова*

Теришга 29.09.97 да берилди. Чоп этишта 23.01.98 да рухсат берилди.
Бичими $84 \times 108^1/_{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоги 9,24. Нашриёт-хисоб табоги 9,03. Адади 100.000 дона. Баҳоси
шартномада келишилган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41.

